

Б. С. МУСАЕВ

# А Г Р О К И М Ё

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
базарлиги Аграр университети, қышилоқ хўжалиги  
институтлари талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этган.

«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2001

## КИРИШ

Дарсанызда ұзындығарнанғы кімдің тәрбия ба оқыданушы, республикалық түрлөрде атқарылған атқарылыштың хоссалары, үйлесір, үзар-  
нанғы тұрағары, ойнаныш, күләнниш, ассоциация, кишлоқ ұжынык  
екиппаратын зерттей күтімнін шытада чыкып, атқарылыштың тал-  
қынот усердилари ва атқарылыштың экологиялық мұнамолары бейн этилді.

Дарсаның алар уннан күтімнін атқарылыштың күйдегінен күтімнін атқарылыштың  
хамда университетикалық проспекте, кишлоқ ұжынын институттары  
дегі талабаларды үзүн мәдделелдіктан.

Мұнамолардың күләмдегі болын танишып, үз фикер мұ-  
лохадарлардың бапшырылғанында да оның танынғанынниң билдирилген.

**ТАҚРИЗІЛДЕР:**

А. Э. ӘРДАШЕВ, биология фанаты, доктори, профессор  
профессор Л. А. ЕФФУРОВА, кишлоқ ұжынык фанаты  
доктори С. К. КОЖАМЕТОВ

1-жадеял.

### ҰГЫТЛАР — ХОСИЛДОРНИКИҢ ОПЕРИШІМДЕН

Декончылуккиң кімділшітишіш — әкіншар ҳоси-  
лорділінни оширишининг мұхым воскітасы, кишлоқ ұжы-  
нын ишшаб чыкаршылыштың жаһалаштырышинштің икисі-  
дің жаһадан зерттей самаралы жүйеліштер.

Жаһон деңгөнінде тажрібасыннан күрсатыла, әкіншар ҳоси-  
лорділір өзіндеңдердің түшректа кириллалыған үйт-  
тар міндерін билан үзүйін болғандыр (1-жадеял).

**РЕДИАЛДАРДАН ҰГЫТ МЕДЕРІ ҰРДАСЫЛЫ МУНОСАБАТ**  
(Т. К. Сланда на б., 1998)

Давлат	Кириллдан ұғыт мәсіндері, (NPK), кг/га	Рауза ҳоси- лор, ц/га
Нидерландия	588,9	76,2
Күркін	465,6	55,0
Япония	395,1	43,4
Миср Араб Республикасы	347,7	56,1
Англия	320,7	61,2
Хітой	307,0	42,6
Італія	165,8	45,6
Бангладеш	110,6	24,1
Хіндустан	75,2	17,2

Масалан, 1976—1985 ылдар давомында дүнән мінёс-  
ла япты дөн ҳосиши 31,9, ҳосильтардың 29,7%ға оши,

тектардан үртага 25,3, ии ташкин қытған.

ҰГЫТЛАРДАН САМАРАЛЫ ФОЙДАЛАНЫШ ҲОСИБАДА  
дә 1982 ында күзін бүгелдей рекорд ҳосиши (156,5 ц/га)  
олынған. Германия фермерлер үзүншілік күйдегінен  
таптаған. Ҳозирттың үртага ҳосильтардан бирледе 72 да-  
майлончынан үртага ҳосильтардан бирледе 72 да-

ган Эң ююри хосил мөс равиша 222,0 ва 145,0  $\mu\text{г/га}$  дар. Үйнләр самардорлыгы олалда экинләрдән олинадын ган күшмәк хосил мөктори билән белгиләнди. Республиканың амалта оширилган түмәннән шарттарыннан мальумотлар асосынан 1-йилдән 14 минерал үйнләт хособига күйдәтән мөктория күшмәк хосил олни мүмкин:

2-жадвал.

**Күшмәк хүбзаның минерал үйнләр хособига олинадын күшмәк хосил,  $\mu\text{г/га}$**

(М. П. Петухов ва б. 1979)

Экин түри	Күшмәк хосил, $\mu\text{г/га}$	Экин түри	Күшмәк хосил, $\mu\text{г/га}$
Дон	1—1,3 0,6—0,8	Мед-чевя Кандалакшы	1,7—2,0 6,5—7,0
Пахта (ком ашё)	5—7,5	Узум	3,0—3,2
Картошка	10—12	Хапаки ислоз мөхәммәтири	6—8
Сабавот ва по- лиз			

Республикамизнинг сурорициаган майдонларда үйнләр самардорлыгы якъоң күзгә ташланады. 1932 йилда пакта хосилордупли 7—8  $\mu\text{г/га}$  дан ошыраган булса, хөзяйстуның тектерига 11—12 үйнел үйнләр ишләтиштән хиссебига бу күрсәткүч 25—28  $\mu\text{г/га}$  ни ташкил этады (3-жадвал).

3-жадвал.

**Ўзбекистонда минерал үйнләрдән фойдаланыш күрсәткүчләре**  
(Республика тобең-күдәтшүү агрокөй станицасы, 1998)

Рынок	Пластика $\mu\text{г/га}$	Азотлы үйнелер	Фосфорлы үйнелер	Калийлы үйнелар
	жами, $\mu\text{г/га}$	жами, $\mu\text{г/га}$	жами, $\mu\text{г/га}$	жами, $\mu\text{г/га}$
1985	27,0	680,1	242,0	300,0
1988	27,0	743,4	247,0	442,3
1992	24,8	580,3	233,0	329,1
1997	22,6	661,8	234,0	192,7

1985	680,1	242,0	300,0	101,0	185,1	69,0
1988	743,4	247,0	442,3	132,0	220,2	73,0
1992	580,3	233,0	329,1	121,0	109,5	50,0
1997	661,8	234,0	192,7	71,0	95,7	42,0

Экинләрдан олинадын хосилнинг карниб яроми баъзи холларда 60—70% и) минерал үйнләт хособига олналини. Аксарият эквилада үйнләт хосил билан боргли 1 гүзиктк сарф-харажат 2—3 сим буйлоб хосил билан ташланы, бузани үйнитлаша эса бу күрсәткүч 8—9 симни ташланы дастан. Үйнләрдан олинадын икисидий самара тупроқ-икдим шароитлар, үйнләрдән мөкбери, муддати ва юксек агротехника тадбирлари асосида үйләш билан узбекий боргли.

1980 йилда дунё бүйнча 111,7 млн. т минерал үйтт ишлатилган булса, XXI асрнин бошшарига келип, халқ-аро аракеттим таҳзими институт (NASA) хисоби бүйнча 287 млн т, БМТ кошидаги Саноат гараккүёти ташкилоти (UNIDO) майлумоти бүйнча 307 млн. т минерал үйтт тайберларда 2015—2020 йилларга келиб бу күрсәткүч 2—3 марта ошашы. Хозирги кунда ривожланган мамлакатларда күннө бошинга 145 кг, ривожланган түрги кешларда.

Күшмәк хўжалигинни имкон қалар механизациялаши, электрифицираши, кимчәнчириши ва менинориазацияши асосида жадал ривожлантириши Республикасим агарар сиёсатининг асоси хисобланади. Мустақиликкунн биринчи күнлардан бошлаб үйн ишлаб чиқаришни кўйлайтириши, узар ассортиментни яхшилаши, ««Кишилук ҳўжалигин» зарур минерал үйнлардаги ўзималарни хизом қилиш» воситаларни билан таъминлашни нафасатни тудубан ўзгартириши, балки азроткиме кондиционерга камтий да олал қилишада талабчаникни ошириши, уларни қўйлаш-моделларини тасвирларни лозимнинг таъсида жадидий бор берилди.

1996 йилнинг 7 августидан Республикаси Ҳозирги кунна Республикамизда бу та үйт заводи (Чирчик, Олмалик, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Қўйнон) фаолиятни тутоялоқда. Үйн ишлаб чиқаришни ва ишлабтишни тутовсанда ортиб бораёттанинги муносабати билан уларнинг самародорлигини ошириш кимё саноати ва кишилук ҳўжалигининг биринч навбатдаги вазифаси буйлоб көдии. Үйн ишлаб чиқаришнинг устши,

асосан, юқори концентрацияли ва комплекс ўғитлар хисобига амалга оширилмоқда. Бундай ўғитлар ишлаб чиқарилаётган ўғитлар япти миқдорининг 90 % дан ортигини ташкил қиласди. Бу ҳол ўғитларнинг физик массасини камайтиришга, уларни ташини, сақлаши ва тупроққа киритишга сарфланадиган меҳнатни тежашга имкон беради.

Минерал ўғитларнинг физикавий-механикавий хоссаларини яхшилаш мұхым ахамиятта эга. Гранулаланган, доналары мұстақам вә бир үлчамни ўғитларни сақлаша вә тупроққа киритиш маълум ағзаллуктарга эга. Қишлоқ хұжалигіда кімделаштиришнинг моддий-техника базасини яхшилашта доир (омборлар қуиши, уларни машина ва механизмлар билан таъминлашса бошқалар) зарурый чора-тәлдірлар күлләнілмоқда. Бу ҳол ўғитларни заводдан далала қадар бұлған йүйда исроф бұлишини кескін камайтиради, улардан үз вакытда за самаралы фойдаланыш учун шарт-шароитлар яратади.

Республикамизда ўғитлардан фойдаланишини ташкил этиши ва назорат қилишда *Республика лойиха-қыдырув агрокиме станциясы*, унинг вилоятлардаги шаҳобчалары ва бошқа ташкілотлар катта ишларни амалга оширилмоқдалар.

## I Б О Б. АГРОКИМЕНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, УСЛУБИЕТИ ВА ТАРИХИ

Агрокиме — қишлоқ хұжалик экинларидан мүл ва сиғатты ҳосил етпештиришда ўғит, тупроқ ва үсімлік ўтасидаги муносабатларни ўрганадиган фан.

Фанның асосий мақсады ўғитларнинг хусусиятлари вә тупроқ билан үзаро таъсирини ҳисбала олған ҳолда үсімліктарнин озиқланиши учун қуалай шароит яратыши ҳамда мұяйян тупроқ-икәлем шароитларынан үйіт күлләштірілгенде оның амалдастырылады.

Үсімліктарнин озиқланиши жараёнида моддалар алмашинуви вә тупроққа озиқ моддалар динамикасинан үрганыш, ҳосил миқдори, маҳсулот сиғаты вә тупроқ үнүмдерлігінин оширишида ўғитлардан оқылана фойдаланишини ташкил этиши — *фанның асосий вазифалари* жүмыласын киради.

Агрокиме ізяға келгандан бүён ўттан бир ярим асрдан күпроқ давр ичінде уннинг олдода турған вазифалар янада ойданлашы да қуидагича тус олди:

а) үсімліктарнинг минерал озиқланиши назариясина мұкаммаллаштириш, озиқ элементларнинг физиологияк-биокимейвий жараёндегі ролини чукурроқ үргаңыз;

б) биогеокимейвий вилоятларнинг ҳар бир тупроқ ижады мінтақасидаги ўғитта бұлған әктиөжінин ишлаб чиқыши;

в) тупроқдаги макро ва микрозлементлар миқдори-ни тақдил қилиш да үсімліктар ташкиси асосида ўғитлар самарадорлығын башорт қилишнинг ишончли усулдарини яратыши;

г) тупроқ ва үсімлік учун зарур макро ва микрозлементларнинг талаб даражасидаги концентрациясина анықлашы;

д) тупроқдаги озиқ моддаларнинг үсімліктар озиқланиши учун лаекатлы миқдорини анықташ усулдарини тақомиллаштириш;

е) экинларнинг биологик ҳусусияти, режалаштирилган ҳосил, минерал ва маҳалий ўғитлар билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда тупроқларнинг озиқ элементлари билан таъминланниш градациясини ишлаб чикиш ва ҳ.к.

Фаннинг моҳиятини содла, равон ва кўргазмали ифодалас учун «Прянишников учбуччаги» (1-расм) жуда кўл келади. Ўнда учбучакнинг учларидаги тупроқ, ўғит ва ўсимлик жойлаштирилган бўлиб, обьектларнинг алоқадорлигини кўрсатиш учун улар ўзаро қарама-қарши йўналтирилган миллар ёрдамида туаштирилган.



1-расм. «Прянишников учбуччаги».

Учбуччакда ўсимлик етакчи мавқега эга, шу боис агрокимёда ўсимликларнинг озиқланишига асосий этибор қаратилиди. Тупроқ ўсимликнинг озиқланиши масканни сифатида, ўғит эса тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи маъба сифатида қаратади. Тупроқ ўсимликни озиқ мoddалар билан таъминласа, ўсимлик ўз навбатига илдиз ажратмалари билан тупроққа таъсир кўрсатади.

Озиқланиши жараённада тупроқ ҳамда ўғит ўртасидаги муносабат янада яққол намоён бўлади: ўғит киритилган тупроқлар таркибида озиқ мoddалар миқдори ортади, агрокимёвий ва агрофизикаий хоссалари яхшиланади, тупроқ эса ўғитларнинг эрувчанингига ўёки бу дараажада таъсир қиласи.

Тупроқ, ўсимлик ва ўғит ўртасидаги муносабатларнинг силлиқ ва бир маромда кетишига озиқ мoddаларнинг тупроқ профили бўйлаб ювилиши, атмосферага учиши, шамол ва сув эрозиялари таъсирида йўқолиши кучли таъсир кўрсатади. Шунингдек, айrim элементларнинг атмосферадан тупроққа келиб тушиши ёки миттиорганизмлар томонидан тўпланиши ҳам бу жаённи у ёки бу томонга силжитиши мумкин.

Агрокимё назария ва амалиёт, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий бирлигига юзага келди ва ривожланди. У табиий фанлар жумласига, аниқроги биология ва қишлоқ ҳужалик фанлари туругига киради. Шу боис унинг тараққиёт бевосита бир қатор назарий ва амалий фанлар билан боғлиқдир.

Ўғитлар бевосита тупроққа киритилиши сабабли агрокимёгар биринчи навбатда тупроқшунослик фанини, ҳусусан, тупроқнинг келиб чикиши, тарқалиши, хоссалари ва унумдорлиги каби масалаларни мукаммал билини лозим.

Сифатли ишлов берилган, сугориладиган тупроқларда, бегона ўт, заруркунанда ва қасалликларга қарши тадбирлар тўғри йўлга кўйилган шароитда ўғитлар куттилан самарани беради. Демак, агрокимё дехқончилик эршигдан ютуқлари учун агрокимё ва ўсимликлар фанларидан миннатдор бўлмоғи керак — деган эди.

Ўсимликларнинг биологик ҳусусиятларини билиш, агротехникавий тадбирлар мажмугига амал қилиш, ўсув давларини ҳисобга олган ҳолда ўғит қўллаш, агрокимё фанини ўсимликшунослик фани билан боғлайди.

Тупроққа киритиладиган минерал ва маҳалий ўғитларнинг парчаланиши, минераллашиши, муқимланиши ёки сафарбар ҳолатга ўтиши тупроқ миттиорганизмларнинг фаолиятига, бинобарин уларни ўрганадиган фан — микробиологияга боғлиқ.

Агрокимётар замонавий селекция ва уругчилик фанинг ютуқларидан хабардор бўлиши ва ўғитни экинларнинг ҳосилдор, ўтига талабчан ҳамда тезтишшар навларига қўлланishi лозим.

Шунингдек, агрокимётар чорвачилик, иқтисодиёт, математика, кимё, физика ва бошқа фанларнинг ютуқларидан кенг фойдаланади.

Агрокимё ўзига хос дала, лизиметр, вегетация тажрибалари ва лаборатория таҳлили усулларига таяниб иш олиб боради, аниқ маълумот ва натижалар асосида муайян хulosalar чиқаради. Замонавий моделлаштириши, башорат қилиши ва бошқарши усуллари агрокимёвий изланишларда кенг қўлланилмоқда.

Тупроқ, ўсимлик ва ўғитлар таҳлилида тадқиқотларнинг турли усуллари кўлланилиди. Жумладан, *тавсифлаш* усули ўз ичига турли туман ўлчашлар ва хисоблашларни, бартгинн чамалаш (визуаль) *таҳхисини* олади. Лекин бу усул ўсимликларда кечалиган барча ўзгаришларни тўла кўрсанти имконини бермайди.

Ўсимлик ва тупроқ таҳхиси асосида ўсимлик танақисмлари, тўқималари ва тупроқдаги озиқ моддалар миқдорини аниқлаш мумкин. Усул асосида озиқ моддалар билан таъмилиланиш дарражасига кўра ўсимлик ва тупроқ кимёвий таркибинин ўзгариши ётади. Барг ва тўқималар таҳхисида, шунингдек, тупроқдаги микро ва макроэлементлар миқдорини аниқлашнинг тезкор усулларида К. П. Магницик ва В. В. Церлинг асбобларидан фойдаланилди.

Тупроқ, ўсимлик ва ўғитнинг кимёвий таркибини аниқлашадигаро кимёвий тадқиқотларнинг мумтоз усулларидан хисобланадиган *сифат* ва миқдорий таҳлил кенг ишилатиди.

Тадқиқотларнинг физикавий-кимёвий усуллари жумласига алганлиги *фотометрия*, *фотоколориметрия*, *потенциометрия*, *хромотография*, *нишонланган атомлар*, *оптика* усуллар, *рефрактометрия*, *спектрал таҳлил* ва бошқалар киради.

Агрокимёвий тадқиқот усуллари жумласига *вегетация*, *лизиметр*, *дала тажрибаларига асосланган биологик усуллар*, *математикавий* моделлаш, натижаларни статистик ишилашга асосланган *математикавий* усуллар ҳам киритилади.

### Ўсимликларнинг озиқланишига оид назарияларнинг шаклланиши ва агрокимё фанининг юзага келиши

Агрокимё фани деҳқончиликнинг ҳаётий зарур таълаблари асосида юзага келди. Деҳқончилик инсоният тарихидаги энг қадимий ишлаб чиқарни соҳаси бўлиб, аждодларимиз қадимдан тупроқ унумдорлигини ошириш учун турли-туман воситаларни кўллаганилар.

Масалан, қадимига римлилар тупроқка гўнгандан ташқари кул, гипс, оҳак ва мергел каби моддаларни ҳам киритиш лозимлигини билганилар.

Люпинни тullaш даврида ўриб, тупроқ билан араплаштириш изидан экиладиган экин ҳосилорлигини ошириши, эҳтиёждан ортиб қолган балиқ маҳсулотла-

ри ва суюкларини майдалаб тупроқка киритиш макка-жўхори ҳосилорлигига ижобий таъсири кўрсатиши кузатилиши.

Деҳқончилик «кашф қилинган» илк даврларда ҳосил таъкиди бевосита ҳудолар номи ва фаолияти билан борланган. Милоддан аввал ёзилган *Колумелла* ва *Гесиод* асрларидан деҳқончиликка оид айрим масалалар баён қилинган.

«Ўсимликлар қандай қилиб ва нима билан озиқланади?» деган саволга биринчи бўллиб эрамиздан аввали IV—III асрларда яшаган буюк юнон мутафаккири *Арасату* тўғри жавоб берди. У ўсимликлар керакли озиқ маддаларни тупроқдан илдизлари ёрдамида ўзлаштиради деган холосага келди.

Унинг иктидорли шогирди *Феофраст* устозига қарши ўларко, ўсимликлар фақат яшил барглари орқали озиқланади, илдизлар эса, ўсимликларни *субстратда* тутиб турниш учун хизмат қиласи деган фоя асосчиси эди.

Мазкур икки таҳмин (гипотеза) кейинчалик ўсимликлар озиқланишидаги битта жараённинг икки томони — илдиздан (минерал) ва ҳаводан (фотосинтез) озиқланишларнинг ривожланishiша асос будди.

Милоддан аввали II асрда римлик *Катон* «Деҳқончилик» асаридан «тупроқ унумдорлиги нима?» деган саволга «серни юмшатиш, юмшатиш ва гўнгаш» деб жавоб берди.

Эрамиз бошларига келиб айрим экинлар (сабзи, қарам, бу碌од, ток ва бошқаларни) ўғитлашга оид маҳсус асрлар ёзилди (*Колумелла*).

Шу асосда ўсимликларнинг озиқланишига оид маълумотлар аста-секин тўплана борди.

Қадимига файлусифлар сув, ер, ҳаво ва олов (ҳарорат ва ёргулик) ўсимликларнинг асосий ҳаётий омиллари эканлигини таъкидлагани ҳолда тупроқлар таркибida «ёғ» уларни семиртириди, «семиз» тупроқлар эса унумдор бўлади деб ҳисоблар эдилар. Бу фикр кейинчалик ўсимликларнинг чириндан билан озиқланиши назариясига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Европада черковнинг реакцион таъсири ўрта асрларда ўсимликлар озиқланишини ўрганиш имконини бермади, тадқиқотчilar кўпроқ «Ой нурини гўнганинг самарадорлигига таъсири»ни ўрганиш билан шугулландилар, холос.

Фақат 1563 йилда *Бернар Палисси* (1510—1589) «Киши

лок хўжалигидаги турли тузлар ҳақида трактат» номли асарида «ғўнгнинг ўғит сифатидаги аҳамияти таркиби-даги сомон ва пичан қолдиқларининг чиришидан ҳосил бўладиган туздадир» деб таъкидлайди. Фикрларни давом этириб, «тказирангчилик шароитида ҳосил билан тупроқдан тузларнинг чиқиб кетиши натижасида ҳосилдорлик пасади. Шу боис тупроқни ўтиглаш, бирон йил дам бериш, ҳеч бўлмаса, галла сомонларини дала-нинг ўзида ёқиб юбориш лозим» — деган холосага келди.

Бу — тупроқ минерал моддалар манбай деб эътироф этилган тўғри ёзма маълумот эди. Б. Палиссининг фикрлари замондошлири ва кейинги тадқиқотчилар томонидан кўллаб-кувватланмади.

Ўсимликлар озиқланиши ҳақида тўғри ва нотўғри талқинларнинг юзага келиши фанининг ривожланишини бир неча юз йил орқага суруб юборди.

Масалан, де Сепп (1600) Палиссига қарши ўла-роқ, «ғўнг ўзидан ажратилиган иссиқлиқ билангина ўсимликларга ижобий таъсир кўрсатали» — деб таъкидлайди.

Ўтган асрларда ўёки бу foяннинг омма орасида кенг тарқалмаслиги ва тезда эътироф этилмаслигини тадқиқотларда микдорий анализ қўлланилмаслиги билан изохлаш мумкин.

Ўсимликларнинг «сув билан озиқланиши» назарияси. Ян Баптист Ван-Гельмонт (1579—1644) беш йил давомида бошланғич оғирлиги маълум бўлган тоғ ниҳолини маълум миқдор (200 фунт) тупроқ тўлдирилган идишида, фақат ёғир суви билан сурориб, тажриба ўтказди. Беш йилдан кейин (1629) ниҳолнинг оғирлиги карий 33 марта ошгани ҳолда (164 фунт 2 унция), идишдаги тупроқнинг массаси атиги 2. унцияга камайтилган маълум бўлди ва у ўсимликларнинг озиқланиши учун фақат сувнинг ўзи етарлилар деган холосага келди.

Роберт Бойль шу тажрибани ошқовок ўсимлиги устида амалга ошириди (1661) ва Ван-Гельмонт назариясининг «тўғрилигини» тасдиқлади. Бу назария деярли бир ярим аср давомида ўз нуфузини сақлаб турди.

1650 йилда немис кимёгари Глаубер кузатиш ва тажрибалар асосида ўсимликларнинг «селитра билан озиқланиши» назариясини илгари сурди. У селитра ҳай-вон ахлати таркибida учрайди, демак, чорва моллари уни ўсимликлардан, улар эса ўз навбатида тупроқдан

олади деган холосаси билан Б. Палисси фикрларига яхин келди.

Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиши тўғрисидаги илк фикр 1756 йилда М. В. Ломоносов (1711—1765) томонидан илгари сурилди.

1772 йилда Жозеф Престли (1733—1804) ўсимликлар нафас олиши жараёнда бузилган ҳавони тозалашини аниқлади. Антуан Лоран Лавуазье (1774) атмосферанинг микдорий таркибини аниқлаб, кислороднинг оксидланishi ва ёниш жараёнларидаги ролини асослади.

Ян Ингенгауз 1779 йилда яшил ўсимликлар ёруеда ҳавони тозалашини, қоронгуда эса бузинини кузатди. Жан Сенебе (1742—1809) ва Никола Теодор Соскор (1767—1845)лар «ҳавонинг тозаланиши» нафас олиши эмас, балки озиқланиши жараён эканлигини илмий далиллар асосида исботладиilar. Лекин фотосинтез жараённинг механизмини тушунириш учун кейинчалик жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилди.

Ўсимликларнинг «ҳаводан озиқланиши» назарияси инсоннинг тафаккурининг йирик илмий ютуқларидан ҳисоблансада, «сув билан озиқланиши» назарияси каби дехқончиликнинг ривожига туртки бера олмади. Ҳар иккى назария ҳам «аксарият жойда сув ва ҳаво микдори бир хил бўлганинг ҳолда нима утун экинлар ҳосилдорлиги турича? — деган саводни ўргатга кўя олмади.

XVIII асрда ўсимликларнинг минерал озиқланиши масаласида тўғри фикрлар пайдо бўла бошади. Жон Вудворт (1665—1728) ялпиз дарё сувидаги сувидагидан яхшироқ, тупроқ, арапаштирилган сувда эса, яна-да яхши ривожланишини аниқлади. У тупроқ таркибida ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур моддалар мавжудлигини таъкидлаб, Ван-Гельмонт тажрибасида нуқсонларни курсатиб берди.

Дюгамел (1758) Сена дарёсидан олинган сувда тажриба ўтказиб, яна бир бор ўсимликлар сувнинг ўзида ҳам меъёрида ўсиб-ривожланади олади деган холосага келди, лекин бунда у дарё сувининг тери ошлаш корхонаси чиқиндилари билан ифлосланганлигини ҳисобга олмади.

Рюккерт (1789) турли экинлар турли тупроқларни «хуш кўришини», сурункасига битта майдондан етиширилган экин тупроқнинг мадорини қуритиб қўйишини, унумдорликни фақат ўғит қўлаш ўйли билан тикилаш мумкинлигини аниқлади.

*Валлериус* (1709—1785) 1761 йилда ўзининг ўсимлиқ илдизи органик моддаларни тұғридан-тұғыр үзлаштырады, тупроқнинг башқа таркибий қысмалари esa гұмыснинг ёсимин моддалариниң еритиб беради деган фикри билан ўсимликларнинг «циринди билан озиқланиши» ҳақидағы назариясини илгари сурди. Бу назарияни *Альбрехт Даниэл Тзер* (1752—1828) «Қышлоқ күжалигининг мантиқи асослари» номли асарыда «тупроқ унумдорлары тұла-тұқис гұмыстағы болғылар, ғақат гұмыс ва сув ўсимликларға озиқ маңбан бўлиб хизмат қиласди» деган ривожлантириди.

*Жан Батист Буссенго* (1802—1887) аввалдан күйдириб олинган күрга маъым миқдорда күл күшиби, чириндисиз мұхитда ўсимлик үстірди ва ўсимликлар утлеродни тупроқдан эмас, балки ҳаводан олишини исботлади. У 1836—1838 йилларда үтказған тадқиқотлары асосида гұмыс назариясиның ўрнига ўсимликларнинг «азот билан озиқланиши» назариясини илгари сурди. Ал машшлаб экиш шароитида үтказилған дала тажрибалары да дүккаклы экшиларнинг тупроқдаги азотта ижобий тасыр этишини, шунингдек, ҳосил билан гүнг таркибда тупроққа тушадындан күра анча күп углерод чиқиб кетишими күрсатып берди, дунёда биринчи бўлиб ташкил этилган агрокиме тажриба станциясида (1834) азот ўсимликлар ҳаётиди биринчи даражалы озиқ элементи эксантигини исботлади. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Европа ва Америка далаларидан Чили селитранынг көнг кўламда қўлланилиши ҳам Буссенго гояласидан ишлаб чиқаришга амалий тадбигидир.

Буссенго ҳақида равища агрокиме фанининг асосчиси бўлиши мумкин эди. Лекин ундағы «етти ўлчаб — бир кесиши хусусияттар тажрибалар асосида олган маъумотларни көнг оммага кеч етиб боришина сабаб бўлди.

**Юсту Либих — агрокиме фанининг асосчиси.** 1840 йилда немис кимёгари — Юсту Либих (1803—1873) «Кимёнинг деҳқончилик ва физиологияя тадбиги» номли китобини ёзды ва у 1847 йилгача Олмония ва Британияда түрт мартастан, Америка ва Францияда иккى мартастан, шунингдек, Дания, Италия, Польша ва Рүсияда күн нусхалда нашр қилинди.

Асарда ўсимликларнинг «гұмус билан озиқланиши» назарияси танқид қилинган, минерал озиқланиши назарияси асосланған бўлиб, у озиқланишга доир қарашларни тубдан ұзартыриб юборди. Либих якка зироатчилик шароитида тупроқ унумдорларынин пасайиб

бориши сабабларини ишонарли тарзда түшинтириб, әкинлар ҳосилдорларыни ошириш учун тупроққа ўғит киришиш лозимлигини таъкидлайди.

Форда азотли үтгиларга эътибор бермаслик, гүнгти күйдириб кулини ишлатиш, тупроққа ўсимликлар тоғонидан олиб кетиладиган барча элементларни қайтариб бериш, үтгиларни ғақат қийин эрийдиган шаклларда қўллаша каби нотўғри фикрлар ҳам мавжуд эди. Айни камчилик ва нуқсонлар олимнинг шогирда ва муҳолифлари танқидига учради ва тезда тузытилди. Олимнинг фикрлари кучли мунозара ва танқидларга узраган бўлсалади, агрокиме фанининг тез суръатларда ривожлантиши сабаб бўлди.

Либихнинг тавсияси асосида *Жон Беннет Лооуз* (1814—1900) томонидан *Ротамстед станциясида* (1843) биринчи сунъый минерал ўғит — суперфосфат (суюн талқонини сульфат кислоты ёрдамида ишлаш йўли билан) олиниди. 1857 йилда Саксониянинг Стасфорт шахри яқининада калий тузлари кони тоғиди ва 1861 йилда ўғит заводи ишга тушнирилди. Лекин азотли үтгилар масаласи анча вактчага муммомлигига қолаверди. Ярим аср давомиди Чили деҳқонларни табиий селирта билан таъминлайди, лекин XIX аср охирига келиб унинг ҳам интиҳоси кўринди. Узок уринишлардан кейин Фриц Габер аммиак синтезини амалга ошириди ва *Карл Буш* (1916) биринчи синтетик аммиак заводини ишга тушнириди.

Академик К. А. Тимирязев Либихнинг фанга кўшган хизматларига тұғыр ва холосина баҳо берип «Аҳамияттын ичкелашга бўлган ҳар қандай уринишлардан қатыйназар, Либихнинг озиқ элементларни тупроққа қайтариб бериш ҳақидағы таълимити фанининг энг катта ютукларидан бироридир» деган эди. Шу боисдан Юсту Либих ҳаётиди равищада агрокиме фанининг асосчиси ҳисобланади.

1842 йилда немис тадқиқотлары *Вигман* ва *Польстроф* ўсимлик уруғини платина сим қўйкимларнда ундириб, ниҳол таркибидаги күл элементлари миқдори уруг таркибидагига тенг бўлишини ва мұхитта қўйшимса күл элементларни ҳамда азотли бирикмалар киритилмаса, ниҳоллар нобуд бўлишини исботладилар.

1846 йилда *Сальм Горстмар* органик моддалардан тұла мосуво қилинган мұхитда (аввалдан күйдириб, NPK бирикмалари қўшилған құмда) сули ўсимликтеридан «рисоладагидай» ҳосил етишилди. У шунингдек, озиқ

элементлари алоҳида-алоҳида ишлатилганда, ҳосилдорлик сезиларли даражада камайишни кузатди.

1859 йилда *Кноп* (1817–1897) ва *Сакс* (1832–1897) ўсимликларнинг меъерида ўсбич-ривожланиши таъминлайдиган тўлиқ озиқ аралашмасини яратдилар.

Фон ривожига Русиялик олимлар салмоқни ҳисса кўшидилар. *М. В. Ломносов* (1711–1765) «*Ер қатламлами ҳакида*» (1741) асаридаги рус қора тупроқларнинг тадрижий ривожланиши, тупроқларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини илмий асосда талқин қилиб, қора тупроқлар ўсимлик ва ҳайвон қодикларининг чиришидан ҳосия бўлишини таъкидлали.

Русияда ўсимликлар озиқланиши ва ўғит кўллаш масалаларини ўрганиши XVIII аср охири – XIX асрнинг бошларига тўғти келади. Бу даврда тупроқ унумдорлигини ошириш учун гўнг, компостлар, кул, оҳак ва бошқа маҳаллий ўйтларни ишлатишга катта эътибор бериди. Масалан, *А. Т. Болотов* «*Ери ўғитлаш*» номли асаридаги (1770) ўсимликлар тупроқдан озиқ сифатида «...сув ва айрим минерал заррачаларни олади...» деб ёзган эди. 1770 йилда Москва университети профессори *М. И. Афонин* биринчи агрономия ўқувини ташкил қилди.

*И. М. Комов* (1750–1792) «*Деҳқончилик тўғрисида*» (1789) номли асаридаги деҳқончилик масалаларини илмий асослаша ҳаракат қилди.

*А. Пощаниннин* 1809 йилда нашр қилинган кўлланмасида ўсимликлар озиқланишида «ишикорий туз моздалари» зарурлиги ва улар кўп миқдорда гўнг ва ўсимлик кулида бўлиши таъкидланган.

Професор *Г. Г. Гавлов* Русияда биринчи деҳқончилик билим юртини (1825) ва ўкув хўжалигини ташкил қилди. У «*Деҳқончилик кимёси*» номли асаридаги ўйтларнинг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамиятини кенг баён қилди.

Агрокимёнинг кейинги ривожланиши бевосита улуғ кимётар *Д. И. Менделеев* (1834–1907) номи билан боғлиқ. У Русиянинг Москва, Петербург, Симбирск ва Смоленск губернияларидаги битта дастурга асосланган географиявий-тармок дала тажрибаларини ўтказди (1867–1869) ва ўғит билан бир қаторда тупроқ ва ҳосил сифатини ҳам чуқур таҳтил қилди. Тажриба натижалари дунёда биринчи марта статистик таҳтил қилинib, ҳаққоний илмий маълумотлар эълон қилинди.

*Д. И. Менделеев* ўзининг Петербург аёллар Олий курсида ўқиган маърузаларидаги (1880) Юстус Либих-

нинг «*Тўла қайтариб бериш*» қонунини таҳтил қилиб, деҳқончиликнинг ривожи бевосита кимё ва ўғит ишлаб чиқаришсаноати тараққиёти билан боғлиқларни кўрсашиб берди.

Агрокимёнинг назарий асосларини яратишида *К. А. Тимирязевнинг* (1843–1920) фотосинтез ва ўсимликларнинг минерал озиқланишига доир мумтоз ишлари катта аҳамиятга эга будди. Унинг лойиҳаси асосида курилган (1872 ва 1876 йиллар) «*Вегетация уйчалари*» ҳозирги кунда ҳам қишлоқ хўжалик Академиясида фаoliятга кўрсатмоқда.

XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб *А. Н. Энгельгардт* (1832–1893) ва *П. А. Костичев* каби олимларнинг сабъ-ҳаракатлари асосида ўсимликлар озиқланиши ва ўғитларни ишлатишга доир илмий тадқиқотлар маълум тизим асосида ўтказилди.


*Д. Н. Прянишников* (1865–1948) ўсимликларда азот моддалари алмашинувига оид муаммоларни ўрганди, ўсимликларнинг аминати ва нитрат шаклдаги азот билан озиқланиши назариясини яратди. У сунъий аммиак синтезидан анча илгари аммиаки азотли ўйтларни ишлатиш бўйича тавсияномалар яратди.

Д. Н. Прянишников тузози *Д. И. Менделеевдан* 57 йил кейин собиқ Иттифоқнинг 300 та маскенида 3800 дан ортиқ дала тажрибаларини ўтказди ва Ўзбекистон тупроқларидаги ҳам минерал ўйтлар яхши самара беришини исботлди. Географиявий-тармок дала тажрибларининг ўтиклини давлат маҳкамаларига минерал ўйтлар ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ўғит синоатини ривожлантаришига имкон берди.

Олим ўзининг «*Мальтус ва Россия*» асаридаги (1927) фандаги реакцион оқимларга кескин зарба берди ва агрокимё, деҳқончилик ҳамда ўсимлиқшунослик фанларининг ўтиклини асосида озиқ-овқат маҳсулотлари мидори янада тез суръатлар билан кўпайиб боришини кўрсатди.

Д. Н. Прянишников академик *В. Р. Вильямс* томонидан илгари суръатлан деҳқончиликнинг «*ўт-далали*» тизими мамлакатдаги дон ялни ҳосилини кескин камайтириб юборишини, алмашлаб экишни тўғти ташкил қилиши ва ўйтлардан унумли фойдаланиш асосидагига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мумкинligини таъкидлайди.

Академик *Д. Н. Прянишников* таълимоти асосида чопиқталаб экинлар етиштиришида минерал ўйтларни



Құллаш (айникса Марказий Осиёнинг сугориладиган майдонларыда) «аввал битта бошоқ ўстап ерда учта бошоқ етиштириш имконин берди» ва регионнисизде деҳқончилик индан тезрәк ривожланишига түрткі бўлди. Олим қаламига мансуб «Аэрохимия» асари қайта-қайта чоп этилди ва хорижий тилларга таржима қилинди, ёзиб қолдирган 400 дан ортиқ илмий асарларининг аксариити жаҳон миқёсида эътироф этилди.

П. С. Коссович (1862—1915) ўсимликлар аммиак шаклидаги азотни тўғридан-тўгри, нитрат болатига ўтмасдан ҳам, ўзлаштира олишини исботлади.

К. К. Гедройц (1872—1932) ўз илмий фаолиятини тупроқларнинг сингидирин қобилиятини ўрганишига қаратди, сингидириш турларини аниқлади ва уларни бошқариши қонунгиларини ишлаб чиқди. 1911 йилда тупроқларнинг потенциал нордонлигини кашф қилди ва уларни оҳакланинг назарий асосларини яратди.

И. С. Шулов, Д. А. Сабинин, А. А. Шмук каби бир қатор тадқиқотчилар ҳам агрокимё фанининг ривожланишига муносиб ҳисса кўшидилар.

### Ўзбекистонда агрокимё фанининг юксалиши босқичлари

Ўрта Осиёнинг қадимий деҳқончилик маркази — Хоразмда милоддан аввалиг VI—V минг ийлликларда ерларни бостириб сугоришига асосланган ўзига хос деҳқончилик маданияти юзага келди. Кейинроқ Зарабшон водийси ва Бухоро ҳудудида деҳқончилик билан шугулланган аждодларимиз бостириб сугориши ўрнига ариклилардан фойдаланиши, бирмунчча мураккаброқ иш куролларига ўтиш, маҳаллий ўғитлардан фойдаланишини йўлга қўйилар. Тупроқларни кўш хўкиз қўшилган сўқалар ёрдамида ҳайдалиши, подаларда қорамоллар сонининг ортиши (хами моллар сонининг 28—29 фойизи), бунинг яққол далилидир. Гўнгдан фойдаланиши натижасида қадимий сугориладиган тупроқлар таркибидаги гумус микдори 0,80—1—02 %га етган, қайсики, неоантропоген тупроқлардагидан 0,46—0,50% зиёдидир.

Ўрта Осиёда сугорма деҳқончилик тарихи 7—8 минг ийларни ташкил қўлгани ҳолда, ўсимликларнинг озиқланиши ва ўғитлардан фойдаланишига оид маълумотлар хозирги кунга қадар яхши ўрганилмаган.

Буюк қомусий олим Абу Райхон Муҳаммад иби Аҳмад Беруний (973—1048)нинг машҳур «Қитоб-ул жамоҳир фи маърифатил жавоҳир» асари она жинс ва

тупроқ ҳоссаларини ўрганиш бўйича сақланиб қолган асосий қўлланима ҳисобланади. Унда тупроқ она жинснинг нурашидан ҳосил бўлиши, унинг минерал қисми табиат ва ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Тахмінан XV асрда ёзилган «Зироатнома» («Фан-и қишти зиро»)да деҳқончилика оид минг ийллик маълумотлар умумлаштирилган. Асарда маҳаллий ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим воситалиги, кўй ва эчкилар гўнгидан от гўнгидан афзалиллиги, чўчка гўнги тупроқга киритилса, турил иллатлар юзага келиши таъкидланган. Аждодларимиз «нурий — маҳдудт» (компост) тайёрлаш учун гўнг, ариқ ва зовур тупроқлари, чиритга қамиш, ҳашак ва баргарлар, эски девор ва том тупроқлари, ахлатлар, кул, ачиган мева-чевалар, чарм ва кийтиз қолиқлари ҳамда сунъя талқонидан фойдаланганлар. Сақлаш жараёнида ҳаво ва ёғин-сочин таъсирида «нурий-маҳдудт» таркибидаги озиқ мoddалар миқдорининг камайishi ҳам улар ётиборидан четда қолмаган. «Зироатнома»дан илгарироқ ёзилган «Дастурни қишварзон» («Деҳқонларга йўриқнома») ва «Кидюрнома» («Богдорчилик ҳақида китоб») каби қимматбахо асарлар биззача стиг келмаган.

Ўрта Осиёда деҳқончилик (шу жумладан агрокимё)нинг XX асрдагача бўлган тарихин яратни мутахассислар олдинга қўйилган муҳим вазифалардан бирни ҳисобланади.

Туркестонга минерал ўғитлар 1906 йилда келтирилди ва улар устида дастлабки тадқиқотлар Р. Р. Шредер, М. М. Бушев ва И. К. Негодновлар томонидан амалга оширилди.

Қўонунчи (ҳозирги Янгиййўл)да ўғит қўллаш станциясининг очишли ўсимликлар озиқланишини ўрганиш борасида илмий-тадқиқот ишларини кенг кучо ёйиншига ёрдам берди. Станция фаолияти А. И. Курбатов, Д. А. Сабинин, Е. А. Жориков, Б. П. Мачигин, В. Н. Мандригин, И. Т. Чернов каби танлики тадқиқотчилар номи билан боғлиқ бўлиб, улар Ўрта Осиё тупроқдаридан ҳам азотли ўғитлар ижобий натижага беришини исботладилар.

Ўзбекистонда агрокимё фанининг ривожланишида 1920 йилда Ўрта Осиё Давлат университети қошиб ташкил этилган Тупроқносилик институти ва 1929—30 йилларда очилган ўғит бўйича илмий тадқиқот институти ҳамда Пахтакорлик илмий-тадқиқот институтлари

ўзига хос ўрин тутади. 1930—36 йилларда Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг Марказий ўйт ва агротүркшунослик стансияси тупроқ-агрокимёвий хаританомаларни тузиш ҳамда ўғитлар самарадорлиги ни ошириш юзасидан кенг қўлламда тадқиқотлар ўтказди. Шу мақсадда факат 1935 йилнинг ўзида Я. М. Чумаков, Л. И. Голодковский, Д. В. Харьков, И. В. Цивинский каби таникли олимлар раҳбарлигига ўзбекистонда 620 дан ортиқ дала тажрибалари ўтказилди. Тажрибаларни натижалар ўзаро, Республикамизга пахтачилка қўллаш чуун кўп миқдорда минерал ўғитлар келтирилди ва 1936 йилда пахтадан олиндиган ўртага сизлек гектарига 16—17 қилингич ташкил қўйди.

Ишлаб-чиқариш соҳаси учун малакалар мутахассислар тайёрлаша ва агрокимё фанини юксалтириши Тошкент Давлат аграр университети алоҳида ўрин тутади. 1918 йилда Туркистанда Xалқ университети қошида қишлоқ хўжалик факултети ташкил этилган бўлиб, у 1930 йилнинг апрелида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институтига айлантирилди. 1934 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институти, 1990 йилдан эса Тошкент Давлат аграр университети деб юритилди. Университет кафедра ва лабораторияларида С. А. Кудрин, Б. П. Мачигин, П. В. Протасов, М. З. Казиев, И. Н. Ниёзалиев, Т. П. Пирохонов каби таникли агрокимётар-олимлар фаолият кўрсатдилар.

1936 йилдан бошлаб агрокимё йўналишидаги илмий изланишлар ўғитлар самарадорлигини оширишга қартили. Бу даврага келиб, азотли ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти 27% га етди.

Иккинчи жаҳон урушигача Республикамизда кўпроқ агрокимёнинг назарий масалаларини ўрганишга зътибор берилди. Кўшимча озиқлантиришининг афзаликлини асосланди, гўзанинг ривожланиши даврлари бўйича озиқ маддаларга талаби аниқланди, ўғитларни тупроққа механизмлар ёрдамида киритиш йўлга кўйилди ва тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини ўрганишга зътибор кучайтирилди. 1939 йилда Б. П. Мачигин серкарбонат тупроқлар таркибидағи ҳаракатгача фосфор миқдорини аниқлаша усулини ишлаб чиқди.

Уруш йиллари Республикамизга эвакуация қилинган олимлар агрокимёнинг айрим амалий ва назарий муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этдилар. Д. Н. Прянишников Ўрта Осиёда алмашлаб экиш тизимига қандлавлагани киритиши — тупроқ унумдорлигини

ошириш, аҳолини қанд ва чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлашда муҳим ўрин тутишини исботлади.

1949 йилда Тошкент Давлат университети таркибида очилган агрокимё кафедрасига С. Н. Рижов, Н. П. Маликян, Ж. С. Сатторов, К. Б. Саакян, Г. А. Каменир-Бичков каби тадқиқотчилар пахтачилкнинг бир катор муаммоларини ҳал қилишга муносаб хисса кўшидилар.

М. А. Белоусов, И. И. Мадраимов, П. В. Протасов ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишлари асосида бўз тупроқлар минтақасида калийли ўғитлар муҳимлиги исботланди ва уларни қўллашнинг илмий асослари ишлаб чиқдилар.

Тупроқ унумдорлиги ва экинлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда турли тупроқ-икълим минтақаларида ўғитлардан илмий асосда фойдаланиши ташкил этиш мақсадиди 1964 йилда Республикамизда иктинослаштирилган агрокимё хизмати йўлга кўйилди.

Республика сабзавот, полиз экинлари ва картошка-чилик институти ҳамда Галлаородлар «Дон» Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида сабзавот, картошка ва донли экинларни ўғитлаш масалаларни ўрганилди.

Ўзбекистонда, шунингдек, бутун Ўрта Осиёда агрокимё фанининг тараққиёти кўйидаги тадқиқотчиларнинг номлари билан узвий боғлиқ:

Кудрин Сергей Александрович (1903 — 1947), профессор. Ўрта Осиё тупроқларини генетика ва ишлаб чиқариш нуқтаси назаридан гурухлаша, агротупроқ хариталарини тузиш принципларини яратиш, фосфорли ўғитлардан самарали фойдаланиши йўлларини ўрганиш, тупроқ ҳосил бўлишида она жинснинг аҳамиятини изоҳлаш каби назарий ва амалий изланишлар олим илмий фаолиятининг асосий қиррадаридир.

Рижов Сергей Николаевич (1903 — 1991), академик. Гўзани сугориш, ўғитлаш ва тупроқларнинг сув-физикавий хоссаларини ўрганиш бўйича кенг қўлламли тадқиқотлар олиб борган. Тошкент Давлат университети таркиbidagi агрокимё кафедрасига асос солган.

Мачигин Борис Павлович (1905 — 1955). Серкарбонат тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдорини аниқлаша усулини яратган, минерал ва маҳаллий ўғитларни биргаликда қўллаш, гўзани ёнбошдан ва қўшимча озиқлантириш масалаларини ҳамда Ўрта Осиёнинг сугориладиган тупроқлари агрокимёвий хоссаларини ишлаб

чикишда фаол иштирок этган. Қисқа, лекин сермазмун ҳаёти давомида 50 дан зиёд босма, 70 га яқин қўлзёма асарлар қўлдирган.

*Казиев Михаил Завулонович* (1907 — 1971), профессор. Илмий фаолияти асосан алмашлаб экши мажмусаси экинларини, шунгундек, каноп, карам, картошка ва сабзавот экинларини ўғитлаш, уруғлик бедани микроэлементлар билан озиқлантиришга қаратилган. Бир қатор таникли агрокимёгар-олимларга устозлик қилиб, ўзига хос мактаб яратган.

*Протасов Петер Васильевич* (1902—1985), профессор. Қишлоқ ҳўжалик экинларининг азот ва калий билан озиқланнишини ўргангандан, етук агрокимётар—мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшган. 80 дан ортиқ мақола, тавсиянома ва ўқув кўлланмалар муаллифи.

*Белоусов Михаил Александрович* (1900—1995). Ўзбекистон шароитида қандилвлаганинг озиқланнишини ўргангандан, азот ва фосфорнинг гўза ҳаётининг илк боқсилаидаги, калийнинг ҳосил тўплаш давридаги физиологик аҳамиятини асослаган, гўза учун «Белоусов озиқ араплашмаси»ни яратган. 140 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи бўлиб, «Физиологические основы корневого питания хлопчатника» (1975) номли рисолоси катта аҳамиятга эга. Д. Н. Прянишников номидаги мукофотга сазовор бўлган.

*Малинкин Николай Петрович* (1895—1968), профессор. Гўза — беда алмашлаб экши мажмусида ўғитлар самарадорлитини ошириши ва сув танқислиги шароитида гўзани ўғитлаш масалаларини ўргангандан, кўп сонли мақола ва рисолалар муаллифи.

*Мадраимов Исмат Йазарович* (1914—1985), профессор. Илмий фаолияти бевосита Бутиннитифоқ пахтачилик институти (хозирги ЎзПТИ) билан боғлиқ. Гўзабеда алмашлаб экши шароитида тупроқ унумдорлигини ўзариши, калийни ўғитларнинг пахта ҳосилни ва тола сифатига таъсирини ўргангандан ва уларни қўллаш мебўери ҳамда муддатларни бўйича тавсияномалар яратган.

*Пирохунов Тешабой Пирохунович* (1929—2000), профессор. Нишонланган атомлар усули ёрдамида гўзанинг азот билан озиқланниши механизмини ва тупроқда азот айланниши муммаларини ҳад, қилишга ҳисса қўшган, фосфорни ўғитлаш самарадорлитини ошириши масаласида ҳам изланишлар олиб борган.

*Зокиров Тоҳжиддин Салижонович* (1931), профессор. Тадқиқотларининг мавзуси ғербицидлар таъсирида туп-

роқ агрокимёвий хоссаларининг ўзариши ва пахтачиликда кимёлаштиришининг экологик муммаларини ўрганишга қаратилган.

*Ниёзалиев Ирисоли Ниёзалиевич* (1930), профессор. Беда, каноп, картошка ва донли экинларга минерал ва маҳаллий ўғитлар таъсирини ўргангандан, Чирчиқ—Ангурен воказида минерал ўғитлардан самарали фойдаланиши асосларини ишлаб чиқдан.

*Сатторов Жўракул Сатторович* (1938), академик. Тупроқларни шўрсизлантириш, азот билан таъминланганлик даражасини белгилаган, қишлоқ ҳўжалиги экологияси масалалари билан шугулланган. Янги йўналиши — пахтачиликда нав агрокимёсини яратиб, фан ривожига катта ҳисса қўшган.

*Риқиева Хуршида Турсунновна* (1936), профессор. Илмий фаолияти Ўзбекистон тупроқларининг азот билан таъминланганлик ҳолати, азот миқдорининг тупроқишимли шароитлари таъсирида ўзариши ва балансини ўрганишга қаратилган.

*Эрзашев Абдурахмон Эргашевич* (1935), профессор. Ўзбекистондаги сугориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини, улардаги озиқ элементлари динамикасини ўргангандан, қишлоқ ҳўжалик экинларига ўғит қўллашга оид тавсияномаларнинг аксариятини тузиша иштирок этган.

#### БИЛАНГИЗИНИ СИНАБ КУРИНГ.

1. Агрокимёнинг маҳсали ва вазифалари нималардан иборат?
2. Агрокимёнинг агрономига оид фанлар ўртасидаги ўрини ва улар билан алоқаси?
3. Агрокимёвий тадқиқотларнинг қанака усулларини биласиз?
4. Усимликларнинг озиқланнишига оид илк таҳминлар кимлар томонидан яратилган?
5. Усимликларнинг туз, селитра, сув, ҳаво, гумус билан озиқланнишига оид назариялар кимлар томонидан ишлаб чиқилган?
6. Буссенгонин агрокимё тараққиётига қўшган хиссасини ҳандай баҳолайсиз?
7. Агрокимё фанининг асосчиси ким ва унинг хизмати нимада?
8. Фан тараққиётига катта ҳисса қўшган рус олимларидан кимларни биласиз?
9. Ўзбекистонда ўғитлар устида илмий тадқиқотлар қаочон ва кимлар томонидан амалга оширилган?
10. Агрокимё фанини ривожланисига муносиб ҳисса қўшган ва қўшашётган олимлар тўғрисида нималарни биласиз?

## П Б О Б. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ОЗИҚДАНИШИ

### Ўсимликларнинг минерал кимёвий таркиби

Ўсимликлар кимёвий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилган бўлиб, уларнинг танаси сув ва қуруқ моддалардан таркиб топган.

Ўсимликтин қуруқ моддаси деганда, улар таркибидаги минерал ва органик моддалар йигиниди тушунилади. Ўсимлик тўқумалари таркибida қуруқ модданинг миқдори нисбатан кам, аксинча, сувнинг миқдори кўп бўлади. Улар таркибидаги сув ва қуруқ моддалар нисбати одатта ўсимликтин тuri, ёши ва тана қисми ёки тўқуманинг физиологик ҳолатига боғлик равишда ўзгарили (4-жадвал).

4-жадвал.

Айрим экинлар таркибидаги сув ва қуруқ моддаларнинг ишебати, %  
(А. В. Петербургский, 1975)

Экин ва унинг тана қисми	Сув	Қуруқ модда
Зигир ва кунгабоқар уруги	7–10	90–93
Ғалл экинларининг дони	12–15	85–88
Қандлавлатининг илдиз меваси ва картопка тутунаклари	75–80	20–25
Экинларнинг кўк массаси	80–85	15–20
Сабзи, ошавлаги, пиёс	86–91	9–14
Карам, шолом, турнепс	90–93	7–10
Помидор ва бодиринг	94–96	4–6

Сув. Ўсимликларнинг ўсув органлари тўқумаларида 70 дан 95% гача, уруғларнинг захира тўпловчи ва меҳаникавий тўқумалари ҳужайраларида эса 5 дан 15% гача сув бўлади. Ўсимлик қарібborgани сарни тўқумалардаги, айниқса, репродуктив органлар тўқумаларида сувнинг ялпи заҳираси ва нисбий миқдори камаяди.

Ўсимликтанасидаги сувнинг функциялари бевосита унинг физиокавий ва кимёвий хоссалари билан боғлик.

Сувдаги юқори солиширима иссиқлик сигими ва ҳар қандай ҳароратда ҳам бугланниш хусусияти ўсимликларни кизиб (хуйиб) кетишадан сақлайди.

Сув — яхши эритивчи бўлиб, унда аксарият бирикмалар электролитик диссоциланади ва зарурий озиқ элементларнинг ионлари ўзлаштирилади.

Сирт таранглиги юқори бўлганлиги боис сув турилди адрсорбция жараёнларидан ва минерал ҳамда органик бирикмаларнинг бир жойдан иккичи жойга силжишида муҳим роль ўйнайди.

Сув молекулаларининг қутбланганлик хоссалари ҳамда структурасининг тартиблилиги ўсимлик ҳужайраларида кўйи ва юқори молекуляр бирикмаларнинг ион ва молекулаларини гидратланнишида сабаб бўлади.

Сув ўсимликлардаги энергетикавий ўзгаришларда, аввало фотосинтез жараёнла, кимёвий бирикмаларнинг ҳосил бўлишида аҳамиятга эга. У Кўёш нурининг фотосинтез учун зарур, кўзга кўринадиган ва шунга яқин ультрабинафша қисмини ўтказиб, инфракизил радиациянинг маълум қисмини тубиб қолади.

Ўсимлик тўқуми ҳужайраларида сувнинг бўлиши тургорга сабаб бўлади, бу турли-туман физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг муҳим йўналганлики ва жадалик омилидир. Ўсимлик танасида органик бирикмаларнинг биокимёвий синтези ва парчаланиш реакциялари бевосита сув иштироқида боради.

Сув тупроқдаги минерал тузларни эритивчи ва ўсимлик танасида моддаларнинг ҳаракатланиши ҳамда алмашинишин учун мухиттина бўлиб қолмасдан, улар ҳужайралар тузилишинини ажралмас қисми ҳамдир.

Ўсимликлар таркибидаги сув миқдори унинг тuri ва ёшига, таъминланиши даражаси, транспирация ва озиқланниш шароитларига боғлиқиди.

Қуруқ моддалар. Ўсимликлар танасида қуруқ моддаларнинг тўпланиши атмосферадан карбонат антигидрид газини юстилива ва илдиз тизими томонидан тупроқдаги минерал тузларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига содир бўлади.

Қишлоқ ҳўжалик экинлари таркибидаги қуруқ модданинг 42–45% углерод, 40–42% кислород, 6–7% водород ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг йигиниди 90–94% га тенгиди. Азот ва бошқа элементларнинг йигиниди-атиги 6–10% ни ташкил қиласи (5-жадвал).

Углеводлар, ёёлар ва бошқа азотсиз органик бириклилар учта элементдан — углерод, кислород ва водороддан тузилган, оқсил ва бошқа азотли органик бириклилар таркибида эса азот ҳам учрайди. Мазкур тұртта элемент — *органоген элементтер* деб аталады ва үсимликлар куруқ мөддасининг таҳминан 95% га яқини улар хиссасынан тұрғы келеді.

Үсимликлар танаисида учрайдиган барча элементтер үсимлик ҳәтида туттан үрни ва миқдорита күра учта гурухға ажratилади.

Углерод, кислород, водород, азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингуттурт ва темир каби элементтер үсимликларнинг мөбөрида үсіб-ривожланиши учун үта зарур хисобланады. Уларнинг миқдори одатта үсимлик танаисинин 0,01% идан тоқи бир неча ўн % ини ташкил келады ви **макроэлементтер** деб жоритилади.

5-жадавал.

Рұзанинг кимёвий таркиби, %. Пишиш даври.  
(С. А. Кудрин, 1947)

Элемент	Белгиси	Куруқ мөддата иисбетан, %	Элемент	Белгиси	Куруқ мөддата иисбетан, %
Кислород	O	45,000	Олтингуттурт	S	0,200
Углерод	C	43,000	Хлор	Cl	0,050
Водород	H	6,300	Темир	Fe	0,030
Азот	N	1,400	Марганец	Mn	0,005
Калий	K	1,500	Стронций	Sr	0,004
Кальций	Ca	1,000	Бүр	B	0,003
Кремний	Si	0,500	Рух	Zn	0,003
Алюминий	Al	0,350	Барий	Ba	0,003
Магний	Mg	0,300	Титан	Ti	0,001
Фосфор	P	0,300	Мис	Cu	0,001
Натрий	Na	0,200	Рубидий	Rb	0,0005

Марганец, бүр, молибден, мис, рух, кобальт, иод, ванадий каби элементтер үсимликлар таркибидеги аңча кам ( $10^{-3}$  —  $10^{-6}$ %) миқдорда учрасада, үсимликлар танаисида содир бұлалыған асосын блокимёвий ва физиологик жаһаёнларда мұхым ахамияттағынан ажадыры. Бұл элементтер — **микроэлементтер** деб номланады.

Үсимлик танаисининг жуда ҳам кичик қысменинін ( $10^{-6}$  —  $10^{-12}$ %) ташкил этадын рубидий, цезий, селен, кальций, кумуш, симбов ба бошқа элементтер ҳам үзінде яратыла ахамияттағынан ажадыры. Масалан, донли ва

үсимликлар ёндирілгандеги натрий, магний, фосфор, олтингуттурт, калий, кальций, темир, бүр, марганец ва бошқа элементтер күл таркибидеги колиши сабаблы улар күл элементтердеги номни олған.

Тұрлы үсимликлар таркибидеги азот ва күл элементтернің миқдори бир-біридан сезіларлы даражада фарқ қылады. Бұл мөбөри үсимликларнинг биологик хусусияттары, ёши, етиштириш шароитлары билан болғылғанда азоттың миқдоры күртсілтілген. Жадвал мәлumatлардан әкіндер куруқ мөддасы таркибидеги азоттнинг миқдори 1—3% атрофіда (дон-дуккаклы әкіндернің дони) ва күк массасыда үртаса 2,5—5,0% гача) үзгәрип туриши күрнінбір түрбиде. Күл мөддаларнинг миқдоры анча кәтте соҳада үзгәрады, чунончы, салат ва исмалоқ үсимликларда 14—18%, қандаллаганнинг айрим нағарларда барғыда 20% дан күпроқ күл элементтердеги бүлиши мүмкін.

6-жадавал.

Айрим әкіндер таркибидеги азот ва күл элементтер миқдори, күрк массасы иисбетан % ларда

(П. М. Смирнов ва А. В. Петербургский, 1975)

Үсимлик ва унинг тана қысмі	Азот	Күл
Бүгдей ва бошқа ғалла әкіндері: дона сомони Нұхат ва бошқа дуккаклы — дон әкіндері: дона пояси	1,5—3,0 0,4—0,6	1,5—4,0 3,0—5,0
Картошка: тузунаги барғалари	4,0—6,0 1,0—1,5	2,5—5,0 4,0—5,0
Кандаллагалы гаптары: илдизи палаги	1,0—2,0 4,0—6,0	3,0—5,0 8,0—14,0
Беда, себарға (күк массасы)	1,0 1,5—2,5 2,5—5,0	2,0—3,0 6,0—12,0 6,0—12,0

Үсимликлар таркибидеги күлнинг ялпи миқдориниң әмас, балқы унинг таркибини билиш агрономия нұкта-назаридан мұхым ахамияттағынан ажадыры. Масалан, донли ва

дуккакли — дон экинлар уруги кулининг 40—50% фосфор ( $P_2O_5$ ), 30—40% калий ( $K_2O$ ) ва 8—12% магний ( $MgO$ )дан иборат. Демак, уруғ таркибининг деярли 90% маскур уч элемент оксидларининг хиссасига тўғри келади.

Сомон таркибидаги фосфор миқдори 3—5 марта кўп бўлгани ҳолда, калийни ва кремнийнинг миқдори ҳам кескин ошиди. Дуккакли ва дуккакли — дон экинларининг уруги ва сомонидаги олтингутурт нисбатан кўпроқ учрайди. Картошка тугунларни ва илдизмеваларнинг кули ўз таркибидаги калий миқдорининг кўплиги билан ахралиб туради (40—60%). Илдиздаги фосфор миқдори ўсимликларнинг поя, сомон ва палакларида гигантски кўпроқ, натрий эса, аксинча, ер усти қисмларидаги кўпроқ булади.

Ўсимликларнинг барги калийга бой бўлиб, унинг миқдори ёш баргларда қарпи (эски) барглардагига нисбатан кўпроқдир. Калыцийнинг миқдори аксинча, қарпи баргларда 50—60% бўлгани ҳолда, ёш баргларда 20—40% дан ошмайди. Фосфор ва олтингутурт ўсимликлар ривожланишининг ўрта давларидаги 10% ни ташкил қиласи, ўсув даврининг охирига бориб, сезилиларни даражада камаяди. Бутунлошлар оиласига кирадиган экинларнинг барглари олтингутуртни кўпроқ тутади (7-жадвал).

## 7-жадвал.

**Асосий қашлоқ ҳўжалик экинлари таркибидаги азот, сув ва кул моддаларнинг таҳминий миқдори, %**  
(В. М. Борисов 1972)

Экин ва маъсулот тури	N	Кул	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	CaO	MgO	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Сув
Бугдай:								
дона	2,80	1,73	0,50	0,06	0,07	0,15	0,85	14,3
сомони	0,45	4,86	0,90	0,06	0,28	0,11	0,20	14,3
Маккакажӯхори:								
дона	1,91	1,23	0,37	0,01	0,03	0,19	0,57	14,4
појси	0,75	4,37	1,64	0,05	0,49	0,26	0,30	15,0
Ловия дона	9,68	3,90	1,72	0,06	0,24	0,29	1,38	—
Суя дона	5,80	2,84	1,26	0,03	0,17	0,25	1,04	10,0
појси	1,20	3,23	0,56	0,07	1,46	0,05	0,31	14,0
Fуза:								
уруги	3,00	3,90	1,25	0,02	0,20	0,54	1,10	11,7
толаси	0,34	1,93	0,91	0,03	0,16	0,17	0,06	—
чапоги	2,54	8,33	3,43	0,05	1,06	0,28	0,32	—
барги	3,20	1,59	1,28	0,31	6,14	0,12	0,50	—
појси	1,46	4,50	1,31	0,11	1,00	0,41	0,21	—

Зигир: уруги појси	4,00 0,62	3,27 3,03	1,00 0,97	0,07 0,25	0,26 0,69	0,47 0,20	1,35 0,42	11,8 12,0
Кунгабоқар: уруги яхлит экинда	2,61 1,56	3,30 —	0,96 5,25	0,10 0,10	0,20 1,53	0,51 0,68	1,39 0,76	10,0 8,6
Кандилавлаги: илдизмезва барги	0,24 0,35	0,57 1,42	0,25 0,50	0,07 0,30	0,06 0,17	0,05 0,11	0,08 0,10	75,0 35,5
Картошки: тутунларни палаги	0,32 0,30	0,97 2,49	0,60 0,85	0,02 0,10	0,08 0,80	0,06 0,21	0,14 0,10	75,0 77,0
Сабзи: илдизмезави барги	0,18 0,34	0,93 3,10	0,40 0,60	0,18 0,20	0,07 1,50	0,05 0,15	0,11 0,08	89,0 82,0
Беда: гудлаш давридағи почани	2,60	—	1,50	0,11	2,52	0,31	0,65	16,0

Агрономлар ўз иш фаолиятида озиқ моддаларнинг миқдори, экин нави, тупроқ-иқлим шароитлари, қўлланадиган ўғитлар миқдори ва ўсимликларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ, равишда ўзгариб туришини нутумласиллари керак.

**Ўсимликларнинг органик кимёвий таркиби**

Ўсимликлар танасида турли-туман органик биримлар учрайди. Миқдорининг изёни кўплиги ва аҳамиятига кўра уларни бир нечта гурухга бўлиш мумкин. Масалан, ўсимликлар танасида оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар, камроқ миқдорда учрайди, лекин улар жуда катта аҳамиятига эга бўлган моддалардир. Целлюлоза, гемицеллюлоза, лигнин кабилар ўсимлик таркибининг асосини ташкил қилиб, сомон, ёғочлик, уруғ қобиги, ўсимлик толасининг таркибига киради.

Айрим органик моддалар ўсимликларнинг фақаттингизи майяян қисмиди, масалан, уруғ, мева, мумиз ва тутунларнада захири модда сифатига (захира оқсил, крахмал, ёғ, қанд моддалари) шаклланади ва тўпланади. Ўсимликларнинг айрим гурухлари алкалоид, гликозид, қатрон (смола) каучук ва ифор моллари каби ўзига хос моддаларни синтезлашга хусусиятига эга.

Ўсимлик куруқ массасининг асосий қисмими, баъзи ҳолларда 80—90%-ини органик моддалар ташкил қиласи. Ўсимликлар танасида энг кенг тарқалган органик моддалар жумласига углеводлар, ёлар ва оқсилларни

киритиш мүмкін. Уларнинг айрим қишлоқ хұжалик экинлари таркибидаги ўртаса миқдори 8-жадвалда көлтирилген.

8-жадвал.

**Асосий қишлоқ хұжалик экинлары ҳосилнинг ўртаса кімдемін таркиби, %**

(Б. А. Ягодин, 1989)

Экин ва ҳосил тури	Сүб	Оксил	Хом протеин	Ег	Крахмал	Шеллополоза	Кул
Бүгелдій (дони)	12	14	16	2,0	65	2,5	1,8
Жавдар (дони)	12	12	13	2,0	68	2,3	1,6
Сули (дони)	13	11	12	4,2	55	10,0	3,5
Арпа (дони)	13	9	10	2,2	65	5,5	3,0
Шоли (гуруч)	11	7	8	0,8	78	0,6	0,5
Маккаджүхар (дони)	15	9	10	4,7	66	2,0	1,5
Гречиха (дони)	13	9	11	2,8	62	8,8	2,0
Үрнін пұхат (дони)	13	20	23	1,5	53	5,4	2,5
Ловия (дони)	13	18	20	1,2	58	4,0	3,0
Сүй (дони)	11	29	34	16	27	7,0	3,5
Күнгабокар (магзи)	8	22	25	50	7	5,0	3,5
Зинир (уррут)	8	23	26	35	16	8,0	4,0
Картошка (туғынаги)	78	1,3	2,0	0,1	17	0,8	1,0
Қандалавлагы (мидзиз)	75	1,0	1,6	0,2	19	1,4	0,8
Сабзи (илдизмеваси)	86	0,7	1,3	0,2	9	1,1	0,9
Піләс (піләс баш)	85	3	2,5	0,1	8	0,8	0,7
Бедә (күк масса)	75	3	3,5	0,8	10	6	3,0

Табиийки, көлтирилген бу рақамлар ўртаса күрсатылғанда таркиби барлық өсімдіктің түрінен тағы да көрсеткіштің күрсатылады. Лекин шундай бұлсада, мазкур ўртаса күрсатылған галда экинларидаги асосий органик моддалар оксиллар (9—18 %) ва крахмал (50—60 %) экинлігінің күрсатыб турилди. Дон-дуккақалы экинларда еса оксил күпроқ крахмалдан бар мұнча камроқ үрайды. Картошка туғынагарда күпроқ крахмал, илдизмевасилерде мева-чеваларда углеводлар түпланды. Мойның экинларнинг уруғы таркибіде ёға еса оксил миқдори күп бўлади. Ҳар бир органик модда турига алоҳида тұтынбалы үтиш мақсадта мувофиқиди.

**Оксиллар.** Оксиллар юқори молекуляр органик бирикмалардан ҳисобланып, ўз таркибіда анча чекланған миқдордаги аминокислотарнинг юзлаб ва минглаб қолдикларини турады. Оксиллар үсімлік танасида кета-

диган модда алмашинуvinning барча жараёнларыда ҳал құлувын роль ўйнанғандық сабабы организмлар ҳәтиерінг асоци ҳисобланады.

Күпчилик үсімліктерде, айниқса, уларнинг уругуарларда, оксиллар захира модда сифатыда түпланды. Экинларнинг ўсус органлары таркибиде оксил миқдори улар күруқ массасининг 5—20%-ини, дон-дуккақалы ва мойның экинлар уругунинг 20—35% ини ташкил қиласы (8-жадвал).

Оксилларнинг таркиби анча барқарор бўлиб, 51—55%-ини углерод, 21—24%-ини кислород, 15—18%-ини азот, 6,5—7,0%-ини водород, 0,3—1,5%-ини олтингутурт ташкил қиласы.

Оксил моддаларининг молекулалари асосан 20 та аминокислота ва 2 та амид (аспарагин ва глутамин)-дан тузилган. Оксилларнинг молекуляр оғирлігі жуда катта бўлиб, аксарият ҳолларда бир неча миллионга етади.

Барча оксиллар иккита гурухга — протеинлар ва протеидларга бўлинади. Протеинлар (оддий оксиллар) факат аминокислота қолдикларидан тузилган бўлса, протеидлар (мураккаб оксиллар) оддий оксил ва у билан боғланган нооксил табиатли бирикмадан ибораттади.

Протеинларни эрүвчанлигига кўра қуйидагича гурӯлашы мүмкін:

а) альбуминлар — сувда осон эрийдиган оддий оксиллар;

б) глобулинлар — сувда эримайдиган, туз эритмаларда эрийдиган оксиллар;

в) проламинлар — 70—80%-ли этил спиртда эриши билан характерланади;

г) глютенинлар — сувда ва тузли эритмаларда эрийдиган лекин ишқорларнинг күчсиз эритмаларда эрийдиган оксиллар. Глютенинлар ва проламинлар нон сифатын белгилайдиган бүгелдій клейковинасининг асоси ташкил қиласы.

Протеидлар эса, таркибига кирган нооксил моддалар табиатидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга бўлинади:

а) липопротеидлар — оксилларнинг түрли-туман ёғиси-мон моддалар билан ҳосиласи;

б) глюкопротеидлар — оксилларнинг түрли-туман моносахаридлар билан ҳосиласи;

в) хромопротеидлар — оксилларнинг нооксил харак-

тердаги бүек моддалар билан ҳосил қылган бирикмалари;

г) **нуклеопротеидлар** — оқсил ва нуклеин кислоталарнинг бирикмаси.

Металлар ва фосфат кислота қолдиклари ҳам протеинларнинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Бундай мурраккаб оқсиллар тегишлича **металло- ва фосфорпротеидлар** деб номланади.

Ўсимлик оқсиллар таркибида «тengи йўқ» деб ҳисобланадиган валин, лейцин, изолейцин, треонин, метионин, гистидин, лизин, триптофан ва фенилаланин каби аминокислоталар мавжуд бўлиб, улар одам ва ҳайвонлар организмидаги синтезланмайди.

Шу сабабли ўсимлик маҳсулотларининг сифати фаскат улар таркибидаги оқсил микродига қараб эмас, балки уларнинг фракцион ва аминокислота таркибини ўрганиш, ҳазм бўлиши ва тўла қимматилигига қараб ҳам баҳоландади. Ургулардаги азотнинг 90% и ва ўсимлик тана қисмларидаги азотнинг асосий қисми (75–90%) оқсиллар таркибида бўлади.

Бошقا азотли бирикмалар. Оқсиллардан ташқари ўсимликлар таркибидаги нооқсил табиатли бирикмалар учрайди ва улар «нооқсил азот» фракцияси деб юритилади. Бу фракция таркибига азотнинг нитрат ва аммиак шаклдаги минерал бирикмалари ва нооқсил ҳолатдаги азотли бирикмалар киради.

Ўсимликлар таркибидаги органик бирикмаларнинг кичикроқ қисми **пептидлар** ҳолида бўлади. Пептидлар чекланган миқдордага аминокислоталардан тузилган бўлиб, молекуляр массасининг кичик бўлиши билан оқсиллардан ажralиб туради.

Пиримидин ва пурин асослари ҳам энг муҳим органик азотли бирикмалар жумласига кириллади.

Ўсимликлар баргидаги нооқсил азотли бирикмалар миқдори улардаги оқсил миқдорининг 10–25, галлагулдошлар уруғи таркибидаги эса 6–10%ига тўғри келади. Дон-дуккакли ва мойли экиниларнинг уруғи таркибидаги нооқсил азотнинг миқдори уруғ массасининг 2–3, оқсил миқдорининг 10%ига тенгdir. Картошка тутунларидаги, илдизмеваларда ва кўқатларда япли азот миқдорининг яримга яқини азотли нооқсил бирикмалар хиссасига тўғри келади.

Нооқсил табиатли азотли бирикмалар одам ва чорва моллари танасида осон ҳазм бўлади ва цунинг учин ҳам ўзиға хос биологик қимматда эгадир. Ўсимлик маҳсу-

лотларининг сифатини белгилашда «хом протеин» кўрсаткичидан фойдаланилади. Хом протеин ўсимликлардаги япли азот миқдорини 6,25 көфициентга (бу рақам оқсил ва нооқсил азотли бирикмалар таркибидаги азотнинг ўтгача миқдори – 16%дан келтириб чиқарилган) кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб топилиши.

**Углеводлар.** Ўсимликлар таркибидаги органик моддаларнинг яна бир муҳим гурӯҳи углеводлардир. Қанд, крахмал, целлюлоза, пектин моддалар энг муҳим углеводлардан ҳисобланади.

Қанд – ўсимлик танасидағи заҳира модда. Ўсимликларда моносахаридлардан **глюкоза**, **фруктоза**, дисахаридлардан **сахароза** кўп тўпландади.

**Глюкоза.** Глюкоза мева-чевалар таркибидага кўпроқ, қандлавлаги ва бошқа илдизмевалилар таркибидаги жуда кам (бир %га етар-етмас) учрайди. Узум глюкозага энг бой мевалардан бўлганилиги сабабли (8–15 %), унинг «узум шакари» деган номи шундан келиб чиқкан.

Моносахаридлар, биринчи навбатда глюкоза ўсимликларнинг нафас олишида асосий энергия манбаси ҳисобланади, уларнинг фосфат ифорлари бошқа шакарфосфатлар билан бирга фотосинтезда, мурраккаб углеводлар синтезидаги бошқа модда алмашиниши жараёнларидан иштирок этади.

**Фруктоза.** Фруктоза ёки бошқача айтганда, «мева шакари» данакни ширин мевалар таркибидаги кўп бўлиб, 6–10%ни ташкил қилади. Топинамбур (ер ноки) таркибидаги фруктозанинг миқдори энг кўп – 10–12%га стади. Сабзавотлар ва галлагулдошларнинг донлари таркибидаги жуда кам миқдорда (%нинг ўндан ва ҳатто юздан бир улушича) учрайди. Фруктоза одатда сахароза ва бошқа полифруктоза ҳосилларининг таркибига киради.

**Сахароза.** Сахароза энг муҳим қанд моддаларидан бири бўлиб, глюкоза ва фруктоза молекулалари қолдикларидан таркиб топади. У барча ўсимлик тўқималарининг таркибида ёки кўп миқдорда учрайди. Мевалар (олмада – 5, апельсинда – 6, олхўрида 8%гача) ва резавор мевалар, шунингдек, сабзи, ошлавлаги, пиёз ва бошқа бир қатор маҳсулотлар ўз таркибидаги сахароза миқдорининг кўллиги билан ажralib туради. Шакаркашиш ва қандлавлаги сахарозага энг бой экинилар жумласига киради. Уларнинг таркибидаги миқдори мос равиша 11–15 ва 14–22%га стади. Фотосинтез

нафас олиш, оддий углеводлардан мұраккаб углеводларнин синтезланации каби жарапнан фәқат сахароза иштирикоқ кетады.

**Крахмал.** Крахмал ўсимликларнинг ўсув органларидан камроқ миқдорда, тутунаклар, пиёбашлар ва уруғларда асосий углевод сифатида ( $0,002$ — $0,015$  мм кватталык доначалар ҳолиди) түлланади. Эртаги картошка навлари тутунакларидан 10—14%, кечишар навларда эса 16—22%гача крахмал түлланади. Айниқса, донни экинилар крахмалға бой бұлғып, ең күп миқдори гүрүч таркибида ( $70$ — $80$ %), нисбатан камроқ миқдорда маккәхори ва пивобот арпа таркибида учрайди. Умуман олтанды, барча донни экинилар уруғида крахмалнинг миқдори 55—70% атрофида бўлади.

Ўсимликлардаги оқсил ва крахмал ўргасида тексари боғлиқлик мавжуд. Оқсилга бой дон-дуккакли экинилар уруғида крахмал миқдори галла экинилари уругидагига қарраганда анча кам бўлади, майни экинилар уруғида крахмал миқдори янада камроқдир.

Крахмал бир хинсли оддий модда бўлмасдан, иккита турли хил полисахарид — амилоза ва амилопектин (мос равишда  $15$ — $25$  ва  $75$ — $85$ %) аралашмасидан иборат. Амилоза бир неча юз минг глюкоза қолдикларининг тармоқланмаган занжиридан тузилган, молекуляр оғирлиги  $100\ 000$ — $600\ 000$ , сувда клейстер (елимшик модда) ҳосил қиласдан эрийди ва иод таъсирида кўкаради. Ундан фарқли ўлароқ, амилопектинда глюкоза қолдиклари тармоқланган, қийин гидролизланадиган занжир ҳосил қиласи: молекуляр оғирлиги —  $1\ 000\ 000$ . Амилопектин қайнок сувда клейстер ҳосил қиласи. Иод таъсирида тунанфа тусга ўтади.

Крахмал — одам ва хайвонлар организми томонидан осон ўзлаштириладиган углеводдир.

**Целлюлоза** — ҳужайра деворларининг асосий компоненти. У ўсимликларда лигнин, пектин моддалари билан боеланган бўлади. Паҳта толаси  $95$ — $98$  %, зигир  $80$ — $90$ %, каноп ва жут толалари ҳам деярли шунча миқдорда целлюлоза тутади. Шунинг учун ҳам айтиб түтілган экинилар асосан толаси учун етиштирилади. Даражатларнинг ёғоч қисмидан целлюлозанинг миқдори  $40$ — $50$ % га етади. Дони қириқ билан ўралган галлагуллилар (сули, шоли, тарик)нинг уруғларидан целлюлозанинг миқдори  $10$ — $15$ %, дон-дуккакли экинилар уруғида  $3$ — $5$ %, илдизмевалилар ва картошка тутунакларидан эса  $1$ %га яқин бўлади. Тоза целлюлоза — толасимон тузи-

лишга эга бўлган оқ модда. Унинг тўла гидролизланишидан глюкоза ҳосил бўлади.

**Гемицеллюлоза.** Ўсимликларнинг ҳужайра деворлари таркибида целлюлоза билан бир қаторда гемицеллюлоза деңномланадиган, кичикроқ молекуляр оғирлигига эга полисахаридлар ҳам киради. Гемицеллюлозалар кўпроқ сомон ва ёғочликда ( $20$ — $40$ % гача) учрайди.

**Лигнин.** Ўсимликлар ёғочлашган тўкумаларининг асосини ташкил этадиган модда. У кўпроқ ( $20$ — $40$ %) ўсимликларнинг поя ва сомонларидан, даражатларнинг ёғочлигига тўлланади. У целлюлоза толаларини биректириди, ҳужайра деворлари ораглидигидаги бўшликларни тўлдириди. Тоза лигнин сувда ва кислоталарда эрийдиган са-рик-жигтарнинг тусли модда.

**Пектин моддалар.** Пектин моддалар — мевалар, илдизмевалар ва ўсимлик толаларидан бўладиган ююри молекуляр полисахаридларидир. Улар толали ўсимликларда толаларнинг алоҳида-алоҳида тутамларини биректириди. Пектин моддаларнинг кислота ва ишқорлар таъсирида желе ёки дирилдик масса ҳосил қилишибдан қандолатчилик саноатида кенг фойдаланилади.

**Липопротеидлар.** Ёғлар ва ёғсимилик моддалар ҳам ўсимлик ҳужайра цитоплазмасининг компонентларидан ҳисобланниб, кўпчилик ўсимликларда захира модда сифатида тўлланади. Ёғларнинг оқсиллари билан ҳосил қиласидан бирекмалари — **липопротеидлар** ўсимлик танасининг барча аъзоларидан учраб, улар ҳўм массанчининг  $0,1$ — $0,5$  %ини ташкил қиласи. Шунингдек, бу моддалар ҳужайра мембраннынин фоалиятини бошқаришида ҳам муҳим ўрин тутади. Энг муҳим майли экинилар ва паҳта чигитидаги ёғ миқдори (%) кўйидагича:

Канакунжут	— $60$ — $70$	зигир	— $30$
кунжут	— $45$ — $50$	каноп	— $30$
қўйнори	— $45$ — $50$	хантал	— $30$ — $35$
зайтун	— $45$ — $50$	чибит	— $25$
экбиноп наша	— $30$ — $38$	сүя	— $20$
кунгабокар	— $24$ — $50$		

Ўсимлик ёғлари таркибида олеин, линол ва линолен каби тўйинмаган, пальмитин ва стеарин каби тўйинланган кислоталар мавжуд. Ўсимлик мойларидаги ёғ кислоталарнинг таркиби уларнинг куруқлик даражаси ва суюқланиши ҳарорати каби хоссаларини, ачинча ва со-вунланиши хусусиятларини ҳамда озуқаворлик қимматини белтилайди. Линол ва линолен кислоталари фагаттана ўсимлик мойлари таркибида бўлишини ва инсон

организміда бевосита синтезланысмынан ұсамыттың қаралып шығып көрінеді.

Еларнинг оксидланышыдан углевод да оксиллар оксидландағы қаралып иккі баравар күпроқ энергия ажралип чыкады.

**Витаминдар** үсімшілдер таркибінде оқсил, углевод да әгерлар нисбетан кам миқдорда учрасада, үсімшіл, инсон да ҳайвонларнан қаёт фоалиятта мұхым рол үйнайды. Одам да ҳайвонлар танасыда витаминдар бевосита синтезланысады. Тирик организмларда витаминдар органик катализаторлар вазифасыни бажарады. Ҳозирги кунга келиб 40 дан ортткы витамин аниқланған. Асосий қышында құжалық үсімшілдер таркибидегі витаминлардың миқдоры 9-жадвалда көлтирилген.

*C витамин* (аскорбин кислота) етишмаганды, цинка деб номланадын оғир хасталық келип чықады. Бир кече-күнде 50—100 мг миқдорда C витаминини иsteмөл қылыш 9-жадвалда көлтирилген.

*B<sub>1</sub>* витамини (тиамин) организмлардагы модда алмашинуви жараёнида мұхым ахамиятта этеге. Озиқ-овқаттар таркибінде тиамин етишмаса, *полиневрит* хасталығы күзатылады.

*B<sub>2</sub>* витамини (рибофлавин) — оксидловчи-қайтаратучи ферменттер таркибига кирады. Күпроқ хамиртуруш да айрым сабзавот үсімшілдер таркибінде бұлалы.

*B<sub>6</sub>* витамини (пиридоксин) — молдалар алмашинувида, айнан да алмашинувида мұхым роль үйнайды.

*E витамини* (токоферол) — антистепорида фоалитика зәғадалар гүрухи. Бу витамин етишмаганды одам да ҳайвонларда оқсил, липид да углеводлар алмашинуви бузилады, натижасыда ҳайвонларнинг жинсий айзолари заарланағанда да үлар күпайыш қобилияттін жүйкөтады.

*A витамини* (ретинол) — одам да ҳайвонларда кесе-рофтильміз хасталығынан олдини олады; бу касаллардың белгилари күз шох пардасининг ялғылғаныши да шабкурлықтар. Үсімшілдер таркибінде ретинол учрамасада, А витамини фоалигига этеге бұлтап бошқа молдалар мавжудиді. Бундан молдалар жумласыса *каротиноидлар*, шу жумладан каротин ( $C_{40}H_{56}$ ) кирады. Үлар яшил барғаларнан хлоропластарда, түрлі мемеларда учрайды ҳамда фотосинтез, үсімшілдернің күпайышы да оксидланыш-қайтарилиши жараёнында мұхым ахамиятта этеге. Одам да ҳайвонлар организмінде түштін каротин тездә A витаминің айланады.

*K витамини* — одам да ҳайвонларда қоннинг мез-

Асосий үсімшілдер таркибидегі энг мұхым витаминдар миқдоры  
(100 грамм маңсулотта грамм ұсамыттың миқдоры (А. В. Петербургский, 1972)

Эсін түрі	Каротин	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>6</sub>	E	K	C
Бүгдей дони	0,1	0,5	0,1	0,4	1,0	0,05	—
Бүгдей уни	0,01	0,1	0,02	0,1	0,1	—	—
Жаңдар	0,1	0,5	0,1	0,4	0,6	0,05	—
Максажүхори	2,0	0,6	0,1	0,7	2,0	0,1	—
Нұхат	0,2	0,6	0,2	0,7	0,5	0,1	—
Картошка	0,1	0,1	0,05	0,1	0,05	0,1	20
Сабзи	10	0,1	0,04	0,1	0,1	2,0	5
Карам	2	0,1	0,07	0,1	0,1	3,0	30,0
Помидор	2	0,04	—	—	—	—	5,0
Олма	2,0	0,5	—	0,1	—	—	20,0
Қоря бодрезак	10,0	0,02	—	—	—	—	200,0
Узум	0,1	—	—	—	—	—	3,0
Бир кече-күн-дүздегі иштимол мез-шырын, мг	2—4	2—3	2—4	1—3	10	2	50—100

еріда ивиши учун хизмат қылады. Үсімшілдердегі оксидланыш-қайтарилиш жараёнында да қысман фотосинтезда иштірілген этади. К витамини үсімшілдернің яшил қысметарда синтезланғанда учун яшил барғларда күпроқ, учрайди.

*Алкалоидлар*. Алкалоидлар күчли физиологик тәсірінде этеге бұлтанды, ишкөрдің характеристикаларында гетероциклик азот туттап молдаларді. Улар айрым қышында құжалық үсімшілдернің танасыда сезилизмдар миқдорда синтезланады да түпленады. Ҳозирғы кунда алкалоид қосыл қылувчи бир қанча үсімшілдер аниқланған да үлардың етиштириш жүйгі күйілген. Масалан, тамакининг барғларда никотин (3—7%), люпиннинг барғы да поясида люпин, спартеин, люпин алкалоидлары (1—3%), хина даражатында пүстілгінде хинин (8—12%) түпленады. Құқнори «сүти»нің талқонда бир нечта алкалоид учраб (морфин, наркотин, кодеин), уларнинг миқдоры 15—20% ташкил этади. Кофе дони таркибінде 1—3%, чой барғларда 5% гача кофеин алкалоид учрайди.

Алкалоидлар тиббеттә да саноатнан айрым тармоқтарда көнт күләмде ишлатылады.

## Билимнингизни сиаб кўринг

1. Үсімніктар тарқибындағы күрүқ молда ва сув микдорининг ұзғарын күләмі қаңақа?
  2. Сүв үсімніктар танасыда қаңақа функцияларын бажарады?
  3. Макро, микро ва ультрамікрозлементлар ҳақида нималарын биласыз?
  4. Німа учун күл элементлари дейміз?
  5. Оксидларнан элементтар кімбейтін тарқибы қандай?
  6. Протеїндер ва протеїндларнинг ұзақ фарқы нимада?
  7. Үсімніктар тарқибінде үйрайдыган яна қайсы азотты органик моддаларны биласыз?
  8. «Хом протеїн» дегендег Сиз ниманы туспасыз?
  9. Үсімніктар танасында үйрайдыган асосий углеводлар түрлерінде маңыздылығын беринг.
  10. Крахмал тарқибында амилоза ва амилоектиннинг үшінші ва фарқдануучы томонларини күрсатын.
  11. Целлюлоза ва гемицеллюлозаның бир-бірідан фарқы нимада?
  12. Үсімніктар тарқибінде әрі жаңы молдадар ҳақида нималарын биласыз?
  13. Үсімніктар тарқибидеги энд мұхым витаминлар ва алколоидтарның тасылғандар.

## ЎСИМЛИКЛАРИНГ ОЗИКЛАНИШЫ

Ер юздаги барча тирик организмларнинг ўсиши ва ривожланиши биринчى навбатда уларнинг озиқланиши билан боелгик. Лекин юксак ўсимликларнинг озиқланиши ҳайвонот дунеси озиқланышидан кескин фарж қыла-ди, чунки ҳайвонлар факат тайер органик маңзулоттарни истемол қысалар (*автомотор озиқланиши*), ўсимликлар ўзлари учун керакли органик моддаларни оддий минерал биримлар (карбонат ангирид, сув ва айрим тузлар)дан күш энергияси ёрдамида синтезлайди (*автомотор озиқланиши*).

Яшил ўсимликларнинг озиқданishi бир пайтнинг ўзида иккиси сферада содир бўлади. Улар илдизлари билан тупроқдан сув ва унда эриган минерал тузларни олса, поя ва барглари ёрдамида атмосферадан  $\text{CO}_2$  газини ўзлаштирилди. Ўсимликларда бир бутун озиқданishi жараёнининг икки томони бўлган ҳаводон озиқланиши (фотосинтез) ва илдиздан (минерал) озиқланиши фарқи надади. Ўсимликларнинг илдиз тизими ва ер устки қисмидаги ўсуслар давомигина мудда алмашнивчи содир бўлган боис бу иккиси озиқланиши типи муштараклини.


Шу сабабдан ўсимликларнинг минерал озиқланишини ўрганишдан аввал ҳаводан озиқланиши (фотосинтез) масалаларида қисқача тұхталиб үтамиз.

## Үсімліктарнинг ҳаводан озикланиш

Яшил ўсимликларнинг күш нури иштирокида карбонат ангирид гази ва сувдан органик моддалар ҳосил этилини жарабёнига фотосинтез дейилади.

Ж. Пристли (1771) ўсимликлар нағас олиш бинобарида ифлосланган ҳавони тозалашини, Я. Ингенгауз (1779) бу жарайн фактад ёргулук иштирикода содир булишини исботлайды. Ж. Сенебе ва Т. Соссюрлар томондан яшил ўсимликлар карбонат ангидриді ва сұдан органик мадда қосыл қылышы ва бунда ҳавога әркін кислород ажырали чиқыши эътироф этилди. К. А. Тимирязев үзінинг «Күшт, ҳаёт ва хлорофилл номлы рисоласида фотосинтез жарайнининг механизмини очиб берді. Шунингдек, фотосинтез жарайниниң ўрганишга А. П. Виноградов, Р. В. Тейс, С. Рубен ва М. Камен каби олимпидлар катта хисса күшшилар.

Фотосинтез анча мураккаб жараён бўлиб, бир неча босқичда содир бўлади. Баргдаги яшил пигмент — хлоропсил ёруғлик энергияси квантларни ютгач, фаол ҳолатта ўтади. У барг таркибидаги икки молекула сув билан таъсирлашиб икки атом водородни тортиб олади. Колдиқ гидроксил ( $\text{OH}$ )лардан водород пероксид ҳосил бўлали, ҳаисики ўз навбатида сув ва кислород атомларига парчаланади:




Баргнинг атмосфера ҳавосини кислород билан бо-  
йитиши бевосита мазкур жаёнга асосланган.

Фотосинтезнинг ёргулғык фазасида хлорофиллда күзғалтан электронлар фотолизга ушраган сув протонлари (Н-ион) ёрдамида трифосфоциридинукулеотид (ТПН)ни қайтарып, ТПН-Н<sub>+</sub>ни ҳосил қылаты. Бу биримкіннен башқача номи күтпілдікка таныш бўлган НАД (никотинамидаденинуклеотидларидир).

Уз навбатида НАД-Н<sub>2</sub> фотосинтезининг қоронгулик реакцияларида қайтарувчи вазифасини бажаради. Юқорида айтилган барча ўзгаришиларда энергия донори бўлиб АТФ (фотосинтетик фосфорланиш маҳсуси) хизмат килади.

Фотосинтезда асосий маңсулот сифатида углеводлар хосил бўлади:



Кейнинг ўзгаришлар натижасида ўсимлик танасида оддий углеводлардан мураккаб углеводлар, шунингдек бир қатор азотсиз органик бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмаларниг миқдори ёруғлик кучи, ўсимлик тури ҳамда яшаш шароитлари (тупроқ намлиги, озиқ моддалар ва ҳарорат билан таъминланни)га боғлиқ.

Фаолият кўрсатетган баргларда ёруғлик таъсирида хлорофилл миқдори камайди, хлоропластлар танаси эса йириклишади. Бунга қарши ўлароқ, сояда қолган баргларда хлорофилл миқдори кўпайди, қайсики, барг фаолиятида кучайтирища муҳим аҳамиятта эга.

Барг таркибидаги азот ва магнининг 75, темирнинг 80, рухнинг 70, кальцийнинг 65, калий ва миснинг 50% и хлоропластлар танасида жамланади. Бу рақамлар мазкур элементларнинг фотосинтезда катта аҳамиятта эга эканлигини кўрсатади. Хлоропластлар таркибидаги ферментлар ҳам кўп миқдорда учрайди.

Барг юзасига ёруғлик тушгандан кейин 5—10 сония ўтгач, органик моддалар синтезланади. Қандай модда ва қанча миқдорда синтезланниши ўсимликнинг табиати, ёшли ва етиштириш шароитларига боғлиқ.

Бир кўг барг таркибida 1—3 г атрофида хлорофилл бўлади ёки бошқача айттанди, ҳар 25 см<sup>2</sup> барг юзасига 1 мг хлорофилл тўғри келади.

Битта баргдаги хлорофилл доналарининг умумий юзаси шу барг пластинкаси юзасидан қарийб икки юз марта каттадир.

Ёз фаслида 1 мг хлорофилл бир соат давомида 5 мг карбонат ангиридидин ассимиляциялаша иштирок этади. Битта кундузда барг массасининг 25% и атрофида органик модда синтезланади, лекин унинг 5—10%ни нафас олиш жараёнида сарфланади. Кўёшдан тарқаладиган ёруғлик энергиясининг жуда кам қисми — атиги 1—2,5% и фотосинтез жараёнида ўзлаштирилади.

Атмосфера ҳавосидаги карбонат ангиридид миқдори 0,03% дан 0,01% га тубиши қолса, фотосинтез тўхтайди. Карбонат ангиридид миқдори 30 марта ва ундан ҳам кўпроқ оширилса (суннай шароитларда), фотосинтезнинг самараси ҳам шунга мос раввища ортиг боради.

Барг 1—2 моль карбонат ангиридидни ўзлаштириб, 112 ккал энергия тўплайди. Бир га майдондаги картошка ёки қандалавлаги бир кечакундузда 1 м га яхин карбонат ангиридидни ўзлаштириб, 500 ке органик моддаларини синтезлайди.

Ўсимликлар барги орқали атмосферадан камроқ ол-

типтутуртни, илдиздан ташқари озиқлантиришда азот, фосфор ва айрим микроэлементларни ўзлаштириши мумкин. Лекин табиий шароитда барглар орқали асосан углерод ўзлаштирилса сув, азот ва бошқа озиқ моддаларнинг асосий қисми илдиз орқали ютилади.

Ер юзидаги яши ўсимликлар фотосинтез натижасида ҳар йили 120 млрд. т органик модда ҳосил қиласди. Бу жаҳонда ўсимликлар 200 млрд. т карбонат ангиридини ўзлаштириб, ҳавога 145 млрд. т эркин кислород ажратади. Ҳаёт учун зарур энергиянинг кўп қисми океан ва қуруқлик ўсимликларда ҳосил бўлиши эътиборга олинса, фотосинтез энергетикини ва механизмини ўрганиш қанчалар катта аҳамиятта эга эканлиги аён бўлади.

### Ўсимликларнинг илдиздан озиқланиши

Ўсимликларни ҳаводан озиқланишини бошқариш анча қўйин муммалардан бирори. Бунинг аксича, ўсимликларни илдиздан озиқланишини бошқариш мумкин. Қамдан кам ҳолларда тупроқда ўсимликлар учун зарур элементларнинг барчаси жамланган бўлади. Қўпинча 2—3 та, айрим ҳолларда ундан ҳам кўп озиқ элементлар танқислиги сезилади, қайсики инсонни ўсимликларнинг озиқланиши жараёнига бевосита аралашинини тақзоқ қиласди.

Ўсимликлар учун зарур, лекин тупроқда кам ёки қўйин ўзлаштирилалиган ҳолатда учрайтидан элементлар минерал ўғит сифатида киритилади ва инсон шу йўл билан табиатда моддалар айланнишида иштирок этади.

Ўсимликларнинг илдиздан озиқланиши минерал озиқланиши деб ҳам юритилади. Бу тушунча бир-бiri билан узый бўлгандан кўйидаги жараёниларни ўз ичига олади.

1. Ўсимликларнинг илдизи ўз нордон ажратмалари билан тупроқ қаттиқ фазасига таъсир қиласди, сингдириш комплекси (ТСК) томонидан амлашибиниң сингдирилган озиқ ионларини эритмага сиқиб чиқаради ва сунда қўйин эрйидиган бирикмаларни қисман эритади.

2. Илдиз юзасидаги бир қатор ферментлар тупроқнинг минерал ва органик моддаларини парчалаш (гидролиз)да иштирок этади.

3. Илдиз тизимишини фаол юзаси билан мулоқотда бўладиган тупроқ эритмасидаги айрим тузлар диффузия ўйли билан ютилади.

4. Диффузия ва ионлар адсорбцияси натижасида

хужайра қобига ҳамда протоплазма мембраннысига сүрілған тұлар иллиз түкчалари томонидан ютилади.

5. Сингидрилган ионлар протоплазма ичидә аккумуляцияланады ва илдизда кетадиган синтезланыш жараёнларда иштирок этади.

6. Бары ва илдизда синтезланадиган органик моддалар үзаро алмашынады.

7. Илдиз орқали ютилған минерал моддалар кислема бўйлаб ўсимликнинг ер усти қисмiga қараб ҳаракатланади ва бунда минерал ҳамда органик моддаларнинг бир қисми тупроққа ажралади.

8. Ютилған айрим моддалар қари барглардан ёш баргларга, вегетатив органлардан репродуктив органларга оқиб ўтиш йўли билан ўсимлик танасида қайта ўзлаштирилади — реутализация.

Ўсимликнинг илдиз тизими, ер усти қисми ва тупроқ ўртасидаги үзаро муносабатни кўйидагича ифодалаш мумкин:



Бары ва илдизда содир бўладиган синтезланыш жарайнлари маълум миқдорда энергия сарфланишини талаб қилади. Бу энергиянга бағдада фәқат органик моддалар синтези учун эмас, балки фотосинтетик фосфорланыш учун ҳам зарур бўлиб, тўпландиган ёруғлик квантларни ҳисобига юзага келади. Илдизда энергия манбаи бўлиб углеводларнинг оксидланбии фосфорланши хизмат қилали: бунда ўсимликнинг ер усти қисмидаги энергия АТФ ҳолида тўпландади. Мазкур энергия ютилған ионларни цитоплазмада метаболик тўпланиши учун сарфланади.

## Ўсимликларнинг илдиз тизими: типлари, тузилиши ва функциялари

Олдатда ўсимликларда ташки кўринишига қараб ўқ ва попук илдиз фарқланади. Асосий илдиз яхши тараққий этиб, бошقا илдизлардан узувлиги ва йўғонлиги билан фарқ қиласа, ўқ илдиз, поянинг асосидан бир хил диаметри инсонном илдизчаларга ажралди кетган бўлса, попук илдиз деб юритилади.

Аксарият ўсимликларда асосий ва ён илдизлардан ташки кўшимча илдизлар ҳам шаклланади. Улар баҳаралиган функциясига кўра ўқ ва попук илдизларга яқин турсади, вегетатив органлардан, яъни поя ва баргдан ҳосил бўлиши билан фарқланади. Кўшимча илдизлар ўсимликлар ҳаётда катта аҳамиятга эга: илдиз тизими ҳажминни оширади, асосий ва ён илдизлар нобуд бўлганда, уларнинг ўрнини босади.

Яшаш шароити ва экология таъсирида турли-туман шакли ўзартган илдизлар ҳам юзага келиши мумкин. Бундай илдизлар жумласига захири тўпловчи, одимловчи, нафас олиш ва сўргич илдизларни киритиш мумкин.

Илдиз тизими ривожланишининг дастлабки босқичларда ўсимликнинг ер усти қисмига нисбатан тезроқ ривожланади. Ўсимликларнинг биологик ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда илдизнинг морфологик тузилиши, шаклланыш динамикаси, ривожланиши суръати ва тупроққа кириб бориши чуқурлиги ҳар хил бўлади. Сунгити ҳусусият асосида А. Р. Модестов асосий кишлоқ ҳужалик экинларини бир нечта гурухга бўлишини таклиф қылган:


а) узун илдизли ўсимликлар — беда, кунгабоқар, қандалагали, люпин, гўза — 2,5—4,0 м ва ундан чукур;

б) ўртача илдизли ўсимликлар — галлагулли дон экинлари, маккаждухори — 1,5—2,5 м;

в) қисқа илдизли ўсимликлар — нўхат, ўрис нўхат, ловия, гречиха, сўя, зигир, мош, картошка, экинбон наша — 1,5 м тага.

Илдизнинг тупроқда тарқалишини схематик тарзда бир-бирига тескари йўналишда жойлаштирилган ко-нуслар шаклида ифодалаш мумкин (2-расм).

Биринчи конус тўнтарилган кўрининча бўлиб, илдизнинг шакли ва массасини ифодайди, яъни илдиз массаси тупроқнинг юза қатламларидан пастки қатламларга қараб камайиб боради. Иккинчи конус тўғри ҳолатда жойлашган бўлиб, илдизнинг шимиш юзасини ифодайди.




2-расм. Үсімліктар илдиз тизимнің массасы (I) ва шимиш юзасы (II) ўртасидаги муносабат.

далайди. Илдизнің тик ва ёnlама тарқалиши, массасы ва ұажмини билиш экінларнің қатор ораларига ишлов бериш, үғитлаша ва сугоришини түрги ташкил қилишда мұхим амалың ахамиятта ега.

Үсімліктарнің озиқ моддаларни үзлаشتырыш жарайнини түрги турушуның учун илдизнің бирламчи тузылишини күздең көчіриб чиқиши лозым (3-расм).

Илдиз одатта *илдиз құны* билан ҳимояланған учидан бошлап үседі. Илдиз құны үздік елімсізмөн шилемшік моддалар ажратады, қайсыки илдизнің тупроқнинг күруқ ва қаттық заррачалары орасидан үтишини осонлаштирады. Илдиз құннан бевосита яқын жойда — *бұллинини зонасы* бошланады. Бу зона меристема үхайраларидан тузилған бұлліб, узунлігі 1—2 мм гә тен. Үндандан юқоририңде *чүзилиш зонасы* жойлашты. Бу ерда үхайралар бүйірте чүзилады ва ұажман кattалашады. Чүзилиши натижасында үхайраларнің узунлігі бошланғыч узунлікка нисбетан 10—20 марта ошады. Чүзилиш зонасида (узунлігі 3—4 мм) илдизнің ўтказаш тизими шаклдана бошлады, әлзасқасынан найчалар ва *ксилема* юзага келади. Ксилема орқалы сув, ютилған ионлар ва илдизда синтезланған органик моддаларнің бир қисми үсімліктегі ер тусти қысмінде узатылады.

Чүзилиш зонасинан чегарасыдан бошлап илдиз тукчалары билан қолланған үхайраларнің *дифференциациялланыш зонасы* бошланады. Бу ерда ксилема ва ўтказаш тизими тұла шаклланады. Илдизнің ўсуви қысмінинің бошқа қысмалардан фарқы үлароқ, сув ва озиқ элементлары осон ўтказувын кутикуласыз цеплюлоза қобиги билан үраланған бўлади.



3-расм. Илдиз учкы қысмасынің тузылиши:  
I—илдиз құны; II—бұллинини зонасы; III—чүзилиш зонасы;  
IV—илдиз тукчалары зонасы; V—ксилема; VI—флоэма.

Илдиз тукчалари илдизнің шимиш юзасини 20—30 ва ұтатқыш бир неча қоңырау оширады. Илдиз тукчаларнің сони турлы экинларда түрлі. Масалан, маккаждыкори илдизнің  $1 \text{ mm}^2$  юзасыда 425 та, үріс нұхатда 230 та илдиз туккасы бўлиши аникланған. Илдиз тукчалары узунлігі 80—1500 мкм бўлған үсімталардир. Битта үсімлікда бир неча ўм. донса илдиз тукчалары шаклланады, натижада илдизнің умумий узунлігі ва юзасы жуда кatta ракамларни ташкил қиласы (10-жадвал).

Үсімліктарнің илдиз тизими бир қатор функцияларни бажаришга мослаштып бўлғи, сув ва унда әріган моддаларни ютиш, турли-тұман органик бирикмаларни синтезлаш, үзидан ҳар хил моддаларни тупроққа ажратыш, шуннингдек, тупроқларни органик моддалар билан бойитиши шулар жумласидандыр.

Турли ўсимликларда илдиз ва илдиз түкчаларининг ривожланиши  
(Н. Ҳамдамов ва б., 1990)

Экин тури	Илдизлар		Илдиз түкчалари		
	узунилиги, м	юзаси, см <sup>2</sup>	сони, млн	узунилиги, м	юзаси, см <sup>2</sup>
Суди	4,5	316	6,3	743,7	3419
Жандар	6,4	503	12,5	1549,4	7677
Сүя	2,9	406	6,1	59,9	277
Құннірбош	38,4	2129	51,9	5166,3	15806

Илдиз тизимининг сувни ва унда эриган моддаларни ютиши жуда мураккаб жараён. Уни қандайдир битта таҳмин ёки назария асосида тушунтириб бўлмайди. Дарсликнинг «Озиқ элементларининг ютишига доир назариялар» номли бўлимидаги мутаммога атрофлича тўхтадамиз.

Яқин-яқингача органик моддалар ўсимликларнинг ер устки қисмидаги синтезланадиган леб ҳисобланадаги. Ҳозирги кунга келиб ўсимликларнинг илдиз тизимида тарқиби ва сифати жиҳатидан ранг-баранг мураккаб органик бирикмалар синтезланниши, уларнинг бир қисми ўсимликларнинг ер устки қисмига узатилиши, бир қисми эса бевосита илдизнинг ўзида сарфланниши ишботланган.


Нишонланган атомлар усали асосида ошқовоқда фотосинтез маҳсулотининг 18—45% и илдизга узатилиши ва уларнинг илдизда азот билан бириквишдан аминокислоталар ҳосил бўлиши аниқланган. Ошқовоқ илдизида 20 та, гўё илдизида эса 17 та аминокислота синтезланади.

Илдиз тизими ферментлар, нуклеин кислоталар, ошловчи моддалар, фосфорорганик бирикмалар, порфирийлар каби мураккаб органик моддалар синтезида иштирок этади.

Айрим ўсимликларнинг илдизида ўзига хос моддалар синтезланади: канакунжутда *рецептин*, люпинда *люпанин*, тамакида *никотин*. 4-расмда ўсимликлар илдиз тизимининг сўриши ва синтезлаш маҳсулотлари ҳамда ер усти ва илдиз тизими ассимилятларининг айланаш ўрами тасвирланган.

Ўсимликлар тупроқдан сув ва сувда эриган моддаларни сўрибгина қолмасдан, унга кўп микдорда амин-

ли бирикмалар, органик кислоталар, қанд моддалар, ферментлар, фосфор, олтингурут, калий, кальций, магний кабиларни ажратиши аниқланган. Илдиз ажратмалари тупроқни озиқ элементлар билан бойитиш, қишин эрйидиган бирикмаларни ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга ўткизи жараёнларидаги, шунингдек, тупроқ



4-расм. Ўсимликларнинг илдиз тизими ва ер устки қисми ўртасидаги муносабат.

микроорганизмлари ҳәтида мұхим ақамияттаға эга. Озиқланишга тәсір этувчи тащқи омылларнинг мөшердан у ёкі бу томонға сезілдірілген оғиши илдиз ажратмалар мүқорининг оптиши ва үсимликлар озиқланишининг өмөнлашында сабаб бўлиши мумкин.

Үсимликларнинг илдиз тизими тупроқ унумдорлигини ошишища ҳам мұхим ўрин тутади. Айниқса, бу бора-да дуккаклар экиниларнинг роли бекінеді. Таджикотлар асосида уз йиллик белданинг илдизиг 155 кг/га азот тўпламиши аниқланган И. И. Мадраимовнинг таъкидашибича, бела үсимлиги ҳәтичининг биринчи, иккинчи ва учинчи йилларда мос равишда 65,2; 86,4 ва 102,2 ц/га илдиз ва ангиз қолдикларни қолдиради, қайсики тупроқни органик моддалар билан бойтади ва унумдорлигини ошириади.

### Озиқ элементларнинг ютилишига доир назариялар

Озиқ элементларнинг ҳужайрага кириб бориш йўлларини тахминан қўйидагича ифодалаши мумкин:

- молекулаларнинг ҳужайрадаги «эркин бўшлиқ» қа диффузия асосида суст ютилиши;
- цитоплазма юзаси ва пектин-целлюлоза мембранныarda физикавий-кимёвий адсорбцияланиш;
- метаболик йўл билан молекулаларнинг бириктирилиши асосида ютилиш;
- турли ташувчилар тизими ёрдамида ютилиш;
- цитоплазма мемброналарининг фаол ҳаракати;
- пиноцитоз, фагоцитоз, секреция ва б.

Озиқ элементларни илдиз томонидан ютилишини изоҳлаш учун диффуз-осмотик, липоид, ультрафильтрланиш, адсорбцияланиш, эркин бўшлиқ, ташувчи ионлар, ион наослари, пиноцитоз, электрокимёвий каби назария ва тахминилар яратилган. Уларнинг биронтаси мустақил равишда озиқланиш жараёнини тўла тушунтириб беролмайди.

Үсимликларнинг озиқланишига оид назариялар үсимликлар физиологиясига оид қўлланмаларда батағсил ёритилганда боис биз уларга ўғит қўллаш муммомлари асосида ёндошамиз.

Диффуз-осмотик назария. Unda үсимлик ҳужайраси осмотик-тизим сифатида қаралади. Озиқ молекулаларнинг ҳужайрага киришида ҳужайра шираси ва тащқи эритма концентрациялари ўртасидаги фарқ мұхим ўрин тутади. Назария XIX asr сўнгига Пфеффер томонидан

яратилган. Унинг фикрича, озиқ молддалар диффуз ҳаракат натижасида ҳужайрага киради ва кўнши ҳўжайраларга узатилади. Лекин минерал туз ионлари каттагилигини 0,4–0,6 мкм га, ҳужайра деворлари каналлари радиусини 5–20 мкм га тенглигига эътибор берсак ва уни илдиз ҳамда тащқи озиқ эритмаси ўртасида ягона тўсиқ деб ҳисобласак, диффузия натижасида ионлар концентрациясининг шунчаки тенглашиди содир бўлар эди. Ваҳоланки, үсимлик ҳужайрасидаги озиқ молддалар концентрацияси кўп ҳолларда тупроқ эритмаси концентрациясидан анча юқоридир. Шунингдек, ташқи эритма ва илдиз ҳужайрасидаги озиқ элементлар мүқорининг нисбати ҳам бир-бирига мос келмайди.

Липоид назария. 1897 йилда Овертон таклиф қилган ушбу назарияда протоплазма мембронасигати липоид компонентлар ҳужайрага кирадиган молддаларни эритади ва тезкор кимёвий реакцияларни амалга ошишига ёрдам беради деб қаралади. Назарияда илгарга суринган үсимлик илдизиз сув ва озиқ молддаларни алоҳида-алоҳида ютади деган фикр уни диффуз-осмотик назариядан устунлигини кўрсатади.

Ультрафильтрланиши назарияси. Бу назарияда үсимлик илдизининг шимиш аппарати нафис элак сифатида қаралади. Тащқи эритмадаги молддаларнинг ютилиш тезлиги бевосита тешикчаларнинг диаметри ва ютиладиган молддаларнинг катталиги билан боелик. Агар тешикчалар диаметри катта, молекулалар кичик бўлса, ютилиш жадал кетади. Лекин илдиз томонидан ютиладиган айрим йирик диаметри органик молддалар молекулаларни айни назария асосида тушунтириб бўлмайди. Назария Руанд томонидан асосланган.

Адсорбцияланиши назарияси. 1928–1935 йилларда Траубе молддаларнинг илдизига ютилиши илдиз юза қатламишнинг коллоид ҳолати билан боғликлитини ва алмашниш табиатига эта реакциялар оний тезликда содир бўлишини исботлади.


Илдиз-тупроқ эритмаси тизимида кечадиган адсорбцияланиши жараёнлари 1935 йилда Д. А. Сабинин ва И. И. Колесовлар томонидан ўрганилган ва ҳужайра протоплазмасининг чегаравий қатламидаги молддаларда амфотерлик хусусияти мавжудлиги аниқланган. Масалан, оқсиллаги айни хусусият аминокислоталарда асос ва нордон туруғулар мавжудлиги боис юзага келади. Илдиз толалари юзасида манфий ва мусбат зарядланган

майдончалар мавжудлиги бир пайтнинг ўзида катион ва анионларнинг ютилишига имкон беради (5-расм).

Тащи мухитдан моддалар ютилишининг мазкур механизми фақат оқсиллинг амфотерлик хусусияти билан эмас, нафас олиши жараённида органик моддаларнинг, айниқса углеводларнинг куйидаги реакция асосида оқсилданиши билан боғлиқидир:



Тупроққа ўғит сифатида киритилган түзлар анион ва катионларга диссоциалдана ва ўз навоатида ўсимликтарнинг нафас олиши жараённида ҳосил буладиган  $\text{H}^+$  ва  $\text{HCO}_3^-$  га алмашинади ва илдизга адсорбциялашиш назарияси асосида ютилади.



5-расм. Фосфат ионларининг адсорбция-десорбция асосида ютилиши.

Ионларнинг асосий қисми сув ёрдамида кўчирилиши, диффузия бу борада қисман аҳамиятта моликлиги тадиқотлар асосида ишботланган. Илдиз тетрасида сувнинг ҳаракати қанча жадал бўлса, тупроқ эритмасининг концентрацияси шунча юқори бўллади. Натижада ўсимликнинг озиқ моддалар билан тъминланishi учун шунчак яхши шароит юзага келади. Озиқ моддалар эритмадан илдиз юзасига физикавий-кимёвий адсорбцияланishi асосида ютилади.

Озиқ моддаларнинг илдиз ҳужайрасига ютилишида цитоплазма мухим рол йўйайди. Ундан оқсилсизмон моддалар нордон ва асосли турұхулар туттани боис ци-

топлазманинг юза қатлами (плазмолемма)да мусбат ва манфий зарядланган майдончалар ҳосил бўлади. Мусбат зарядланган майдончаларнинг тащи қатламида ОН-манфий зарядланган майдончасида эса  $\text{H}^+$  турұхулар жамланали ва улар кейинчалик озиқ мухитидаги ионлар билан алмашинади.

Цитоплазма юзасида бир пайтнинг ўзида катионлар ( $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{Mg}^{2+}$  ва б.) ва анионлар ( $\text{PO}_4^{3-}$ ,  $\text{NO}_3^-$  ва б.) адсорбцияланishi мумкин. Ютилган озиқ моддалар тонопластдан уттач, ўсимликнинг ўтказиш тизими-га тушади. Ўсимлик танасида кечадиган нафас олиши, моддалар алмашинуви, фотосинтез, транспирация каби жараёнлар минерал моддаларнинг ютилиши ва силжилиши тъминланади.

Протопласттинг фоалияти натижасида минерал ва органик бирикмаларнинг кучсиз концентранган сувли эритмаси — ҳужайра шираси ҳосил бўлади. Унда захира озиқ моддалар ва осмотик фоал бирикмаларнинг тўпланиши ҳужайра ширасининг мухим физиологик аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Ўсимликларнинг айрим моддаларни кўп ёки кам миқдорда ўзлаштириши ва тўплашинг илдизнинг танлаб ютиши қобилияти дейилади. Ўсимликлар суюқ эритмалардан тузни, концентранган эритмалардан эса сувни кўп ва тез ўзлаштиради.

Ҳар бир элемент ҳужайрада ўзига хос физиологик-биокимёвий функцияларни бажаради ва унинг ўринини бошқа биронта элемент (кимёвий хоссалари ўхшаш бўлсада) босса олмайди.

Ўсимликлар турли катион ва анионларни турлича тезлика ва маъыму нисбатларда ўзлаштиради. Озиқ элементлар ютилиши жараённида ҳужайрани унинг органиклидаридан ажратиб турувчи мембрана, цитоплазма мембранини ва тонопласт каби тўсиқларни ентиб ўтиши керак.

Озиқ элементларни ўсимлик илдизи томонидан ўзлаштирилишининг бошланғич босқичлари яхши ўрганилмаган ва ҳозирга чоң ионлар ютилишининг яхлит, универсал механизми яратилмаган.

Ҳужайрага сув, газлар ва ёнда эрйидиган моддалар осон сўрилади ва чиқиб кетади. Аминокислоталар, моносахаридлар, глицерин, ёф кислоталар бир мунча қийин, дисахаридлар ва кучли электролитлар жуда қийин ўзлаштирилади.

**Фанда диффузия натижасида, шунингдек, қуёш ва**

Эркін бұшылған энергиялары ҳисобига содир бұладын ютилиш сүстің ютилиш, АТФинг мәтаболик энергиясы тәсірилдегі ютилиш еса фаол ютилиш деб жоритилади.

Ташуучылар ёки «ион насослари» назариясы. Мазкур таҳминде күра ионлар мембранның эркін қолатда зымас, балык ташуучылар молекуласы билан комплекс қосыл қылған жолда «забт этаді» (комплекс мембрана липид фазасининг юзасыда қосыл бўлади). Комплекс мембранның ички юзасыда диссоциланади ва ион ҳужайра ичига кириб боришига турил ферментлар кўмаклашади мумкин. Айни таҳмин математика нуқтаи назаридан Михаэлис-Ментен тенгламаси ёрдамида қўйдагича ифодаланади.

$$V = \frac{V_{\max} \cdot C}{K_m + C}$$

Буда:  $V$  — маълум концентрация ( $C$ ) шароитида ионлар ютилишининг ферменттеги реакцияси тезлиги;

$V_{\max} \cdot C$  — ионларнинг ташуучылар тўла тўйиниши учун мумкин бўлган энг юқори ютилиш тезлиги;


$K_m$  — Михаэлис константаси;

$C$  — субстратнинг моляр концентрацияси.

Тенгламадан ютувчи тизимдаги параметрлар ( $V_{\max}$ ,  $K_m$ )нинг миқдорини аниқлашади ҳам фойдаланиш мумкин.

Сүст (нөметаболик) ютилиши. Маълумки, транспирация натижасында барг ҳужайраларда сўриш кучи ҳосил бўлади (у ҳужайра ширасидаги сувда эритрин молдаларнинг цитоплазмага босими ва ҳужайра суюқлигининг ҳужайра қобигига босими орасидаги фарқдан келиб қидади). Бу куч тасирида иллизга тупроқдан сув ютилиди. Сув ва минерал молдаларнинг ютилиши ва ҳаракатланишида транспирация билан бир қаторда иллиз босими ҳам муҳим ахамиятта эга. Озиқ элементларнинг сүст ютилиши концентрация градиенти бўйича кетиб ионлар катта концентрациядан кичигига қараға ҳаракатланади ва бунда метаболик энергиянинг сарфланиши талааб қилинмайди. Бундай ютилиш диффуз-осмотик ҳодисалар билан болгли; ва «эркін бұшылған» энергиясы ҳамда транспирацияни сарфланағандын күш энергиясы ҳисобига содир бўлади.

Фаол (метаболик) ютилиши. Ўсимликлар томонидан



6-расм. Ташуучылар ёки «ион насослари» механизми.

озиқ моддаларнинг ютилишини тушунтиришада ионларнинг фаол ҳаракати муҳим ахамияттада этилди.

Электрокимёвий назария. Ионлар электр зарядга эга бўлгани боис мўътадил молекулалардан фарқли ўлароқ 2 хил куч тасирига дучор бўлади: кимёвий потенциаллар градиенти (концентрация билан болгли) ва электр потенциаллар градиенти. Мазкур иккى куч натижаси электрокимёвий потенциаллар градиенти деб жоритилади.

1960 йилда Хигенботен ва Езертонлар бу жараённи тавсифлаш учун қўйидаги тенгламани таклиф қилдилар:

$$V = -D(C + \frac{ZFC}{RT} \cdot E)$$

$V$  — ионларнинг ютилиш тезлиги;

$D$  — диффузия коэффициенти;

С — кимёвий потенциалдар градиенти;  
 Е — электр потенциаллар градиенти;  
 F — Фарадей сони;  
 Z — мембранинг электр ўтказувчанлиги;  
 R — универсал газ доимийсі;  
 Т — мутлақ ҳорорат.

Электрокимёвий назарияга күра ионлар электр потенциаллары градиенттер тескари йўналишда күчса фаол ютилиш, аксинча, электрокимёвий потенциаллар градиенти бўйлаб күчса, суст ютилиш ҳисобланади.

Электрокимёвий назария ионлар кўчишининг суст ёки фаол табиатини кўрсатишга қобилити билан бошқа назариялардан ажralиб туради. Шу асосда одатдаги физиологик шароитларда биронта ион илдиз ҳужайралари ва ташки мухит ўртасида суст тарқалмаслиги аниқланган. Анионлар ( $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{H}_2\text{PO}_4^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ) ҳужайрага жадал ютилади, секин чиқиб кетади, катионлар ( $\text{K}^+$  дан бошқа) эса секин ютилиб, тез чиқиб кетади. Масалан, ҳайвонлар ва баъзи галофилтлар ҳужайраларида натрий миқдорининг кам, калийнинг кўп бўлишига сабаб  $\text{K}^+$  нинг ҳужайрага жадал кириши билан бир вақтда  $\text{Na}^+$  ташқарига тұхтөвсиз чиқиб туришилади. Натрий ионларининг зарур миқдори унинг концентрация градиенти бўйлаб суст диффузияланиши ҳисобига сақлаб турилади.

Пиноцитоз. XIX аср охирида И. И. Мечников фагоцитоз ҳодисасини қашғ қылган эди. 1931 йилда Льюис ҳайвон ҳужайраларининг плазматик юзаси тоғ шишиб, тоғ пучайб түршига єтибор берди ва ахён-ахёнда бу ўсимтадар бирикib, муҳитнинг бир қисмими ўраб олишини, ҳосил бўлган пұфакчани пропотплазманинг ички қисмига сўрилишини кузатди. Тирик ҳужайра томонидан эртимани томчи (пұфакча) ҳолатда ютилишини Льюис «пиноцитоз» деб атади.

Ўсимликларга ҳам озиқ моддалар пиноцитоз йўли билан ютилиши мумкин. Бунда ютиладиган заррачалар ҳужайра мембраниси юзасида адсорбцияланади, сўнг мембрана ичкарига қараб букилиб, «ўра» ҳосил қиласи. Заррача ўрага тушгач, мембранинг чеккаларни бирлашади, пұфакча ташки мембраницандан узилиб, ҳужайранинг ичкарисига қараб ҳаракат қиласи ва ферментлар тасирилди парчаланади (7-расм). Пұфакчанинг ҳосил бўлиши ва ташки мембраницандан узилиши маълум миқдорда АТФ шаклдаги энергия сарфланисини талаб қиласи.

Ўсимлик танасида пиноцитозга тескари жараён — ҳужайраларнинг айрим кераксиз моддаларни чиқарип юбориши ҳам кузатилади.



7-расм. Пиноцитоз: 1—2 ионнинг ҳужайра мембранныга яқинлашиши; 3—4 ионларнинг мембрана сиртидаги «ўра»га тушши; 5—6 ионларнинг ҳужайра томонидан ютилиши.

Озиқ моддаларнинг ўсимлик ҳужайрасига ютилишига оид фикрлар умумлаштириб, куйлагича хулоса қилиш мумкин:

1) ютиланган ионлар бир қатор метаболик ўзгаришлардан кейин ҳужайра структура элементларининг органик бирикмалари таркибида ўтади;

2) оргтика ионлар илдиз ҳужайраси вакуолаларида тұпланади ёки кислема найлари бўйлаб ўсимлик ер усткиси қисмига узатилади;

3) ютиланган ионларнинг бир қисми ўсимлик организмидан ташқарига чиқарилади.

Озиқ моддаларнинг ютилиши билан бир қаторда уларнинг маълум йўналишида кўчиши ҳам содир бўлади. Илдизда ионлар ҳаракатини ифодалаш учун яқин ва олис кўчиш атамалари қабул қилинган.

Бирламчи ютилиши ёки ионларни плазма мембранисида ажralишига яқин кўчиши, ионларнинг тұқымалар, органлар да ўсимлик танаси бўйлаб бир ҳужайрадан иккичина ҳужайрага ўтшига олис кўчиши дейдилди.

Ҳужайра қобиги ва ҳужайралараро тұқымалар мурakkab тузилгани боис ионларининг апоплазматик ҳарапатланиши суст кечади. Ионларнинг ҳужайрадан ҳужай-

рага ўтиши күпроқ ҳужайра цитоплазмасини ягона тизим — симпластга бирлаштырувчи плазмодесмалар бүйлаб амалға ошади. Симпласт бүйлаб ҳаракатланишида ионларнинг бир қисми «эркин бўшлиқ»ка ажрат чиқиши, кейинчалик сув оқими билан ўзлаштириладиган жой томон аста-секин ҳаракатланиши мумкин.

Озиқ моддаларнинг илдизга ютилиши ва ҳаракатланиши ўсимликлар мозда ва энергия алмашинуви, илдиз ва ер усти қисмининг ривожланиши ҳамда фаолиятига боғлиқ.

### Ташки мұхит омилларининг ўсимликлар озиқланишига тәсіри

Ўсимликларнинг озиқланиши — мураккаб физиологик жараён. Унинг мөтәрида кечиши нафакат илдиз тизимининг, балки бутун ўсимлик танасининг фаолияти билан боғлиқ.

Экінлар хосилдорлуги ва уларга озиқ элементларининг ютилиши биринчи навбатда тупроқдаги озиқ моддалар микрори билан белгиланади. Озиқ элементлар тупроқ эритмаси, органик ва минерал қисмларидан мавжуд бўлиб, уларнинг эрувчан ва алмашиниб-ютиладиган шаклларигина ўсимликларнинг озиқланиши учун яроқлиди. Биралмач минераллар нураш натижасида парчаланган, органик моддалар эса минераллардан кейин ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Ташки мұхит омилларининг ўзариши ( $pH$  нинг силжиши, озиқ моддаларнинг микробиологик боғланиши) натижасида тупроқдаги озиқ элементларнинг бир қисми ўсимликлар томонидан қийин ўзлаштириладиган шаклта ўтади. Шунингдек, илдиз ажратмалари ҳам айрим қишин өрнедиган бирималларни ўсимликлар озиқланиши учун молик шаклларга ўтишига ёрдам беради.

Экінлар томонидан озиқ моддаларнинг ютилишига ўсимликларнинг биологик ҳусусиятлари ва тупроқ хоссалари (уннодорлик, органик моддалар микрори, механикавий ва минерал тарқиби, ҳарорат, аэрация,  $pH$ , эритма концентрацияси) кучли тәсір кўрсатади.

### Тупроқ эритмасининг концентрацияси

Тупроқ эритмасининг концентрацияси кичик бўлган ҳолларда ўсимликлар суст ривожланади, уларда озиқ элементлар танқислиги кузатилади. Концентрациянинг

жуда юқори бўлиши ҳам ўсимликлар озиқланишида салбий оқибатларга олиб келади.

Тупроқ эритмасининг мақбул концентрацияси экин тури ва навита боғлиқ равишда ўсимликлар ривожланишининг турли даврларida (онтогенезда) кенг кўламда ўзаради.

Ўсимликларнинг илдиз тизими жуда суюқ эритмалардан ҳам ( $0,01-0,05\%$ ) озиқ моддаларни ўзлаштириш хусусиятига эта. Табий шароитларда шўрланмаган тупроқлар эритмасининг концентрацияси  $0,02-0,2\%$ ни ташкил қилиади. Тупроқ эритмасининг концентрацияси бир мунча юқори бўлганда ионлар ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади, сув эса илдиз томонидан тупроқнинг ўғит кирилмаган қатламларидан яхши шиммилади. Бу ўғитлардан фойдаланишиша албатта ҳисобла олиниши лозим.

Тузлар концентрациясининг юқори бўлиши эритма осмотик босимини оширида ва табиийки, ўсимликларга сув ва озиқ моддалар ютилишини қўйинлаштиради. Қишлоқ ҳўжалик экинлари ривожланишининг илк даврларida эритма концентрациясининг юқори бўлишини талаб қилиади (11-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан эритма концентрацияси  $25,9 \text{ ммол}/\text{г}$  бўлганда бодрингдан юқори ҳосил олиниши кузатилади.

11-жадвал.

### Эритма концентрацияси, бодрингининг ривожланиши ва ҳосил ўтасидати мусобабат

(З. И. Журбизкий, 1963)

Озиқ эритма концентрацияси		20 күнлик ниҳояттар (10 дона) массаси		Терим оддилади кўк масса		Мева ҳосилли		100 ким кўк мас-сага мос келадиган мева
%	ммоль	г	%	г	%	г	%	дона
Сув	10	—	—	—	—	—	—	—
0,41	2,9	138	53,7	145	60,5	27	8,6	19
0,74	5,4	175	68,0	152	63,5	99	31,6	65
2,13	15,7	265	103,0	230	96,0	174	55,5	76
3,56	25,9	257	100,0	240	100,0	314	100,0	130
4,96	36,2	188	72,8	205	85,5	130	41,5	65
6,93	46,5	177	69,0	110	46,0	53	16,9	48

Концентрациянинг янада оширилиши барг чекка-  
ларининг куриши, томирларининг жўнғир тус олиши  
ва Ѹосилнинг камайиши билан якунланади.

### Озиқ мұхитидаги элементлар нисбати

Озиқ мұхитидаги элементлар нисбатини ҳисобга  
олиш үсімліклар минерал озиқланишини бошқариша-  
да мұхим ахамиятта эга. Экинлар ривожланишининг тур-  
ли даврларida турли нисбатдаги озиқ элементларни  
талаф қыллади.

Озиқ элементларнинг илдизга ютилиши күп жиҳатдан  
гидратланган ионлар диаметрига боғлиқ бўлиб,  
диаметри кичик элементлар кўпроқ ютилади. Айрим  
элементлар бундан мустасно: масалан, диаметри катта  
бўлсада,  $K^+$  иони рубидий ва цезийга,  $Cl^-$  эса бошқа  
галогенларга нисбатан тезроқ ютилади.

Үсімлик танаси фоалиятининг меъёрида бўлиши  
бевосита ташки мұхитидаги катион ва анионларнинг ўзаро  
нисбатига боғлиқ. Бундан озиқ аралашмаларини тайёрлаш  
ва озиқланиши жараёнида рўй берадиган ионлар  
антагонизмини тушунтириши фойдаланиш мумкин.

Озиқ эритмасининг физиологик жиҳатдан мувоза-  
натлашганилиги үсімлікларни ривожланишига кучли  
тасъир кўрсатади. **Озиқ элементларни үсімліклар осон**  
**ва самаралы ұзлаштирадиган нисбатларда туладиган эрит-  
малар физиологик жиҳатдан мувозанатлаштирилган**  
**эритмалардир.**

Факат битта туз эритмасида үсімліклар яхши ри-  
вожланаслигини куйидаги мисолда кўрсатиш мумкин  
(12-жадвал).

12-жадвал.

Тузлар эритмасининг үсімліклар ривожланишига алоҳида ва  
биргаликдаги тасъирин.

(Б. А. Ягодин, 1989)

Туз	40 кунлик николлар илдизининг узунлиги, мм
NaCl	59
KCl	68
MgCl <sub>2</sub>	7
CaCl <sub>2</sub>	70
NaCl+KCl+CaCl <sub>2</sub>	324

Тажрибалар асосида азот билан яхши таъминланган  
үсімліклар K, Ca, Mg, Cu, Fe, Mn ва Zn каби эле-  
ментларни яхши ұзлаштириши, фосфорнинг ортиқа  
микдори Cu, Fe ва Mn элементлари ютилишини чекла-  
ши аниқланади. Калий тасъирда үсімлік танасига Ca,   
Mg ва яна бир қатор элементлар камроқ ютилади.

Озиқланиш мұхитидаги биронта элементнинг бошқа  
элементларни ютилишига қаршилик қылши *ионлар ан-  
тагонизми*, аксинча, кўпроқ ютилишига ёрдам берини  
*ионлар синергизми* иборалари билан юритилади. Агар  
тузлар аралашмасининг тасъирин алоҳида олинган компо-  
нентлар тасъирига тенг бўлса, *ионлар аддитивилги* дейи-  
лади.

Антагонизм ходисаси кўпроқ Fe ва Ca; Al ва Na; Fe  
ва Zn; Mn ва Zn; Cu ва Zn; Zn ва Fe, Mn, Cu, Mo  
ўртасида яққол намоён бўлади. Ионлар синергизми эса  
Cu ва Co, B; Mo ва Cu; Cu ва Mn; Ca ва Co ўртасида  
кузатилади.

Азот фосфор ва калий етарили бўлган шароитларда  
үсімлікларнинг микрозлементларга талабчанлиги ор-  
тади. Масалан, тупроқда Fe, Mn ва Zn тақчил бўлса,  
үсімлікларга азоттинг ютилиши сезилиарни камаяди.  
Cu, Zn, Mo каби микрозлементлар фосфорнинг ютили-  
шига ижобий, калийнинг ұзлаштирилишига салбий тасъир  
қиласади.

Анионлар ўртасида антагонизм кучсиз намоён бўла-  
ди (масалан,  $SO_4^{2-}$  ва  $SeO_4^{2-}$ ) ёки умуман кузатилмайди  
( $NO_3^-$ ,  $PO_4^{3-}$ , ва  $SO_4^{2-}$ ). Галогенларнинг илдиз тизимига  
ютилиши антагонизм асосида содир бўлади.

Үсімлікларнинг илдиз тизими озиқ моддаларни тан-  
лаб маълум микдор ва нисбатларда ютиш қобилиятига  
эга.

Экинларининг ривожланиши ва Ѹосилини шаклла-  
нишида озиқ элементларнинг *реутилизацияси* (қайта  
фойдаланилиши) мұхим ахамиятта эга. *Реутилизация* —  
озиқ элементларнинг үсімлікдаги қарни барглардан ёш  
баргларга, ўсув қисмларидан уруп ва мегава оқиб ўтиши-  
дир. Ca, Fe, Mn, B, Zn каби элементлар реутилизация-  
ланмайди, олтингутурт қисман, азот, фосфор, калий  
ва магний кўп маротаба реутилизацияя учрайди.

Ташки мұхит омиллари (харорат, намлик, ёруғлик  
ва ҳаво) ионлар антагонизми, синергизми ва реутили-  
зациясыга кучли тасъир кўрсатади. Масалан, иссиқхо-  
наларда ёруғликнинг кам бўлиши, тупроқка юқори мель-  
ёра азотли ўйтитлар кирилтилиши сабзавот ва полиз

маҳсулотлари таркибидаги нитратлар миқдорини кескин ортишига олиб келади.

### Тупроқ намлиги

Тупроқ намлигининг ўсимликлар озикланишига кўрсатадиган ижобий таъсирини қўйидагича асослаш мумкин:

1. Сув ўсимликларнинг физиологик ҳолатини яхшиайди, фотосинтез, оқсилилар биосинтези ва моддалар алмашинуви жараёнларини кучайтиради.

2. Меъёрга тупроқ намлиги илдиз тизимининг ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади ва унинг сингидириши юзасини оширади.

3. Озиқ элементларни тупроқ эритмаси ва сингидириш комплекси (ТСК)дан илдиз тизимига оқиб ўтишида диффуз мухит ролини бахаради.

Тупроқ намлиги меъёра бўлганда, ўсимликлар зарур озиқ элементларни кўпроқ ўзлаштириди, оптика намлик таъсирида айрим зарарли ионлар (масалан, темир (I) оксид) ўсимлик танасига ўтади.

Намлик етишмагандаги ферментлар тизимининг фаалияти бузилид, гидролиз, органик моддаларнинг парчаланиши кучаяди, фотосинтез жадаллиги сусайди ва ўсимликлар ўсишдан тўхтайди.

Мазлумки, илдиз тизими орқали ютилган сувнинг атиғи 0,2 % иш имкониятни шаклланishi учун сарфланади, 99%дан ортиги, барглари орқали буғлатилади, ўсимликлар озиқ моддалар билан яхши таъминланган шароитда куруқ модда бирлигини яратишга сарфланадиган сув миқдори анча камайди (13-жадвал).

Юқори меъёра ўйт киритиладиган шароитларда тупроқ намлигига жиддий эътибор бериси лозим. Сурориладиган деҳқончилик шароитида сув ва озиқ режимларини мувофиқлаштириш мўл ҳосил гаровидир.

Куруқ модда бирлигини яратиш учун сарфланадиган сув миқдори  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Тажриба варианти	Бугдой	Зигир
Ўғитсиз	800	1093
N	917	1198
NP	545	1000
NPK	480	787

### Тупроқ аэрацияси

Ўсимликлар илдиз тизими теграсидаги кислород ва карбонат ангидрид миқдори мунтазам ўзгариб туради. Анаэрроб шарнитда хужайраларнинг кислород билан таъминланиси ёмонлашади, карбонат ангидрид миқдори ошиди. Кишлөк хўжалик экинларининг илдиз тизими аэрация етариши бўлган шароитларда меъёрида фаолият кўрсатади.

Тупроқдаги кислород миқдори моддалар ёки моддалар тизимининг оксидланыш-қайтарилиши потенциалини белгилайди. Карбонат ангидрид гази илдиз томонидан нитратлар, фосфатлар ва аммоний ионининг ютилиши депрессив таъсири кўрсатади (13-жадвал).

Тупроқ аэрацияси микроорганизмлар сони ва улар томонидан озиқ моддаларнинг парчаланишига кучли таъсири кўрсатади.

13-жадвал.

Аэрациясининг помидор ҳосилдорлиги ва озикланишига таъсири  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Эритма аэрацияси	Помидор ҳосилори, кг	1 ўсимлик томонидан ўзлаштирилган, мг. экв.			
		NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	H <sub>2</sub> PO <sub>4</sub> <sup>-</sup>	K <sup>+</sup>	Ca <sup>2+</sup>
Оддий	7	776	115	506	329
Кучли	10	1074	160	738	445

### Ҳарорат

Ҳароратнинг ўсимликлар фаолиятидаги аҳамияти яхши ўрганилган. Ҳар бир кишлөк хўжалиги экини уруғининг униб чиқиши учун мақбул ҳарорат мавжуд (масалан, апрел учун 20°, сули, буғдой учун 25°, макка-жўхори ва оқ жўхори учун 32°C). Фалла экинлари ҳарорат 23–25°C бўлганда азот ва фосфорни яхши ўзлаштириди. Канакунжут, сўя, ловия ва гўза каби ўсимликлар 30–35°C ҳароратда озиқ моддаларни яхши ўзлаштириди.

Ўсимликлар илдиз тизимининг ривожланиши учун бирмунча пастроқ ҳарорат керак. Нисбатан паст ҳароратларда NH<sub>4</sub><sup>+</sup> шаклаги азот NO<sub>3</sub><sup>-</sup> га нисбатан кўпроқ ютилади. Ҳароратнинг 5–7°Cга қадар пасайиши калий-

нинг ўзлаштишига таъсир қилмайди, лекин илдиз томонидан азот, фосфор, кальций ва олтингурутнинг ютилишини кескин камайтиради.

Экинлар мөърида озиқлантирилган шароитларда ҳароратнинг  $10^{\circ}\text{C}$  дан пасайиши озиқ элементларининг ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади.

Озиқ элементларнинг ўзлаштирилиши ҳароратта мос равишда ортиб боради. Лекин  $40^{\circ}\text{C}$  дан бошлаб кескин камайтишини ферментлар тизимининг лоҳасланиши билан изоҳлаш мумкин.

### Ёруелик

*Ёруелик* ва озиқ моддаларнинг ютилиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Ўсимликлар бир пайтнинг ўзида доимо ўзгариб турадиган 2 та озиқланниш муҳити (ҳаво ва тупроқ)да озиқланади. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар ёруелик энергиясини ютади ва шу асосда ташки мұхит билан энергия алмашинуви бошланади.

Ёруелик таъсирида ўсимликларда минерал озиқланниш кучаяди. Коронгуда сақланадиган ўсимликларда фақат фотосинтез жараёни эмас, балки илдиз орқали озиқ моддаларнинг ютилиши ҳам сусайди. Узоқ муддат ёруеликдан баҳраманд бўлмаган ўсимликларда минерал озиқланниш тўхтайди, чунки фотосинтез жараёнида хосил бўладиган моддалар илдиз орқали ютиладиган ионларнинг кейинги метаболик реакциялари учун энергетикавий материал сифатида хизмат қиласди.

### Тупроқ мұхитининг реакцияси

Тупроқ мұхитининг реакцияси (тупроқларнинг нордонлиги ёки ишқорийлийт) тупроқ эритмасидаги  $\text{H}^{+}$  ва  $\text{OH}^{-}$  ионларининг нисбатига боғлиқ. Мұхитининг реакцияси одатда водород ионлари концентрацияси 10 соенининг манфиий логарифми кўринишида ифодаланади ва «*pH*» билан ифодаланади.

Тупроқ мұхитининг концентрацияси барча ўсимликлар учун мұхим физиологик аҳамиятга эга. Нордон тупроқларга оҳак киритилса,  $\text{H}^{+}$  ионлари ўрнини  $\text{Ca}^{2+}$  этгалиди ва pH мўтаддиги қараб силткайди.

Тупроқ мұхитининг реакцияси ўсимликларга бевосита ва бильсита таъсир кўрсатиши мумкин. Бильсита таъсир тўғридан-тўғри ўсимлика эмас, балки ўсимлик фаолияти учун зарур шароитларга қаратилган бўлади.

Масалан, нордон мұхитда ўсимликлар ўзлаштиришига молик  $\text{Fe}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{Co}$ ,  $\text{Cu}$  миқдори ортиб  $N$ ,  $P$ ,  $Mo$ ,  $V$  миқдори камайади. Тупроқ мұхитининг реакцияси ўсимликлар томонидан озиқ элементларнинг ютилишига кучли таъсир кўрсатади (14-жадвал).

Маълумки, нордон эритмалар таркибидаги  $\text{H}^{+}$  ионлари анионларнинг ўзлаштирилишига ёрдам берса, ишқорий эритмаларда — катионлар кўпроқ ўзлаштирилади. Бу ҳол айниқса ишқорий тупроқларда фосфорли ўзитларни кўллашда яққол кўринади.

Тупроқ мұхити реакциясининг таъсири бошқа ташки мұхит оиллари таъсирида у ёки бу томонга қараб силжийдид.

14-жадвал.

Эритма рНнинг ўсимликларга ютиладиган ионларга таъсири  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Ўсимлик	Эритма pH	$(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ дан ютиладиган (мг/сост)	
		$\text{NH}_4^{+}$	$\text{HPO}_4^{2-}$
Дон-дуккаклилар	6.6	0.89	0.13
	7.4	1.26	0.06
Бүгдой	6.7	1.86	0.28
	7.3	2.26	0.10

Микроорганизмларнинг фаолияти ҳам тупроқ *pH* билан бевосита боғлиқиди. Сингдириш сифими ва буферлик қобилияти юқори бўлган тупроқларда мұхитнинг нокулат реақцияси ўсимликларга камроқ зарар этказади.

### Тузларнинг физиологик реақцияси

Ўғит сифатида ишлатиладиган барча тузлар кимёвий хоссалари бўйича гидролитик нордон, ишқорий ва мўтаддил бўлади. Ўсимликлар ривожланиши давомида ионларни танлаб ўзлаштиради ва тупроқда киритиладиган кимёвий мўтаддил тузлар ҳам физиологик жиҳатдан бошча холатга ўтиши мумкин.

Ўгитларнинг физиологик нордонлиги — ўсимликлар томонидан туз таркибидаги катионларни кўплаб ютилиши ва натижада мұхит реақциясини нордонлашувила

намоён бўлади. Ўгитларнинг физиологик ишқорийиги асосида аксинча, ўсимликлар томонидан туз таркибидан кўпроқ анионларнинг юзлиши ётади.

Азотли ўгитлар таркибидан биринчидан навбатда азот ўзлаштирилади. Шу боисдан барча аммонийли тузлар физиологик жиҳатдан нордон, селитралар эса ишқорий хисобланади. Масалан, натрийли селитра диссоциланганда  $Na^+$  ва  $NO_3^-$  ионларга ажralади.  $NO_3^-$  ўсимликлар томонидан тезда ўзлаштирилади ва  $Na^+$  тупроқни ишқорийлигини оширади. Шунингдек, мухитда гидролитик ишқорий туз –  $NaHCO_3$ , юзага келади.

$NH_4Cl$  ва  $(NH_4)_2SO_4$  каби тузларнинг диссоциланнишидан ёсил бўладиган аммоний катиони ўсимликлар томонидан ўзлаштиради. Кислота қолдиклари эритманни жадал нордонлаштиради. Аммиакли селитра  $(NH_4NO_3)$ нинг диссоциацияси  $NH_4^+$  ва  $NO_3^-$  ионлари ёсил бўлиши билан боради.  $NH_4^+$  тезда ТСК таркибига ўтади ва  $NO_3^-$  тупроқка нордонлик баҳш этади. Лекин бу тузнинг физиологик нордонлиги унчалик кучли эмас.

Калийли тузларнинг физиологик нордонлиги янада кучиз. Калийтага талабчанилиги кам бўлган арпа ва сули каби экинларга калийтаги ўгитлар мұътадил, қандлавлани, кунгабоқар ва маккажӯхори каби калийсевар ўсимликларга физиологик нордон таъсир кўрсатади.

Озиқ эритмасининг ўз рекцииясини сақлай олиш хусусияти бевосита унинг таркиби билан bogлиқ. Масалан, эритмада  $Ca(HCO_3)_2$ , кўп миқдорда утрауса, ортиқча кислота калий бикарбонат билан таъсирлашиб, кальций тузи, сув ва карбонат ангиридидни ёсил қиласди.



Бундай эритма муайян буферлик хусусиятларини намоён қиласди. Буферлик қобилиятига шунингдек тупроқнинг сингидриши сиғими ва сингидрилган катионлар таркиби кучли таъсир кўрсатади.

### Тупроқ микроорганизмлари

Тоғ жинсларининг нураши, торф, нефть, тошкўмир, селитра ва оҳактошларнинг юзага келиши бевосита микроорганизмлар фаолияти билан bogлиқ. Тупроқ ёсил бўлиши жараёнини ҳам микроорганизмлариз тасаввур қиласи қўйин. Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги бактериялар массаси 3–8  $m/ga$  ни ташкил қиласди.

Озиқланиш усулига кўра гетеротроф ва автотроф микроорганизмлар фарқланади. Автотроф бактериялар карбонат ангиридиддаги углеродни боғлаш учун фотосинтездан ёки айрим минерал мөддаларнинг оксидланнишдан ёсил бўладиган энергия (хемосинтездан) фойдаланади.

Яшил ва қизгиш бактериялар, нитрификацияловчилар, шунингдек олтингутурт ва темирибактериялари фотосинтезла қобилиятига эга. Таёй органик мөддалар углеродидан фойдаланадиган гетеротроф бактериялар жумласига аксарий тупроқ бактериялари, актиномицетлар, барча замбуруғ ва содда микроорганизмлар кирилатади.

Водород сульфид, олтингутурт ва тиобириклиларни сульфат кислотага қадар оксидланишига сульфофиксация дейилади ва бу жараён олтингутурт ҳамда тиобактериялар иштирокида содир бўлади. Сульфат кислота ўз навбатида тупроқдаги қўйин эрийдиган минерал тузларни (масалан, фосфатларни) осон эрийдиган шаклга ўтказади, асослар билан таъсирлашиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган сульфатларни ёсил қиласди.

Темир бактериялар темир бир оксидни темир оксидга айлантиришида, шунингдек, марганец тузларининг оксидланишида иштирок этади.

Аммонификация, нитрификация ва денитрификация жараёнлари микроорганизмлариз содир бўлмайди. Айни жараёнларда иштирок этувчи микроорганизмлар тўғрисида дарсленинг азотли ўгитларга оид бобида батафсид тўхтalamиз.

Микроорганизмлар турли-туман кимёвий бириклилар билан озиқланади. Тупроқ микроорганизмлари биринчи навбатда азотга кучли эҳтиёж сезади. Автотрофлар асосан аммоний ва нитрат кислота тузларини ўзлаштиради. Айримлари атмосфера азотини ҳам ўзлаштириш қобилиятига эга. Мураккаб органик мөдла – гумус таркибидаги озиқ элементларни ҳам ўзлаштирадиган микроорганизмлар мавжуд.

Тупроқ ва микроорганизмлар хужайраларидаги барча кимёвий ва биокимёвий жараёнлар намлиқ тупроқ тўла нам сиғимининг 50–60%ига тенг бўлган шароитда содир бўлади, аэроб микроорганизмлар эса 80–90, ҳатто 100% намлиқда (шолипояда) ҳам яшайди.

Тупроқда турли гуруҳ ва турларга мансуб бўлган, целялюзоза ва пектин мөддаларни парчаловчи микроор-

ганизмлар, ҳамда уробактериялар (мочевинани парчаловчи) учрайди.

Ўсимликларнинг илдиз тизими ўзидан турли тузлар, қанд моддалар, органик ва аминокислоталар, витамин ва ўстирувчи моддаларни ажратади. Бу моддалар микроорганизмларнинг ривожланиши ва таркибига кучли тасир қиласи. Микроорганизмлар илдиз ажратмалари билан бир қаторда нобуд бўлган илдиз қоллиқларини ҳам истеъмол қиласди. Юксак ўсимликларнинг илдизи атрофидаги тупроқ, микроорганизмларнинг яшаши учун кулай маскан — ризосфера юзага келади. Ризосферадаги 1 г тупроқ таркибидаги 10,7 млн. дона микроорганизм мавжуд.

Айрим ҳолларда илдиз атрофидаги тупроқ микрофлораси ўсимликларнинг озиқланишига салбий тасир кўрсатади. Улар озиқланиши ва ўз таналарини шакллантириш учун тупроқдан кўп микдорда азот ва кул элементларни ўзлаштириб, ўзларини ўсимликларга «рақиб» сифатида намоён қиласди. Кўп ҳолларда микроорганизмларнинг озиқ моддаларни иммобилизация қилиши мувакқалик характеристика бўлиб, ўсимликлар озиқланишига кучли тасир кўрсатмайди. Лекин тупроқка углеродга бой моддалар (сомон ёки серсомон гўнг) кирилтганда, микроорганизмлар жуда тез кўплади, кўп микдорда азот, фосфор ва бошқа макро- ва микроэлементларни ўзлаштириб озиқ моддалар тақчилигини юзага келтиради. Натижада тупроқда сомон ёки тўшамали гўнг кирилтган йилда ҳосилнинг сезиларли камайишни кузатилади. Озиқ элементларнинг биологик муҳимланиши узоқ давом этмайди, микроорганизмлар нобуд бўлғача, тезда минераллашади ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади.

### Ўсимликларнинг ривожланиши даврлари ва озиқланиши шароитлари ўргасидаги муносабат

Ўсимликларнинг озиқланишига талаби ўсиш даврининг турли даврларидаги турлича бўлади. Одатда, озиқланишининг критик (чекланган, лекин жуда зарур) ва жадал кечадиган даврларни фарқланади.

Ривожланишининг илк даврларидаги ўсимликлар озиқ моддаларни кам микдорда талаб қиласди. Лекин уларнинг тупроқда кам ёки сероб бўлиши ниҳолларга кучли тасир кўрсатади. Бу даврдаги фосфор танқислиги ўсимликларнинг бутун вегетация давридаги ривожла-

нишига салбий тасир кўрсатади. Кейинги фосфор билан мўл-кўл озиқлантириш ҳам режадаги ҳосилни олишга ёрдам бермайди. Ривожланишининг дастлабки даврларида тупроқда фосфорнинг меъёрида бўлиши ўсимликларнинг яхши илдиз отишига ёрдам беради.

Бошқоқи дон экинларда дастлабки уч-тўртга барг ёзиш давриданоқ репродуктив органлар — бошқоқ ва рўвакка асос солинади. Бу даврда азот стишиллиги кейинчалик туплаги бошқоқлар сонининг кам бўлиши ва ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Ўсимликларнинг ер устки органлари — поя ва барглари жадал ривожланадиган даврларда озиқ моддаларга талаби ҳам кучади. Азот билан етари озиқлантириш вегетатив органларнинг жадал ўсиши ва ассимиляция аппаратининг шаклланишига ёрдам беради.

Гуллаш ва мева туғиши даврига келиб аксарият. ўсимликларнинг азотга бўлган талаби камайди. Лекин фосфор ва калийга эҳтиёжи ортади. Бу бевосита айни элементларнинг репродуктив органларнинг шаклланиши, ҳосилнинг товар қисмида захири сифатига тўпланиши ва айнича, органик моддаларнинг синтезланиши ва ҳаракатланишида иштирок этиши билан болгли.

Ўсиш органлари ривожланишдан тўхтаган пайтда ўсимликлар томонидан озиқ моддаларни ўзлаштирилиши ҳам аста-секин сусайди ва тўхтайди. Бу даврда органик моддаларнинг тўпланиши ва бошқа ҳаётий жараёнлар ўсимликлар илтиғари тўплланган озиқ моддалардан тақкор фойдаланиш ҳисобига таъминланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари вегетация даврида озиқ моддаларни ютиши миқдори ва тезлиги жиҳатидан бирбиридан фарқ қиласди. Барча бошқоқи дон экинлари, зигир, каноп, эртаги картошка жадал озиқланадиган даврнинг қисқалиги билан ажralib туради. Масалан, кути жавард куз фаслининг ўзидиб барча озиқ моддаларнинг 25—30%ини ютади, бу даврда ўсимликтин куруқ массаси охирги массанини 10%ига етади холос. Баҳори будуд нисбатан қисқа муддатда — начайлашдан бошқоқлашгача — озиқ моддалар ялни миқдорининг 2/3—3/4 қисмини истеъмол қиласди.

Картошка навлари озиқ моддаларни асосан июл ойида ўзлаштириади. Шу муддатда азотнинг 40, фосфорнинг 50 ва калийнинг 60% и ўзлаштирилади. Картошканинг эртаги навларидаги озиқ моддаларни жадал ўзлаштириш янада қисқа муддатларда содир бўлади.

Зигирда озиқ элементларни энг кўп истеъмол қилиш

ғунчалашдан туллаш давригача, гүзәдә эса шоналашдан ҳосил элементлары шакилланиб бўлгунгача давом этади.

Айрим экинлар — маккажӯхори, кунгабоқар, қандлавлати ва бошқалар — озиқ моддаларни бир меъёрда ва узоқ муддат ўлаштириши билан ажралиб туради.

Барча озиқ элементлари ўсимликлар томонидан бир хил тезлика ютилмайди. Масалан маккажӯхорида калий тез, азот ўргача ва фосфор анча секин ютилади. Калийнинг ютилиши рўвак чиқариши даврида тутаса, фосфорнинг ютилиши деярли вегетация даврининг охиригача давом этади.

Каноп томонидан азот ва калийнинг ўлаштирилиши майсалар унуб чиққандан кейин мос равища 3 ва 5 хафта ўтгач якунланади. Фосфор вегетация даврининг охиригача жадал ютилади.

Қандлавлатига ниҳоллар пайдо бўлгандан кейинги биринчи ўн куниларда фосфор ва калий азотти нисбатан 1,5 барабар, барглар жадал шаклланадиган даврда 2,5—3 барабар кўпроқ ўлаштирилади. Иллизимева ҳосил булиш ва унда шакар тўпланиш даврида азот билан мўл озиқлантирилса, тўйбагр ўсib кетади, иллизимева катталашиб, шакар миқдори камайди.

Озиқ моддалар ютилиши жадаллiği ва ўлаштириладиган миқдорининг турлича булишидан ўғитлаш тизими мини ишлаб чиқишида фойдаланиши мумкин. Вегетациянинг бошланishi ва озиқ моддалар максимал ютиладиган даврларда ўсимликларнинг озиқланниши учун қандай шароит яратиш лозим.

Ўсимликларнинг озиқланниш шароитларини ўсув даврларига мос равища ўйт киритиш йўли билан бошқариш ва шу йўл билан ҳосил миқдори ва унинг сифатига маълум даражада таъсир кўрсатиш мумкин.

#### **Библиографияни синаб кўринг**

1. Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланниш дегандан нимани тушунсан?
2. Ўсимликларнинг иллиздан озиқланниш механизми тушунтириб беринг?
3. Иллиз тизимининг типлари ва тузилишини изоҳлашга ҳаракат килинг.
4. Иллиз тизими қанака функцияларни бажаради?
5. Иондарининг суст (нометаболик) ютилишининг қандай турларини биласиз?
6. Фаол (метаболик) ютилишинг-чи?
7. Озиқ элементларнинг ютилишига тупроқ эритмасининг концентрацияси қандай таъсир кўрсатади? Ундаги элементларнинг нисбати-чи?

8. Тупроқ намлиги, ёруғлик ва ҳарорат каби омиллар ва озиқ элементларнинг ютилиши ўтасидаги муносабат тўғрисида қандай фикрдасиз?

9. Қандай озиқ эритмаси физиологик мувозанатлашган эритма дебилади?

10. Йонлар антагонизми ва синергизми нима?

11. Ўсимликларнинг озиқ элементларини танлаб ютиши ва тузларнинг физиологик реакцияси дегандан нима тушуннилди?

12. Ўсимликлар озиқланнишида тупроқ микроорганизмлари ҳандай рол ўйнайди?

13. Ўзиг кўллашда ўсимликлар озиқланнишининг қандай ўзига хос хусусиятларига залтибор берилади?

### III Б О Б. ТУПРОҚЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАРНИ ОЗИҚЛАНИШИ ВА ЎГИТ КҮЛЛАШ БИЛАН БОГЛИҚ ХОССАЛАРИ

Тупроқларни ўрганиш, таркиби, хусусиятлари ҳамда уларда содир бўладиган физикавий, физикавий-кимёвий, кимёвий ва биологик жараёнларни билиш дехончиликда ўғитлардан самарали ва оқилона фойдаланишда мухим аҳамиятга эга. Тупроқдаги озиқ моддаларнинг ялип миқдори, уларни ўсимликлар қийин ўзлаштирадиган шаклдан осон ўзлаштирадиган шаклга ўтиши ва содир бўладиган тескари жараён ўсимликларнинг озиқланиши шароитини белгилайди.

Тупроқ таркибидаги ўсимликлар осон ўзлаштирадиган озиқ моддалар миқдори кўп бўлса, ўғитларга бўлган эҳтиёж сезиларни даражада камайди, акс ҳолда кўпроқ ўғит кўллаш тақаזו этилади. Озиқланиши жараённида ўсимлик, тупроқ ва ўғит ўргасида узвий боғлиқник яққол намоён бўлади.

Тупроққа кирилтилган ўғитлар тури ўзгаришларга учрайди, таркибидаги озиқ моддаларнинг эрувчанилиги, ўзлаштирилиш даражаси ва ҳаракатчанилиги ўзгаради. Мазкур ўзгаришлар бевосита ўғитларнинг физикавий, кимёвий ва биологик хусусиятлари билан боғлиқиди.

Ўғитлар ҳам ўз навбатида тупроқларга сезиларни таъсир кўрсатади: озиқ моддаларга бойитади, тупроқ эритмасининг реакциясини, микробиологик жараёнларнинг хусусияти ва жадалларни, шунингдек, унумдорликка таъсир этувчи айрим омилларни ўзгартиради.

Шу боис ўғитларни ўрганишдан аввал тупроқларнинг ўсимликларни озиқланиши ва ўғитларга таъсир этувчи айрим хоссаларига тўхталиш мақсадга мувофиқиди.

#### Тупроқнинг таркиби

Тупроқда ўзаро чамбарчас бояланган қаттиқ, суюқ ва гасимон фазалар фарқланади.

*Тупроқ ҳавоси.* Тупроқ микроорганизмлари томони-

дан кислороднинг ўзлаштирилиши, органик моддаларнинг парчаланиши ва илдиз тизимининг нафас олиши натижасида карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) ҳосил бўлади. Шу сабабдан атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид миқдори 0,03% бўлгани ҳолда, тупроқ ҳавосида бир фоизатрофида, бўльзан 2–3%га етади.

Тупроқдаги карбонат ангидрид миқдори атмосфера ва тупроқдаги ҳаво алмашиниши (аэрация) жадаллигига монанд ўзгаради. Ҳосил бўладиган карбонат ангидридининг бир қисми атмосферага тарқалади, бир қисми эса тупроқдаги намлиқ таъсирида эриб, карбонат кислотага айланади. Атмосферага учиб чиқадиган  $\text{CO}_2$  ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиб, ҳосил миқдорини оширишга хизмат қиласа, карбонат кислота тупроқ ёритмасининг нордонлигини оширади:



Тупроқда карбонат ангидрид миқдорининг кўпайиши ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Яхши томони шундаки, ҳосил бўладиган карбонат тупроқдаги минерал бирикмалар (фосфатлар, кальций карбонат ва б.)нинг эрувчанилигини оширади ва уларни ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга ўтказади. Иккичин томондан, тупроқда намлиқ кўп, аэрация суст бўлса, карбонат ангидрид миқдорининг ортиши ва кислороднинг етишмаслиги оқибатида ўсимлик ва микроорганизмларнинг меъерида ривожланиши бузилади. Кислород танқислигига илдизнинг ўсиши ва нафас олиши сусайди, ўсимлик томонидан озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши секинлашади. Тупроқда анаэроб-қайтарилиш жараённи кучаяди.

Тупроқ эритмаси – тупроқнинг энг ҳаракатчан ва фаол қисми бўлиб, унда ўсимликларни озиқланиши учун бевосита хизмат қиласидаган турли-туман жараёнлар содир бўлади. Тупроқ эритмасида  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{OH}^-$ ,  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{H}_2\text{PO}_4^-$  каби анионлар,  $\text{H}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{Al}^{3+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$  каби катионлар ва сувда эрувчан органик моддалар мавжуд.

Унда кислород, карбонат ангидрид, амиак каби газлар ҳам эриган бўлади. Тупроқ эритмаси концентрациясининг ортиши асосан минералларнинг нураши ва парчаланиши, микроорганизмлар таъсирида органик моддаларнинг минераллашиши, маҳаллий ва минерал ўғитларни кўллаш асосида содир бўлади.

Ўсимликларнинг озиқланиши учун тупроқ эритмасида  $K^+$ ,  $Ca^{2+}$ ,  $NH_4^+$ ,  $NO_3^-$ ,  $SO_4^{2-}$ ,  $H_2PO_4^-$  каби ионларнинг бўлиши да ойимий равишда тўдирилбандирилиши мумхинмид. Тупроқ эритмасидаги тузлар миқдори ёнинг юздан бир улушидан бир неча % гача ўзгаради. Одатда тупроқ эритмасидаги тузлар миқдори 0,05% атрофида бўлиб, концентрациянинг 2%дан ошиб кетиши ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ эритмасининг концентрацияси ўтигт кўллаш, тупроқ намлигининг камайшини, органик моддаларнинг минераллашиси натижасида ошадиган бўлса, ўсимликларнинг озиқланиши, осон эрийдиган моддаларнинг тупроқни кўзи қатламларига ювилиши ёки эrimайдиган шаклга ўтиши натижасида камайди.

**Тупроқнинг қаттиқ фазаси.** Тупроқнинг қаттиқ фазаси ўсимликлар учун асосий заҳира моддаларни тутади. Тупроқ қаттиқ фазасининг 90–99%ини минерал моддалар, факат бир неча %ини органик моддалар ташкил қилади.

А. П. Виноградов маълумотига кўра (15-жадвал) тупроқ қаттиқ фазасининг деярли яримини кислород, учдан бир қисмини кремний, 10% дан кўпроғини аломаний ва темир ташкил қилади. Атиги 7%га яқини бошқа элементлар хиссасига тўрги келади. Мазкур элементлар тупроқнинг минерал қисмиди, турли минерал бирикмалар таркибида учрайди. Улерорд, водород, кислород, фосфор, олтингурут тупроқнинг ҳам минерал ва ҳам органик қисми таркибида учраса, азот факат органик моддалар таркибида киради.

15-жадвал.

#### Тупроқ қаттиқ фазасининг кимёвий таркиби

(А. П. Виноградов, 1950)

Кислород ... 49	Барий ... 0,05	Галлий ... $(1 \cdot 10^{-3})$
Кремний ... 33,0	Стронций ... 0,03	Калай ... $(1 \cdot 10^{-3})$
Аломаний ... 7,1	Цирконий ... 0,03	Кобальт ... $8 \cdot 10^{-4}$
Темир ... 3,7	Фтор ... 0,03	Торий ... $6 \cdot 10^{-4}$
Улерорд ... 2,0	Хром ... 0,02	Мишик ... $5 \cdot 10^{-4}$
Кальций ... 1,3	Хлор ... 0,01	Йод ... $5 \cdot 10^{-4}$
Калий ... 1,3	Ванадий ... 0,01	Цезий ... $5 \cdot 10^{-4}$
Натрий ... 0,6	Рубидий ... $6 \cdot 10^{-3}$	Молибден ... $3 \cdot 10^{-4}$
Магний ... 0,6	Рух ... $5 \cdot 10^{-3}$	Уран ... $1 \cdot 10^{-4}$
Водород ... (0,50)	Церий ... $5 \cdot 10^{-3}$	Бериллий ... $(1 \cdot 10^{-4})$
Титан ... 0,46	Никель ... $4 \cdot 10^{-3}$	Германний ... $(1 \cdot 10^{-4})$
Азот ... 0,10	Литий ... $3 \cdot 10^{-3}$	Кадмий ... $(1 \cdot 10^{-4})$
Фосфор ... 0,08	Мис ... $2 \cdot 10^{-3}$	Селен ... $1 \cdot 10^{-4}$
Олтингурут ... 0,08	Бур ... $1 \cdot 10^{-3}$	Симоб ... $(1 \cdot 10^{-4})$
Маргенец ... 0,08	Күргозчин ... $1 \cdot 10^{-3}$	Радий ... $(8 \cdot 10^{-11})$

И з о х : қадс ичидаги шартли зарур озиқ элементлари кўрсатилган

#### Тупроқнинг минерал қисми

Тупроқнинг минерал қисми турли минералларнинг жуда майда заррачаларидан (катталиги  $mm$  нинг  $mm$  дан бир улушидан бир  $mm$  гача ва ундан ортиқ) иборат. Ҳосил бўлишига кўра бирламчи ва иккиласми тупроқ минераллари фарқланади.

Бирламчи минералларга кварц, дала шпатлари, слюдалар, шоҳ алдамаси ва пироксиллар киради. Улар тогжинсларининг емирилиши ва нураши натижасида тупроқ қисмидан ҳосил қуловчи она жине таркибига ўтади.

Бу минераллар тупроқларда асосан кум ( $0,05$ – $1,0 mm$ ), чант ( $0,001$ – $0,5 mm$ ), қисман ил ( $0,001 mm$  дан кичик) ва коллоид ( $0,25 \mu m$  дан кичик) заррачалар ҳолида учрайди. Кимёвий жараёнлар (гидратланниш, гидролиз, оксидланниш) ва турли-туман организмларнинг ҳаёт фаолигига натижасида бирламчи минераллардан бир ярим оксидлар ( $R_2O_3$ ) ва кремнезем гидратлар, турли тузлар, каолинит, монтмориллонит, гидрослюда каби иккиласми минераллар (бошқача номи лойли минераллар) ҳосил бўлади.

Кимёвий таркибида кўра бу минераллар кремний-кислородли бирикмалар (силикатларга ва аломаний-кремний-кислородли (алюминийли силикатларга бўлинидади). Кимёвий жараёнларда иштирок этмайди.

Тупроқларда кварц ( $SiO_2$ ) кенг тарқалган. Деярли барча тупроқларга кварцнинг миқдори 60%дан кўпроқ, кумли тупроқларда эса 90% гача стади. У барқарор ва мустаҳкам бирикма бўйлуб, инерлитги сабабли тупроқдаги кимёвий жараёнларда иштирок этмайди.

Аломаний-кремний-кислородли бирикмалар бирламчи ва иккиласми минераллар шаклида учраши мумкин. Бирламчи аломанийли силикатлардан дала шпатлари, ортоқлаз, аноирт, албит кенг тарқалган. Слюдалар, биотит ва флагопит кўпроқ учрайди.

Шоҳ алдамалари ва пироксиллар унча кенг тарқалмаган. Дала шпатлари ва слюдаларнинг аста-секин парчаланишидан ўсимликлар учун зарур бўладиган  $K$ ,  $Ca$ ,  $Mg$ ,  $Fe$  ва бошқа озиқ элементлар юзага келади.

Иккиласми минераллар ўзаро ўхшаш хусусиятларига кўра монтмориллонит, каолинит ва гидрослюдамизон гурухларда бўлинади. Монтмориллонит гурухига монтмориллонит, бейделлит ва бошқа минераллар кириб, юқори даражада дисперслиги, бўклиши, қувуш-коқлиги ва илашимлиги билан ажralиб туради. Као-

линит гурухы минералларига каолинит ва галлузитлар киради. Бу гурух минералларига дисперсланиш, букиш ва илашимлиликнинг камлигига каби хуссиятлар косдир.

Гидрослюдадар дала шпатлари ва слюдалардан ҳосил ғубиб, деярли барча тупроқ типларида учрайди ва улардан гидромусковит ва гидробиотитлар кенг тарқалган.

Иккиласмачи алюминий-силикатлар минераллар кристалл панжарасининг тузилиши, дисперслек дара-жаси ва шу каби бошқа белгилари билан ўзаро фарклиансада, айрим умумий белгиларга ҳам эгадир. Тупроқларда улар катталиги бир неча микрометрдан микрометрнинг юздан бир улушича бўлган зарарчалар ҳолида учрайди. Дисперслегти ююри бўлган бу минераллар катта юза ва кучли сингидриш қобилиятига эга.

Тупроқларда *Ca*, *Mg*, *K* ҳамда *Na* ларнинг карбонат, сульфат, нитрат, хлорид, ва фосфатлари ҳам учрайди. Бу тузларнинг аксарияти (айнича *K* ва *Na* тузлари) сувда осон эрийди, шу боис уларнинг тупроқдаги миқдори жуда кам. Кийин эрийдиган тузлар (*Ca* ва *Mg* карбонатларни ҳамда кальций сульфат)нинг миқдори тупроқ қаттиқ фазасининг асосий қисмини ташкил этади.

Тупроқ минерал қисмининг турли механикавий фракциялари нафақат заррачаларнинг катта-кичиликлиги, балки минералогик ва кимёвий таркиби билан ҳам фарқланади.

Маълумки, гумус ва унинг таркибидаги азотнинг асосий қисми тупроқнинг ююри дисперслекка эга бўлган юза қатламларida тўпланади. Шу боис тупроқнинг илсизон ва коллоид фракциялари ўсимликлар озиқланishiда мухим аҳамият касб этади. Бундан ташкири айни фракциялар анча фаол бўлиб, тупроқдаги адсорбция жараёнларини ва шунга боғлиқ равишда сингдириш қобилиятини ҳам белгилайди.

Тупроқнинг механикавий таркиби ва хоссалари ўтрасида узвий муносабат мавжуд. Темир, кальций, магний, калий каби элементларнинг миқдори тупроқнинг механикавий таркиби билан боғлиқ. Оғир механикавий таркибни тупроқлар қумли ва кумлоқ тупроқларга нисбатан озиқ моддаларга анча бойдир.

## Тупроқнинг органик қисми

Органик моддалар тупроқнинг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Органик моддалар, шу жумладан гумус миқдори ҳар ҳил тупроқ типларининг ҳайдалма қатламида турличадир (16-жадвал).

Жадвалдан тупроқлар таркибидаги гумус миқдори айрим тупроқ типларида 10% ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этганни ҳолда, айрим тупроқларда 1—2% атрофида бўлиши кўриниб турибди.

16-жадвал.

### Турли тупроқ типлари таркибидаги гумус миқдори

(А. В. Петербургский, 1975)

Тупроқ типи	Ҳайдалма қатламдаги гумус миқдори, %	0—20 см		0—100 см	
		қатламдаги гумус заҳираси, т/га			
Чимли поизол	2—4	53		80—120	
Сур тусли подзоллашган ўрмон тупроқлари	4—6	109		150—300	
Қора тупроқлар	4—12		137—192	300—800	
Каштан тупроқлар	3—4	99		200—250	
Бўз тупроқлар	1—2	37		50	
Қизил тупроқлар	5—7	153		150—300	

Тупроқнинг органик қисми турли-туман органик моддалар мажмудан иборат. Улар иккита гурухга ажратилиди:

- ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларидан ҳосил бўлган, лекин гумусга айланмаган органик моддалар;
- гумус.

Гумусга айланмаган органик моддалар деганда, тупроқда чириб улгурмаган ёки ҷаҳа чириган ўсимлик қолдиқлари ҳамда унда ҳаёт кечирадиган ҳайвон ва микроорганизмларнинг қолдиқлари тушунилади.

И. В. Тюрииннинг аниқлашича, бир га майдондаги тупроқка 1 йил давомида 5—8 т ўсимлик қолдиқлари тушиб, шундан 1—10 % тупроқ ҳайдалма қатламида ташкил ишадиган. Тупроқнинг 0—20 см ли қатламида мавжуд бўлган 0,7—2,7 т/га (айрим

маълумотларга кўра 5–8 м/га) бактерияларнинг атиги 1–2% орник моддага айланади.

Гумуста айланмаган моддалар умумий органик моддалар миқдорининг 10–15% ини ташкил қылсада, тупроқ унумдоригини белгилашда мухим аҳамиятта эга. Бу моддалар тупроқда анча тез парчаланади, таркибидаги азот, фосфор, олтингутурт ва бошقا элементлар осонлик билан минераллашади ва ўсимликларнинг озиқланиши маънабига айланади. Уларнинг бир кисми тупроқда парчаланиб, ўзига хос табиатли органик моддаларга айланishi ва гумус ҳосил бўлиши учун маъна бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.


Гумус моддалари тупроқ органик қисмининг 85–90% ини ташкил қиласди. Улар гумин ва фульво кислоталар ҳамда гуминлардан таркиб топган.

Мазкур моддалар ичida гумин кислоталар яхши ўрганилган. Гумин кислоталар ўз исичга таркиби ва хоссалари жиҳатидан ўхшаш бир қатор моддаларни олади. Гумин кислоталарнинг энг содла таркиби қўйидагича: углеродлар – 52–62, кислород – 31–39, водород – 2,8–6,6, азот – 3,3–5,1%.

Гумин кислоталар табиатан ароматик, юқори молекуляр моддалардир. Уларни ён тармоқлари тўғри чизиқли полимерланган углерод замжирларини тутган циклик углероднинг ясси тўридан иборат деб қараша мумкин. Углерод замжирлари ўзида гидроксил, метоксил каби турли функционал гурӯхларни тутади.

Гумин кислоталар молекулалари таркибига азотсиз ва азот тутган олти ҳамда беш аъзоли ҳалкалар кириб, одатда улар ўзаро  $-N$ ,  $-NH$ ,  $-CH_2$  кўприклар орқали туташади. Айтилганлардан ташқари гумин кислоталар таркибига углевод қолдиқлари ва азотли органик бирикмалар ҳам учрайди. Бу бевосита чекка ён замжирлар шаклида хушбўй ядроларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Гумин кислоталар таркибига 3–6 та фенол гидрооксиллари – ( $OH$ ), 3–4 та карбоксил ( $-COOH$ ), метоксил ( $-OCH_3$ ) ва карбонил ( $=C=O$ ) гурӯхларнинг бўлиши уларнинг хусусиятлари ҳамда тупроқ билан ўзаро таъсир характерини белгилайди. Гумин кислоталар таркибидаги карбоксил гурӯхлар тупроқда нордонлик бағишлади.

Карбоксил гурӯх таркибидаги водород турли катионлар томонидан сиқиб чиқарилади ва бунда гуматлар деб номланадиган тузлар ҳосил бўлади:



Бир валентли катионлар ( $\text{Na}$ ,  $\text{K}$ ,  $\text{NH}_4$ ) нинг гуматлари сувда осон эрийди, икки ( $\text{Ca}$  ва  $\text{Mg}$ ) ва уч валентли ( $\text{Fe}$  ва  $\text{Al}$ ) катионларнинг гуматлари эса сувда эримайди.

Гумус моддаларнинг иккичи гурухи фульво кислоталар бўлиб, улар азотли юқори молекуляр оксикарбон кислоталардир. Фульво кислота гумин кислотадан ўзининг оч туси ("фульво" сўзининг лугавий маъноси сарпик, сарғиш демакдир), сув ва минерал кислоталарда эрувчанилиги ҳамда кислотали гидролизга осон берилиши билан фарқланади. Фульво кислоталарнинг энг содла кимёвий таркиби қўйидагича: углерод – 45–48, водород 5–6, кислород – 43–48,5 ва азот – 1,5–3,0%. Фульво кислоталар тузилишида чизиқли полимерланган углерод ён занжирининг устунлиги ва ароматик углерод тўрининг кам иштироқи уларни гумин кислоталаридан асосий фарқланши белгисидир. Гумин кислоталар каби фульво кислоталар ҳам фенол гидроксил, метоксил ва карбоксил гурӯхларни тутади.

Фульво кислоталарнинг кальцийли тузлари сувда эрийди, уларнинг алуминий ва темир билан ҳосил қўйадиган комплекс бирикмалари ҳам анча ҳаракатчан бўлиб, фақат  $pH$  нинг тор интервалида чўкмага тушади.

Фульво кислота молекулалари таркибидаги азотли моддалар нисбатан кучсизро боғланган, гумин кислоталарнинг азотли бирикмаларига нисбатан кислотали гидролизга осон берилади. Фульво кислоталар таркибидаги азот тупроқ ялия азотининг 20–40 % ини ташкил қиласди.

Тупроқ гумуси таркибидаги гуминлар (ишиқорда эримайдиган гумус моддалари) табиатан гумин кислоталарга ўхшаш бўлсада, тупроқнинг минерал қисми билан кучли боғланганлиги билан ажralib туради ва шу боис улар кислота ва ишиқорларнинг таъсирига анча чидамлидир. Гумуснинг мазкур фракцияси таркибидаги азот тупроқ умумий азотининг 20–30%ини ташкил қиласди, кучли боғланганлиги сабабли микроорганизмлар таъсирига бардошли.

Турли тупроқ типлари ўзаро фақат гумус миқдори билан эмас, гумин кислоталарнинг фульво кислоталарга нисбати (Гк:Фк) билан ҳам фарқланади. Ўрта Осиёнинг бўз тупроқларида бу нисбат анча ўзгарувчан бўлиб,

чүл минтақа тупроқларыннан гумуси таркибиде фульво кислота иисбатан күпроқдир.

Тупроқдаги гумус моддаларыннан жуда кам қисми эркін қолдатады бұлалы. Олалда гумин ва фульво кислоталар тупроқнинг минерал қисми билан таъсирилашиб, түрли-тұман органо-минерал бирикмаларни ҳосил қыллады (масалан, *Ca*, *Mg*, *Na* ларнинг гуматлары; гуматлар билан алюминий ҳамда темир гидрооксидларнинг арашалады; алюминий, темир, фосфор ва кремний билан ҳосил қылладынгы комплекс органо-минерал бирикмалар). Бундан ташқары улар лойлы минераллар томонидан кучли ютилады ва микроорганизмларнинг таъсирига яна ҳам бардошли бүліг қолады.

Тадқытотларнинг күрсәтишича, әкинлар үгитланмасдан етишилтілтанды, тупроқда гумус ва азот захирасининг кескін камайиши күзатылады. 1 га майдондан йилде үртака 4–10 ц гумусининг парчаланиши күзатылады. Бу жараёш айнан тоза шудор қылыш ташлаб күйилтілген майдонларда анча жадал кетады.

Агрокимёвий талдырылар тупроқдаги гумус миқдорига кучли таъсир күрсатады. Сугориладын бұз тупроқтарда күрік тупроқлардан фарқын ұлароқ гумусининг ҳосил бўлиши ва минералларниң үзига хос кечады. Тупроқни ҳайдалаш натижасыда ҳайдалма қатламда гумус миқдори камайиб борғандағы үшшаб күрнәнди. Аслида эса аввал 4–5 см ли юза қатламда мавжуд бўлған гумус ҳайдалма қатламда остида тўплана боради. Агар гумусининг тупроқдаги ялпи миқдорини ҳисобга олсак, у сугориладын бұз тупроқларда күрік тупроқдагидан 1,2–1,4 марта күпdir. Тупроқда фақат гумусининг парчаланиши эмас, балки тўпланиши ҳам содир бўлади.

Органик моддалар миқдори анча кам бўлсада, тупроқда унумдорлигини белгилаша ва ўсимликлар озиқланишида мухим аҳамияттағы эта. Гумин, фульво ва бошқа органик кислоталар, шунингдек карбонат кислота таъсирида силикатлар, алюмоシリкатлар, кальций ва магний карбонатлар ҳамда бошқа қийин эрйидиган бирикмалар парчаланады ва кальций, магний, калий, фосфор каби озиқ элементлар ўсимликлар ўзлаштирадын шакилга ўтады.

Органик моддалар ўсимликлар озиқланишида асосий манба ҳисобланады. Тупроқдаги азот захираси тўлалигича, фосфор ва олтингутурт қисман, калий, кальций, магний ва бошқа элементлар камроқ миқдорда органик моддаларнинг таркибиде жамланған бўлади.

Органик моддалар адсорбция жараёнида фаол иштирок этады, тупроқнинг нам сиғими, сув ва ҳаво ўткаузчанлиги, иссиқлик режими ва структурасига ижобий таъсир күрсатады.

### Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори ва ўсимликларнинг озиқланиши учун лаёқатлилiği

Тупроқ типлари таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори ва таркиби жиҳатидан үзаро сезиларни дара жала фарқ қылады (17-жада).

Тупроқдаги ялпи азот миқдори бевосита гумус миқдорига боғлиқ; органик моддаларга бой тупроқларда азот анча күп бўлади, лекин калийнинг миқдори асосан тупроқ, минерал қисменинг гранулометрик таркиби ва она жинсига боғлиқ равишда ўзгаради.

17-жада.

Тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги ялпи азот, фосфор ва калий миқдори  
(А. В. Петербургский, 1975).

Тупроқлар	Азот		Фосфор		Калий	
	%	t/га	%	t/га	%	t/га
Чимли подзол тупроқ	0,02-0,05	0,6-1,5	0,03-0,06	0,9-1,8	0,5-0,7	15-21
Кора тупроқ	0,2-0,5	6,0-15,0	0,1-0,3	3,0-9,0	2,0-2,5	60-75
Бўз тупроқ	0,05-0,15	1,5-4,5	0,08-0,2	1,6-6,0	2,5-3,0	75-90

Тупроқда режалаштирилган ҳосил учун зарур бўлағидан бир неча баравар кўп озиқ моддалар мавжуд, лекин уларнинг асосий қисми ўсимликлар бевосита ўзлаштира олмайдиган бирикмалар шаклилади. Масалан, азот гумус моддаларнинг, фосфор қийин эрйидиган минерал тузларнинг, калийнинг асосий қисми алюмоシリкатлар минераллар таркибига киради. Шунга кўра озиқ моддаларнинг ялпи захираси тупроқнинг фақат потенциал унумдорлигини характерлайди. Тупроқнинг самарали (эффектив) унумдорлигини аниқлашада улар таркибидаги ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган озиқ моддалар миқдорини билиш лозим.

Тупроқларни ҳаракатчан фосфор ва алмашынучан калий билан таъминланғанлығында күра турухлаш  
(Ж. С. Сатторов ва б., 1993)

Тупроқ гүрухы	Таъминланыш даражаси	$P_2O_5$ міндері мг/кг	Харитала белгиланадиган ранги/белгиси	$K_2O$ міндері, мг/кг	Харитала белгиланадиган ранги/белгиси
1 жуда паст	<15	оч яшил	нуқта	<100	оч сарық нуқта
2 паст	16—30	яшил	пунктир	101—201	сарық пунктир
3 ўртача	31—45	оч ҳаво ранг	ётиқ чизик	201—300	заргалдок ётиқ чизик
4 юқори	46—60	ҳаво ранг	тик чизик	301—400	жигар ранг тик чизик
5 жуда юқори	>60	бинафша	тұғри катақ	>400	тұқ жигарранг тұғри катақ

### Тупроқнинг сингидриши қобилияты

Тупроқнинг сингидриши қобилияты деганда уннан эритмадан турли моддаларнинг ион ва молекулаларнин жотишва үшілаб қолын хусусиятты тушенилады. Тупроқ томонидан турли тузларнинг ютилишини маълым иззиттіліккінде үрганиши Д. Уэй (1850—1854) ишларыда үз іфодасини төнді. Бу масаланы үрганишта айниқса К. К. Гедройц, Вигнер, С. Маттсон ва бошқа талқықотчилар салмоқты хисса құшыдилар.

К. К. Гедройц үз талқықотлары натижаларини 1922 йылда нашр қылғынан «Тупроқнинг сингидриши қобилияты ҳақыда таълимом» номлы асарда бағын қылды. У тупроқнинг сингидриши қобилияты, үгіт күллаш мұаммолари, үсімлікнинг озиқланиши ва тупроқтарнан кимёвий мелиорациялаш ўртасыда ғамбарас болғылғылардың ишботлалық шарттарынан тұрақтылығынан зертталғанда 5 та тұрға бүлді: механикавий, физикалық, кимёвий, физикалық-кимёвий, биологик.

**Биологик сингидриши қобилияты.** Сингидришнинг бу түрі үсімлік ва тупроқ микроорганизмларнинг ҳаёт

үсімліктер томонидан фақат сувда ва күчсіз кислоталарда эріндігін ҳамда алмашынучан сингидрилалығын шактлагы ғимараттар осон үзлаштырылады. Тупроқданғы озиқ моддаларнинг үсімліктер үзлаштыра оладын ҳолатта үтиши унда кеңадаған биологиялық, физикалық-кимёвий ва кимёвий жараёнларнинг табиаты ва жадал-лигінде болғыл.

Озиқ моддаларнинг үсімліктер үзлаштыра оладын шактлағы үтиши шунингдегі тупроқнинг минералогик тареби, иқдім шаронитлари, құлланиладын агротехникавий табдирларнин даражасы ва бошқа бир қатор омылларга болғыл бўли, ҳамма ерда бир ҳил жадалликда кетмайди. Одатда бу жараён жуда секин содир бўлади ва үзлаштырилиши учун лаёқатли моддаларнинг мінкори үсімліктернин бутун вегетация даврида таъминдай олмайди.

Үсімліктер үзлаштыра оладын озиқ моддалар мінкори тупроқнинг типи, маданийлашганик даражаси, етицилліладын экин тури ва кириллайдын үгіт міндори билан узвий болғылкідир. Озиқ моддалар міндори хўжаликнинг турли пайкалларидаги ҳам турлича бўлиши мумкин.

Тупроқ унумдорлигини ошириши ва ўғитлардан оқилюна фойдаланишида ҳаракатчан азот, фосфор ва калий міндорини аниқлаш учун үтказиладын агрокимёвий текширишлар мухимдир. Тупроқдагы ҳаракатчан озиқ моддалар міндори агрокимёвий лабораторияларда аниқланади. Кимёвий таҳлил натижалари агрокимёвий характеристикама тарзидан расмийлаштырилади.

Муайян тупроқ типи учун тавсия этилган усул бўйича ҳаракатчан фосфор ва алмашынучан калий міндори аниқланадиган, таъминланғанлығында күра 5 та турухга бўлинади: жуда паст, паст, ўртача, юқори ва жуда юқори. Ҳар бир турух учун алоҳида ранг ёки шартли белгі танланган бўлиб, улардан агрокимёвий хаританомаларни тайёрлашда кент фойдаланилади (18-жадвал).

**фаолиги билан боғлиқ.** Улар тупроқ әрітмасидан озиқ моддаларни танлаб сингдиради, ўз таналариде органик бирималарга айлантиради ва шу йўл билан ювилиб кетишдан сақлайди. Үсимилик ва микроорганизмлар нобуд бўлгач, танасидаги бирималар минераллашади ва үсимиликлар ўзлашириладиган шаклга ўтади. Тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг миқдори 1 га майданнинг ҳайдалма қатламида бир неча ўн тоннага етади. Улар тупроқ таркибидаги органик моддаларни озиқ ва энергия маёнбаси сифатида парчалаб, үсимиликлар ўзлашириладиган шаклга ўтказиши билан бир қаторда тупроқдан анча миқдорда азот, фосфор, олтингутург ва бошқа моддаларни олиб, үсимиликларга нисбатан рақиб ролини ҳам бажаради. Микроорганизмлар томонидан озиқ моддаларнинг биологик сингдирилиши жадал кечса, бу жараён үсимиликларнинг озиқланишига ва ўз навбатида ҳосилига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

1 га мадданийлаштирилган чимли-подзол тупроқ микроорганизмлари плазмасида таҳминан 125 кг азот, 40 кг фосфор ва 25 кг калий бўлиши *E. H. Мишустин* томонидан хисоблаб топилган.

Тупроқка киритиладиган ўйтнинг маълум бир қисми тезда микроорганизмлар танасига ўтади. Бу айниқса азотли ўйтлар мисолида яққол намоён бўлади. Азотнинг барқарор  $^{15}N$  изотопи ёрдамида олиб борилган кузатишлар тупроқнинг биологик сингдириши натижасида ўйт таркибидаги нитрат шаклдаги азотнинг 10–20, аммиак шаклдаги азотнинг 20–40% и микроорганизмлар танасида органик ҳолатда муқимланиб қолиши аниқланган. Нитрат шаклдаги азот микроорганизмлар томонидан аммиак шаклдаги азотта нисбатан 1,5–2,0 марта кам сингдирилсалса, жуда катта амалий аҳамиятга эга, чунки нитратлар бошқа биронта сингдириш йўли билан тупроқда сақлаб қолинмайди. Үсимилик ва микроорганизмлар томонидан ўзлаширилмаган нитратлар тез фурсатда ювилиб кетади. Нитратларнинг биологик йўл билан ютилиши айниқса суюориладиган дехқончилик минтақасининг ёнгил гранулометрик таркиби тупроқларида мухим аҳамиятга эга.

Биологик сингдириши жалаллиги тупроқ аэрацияси, намлиги ва бошқа хоссаларига ҳамда тетретороф микроорганизмлар учун озиқ ва энергия маёнбаси хисобланарадиган органик моддаларнинг миқдори ва таркибига боғлиқ. Тупроқка целлюлозага бой, лекин таркибида азот кам бўлган органик моддаларни киритиш (маса-

лан, сомон ёки сертӯшама гўнг) микроорганизмлар сонининг кескин ошиб кетишига олиб келади. Улар тупроқдаги минерал ҳолатдаги азот ва фосфорнинг бир қисмини ўзлашириади, натижада ҳосил камайди. Шу каби жараёнлар фосфор, олтингутург ва үсимилик учун зарур бўлган бошқа озиқ элементларидан ҳам кузатилади. Демак, маълум шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда тупроқларнинг биологик сингдириши қобилияти үсимиликлар озиқланишида ижобий ёки салбий рол ўйнаши мумкин.

**Механикавий сингдириши қобилияти.** Сингдиришнинг нисбатан содда турларидан бири бўллаб, тупроқда майдағовак ва нозик капиллярларнинг мавжудлиги сабабли содир бўлади. Тупроқ барча говак жинслар каби ўзидан шимлиб ўтадиган сув таркибидаги майда қаттиқ заррачаларни тутиб қолиши хусусиятига эга. Масалан, тупроқ орқали ўтказилган лойқа сув тиниқлашади, бунда илсизон заррачалар тупроқ томонидан механикавий йўл билан сингдирилади.

Механикавий сингдириши тупроқда энг зарур ва муҳим коллоид фракциянинг сақланиб қолишига ёрдам беради. Тупроқнинг механикавий сингдириши қобилияти ўйтлардан фойдаланишида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Тупроққа киритиладиган, сувда эримайдиган кункусимон ўйтлар (масалан, кукунсимон суперфосфат, фосфорит талкони) механикавий сингдириши туфайли тупроқнинг юза қатламларида ушлаб қолинади ва пастки қатламларига ювилишининг олди олинади.

**Физикавий сингдириши қобилияти.** Физикавий сингдириши – тупроқ заррачалари томонидан эргиган моддаларнинг бутун-бутун молекулаварини ижобий ёки салбий адсорбция қилинишиди.

Физикавий сингдириши фаолиги асосан тупроқ заррачалари юзаларининг йигиндинига боғлиқ. Маълумки, жисм заррачаларининг ўлчами қанчалик майдалашиб борса, юзаларининг йигиндини шунча ортади. Шу сабабдан тупроқда майда дисперс заррачалар сони қанчада кўп бўлса, юзаларининг йигиндини ҳам шунча катта бўлади.


Агар тупроқ заррачалари томонидан эргиган модда молекулавари сувга қарагандага кучлироқ тортилса, ижобий молекуляр адсорбция содир бўлади. Ижобий физикавий сингдирилиши йўли билан спирт, органик кислоталар ва ююри молекуляр бирималарнинг молекулаварлари сингдирилиши мумкин. К. К. Гедройцнинг

фика, минерал бирикмалардан факт ишқорлар-  
гина ижобий физикавий йўл билан сингдирилади.

Агар юқорида айтилганга тексари ҳол юз берса, яъни тупроқ заррачалари томонидан сув молекулалари эриган мозда молекулаларига нисбатан кучлироқ тортилса, салбий физикавий сингдириши содир бўлади.

Салбий физикавий сингдириши тупроқнинг хлорид ва нитрат эритмалар билан ўзаро таъсирилашишида ку-  
затилади ва бунда улар (нитрат ва хлор ионлари) туп-  
роқнинг кўйи қатламларига ювилиб кетиши мумкин.  
Ўғит қўллашда хлор ионларининг бундай ювилини ижо-  
бий аҳамиятга эга. Шу боис таркибida хлор тутган  
минерал ўғитларнинг асосий қисмини кузда, шудгор  
остига киритиш мақсадта мувофиқ. Лекин нитрат ион-  
ларининг бу йўл билан ювилиши талабга жавоб бер-  
майди, шу сабабдан таркибida нитрат шаклдаги азот  
тутган ўғитларни кузда қўллаш тавсия этилмайди.

**Кимёвий сингдириши қобилити.** Кимёвий сингдириши  
деганда, тупроқнинг айрим ионларни сувда қўйин эрий-  
диган ёки умуман эримайдиган бирикмалар ҳосил қўлини  
йўли билан тутиб қолиши тушишилади. Масалан, сувда осон эрийдиган аммоний фосфатни кальций бикарбо-  
нат билан реакциясида натижасида кам эрийдиган каль-  
ций дифосфат ҳосил бўлади:



У ёки бу ионнинг кимёвий сингдирилиши уларни  
тупроқ, таркибидаги ионлар билан кам эрийдиган ёки  
сувда умуман эримайдиган тузлар ҳосил қила олишига  
боелик. Нитрат ва хлорид кислоталарининг анионлари  
( $\text{NO}_3^-$  ва  $\text{Cl}^-$ ) тупроқдаги мавжуд биронта катион билан  
хам эримайдиган бирикмалар ҳосил қўлмайди, демак,  
улар кимёвий йўл билан сингдирилмайди. Бу хлорид ва  
нитратларнинг ўта ҳаракатчалиги билан боелик.



Карбонат ва сульфат кислота анионлари ( $\text{CO}_3^{2-}$  ва  
 $\text{SO}_4^{2-}$ ) бир валентли катионлар билан эрувчан, тупроқ-  
да кўп уйрадиган икки валентли катионлар билан ( $\text{Ca}^{2+}$   
ва  $\text{Mg}^{2+}$ ) қўйин эрийдиган бирикмалар ҳосил қиласди.  
Шунинг учун мазкур анионларининг асосий қисми каль-  
ций ва магний катионлари томонидан ушлаб қолинади.

Фосфат кислота анионлари ( $\text{H}_2\text{PO}_4^-$ ,  $\text{HPO}_4^{2-}$ ,  $\text{PO}_4^{3-}$ )  
бир валентли катионлар билан сувда яхши эрийдиган  
тузлар ( $\text{KH}_2\text{PO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{HPO}_4$ ,  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  ва бошқалар),  
кальций ва магний катионлари билан эса битта, иккиси



та ва учта водородга алмашган тузларни ҳосил қиласди.  
Фосфат кислотадаги битта водород ўрнини катион эгал-  
лизидан ҳосил бўладиган тузлар [масалан,  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ ]  
сувда яхши эрийди, иккита ёки учта водород ўр-  
нини катион эгаллизидан ҳосил бўладиган тузлар эса  
[ $(\text{CaHPO}_4 \cdot \text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2)$ ] кам эрийди. Алюминий ва темир-  
нинг уч валентли катионлари билан ҳам фосфат кис-  
лота сувда қўйин эрийдиган бирикмалар ҳосил қиласди.

Фосфат кислотанинг  $\text{Ca}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{Al}$  ва  $\text{Fe}$  билан қўйин  
эрийдиган ва эримайдиган бирикмаларни ҳосил қилиши  
сувда эрувчан фосфорли ўғитларни тупроқда ўзга-  
ришча учрашида муҳим рол ўйнайди.

Тупроқ эритмасида алмашиниб ютилган кальций  
тутган, мўътияди ёки кусиз ишқорий мухитта эта туп-  
роқларда (буз ва қора тупроқлар) фосфат кислота ва  
бирикмаларининг сингдирилиши кальций ва магний-  
нинг сувда кам эрийдиган фосфатларининг ҳосил бўлиши  
билан боради. Масалан, буз тупроқларга суперфос-  
фат киритилганда кўйдаги реакция содир бўлади:



Фосфат кислотанинг сувда эрийдиган тузлари туп-  
роқда алмашиниб ютилган кальций билан таъсирилаши-  
ши натижасида ҳам сингдирилиши мумкин:




Тупроқдаги алмашиниб ютилган кальций миқдори-  
та боелик равишда  $\text{CaHPO}_4$  ёки  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  ҳосил бўлади.  
 $\text{CaHPO}_4$  — кусиз кислоталарда осон эрийди, шу боис ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади.  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$   
нисбатан кам эрийди: бу туз ҳосил бўлганда, ўсимликлар  
томуонидан фосфат кислотанинг ўзлаштирилиши  
қўйинлашади. Тупроқ эритмасининг мухити нордонла-

шиб боргани сари қийин эрийдиган фосфатларнинг эрүвчаллиги ортади. Чунонча,  $Ca_3(PO_4)_2$ , нинг туроқладағи нитрификация жараёнида ҳосил бўладиган нитрат кислота билан тасъирлашиши натижасида осон эрийдиган  $Ca(H_2PO_4)_2$  ҳосил бўлади:



Таркибидаги кўп миқдорда эркин бир ярим оксидларни тутган, нордон муҳитли чимли подзол ва қизил туроқларда алюминий ва темир фосфатлар ҳосил бўлади:




Янги ҳосил бўлган алюминий ва темир фосфатлар ўсимликлар томонидан қисман ўзлаштирилиши мумкин, лекин вақт ўтиши билан уларда кристаллалашши содир бўлади, қийин эрийдиган ҳолатда ўтади ва ўсимликлар томонидан жуда кам ўзлаштирилади.

Кўриб ўтилган туроқ тилларини фосфат кислота билан барқор биррикмалар ҳосил қилиш кучига кўра қўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин:

қора туроқлар < бўз туроқлар < чимли-подзол  
туроқлар < қизил ва сариқ туроқлар.

**Физикавий-кимёвий сингидриши қобилияти.** Физика-вий-кимёвий сингидриши майда дисперс коллоидлар ( $0,00025 \text{ мм}$ ) ва лойка заррачалар ( $0,001 \text{ мм}$ )нинг эритмалардан турли хил катионларни ўзлаштириш хусусиятидир. Эритмадан айрим катионларнинг сингидрилиши туроқнинг қаттиқ фазаси томонидан аввал ўзлаштирилган унга эквивалент миқдордаги бошқа катионларнинг сиқиб чиқарилиши билан боради:



Туроқдаги алмашинадиган катионларни сингидришида қатнашадиган органик (гумус таркибида) ва минерал (асосан гиали минераллар таркибида) ҳолатдаги майда дисперс заррачалар йигиндинини **K. K. Гедроиц туроқнинг сингидриши комплекси – TCK** деб номлаган.


Органик ва минерал коллоид заррачаларнинг катионларни алмашиб сингидриши хусусияти уларнинг ман-

фиј зарядланганлиги билан изоҳланади. Туроқда мусбат зарядланган коллоидлар ( $pH 7-8$  дан кичик бўлганда темир ва алюминий гидрооксидлари) ҳам бўлиб, одатда кўпчилик туроқларда манфий зарядланган коллоидлар устунига қиласи.

Туроқлар табийи ҳолда доимо маълум миқдорда  $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $H^+$ ,  $K^+$ ,  $Al^{3+}$ ,  $NH_4^+$  ва бошқа сингидрилган катионларни тутади. Бу катионлар туроқ эритмасидаги бошқа катионлар билан алмашиниши мумкин.

Катионларнинг алмашиниши реакцияси жуда тез содир бўлади. Туроққада  $KCl$ ,  $NH_4Cl$ ,  $NH_4NO_3$  ва шу каби сувда осон эрийдиган ўғитлар киритилганда, улар тезда туроқнинг сингидриши комплекси билан реакцияни киришади, таркибидаги катионларни туроқ эритмасида илгаридан мавжуд бўлган катионларга алмаштиради.

Катионларнинг алмашиниши реакцияси қайтар бўлиб, туроқ томонидан сингидрилган катион янга қйтадан туроқ эритмасига сиқиб чиқарилиши мумкин:



Туроқ эритмасининг концентрацияси, ҳажми ва алмашинадиган катионларнинг табиатига қараб туроқ эритмасининг катиони билан туроқнинг сингидриши комплексидаги катионлар ўртасида маълум даражада ҳаракатган мувозанат юзага келади. Туроқ эритмасининг таркиби ва концентрацияси ўзгарганда мувозанат ҳам силжайди. Туроққада  $KCl$  каби сувда осон эрийдиган минерал ўғитлар киритилганда, туроқ эритмасининг концентрацияси ошиади, ўғит таркибидаги катионлар TCKдаги катионлар билан алмашиниши реакциясига киришади, бир қисми туроққа сингади.

Ўсимлик томонидан биронта катион ўзлаштирилганда, унинг туроқ эритмасидаги концентрацияси камаиди ва бу катион туроқнинг сингидриши комплексидан бошқа катионга алмашган ҳолда эритмага ўтади.

Туроқнинг турли катионларни сингидриши хусусияти бир хилда эмас. Катионларнинг заряди (валентлиги) ва атом массаси қанча катта бўлса, у ўнчага кўп сингидрилди ва бошқа катионлар томонидан қийинчилик билан сиқиб чиқарилиди. Сингидрилиши хусусиятининг ортиб боришига қараб катионларни кўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин:

бир валентли катионлар:  $Li^+$ ,  $Na^+$ ,  $NH_4^+$ ,  $K^+$ ;

икки валентли катионлар:  $^{24}\text{Mg}^{2+}$ ,  $^{40}\text{Ca}^{2+}$ ;  
уч валентли катионлар:  $^{27}\text{Al}^{3+}$ ,  $^{56}\text{Fe}^{3+}$ .

Бир валентли катионлардан массаси бўйича иккинчи ва сингдириши қобилияти бўйича учинчى ўрица турадиган  $\text{NH}_4^+$  ва энг кичик атом массасига эга  $\text{H}^-$  алоҳида ўрин тутиб, ўзлаштирилган бошқа катионларни сиқиричи хусусиятига эга.

Тупроқда катионларнинг алмашинмасдан сингдириши. Айрим катионлар тупроқда алмашинмасдан ҳам ютилиши мумкин. Бундай катионлар жумласига калий, аммоний, рубидий ва цезийлар мисол бўлади. Уларни алмашинмасдан, яъни тупроқнинг сингдириши комплексига кирмаасдан, ушлаб турлишини бевосита айрим минералларнинг кристалл панжарасига кириши билан изоҳлаш мумкин. Ютилишнинг бу тuri кенгаючан уч қаватли кристалл панжарага эга бўлган мускавит, вермикулит, шилит ва монтмориллонит каби лойли минералларда кучли намоён бўлади. Кристалл панжаралар орагидаги бўшиликка кириб қолган катионлар қаватлар қўисқарганда иккита кремний-кислородли тетраздр қатламда кислород атомлари досил қиласидаги ёпик гексагонал маконнинг «исканжасига» тушади.

Катионларнинг алмашинмасдан ютилиши тупроқнинг чукур қатламларига қараб ортиб боради. Айниска тупроқ ғоҳ куриб, соҳида намланиб турадиган шароитларда ютилишнинг бу тuri кучли намоён бўлади.

Калий ва аммоний катионларининг алмашинмасдан ютилишида факат лойли минераллар эмас, балки гумус ҳам фаол иштирок этиди. Алмашинмасдан ютилган катионлар алмашиниб ютилган катионларга нисбатан ўсимликлар ўзлаштириладиган шаклига анча қийин ўтади. Шу сабабдан ҳам алмашинмасдан ютилиш кучли кетадиган тупроқлarda кўлланилган азотли ва калийли ўйтитлар таркибида азот ва калийни ўсимликлар анча суст ўзлаштиради.

Мунтазам равишда азотли, калийли ва маҳаллий ўйтитлар киритиладиган тупроқлarda калий ва аммоний катионларининг алмашинмасдан ютилиши сезизларни даражада камайди.

#### Тупроқнинг сингдириши сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби

Тупроқка ютилган, алмашиниши хусусиятига эга бўлган барча катионларнинг ўшигидисига тупроқнинг синг-

дириши сиғими дейилади. У «100 г тупроқда мг·экв.» бирлик билан ифодаланади.

Масалан, 100 г тупроқда 200 мг кальций, 36 мг магний ва 9 мг аммоний сингдирилган бўлсин. У ҳолда тупроқнинг сингдириши сиғими:

$$\frac{200}{20} + \frac{36}{12} + \frac{9}{18} = 13,5 \text{ мг экв.ни ташкил этади}$$

Бу ерда 20, 12 ва 18 сонлари  $\text{Ca}$ ,  $\text{Mg}$  ва  $\text{NH}_4$  ларнинг эквивалент оғирликларни ифодалайди.

Сингдириши сиғими одатда тупроқнинг алмашинувчан сингдириши қобилиятини кўрсатади. Катионларнинг сингдирилиши сиғими тупроқнинг гранулометрик таркиби ва ундаги майдада дисперс фракциянинг микдори ҳамда таркибига боғлиқ. Ўлчами 1 мкм дан йирик заррачаларда катионларнинг сингдирилиши сиғими жуда кичлиб, майдада заррачаларда кескин ошиади. Тупроқда минерал коллоид ва илсимон заррачалар кўп бўлса, катионларнинг сингдирилиши сиғими ҳам катта бўлади. Таркибидаги лойли ва кумоқ майдада дисперс заррачаларни кўплашиб тутадиган оғир гранулометрик таркибли тупроқлар ачча катта сингдириши сиғимига ётади.

Шу билан бир қаторда тупроқнинг сингдириши сиғимида майдада дисперс заррачаларнинг минералогик таркиби ҳам мумхин ўрин тулади. Тупроқнинг минерал қисмидаги монтмориллонит туруги ёки гидрослюдалар кўп бўлса, сингдириши сиғими катта, аксинча каолинит, темир ёки алюмийнининг аморф ҳолатидаги гидрооксидлари кўп бўлса, сингдириши сиғими кичик бўлади.

Тупроқ таркибидаги гумус миқдори ҳам катионларнинг сингдирилишига кучли таъсири кўрсатади. Тадқиқотлар асосида гумуснинг илсимон заррачаларни нисбатан катта сингдириши сиғимига эга эканлиги аниқланган.

Тупроқнинг майдада дисперс қисмидаги минерал коллоидлар кўп, гумус миқдори кам бўлишига қарамасдан, катионларнинг сингдирилишида тупроқнинг органик қисмиси мумхин аҳамиятга эга (19-жадвал). Тупроқнинг юза қатлами гумустга бой бўлгани боис сингдириши сиғими ҳам куйи қатламларга нисбатан каттади.

Сингдириши сиғими шунингдек тупроқ мұхити ва ундаги манғий зарядланган коллоидлар (*ацидоидлар*)нинг амфотер коллоидлар (*амфолитоидлар*)га бўлган нисбатига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун тупроқ эритмасида водород ионлари ( $\text{H}^+$ )нинг концентрацияси қанча кичик бўлса, катионлар шунча кўп ютилади.

19-жадаал.

**Сингидришиң сиғимининг туроқ органик ва минерал қисмлары ўргаскада тақсиланышы, %**  
(М. М. Кононова, 1962)

Туроқ қисми	Бүз туроқлар	Сур тусли туроқ	Қора туроқлар	Чимли-подзол	Каштан туроқ
Минерал	52	39	38	62	65
Органик	48	61	62	38	35


Туроқлар умумий сингидриш сиғими билангина эмас, балки сингидрилган катионларнинг тареби буйича ҳам ўзаро фарқланади. Құпчилик туроқ типларыда сингидрилган катионлар ичінде кальций үстүншік қылыш, иккінчи ўринде магний тұрады, нисбатан камроқ миқдорни қалып ауамоний ташкил қылады. Кальций ва магний катионларнинң інгіненесі туроқдагы ялпы алмашиниң сингидрилган катионларнинг 90%ини ташкил қылады (20-жадаал).

20-жадаал.


**Түрлі туроқларнинг сингидришиң сиғими ва сингидрилган катионларнинг тареби**  
(Н. П. Ремезов)

Туроқ типи	Гумус миқдори %	Диаметри		Сингидриш сиғими, мг экв. 100 г туроқ	Сингидрилган катионлар миқдори, мг экв. 100 г туроқда		
		0,00025 мм дан	0,00025- 0,001 мм		Ca+Mg	Na	H
		заррачалар миқдори %					
Чимли подзол	2,5	2	—	15	8	—	7
Қора туроқ	10	5	10	65	60	—	5
Сур тусли туроқ	3,0	5	4	20	16	2	4
Каштан туроқ	2,5	3	5	27	25	2	—
Бүз туроқлар	1-1,5	3	5	15	14	1	—

Туроқда алмашиниң сингидрилладыган катионлардан  $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $K^+$ ,  $NH_4^+$ , дар үсимликтар үчүн энг муҳим озиқ моддалар ҳисобланып, туроқ зерттесидан осон сиқиб қықарылады да үсимликтар томонидан яхши ўзлаштырылады. Кальций ва магний катионлары органик шартарда миқдорларнинг *коагуляцияланышы* күчтіледі. Сингидрилган катионлар ичінде кальцийнинг үстүншік қылыша, структурасынан жашиланишига, физикалық хоссалары, сув өндеу режимінде үшіншік шарттардаңдағы яратылышы ойлап келеді. Туроқнинг натрий билан түйиниши (шұртоб туроқларда) коллоидларнинг *пептидланышы*, бу эса үз навбатта туроқдагы озиқ маддаларнинг ювалиши, миқдорининг камайышы, туроқ донандорлығынан бузилиши ва физикалық хоссаларынан әмоналашышига себебі бұллады. Бундан ташқары туроқнинг сингидришиң комплексінде натрий мавжуд бұлса, унда бошқа катионлар осон сиқиб қықарылады да зерттесидан зарарлы сода қосыл бўллади, кайсики, үсимликтар үчүн зарарлы бўлган ишқорији мұхитты юзага келтириди:



Туроқнинг сингидриш комплексінде водород ва алюминий ионлари күпайыб кетсе, сувда зерттесидан туроқнинг катионлары билан ўзаро таъсирлашиб, туроқларни нордонлаштырады:



Туроқ зерттесидан нордонлашувы ва айниқса таребида алюминий катиони-миқдорининг күпайыб кетиши үсимликтарнинң ривожланышын салбай таъсирлашиб.

Анионларнинг алмашиниң ювалиши. Ўта нордон чимли-подзол ва қызыл туроқларда анионларнинг ҳам алмашиниң ювалиши күзатылады. Бундай ювалиш мусбат зарядланған заррачаларда ёки манфий зарядланған коллоидларнинг мусбат зарядланған қисмларыда күзатылады. Ҳар иккى ҳолда ҳам анионларнинг сингидрилиши коллоид заррачалар юзасыда жойлаштан молекула-

ларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўладиган  $OH^-$ -ионларига алмашиниши йўли билан содир бўлади.

Кучисиз нордон, мўътадил ва ишқорий мұхитли тупроқларда анионларнинг алмашиниб сингидрилиши жуда кам, айтиш мумкинки, деярли кузатилмайди.

### Тупроқларнинг нордонлиги ва ишқорийлиги

Тупроқ эритмасининг мұхити унданға водород ионлари ( $H^+$ )нинг гидроксил ( $OH^-$ ) га бўлган иисбати билан аниланади. Эритмадаги водород ионлари концентрациясини  $pH$  белги билан кўрсатиш қабул қилинган, қайсики, водород ионлари концентрациясининг мағнит логарифмими ифодалайди. Водород ионлари концентрацияси ва  $pH$  кўрсаткичи асосида тупроқ эритмасининг мұхити (реакцияси) қўйидагиларга бўлинади (21-жадвал).

21-жадвал.

Тупроқ эритмасининг мұхити

Мұхит	pH	H ионлари концентрацияси, г/л
Кучли нордон	3—4	$10^{-3}$ — $10^{-4}$
Нордон	4—5	$10^{-4}$ — $10^{-5}$
Кучисиз нордон	5—6	$10^{-5}$ — $10^{-6}$
Мўътадил	7	$10^{-7}$
Кучисиз ишқорий	7—8	$10^{-7}$ — $10^{-8}$
Ишқорий	8—9	$10^{-8}$ — $10^{-9}$
Кучли ишқорий	9—11	$10^{-9}$ — $10^{-11}$

Табиий шароитларда тупроқ эритмасининг мұхити ( $pH$ ) 3,0—3,5 дан (сфагнум торфи) 9—10 гача (шўртблар) бўлиб, асосан 4—8 оралигига ўзгарили.

Нордон тупроқлар ҳам ер юзида кенг таркалган. Шу сабабдан тупроқларнинг нордонлитини ўрганиш ҳам мұхим ахамиятта эга.

Тупроқларда долзарб (фаол) ва потенциал (яширик) нордонлик фарқланади. Потенциал нордонликнинг ўзи алмашинувчан ва гидролитик нордонликларга бўлинади.

Тупроқнинг фаол нордонлиги.Faол нордонлик тупроқ

эритмасида водород-ионлари ( $H$ ) концентрациясининг гидроксил ионлари ( $OH^-$ ) га иисбатан сезиларли дараҷада юқори бўлиши хисобига юзага келади. Мъалумки, тупроқларда мунтазам равища  $CO_2$  ҳосил бўлиб туради. Унинг тупроқда эришидан карбонат кислота юзага келади, у ҳам ўз навбатида  $H$  ва  $HCO_3^-$  ионларига диссоцииланади. Натижада тупроқ эритмасида водород ионларининг концентрацияси ошиб кетади ва тупроқлар нордонлашади.

Лекин тупроқ эритмасида ҳосил бўладиган карбонат кислота ютилган асослар ( $Ca$ ,  $Mg$ ,  $Na$ ), шунингдек кальций ва магний карбонатлари томонидан нейтралланади.

Шундай қилиб, тупроқнинг фаол нордонлиги карбонат кислота, сувда эрийдиган органик кислоталар ва гидролизланадиган нордон тузлар асосида юзага келадиган нордонлик шаклидир.

Фаол нордонлик даражаси суспензия ёки тупроқ сувли сўримининг  $pH$  ини аниқлаш йўли билан топилади.

Тупроқнинг потенциал нордонлиги. Faол нордонликдан ташкари тупроқда сингидрилган ҳолатдаги водород ва алюминий ионлари хисобига юзага келадиган потенциал нордонлик ҳам мавжуддир. Тупроқ томонидан ютилган водород ионларининг бир кисми мўътадил мұхитли тузларнинг катионлари таъсирида эритмага сиккаб чиқарилади.

Натижада тупроқ эритмаси нордонлашади. Мазкур жараёнга тупроқнинг алмашинувчан нордонлиги дейилади. Алмашинувчан нордонлик чимли подзол, қизил ва шимолий қора тупроқлар учун хос бўлиб, кучисиз нордон, мўътадил ва ишқорий тупроқларда умуман кузатилмайди.

Тупроқнинг гидролитик нордонлиги. Тупроқка мўътадил туз эритмаси билан таъсири қилганда, водороднинг барча сингидрилган ионлари эритмага ўтмайди, яни потенциал нордонликни тўла аниқлаб бўлмайди. Тупроққа гидролитик ишқорий туз эритмаси билан таъсири қилиб, сингидриш комплексидаги водород ионларини тўлароқ сиккаб чиқариш мумкин. Гидролитик ишқорий туз иштирикда аниланадиган нордонлик турига тупроқнинг гидролитик нордонлиги дейилади. Гидролитик нордонлик 100 г тупроқда  $mg$  экв. бирлик билан ифодаланади. Бу хилдаги нордонлик кўпчилик тупроқ типларида, ҳатто қора тупроқларда ҳам кузатилади.

Тұпроқтарнинг асослар билан түйінгәнлик даражасы. Тұпроқ әрітмасининг мұхити (*pH*) факт алмашинувчан ва гидролитик нордонликтарнинг даражасига эмас, балки тұпроқтарнинг асослар билан түйінгәнлик даражасында ҳам болғылайды. Агар биз тұпроқнинг гидролитик нордонлитетини *H* ұарфи билан, сингидрилган асосларнинг ялпи миқдорини (100 г тұпроқда мг.экв.) *S* ұарфи билан белгіласас, уларнинг йығындысы тұпроқнинг умумий сингидриш сифимі *T* ни беради:

$$T = S + H$$

Сингидрилган асослар йығындысы (*S*) нинг сингидриш сифими (*T*) ға иисбати тұпроқнинг асослар билан түйінгәнлик даражасы деб юритилади ға у *V* ұарфи билан ифодаланады:

$$V = S/T \cdot 100 \text{ ёки } V = S/H \cdot 100$$


### Тұпроқнинг буферлігі

Тұпроқнинг әрітмасининг мұхити (*pH*) доимий эмас. Тұпроқда содир бұладын биологик, кимевій, физикалық-кимевій жарайнлар натижасыда кислота ёки асослар ҳосил бўлады, натижада тұпроқ әрітмасининг мұхити ўзгарады. Агар ҳеч бир күч таъсир күрсатмаса, мазкур кислоталар барча тұпроқтарнордонлашишига олиб келини лозим эди. Шунингдек, тұроққа киритиладын ўғытлар таъсирде ҳам тұроқ мұхитининг кескин ўзгариши күтілады, чунки айрылғыттар физиологияк нордонлик хусусияттика эга бўлса, айримлари физиологияк ишқорийдир.


Тұроқ мұхитининг кескин ўзгариши табиийки, ўсиммилекарнинг ривохланышы ва микроорганизмларнин фаолиятка салбий таъсир күрсатады. Лекин тұроқда шундай бир қаршилик күрсатып қобилиятты мавжудки, ішқорида айтиб ўтилган салбий ҳолаттарнинг тұла таъсир этишига имкон бермайды. **Әрітма мұхитининг нордонлашуви ёки ишқориленешінега қаршилик күрсатып қобилияттика тұпроқтарнинг буферлігі дейилді.**

Тұпроқнинг ялпи буферлігі уларнинг қаттік ға суюқ фазаларнинг буферлік хусусияттарынга боғлиқ. Буни мисоллар ёрдамида кўриб ўтайлик. Таркибада кар-

бонат кислота ва кальций бикарбонат туттан тупроқ әрітмаси билан нитрификация жарайніда ҳосил бўлган нитрат кислотанинг таъсирлашиши натижасыда мўтадил туз ға кучиз диссоциланадиган кислота ҳосил бўлади, шу боис тупроқ мұхити сезиларли ўзгартмайди:




Органик кислота ва уларнинг тузларидан иборат тизимларда ҳам шунга ўхшаш жараён кетади:




Тұпроқнинг буферлік қобилиятини белгилашда унинг суюқ қисміга иисбатан қаттік фазасынинг, айниқса коллоид қисмінинг ақамияти кеттады. Тұпроқнинг буферлігі сингидриш комплекси таркибидаги катионларнинг миқдори ва таркибта, сингидриш сифими ва асослар билан түйінгәнлик даражасига боғлиқ. Тұроқнинг сингидриш сифими қанчага кatta бўлса, унинг буферлігі ҳам шунча іюқори бўлади. Гумусга бой, гранулометрик таркиби оғир қумоқ ва лойли тұпроқтарнинг буферлік даражаси іюқориди.

Сингидрилган асослар тұпроқтарнинг нордонлашишига қарши буфер вазифасини ўтайды. Асослар билан түйінгендеган тұроққа аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  ўғити киритилес, маълум ўзғарышлар асосида  $\text{H}_2\text{SO}_4$  юзага келади. Кислота таркибидаги водород иони  $\text{TCK}^-$  катионлари билан алмашиниб, сингидрилган ҳолатта ўтады, әрітмада эса мўтадил туз ҳосил бўлади:



Тұроқ карбонатлары ҳам әрітманинг нордонлашишига монелик қиласади:



Шу сабабли асослар билан түйінгандеган бўз ға қора тұпроқтарнинг нордонлашишига қарши буферлік қобилиятты кучлайды. Тұроқтарнинг гидролитик нордонлитети ишқориленешінега қарши буферлік қобилиятини белгилайди. Тұроққа іюқори мөбёрда гүнг киритиш уларнинг сингидриш сифими, асослар билан түйінганде-

лик даражаси ва мос равишда буферлик қобилиятини ҳам оширади.

### Ўзбекистон тупроқларининг агрокимёвий тавсифи

**Унумдорлик** — тупроқнинг ўсимликларни бутун вегетация даври давомида сув ва озиқ моддалари билан тъзмилай олини қобилиятиди. У тупроқ ҳосил қилувчи омиллар (иқлим, рельеф, она жинс, ўсимлик қоплаши) билан чамбарчас болиқ бўлиб, тупроқ таркибидаги озиқ моддалар ва сув миқдори, уларнинг ўсимликлар учун лаётатлиги, ҳаво ва иссиқлик режимилари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Тупроқ унумдорликнинг икктири — потенциал ва самарали унумдорлик фарқланади. Потенциал унумдорлик табиий-иқлим шароитлари билан, самарали унумдорлик эса кўп жиҳатдан тупроқнинг агрокимёвий хоссалари билан боғлиқ.

Республикамиз тупроқларининг агрокимёвий хоссаларини баён қилишдан аввал тупроқ ҳосил қилувчи омилларига қисқаша тўхтамиз.

Ўзбекистон Турон паст текислигининг жанубий қисмida жойлашган. Уни жанубий ва шарқий томонлардан бир қатор тоф тизмалари ўраб туради. Иқлими — кескин континентал. Катта сув ҳавзаларининг узоқлиги, кучли Кўёш радиацияси, иссиқ ваsovук ҳаво оқимларининг кириб келиши учун йўл очиқлиги иқлимининг ўзига хослигини белгилайди. Йиллик ёғин-сочин миқдори кам бўлиб, йил фасллари ва ҳудуд бўйича бир текисда тақсилмалаган. Ер бетидан йил давомида 1000—2000 мм сув бўгланади.

Тупроқ ҳосил бўлишида рельефнинг аҳамияти катта. Чўл минтақаси Турон паст текислигининг гарбий-текис қисмиси, чала чўл ёки бошқача айтганда, бўз тупроқлар минтақаси — тоф олдиндаги баланд-пастликларни эгаллайди. Рельефи ёғин-сочин миқдорига, у эса ўз навбатида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнинг кучли тасъири кўрсатади.

Иқлим ва тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда 120 оиласга мансуб 3700 га ўсимлик турни мавжуд. Ўсимликлар текисликларда тупроқнинг регионал ўзгариши, тоғли жойларда эса тик минтақавийлик асосида тарқалган. Чўл минтақасида қорабош, бугдойик, ялтирош, кум акасси, юлгун, саксовул каби писаммофитлар, сарсанзан, қизил шўра ва шўраклар каби

галофитлар, шувок, биоругун каби гипсофитлар кўп учрайди. Адиirlарда соябонгулдошларнинг айrim вакиллари, қўзикулоклар ва оқкурай, тўқ тусли буз тупроқлар тарқалган майдонларда эса бугдойик, так-так, коврак, сариқ андиз каби ўсимликлар ўсади. Тупроқларнинг органик моддалар билан бойиши асосан баҳор фасади содир бўлади.

Ўзбекистоннинг асосий ҳудудларида тупроқ ҳосил қилувчи она жинс тўргиламчи даврнинг ғовак лёссимон ётқизиқларидир. Факат айrim жойларда янада қадимий ётқизиқлар учрайди. Амударё, Сирдарё ва Зарапшон водийларининг террасалари остида яхши саралсанган, турли гранулометрик таркибли аллювиал ётқизиқлар мавжуд. Тот тизмаларига ўзин майдонлар йирик шагал билан, пастга тушуб боргат сари ўзанларнинг иккти томони аввал майдада шагал, йирик қум, сўнгра кумоқ ва бозқа оғир гранулометрик таркибли жинслар билан банд. Сугориладиган ҳудудларда она жинс сифатида агроригация қелишилалари учрайди.

Тупроқ ҳосил қилувчи омиллар, вақт ва инсон фаoliyati натижасида Ўзбекистон ҳудудида бир-биридан фарқланадиган тупроқ типлари ҳосил бўлган.

### Чўл минтақаси тупроқлари

Бу минтақада чўл-воҳа тупроқлари тилига кирадиган сугориладиган сур тусли кўнгир тупроқлар, чўл кумли тупроқлари, тақири тупроқлар кенг тарқалган, камроқ чўл ўтлоғи-воҳа тупроқлари учрайди.

Сур тусли кўнгир тупроқлар. Мазкур тупроқлар чўл минтақаси тупроқларининг учдан бир қисмени ташкил қилиб, асосан платолот, қадимий ётқизиқ ёйлimalari нинг конусларига, дарёларнинг дельта ва террасаларига кечган тарқалган. Сур тусли кўнгир тупроқлар Маликчўл, Қарши ва Шеробод чўлларида ҳамда Поп атрофларида катта-катта майдонларни эгаллаган.

Тупроқнинг бу айримасида утга қатламини кузатиш мумкин: сур тусли кусчиси зичлашган қатлам, 30—60 см қалинликдаги кўнгир-қизил тусли қатлам ва унинг остидаги цементлашган конгломерантли қатлам.

Сур тусли кўнгир тупроқлар чўл минтақа тупроқлари ичида гумус билан энг паст тъзмилланганлиги билан ажralиб туради: 0—10 см қатламда 0,29, 40—50 см қатламда атиги 0,14% гумус мавжуд.

Айни тупроқларда ялпи фосфор миқдори ҳам жуда

кам. Буни тупроқ ҳосил құлувчи она жинс таркибида мазкур элемент миқдорининг камлиги билан изохлаш мүмкін. Арил иқтим шароитида ўсимлик қопламалынг сийрак бүлиши табииники, фосфатларнинг тупроқ юза қатламларыда күсиз аккумуляцияланышта сабаб болады. Тавсифланаёттан тупроқ типи ҳаракатчан фосфор билан паст ва жуда паст дараражада таъминланған.

Ялпи калийнинг миқдори бүйіча бошқа автоморф тупроқлардан уңча фарқ құлмайды. Алмашинувчан калий миқдори бүйіча сур тусли құнғир тупроқларни ўрта ва юқори дараражада таъминланған тупроқлар жумласын киритиш мүмкін ( $200-400 \text{ mg/кг}$ ). Сур тусли құнғир тупроқларнинг айрым агрокимевий күрсактичлари 22-жадвалда көлтирилган.

Сур тусли құнғир тупроқларнинг сингидириш комплекси ишқорий-ер асослары билан түйінганды. Таркибидаги катионларнинг 60—80% и кальцийдан иборат. Тупроқнинг пастки қатламлары қараб айни элемент миқдори камайб болады. Күріш ўтилаёттан ҳар иккى тупроқ кесмасининг ҳам (22-жадвал) юқори қатламларда калийнинг миқдори магнийда нисбатан күп, лекин пастки қатламларға ўттан сары магний миқдори ортиг болады. Натрийнинг миқдори қадимий пролювийда шаклланған сур тусли құнғир тупроқларда 2,2—4,7, янги пролювийда шаклланған тупроқда эса 3,7—9,6%-ни ташкил қылады.

## 22-жадвал.

**Сур тусли құнғир тупроқлар таркибидеги тумус, азот, фосфор ва калий миқдори**  
(М. У. Умаров, 1962)

Қатлам чүкүрлігі см	Гумус, %	Ялпи азот, %	Фосфор		Калий	
			ялпи, харакат- чан мг/кг	%	ялпи, харакат- чан, мг/кг	%
<b>Пролювнал ётқизиклардаги ўрта құмокты сур тусли құнғир тупроқ</b>						
0-8	0,74	0,053	0,09	35,5	1,4	250
8-45	0,23	0,023	0,06	7,5	1,3	125
45-100	0,10	0,007	0,03	0,2	0,8	95

Эловидал құмлардагы енгіл құмокты сур тусли құнғир тупроқ						
0-8	0,57	0,047	0,10	24,6	1,8	369
10-20	0,33	0,035	0,08	сезилар-	2,1	438
27-37	0,28	0,023	0,07	сезилмас	1,61	120

## 23-жадвал.

**Сур тусли құнғир тупроқлар сингидириш комплексидеги асоссый катионлар миқдори**

(Г. А. Тинина ва Г. Г. Решетов, 1969)

Тупроқ қатламы, см	Ютилган асослар						
	мг экв. 100 г тупроқда				%ларда		
	Ca	Mg	K	Na	Ca	Mg	K

Қадимий пролювийда шаклланған сур тусли құнғир тупроқ

0-5	6,79	0,25	0,51	0,17	87,9	3,3	6,5	2,2
5-17	7,82	1,56	0,61	0,17	77,0	15,3	6,0	1,7
17-60	9,39	1,56	0,44	0,56	78,6	13,0	3,7	4,7

Янги пролювийда шаклланған сур тусли құнғир тупроқ

0-3	1,73	0,40	0,56	0,26	58,7	13,6	19,0	8,7
3,13	2,13	2,39	0,57	0,19	40,3	45,2	10,8	3,7
15-25	3,06	0,93	0,14	0,24	70,0	21,3	3,2	5,5
50-60	1,20	0,93	0,13	0,24	48,0	37,2	5,2	9,6

Чүл құмлы тупроқлар — анча кам ўрганилған тупроқ айрималардан қисобланады. Гранулометрик таркиби асосан күм ва баязы қолларда құмокдан иборат, қайсыки тупроқ ҳосил құлувчи она жинснинг зөл құм ётқизиклери ва қысан ман енгіл аловиейден иборатлығыдан даалолат берады.

Чүл құмлы тупроқлары бир-биридан фарқлануви иккى кичик түрлә — ҳақықий чүл құмлы тупроқлары қамда ўтлоқи чүл құмлы тупроқларига бүлинады. Ўтлоқи

чўл кумли тупроқлари сизот сувларининг сезилар-сезилмас таъсири натижаси ҳосил бўлали.

Чўл кумли тупроқларининг юза қисмидаги бир неча си окувчан кумдан иборат. Айни тупроқ типи бир қатор ижобий физикавий ва сув-физикавий хоссаларта эга бўлгандиги сабабли унда ўсимлик массаси чўл минтақасининг бошқа тупроқларидагига нисбатан кўпроқ ( $1,5 \text{ m}^2/\text{га}$ ) тўпланаши.

Хақиқий чўл кумли тупроқлари таркибидаги гумус миқдори  $0,2-0,7 \%$ ни ташкил қилиб, фульватидир. Шунга мос равнища ялпи азот миқдори ҳам кам —  $0,007-0,05\%$ .

Ялпи фосфор  $0,04-0,12$ , ялпи калий  $1,45-2,41\%$ ни ташкил қиласди. Ҳаракатчан фосфор билан жуда паст ва паст ( $0-30 \text{ м}^2/\text{га}$ ), алмашинувчан калий билан эса ўртacha таъминланган.

Таркибида гумус ва коллоид заррачалар миқдори камлиги боис чўл кумли тупроқларининг сингидриши сифими жуда кичик. Сингидрилган катионларининг

24-жадвал.

#### Чўл кумли тупроқларининг айrim агрокимёний кўрсаткичлари

(М. У. Каримова, 1969, Д. Маҳмудова, 1971)

Тупроқ қатлами	Гумус, %	Ялпи азот, %	C:N	Фосфор		Калий	
				ялпи, %	ҳара- катчан, мг/кг	ялпи, %	ҳара- катчан, мг/кг
0-10	0,29	0,27	6,2	0,09	16,2	1,8	165,6
10-50	0,23	0,025	5,3	0,09	14,0	1,9	153,0
50-100	0,16	0,020	4,6	0,01	2,2	1,8	90,3

#### Коракалпогистон, Тўнғизисрт дараси

0-10	0,29	0,27	6,2	0,09	16,2	1,8	165,6
10-50	0,23	0,025	5,3	0,09	14,0	1,9	153,0
50-100	0,16	0,020	4,6	0,01	2,2	1,8	90,3

#### Қашқадарё дельтаси

0-7	0,24	0,022	6,3	0,10	26,0	1,9	163,8
10-20	0,36	0,027	7,7	0,09	10,4	1,9	241,0
30-40	0,25	0,023	6,3	0,08	7,2	1,7	96,4
50-60	0,13	0,017	аниқланмаган		аниқланмаган		

90%дан ортиғи кальций ва магнийдан иборат. Катионларининг қолган қисми калийнинг ҳиссасига тўғри келади. Натрий жуда кам учрайди. Бу тупроққа оид агрокимёвий кўрсаткичлар юкоридаги 24-жадвалда келтирилган.

Тақирисимон тупроқлар, «Тақирисимон тупроқлар» — умумлаштирилган атама бўлиб, ўз ичига тақирили тупроқлар ва ҳақиқий тақириларни олади.

Тақирили тупроқлар чўл минтақасининг қадимий алювиал ва проловида текисликларида, кўпроқ Амударё ва Қашқадарё дельталарида тарқалган.

Гранулометрик таркиби бўйича тақирили тупроқлар оғир тупроқлар жумласига кириб, илсизмон заррачаларга бой. Таркибida йирик чанг заррачалари кўп. Тақирили тупроқлар Республикамиз дедхончилигига катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятининг тақирили тупроқлар тарқалган майдонларида пахта, будой ва бошқа өкинлардан мўл ҳосил этиширилмоқда.

Тақирили тупроқлар юзасидаги 1—2 см қатқалоқдан иборат. Унинг остида 9—13 см қалиликлда тағасасимон структуралари қатлам жойлашган. Ундан пастда кам ўзгаришига учраган эловийли қатлам ётади. Агротехникавий тадбирлар натижасида қатқалоқ ўрнида бир жинсли, зичлашган, сур тусли палахасасимон ҳайдалма қатлам юзага келади. Тақирили тупроқлар она жинис хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда у ёки бу даражада шўрланган.

Тақирили тупроқлар  $0,91-1,24 \text{ g}$  гумус тутади, бу чўл минтақасининг автоморф тупроқлари ўртасида энг юкори кўрсаткичидir. Ҳайдалма қатламдаги гумус заҳисари —  $22-40 \text{ m}^2/\text{га}$ . Тупроқнинг юза катламида ялпи азот миқдори  $0,06-0,08 \text{ \%}$ га тенг бўлиб, пастга томон пасайиб боради ва аллювийда айтигы  $0,04\%$ ни ташкил қиласди. C:N нисбатини  $6-9$  га тенг бўлиши тупроқ мусимининг азот билан яхши тўйингланганини кўрсатади.

Ялпи фосфор миқдори  $0,12-0,14\%$ га тенг, пастки қатламларга ўтган сари сезилар-сезилмас камайди. Ҳаракатчан фосфор билан паст ва ўртача даражада таъминланган.

Тақирили тупроқлар таркибida ялпи калийнинг миқдори кўп, лекин улар алмашинувчан калий билан паст даражада таъминланган. Гумусга нисбатан бойлиги, таркибida коллоид заррачаларнинг кўп бўлиши тақирили тупроқларни сингидриши сигимининг катталиги бўйича чўл минтақа тупроқлари ичидаги ўринига олиб чиқади. Тупроқнинг гранулометрик таркибидан келиб чиқсан ҳолда сингидриши сигими  $100 \text{ g}$  тупроқда  $7-8 \text{ mg} \cdot \text{экв.}$  дан  $14-16 \text{ mg} \cdot \text{экв.}$  гача ўзгаради.

**Тақиrlар.** Тақиrlарга хос асосий хусусият тупроқ юзасида узоқ муддат (июнь ойигача) атмосфера ёғин-сочинларининг сақланиши натижасида 5—8 см қалинликда полигонал шаклдаги қатқалоқнинг бўлишиди. Намланганда осон бўкадиган илсизмон заррачалар кўп бўлгани туфайли тақиrlарнинг сув ўтказувчанлиги жуда ёмон ва сув тутиш қобилияти анча юкори.

Умуман олганда, тақиrlарда гумус миқдори кам, лекин айрим ҳолларда рельефнинг баланд қисмларидан органик моддаларнинг ювилиши ҳисобига бир мунча кўп бўлиши ҳам мумкин.

Сингидириш сигими ўргача — 8—15 мг · эке. ни ташкил қиласди.

Тақиrlар ва тақиrlарга хос айрим агрокимёвий маълумотлар 25-жадвалда келтирилган.

25-жадвал.

#### Тақиrlар тупроқлар ва тақиrlарнинг айрим агрокимёвий қўрасатчиликлари

(Г. И. Вайлерт 1951, Н. В. Кимберг, 1947)

Қатлам чукур- лиги, см	Гумус %	Ялпи азот, %	Фосфор		Ялпи калий, %	Синг- идириш сигими, мг · эке.
			Ялпи, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> , мг/кг		
<b>Тақиrlар тупроқ, Амударёнинг қадимий дельтаси</b>						
0-2	0,74	0,058	0,18	38,0	1,7	7,3
2-12	0,62	0,052	0,12	20,8	1,3	7,8
12-39	0,31	0,034	0,13	10,1	1,15	7,0
39-60	0,29	0,032	0,11	3,7	1,47	9,5
60-80	0,32	0,040	0,10	3,1	1,4	8,1
<b>Тақиrlар тупроқ, Қашқадарёнинг қадимий текислиги</b>						
0-8	0,69	0,067	0,12	42,6		9,1
8-2	0,58	0,060	0,11	9,2		15,0
60-70	0,30	0,046	0,13	16,2		15,2
<b>Тақиrl. Қашқадарёнинг қуруқ дельтаси</b>						
0-6	0,6	0,07	0,14		2,13	8,6
6-15	0,7	0,07	0,13		2,02	8,5
15-22	0,7	0,07	0,13		1,62	7,0
22-35	0,7	0,07	0,14		1,60	4,5
50-60	0,7	0,07	0,13		1,57	—

#### Бўз тупроқлар минтақаси тупроқлари

Бўз тупроқлар Ўзбекистоннинг шимолий қисмида (Чирчик-Ангрен ҳавзасида) дениз сатҳидан 1200—1300 м, жанубий қисмларида эса 1500—1600 м баландликка чурайди. Бўз тупроқларнинг қуйй чегараси дениз сатҳидан 250—400 м баландликдан ўтиб, ундан қуйидаги чўл тупроқлари тарқалган.

Бўз тупроқлар тарқалган ҳудудда ён бағир бўйлаб кўтарилиган сари иккиминг куруқлиги сусайиб, ўсимлик қопламида эфемерлар ўрнини эфемероидлар ва ўсув даври узунроқ бўлган турлар эгаллайди ва тўплана-диган биомассасиңи миқдори ҳам ортиб боради. Натижада тупроқ тарқибидаги гумус миқдори кўпаяди ва профил қалинлиги ортади.

Айтиб ўтилганлар асосида бўз тупроқларни оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқларга ажратиш мумкин (26-жадвал).

26-жадвал.

Кўриқ оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардаги  
гумус миқдори ва генетикавий қатламларнинг қалинлиги  
(А. В. Петербургский, 1975)

Кўрасатчилик	Тупроқ		
	Оч тусли	типик	тўқ тусли
Гумусли қатлам (А) қалинлиги, см	12—15	14—18	17—20
Шу қатламдаги гумус миқдори, %	1—1.5	1.5—2.5	2.5—4.0
Гумуснинг тарқалган чукурлиги, см	40—60	50—90	60—120
2 м қатламдаги гумус захираси, т/га	50—70	70—100	100—150
Карбонатли қатламнинг: юқори чегараси қўйи чегараси, см	12—20	15—25	20—40
Карбонатли қатламдаги CO <sub>2</sub> миқдори, %	50—100	70—120	90—150
	6—9	8—11	10—13

Бу тупроқлар суббореал тупроқ ҳосил бўлиш жараёни хос бўлган дашт тупроқларидан тарқибидаги органик модданинг камлигига билан ажратиб туради. Кўриқ типик бўз тупроқларнинг A + B қатламидаги гумус захираси тектарига 95—95 м дан ошмайди, оч тусли бўз тупроқларда унинг миқдори янада камроқ. Тўқ тусли бўз тупроқларда гумус захираси бир мунча кўпроқ бўлиб, тектарига 130 м та етади.

0-6	0,6	0,07	0,14		2,13	8,6
6-15	0,7	0,07	0,13		2,02	8,5
15-22	0,7	0,07	0,13		1,62	7,0
22-35	0,7	0,07	0,14		1,60	4,5
50-60	0,7	0,07	0,13		1,57	—

Бўз тупроқлар миңтақасида учрайдиган ўсимликлар илдиз массасининг 80% асосан чимли қатламда тарқалади, шунга мос равишда бўз қатламдаги гумус миқдори типик бўз тупроқларда 3,8—3,9, тўқ тусли бўз тупроқларда эса 4,0—5,5%ни ташкил қиласди. Чимли қатлам остида гумус миқдори кескин камайди.

Бўз тупроқлар таркибидаги ялпи азот миқдорига гумус миқдорига боғлиқ равишида ўзгариб, унчалик кўп эмас. Маданийлашган кўриқ тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 0,05—0,09%, чимли қатламида 0,09—0,25% азот бўлади. Азотнинг миқдори оч тусли бўз тупроқлардан тўқ тусли бўз тупроқларга қараб ортиб боради. Бир га майдонданга тупроқнинг бир м ли қатламидаги азот захисири 3,5—9,2 тн ни ташкил қиласди.

Бўз тупроқлар таркибидаги гумус азотига бойлиги билан ажralиб туради. Буни С:Н нисбатнинг 7—9га тенглиги ва чукур қатламларга ўтгани сари кичрайиб бориши яққол кўрсатади.

Тавсифланетган тупроқлар таркибидаги гумус фульватли-гуматли, чунки чимли қатламда гумин кислоталарнинг фульво кислоталарга нисбати бирдан каттароқ бўлгани ҳолда, пастки қатламларда гумин кислоталарнинг миқдори камайиб боради ва уларнинг фульво кислоталарга нисбати бирдан кичик.

Бўз тупроқлар ялпи фосфорга бой тупроқлар жумласига киради. Энг кўп фосфор ( $0,25\%$ ) ва ундан ҳам кўпроқ) типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг чириндили-аккумулятив қатламида кузатилади. Бу мазкур қатламда фосфорнинг бевосита биоген йўл билан тўланганлигини кўрсатади. Тупроқ ҳосил қуловчи она жинс-лэсснинг таркибida фосфор миқдори  $0,10—0,12\%$  дан ошмайди. Оч тусли бўз тупроқларда фосфорнинг биоген йўл билан тўлпаниши анча суст кетади. Тупроқдаги фосфор-органик биринкамалар жумласига нуклеин кислоталар, фосфатидлар, фитин, қанди фосфатлар ва фитиннинг темирили биринкамаларини киритиш мумкин. Бўз тупроқлардаги минерал ҳолатдаги фосфор алатиллар, карбонат-апатитлар ва бошқа фторли-кальцийий тулзардан иборат.

Бўз тупроқлар таркибida ялпи фосфор миқдори кўп бўлишига қарамай, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирадиган фосфатлар билан паст даражада таъминланган. Факатина кўриқ тупроқларнинг чимли қатламида  $87—117 \text{ mg/kg}$  ҳаракатчан фосфор кузатилиб, лалми бўз

тупроқларнинг ҳайдалма қатламида бу кўрсаткич  $13—15 \text{ me/kg}$ дан ошмайди.

Лёssлар таркибida дала шпатлари ва слюдалар каби калий тутувчи минералларнинг кўп бўлиши мазкур она жинса шаклланган тупроқларни ҳам ялпи калияга бой бўлишига сабаб бўлган. Оч тусли бўз тупроқлар таркибидаги ялпи калий миқдори  $2,0—2,2\%$ га етади. Бўз тупроқлар калийнинг ҳаракатчан шаклларига ҳам анча бой бўлиб, бир кг тупроқдаги миқдори  $240—750 \text{ mg}$  ни ташкил этиши мумкин. Оч тусли бўз тупроқларда типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардагига қараганда ҳаракатчан калий миқдори сезилиларда даражада кам.

Бўз тупроқлар ўз таркибida гумус ва минерал коллоидларни кам туттанилиги сабабли сингдириш сиғими-нинг кичикилиги билан характерланади. Типик бўз тупроқларнинг чимли қатламида сингдириш сиғими  $13—15 \text{ mg/kg}$ ни ташкил қиласди, бу кўрсаткич тўқ тусли бўз тупроқларда  $17—18 \text{ mg/kg}$ га етади. Энг кичик сингдириш сиғими енгил ва ўрта кумоқни бўз тупроқларга хос  $9—10 \text{ mg/kg}$ ни ташкил қиласди.

Тупроқ профили буйлаб сингдириш сиғимининг астасекин камайиб бориши кузатилади. Лёssларнинг сингдириш комплекси ишқорий-ер асослари билан тўйин-ганилиги сабабли бўз тупроқларда сингдирилган кальций ва магний ялпи сингдириш сиғимининг  $90—96\%$ ини, натрий ва калий эса  $4—10\%$ ини ташкил қиласди. Сингдирилган магнийнинг миқдори анча кўп будиб, айриш ҳолларда (тупроқнинг ўрта ва кўни қатламларида) миқдор жиҳатидан кальцийдан устунлик қиласди. Тупроқнинг юза қатламларига қараб магнийнинг камайиши ҳисобига кальцийнинг, натрийни камайиши ҳисобига калийнинг миқдори ошиб боради.

Серкарбонатлилиги ва сингдириш комплекси ишқорий-ер ва ишқорий асослари билан тўйин-ганилиги сабабли бўз тупроқлар кучизис ишқорий муҳитта эга. Тупроқнинг муҳити (*pH*) чириндили қатламда  $7,3—7,6$  га, ўтувчи ва тупроқ ости қатламларида  $7,5—8,0$  га тенгdir.

#### Билимнингни синаб кўринг


1. Тупроқ эритмаси, тупроқ ҳавоси ва қаттиқ қисмийнинг кимёвий таркибидан биласизми?

2. Республикамиз тупроқлари таркибидаги органик моддалар миқдорини биласизми?

3. Гумус нима? Тупроқ унумалорлыгыда қанақа аҳамиятта эга?
4. Тупроқнинг минерал қисми ўсимликлар озиқланышында қанақа аҳамият касб этади?
5. Тупроқнинг сингидириш қобилиги деганда нимани тушунасиз?
6. Тупроқнинг сингидириш сиғими ва унга таъсир этувчи ошиллар тұрғында сүзлаб беринг.
7. Ўзбекистонда тарқалған асосий тупроқ типларининг агрокимесий хоссаларини биласизми?

## IV Б О Б. ЎИТЛАР, АЗОТЛИ ЎИТЛАР

Таркибида ўсимликлар учун зарур озиқ мөддаларни тұтадиган вә деңқов томонидан тупроққа кирилладыган мөддаларға **ўитлар** дейилади. Улар ўз навбатыда минерал ва маҳаллий үитларға бүлинади (8-расм)



8-расм. Үитлар ва уларнинг тасиғи

Маҳаллий шароитларда (томорқа, хўжалик) тайёрланиб, шу жойнинг ўзида ишлатыладыган үитлар **маҳаллий үитлар** деб жириллады. Таркибида озиқ элементлар мөндөри кам бүлгани бөис уларни олис масофаларга ташиб-ишлатиш мақсада мувоғиқ, эмас.

**Минерал үитлар** саноат асосида тайёрганларди ва ўсимликлар учун зарур озиқ мөддаларни асосан ноограник шактада тутады (мочевина, кальций цианамид, окса-



мид, мочевина-формальдегид кабилар бундан мустас-но). Минерал ўгитлар таркибидаги озиқ элемент сонига күра оддий ва комплекс ўгитларга бўлинади. Оддий ўгитлар таркибда фақат бинта озиқ элементни тутади. Лекин бу шартги тушунча хисобланади, чунки кўп ҳолларда улар таркибда Mg, Ca, S ва микроДементлар ҳам учрайди. Комплекс ўгитлар эса таркибда иккى ёки ундан ортиқ озиқ элементларни тутиб, уларнинг бояганиши табигатни кўра *мураккаб*, *мураккаб-аралаш* ва *аралаштирилган* ўгитларга бўлинади.

### Азотнинг ўсимликлар озиқланишидаги аҳамияти

Азот ўсимликлар учун зарур озиқ элементлардан биридир. У барча оддий ва мураккаб оксиллар, нуклеин кислоталар (*RНК* ва *ДНК*), хлорофилл, фосфатиллар, алкалоидлар, айрим дармондорилар ва ферментлар таркибига киради.


Ўсимликлар озиқланишида азот манбайи бўлиб аммоний ( $NH_4^+$ ) ва нитрат ( $NO_3^-$ ) тузлари хизмат қиласди.

Ўсимликлар томонидан азотнинг ўзланишида бир қатор мураккаб жараёйлар асосида кетади ва аммиакнинг тегиши органик кислоталар кетогурухи билан ҳосил қиласдиган аминокислоталардан синтезланадиган оксили молекуласига биринчи билан икунланиди. Мазкур жараёга *аминаланиш* дейдилади. Ўсимликлардаги анаэроб ва ээроп нафас олишининг биринчи босқичида углеводларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган пироузум, шовулсирка,  $\alpha$ -кетоглутар ва бошқа кетокарбон кислоталар бевосита аминданishi анча майдилди. Кетокислоталарнинг аммиак таъсирида тўғридан-тўғри аминланиси — ўсимликлардаги аминокислоталар синтезининг асосий йўналиши хисобланади. Бу иккичи жараёй бўлиб, биринчи босқичда аммиак ва кетокислотадан иминокислота ва сув, иккичи босқичда эса, иминокислотанинг қайтарилишидан аминокислота ҳосил бўлади:



Айни шу йўл билан кетоглутар кислота ( $COOH-CO-CH_2-CH_2COOH$ ) ва аммиакдан глутамин кислота ( $COOH-CH-NH_2-CH_2-CH_2-COOH$ ) ҳосил бўлади. Шунингдек, аспарагин кислота аммиакнинг фумар кислота ( $COOH-CH=CH-COOH$ )га тўғридан-тўғри биринчишидан ҳам ҳосил бўлади.

Аминокислоталар синтези учун азот қайтарилиган шаклда бўлиши лозим, нитрат ва нитритлар карбон кислоталарнинг кетогурухи билан бевосита реакцияга кириша олмайди. Ўсимлик танасида углеводлар захираси етарли бўлса, нитрат шаклдаги азот ферментлар иштироқида илдизнинг ўзидаёт аммиакка айланади, уни кўйидагича ифодалаш мумкин:



Нитрат кислотадан аммиак ҳосил бўлиши кўп босқичида бўлиб, бунда бир қатор ферментлар катализатор вазифасини ўтайди:




- I.  $HNO_3 + H_2 \rightarrow HNO_2 + H_2O$  (нитратредуктаза);
- II.  $2HNO_2 + 2H_2 \rightarrow H_2N_2O_2 + 2H_2O$  (нитритредуктаза);
- III.  $H_2N_2O_2 + 2H_2 \rightarrow 2NH_3OH$  (гипонитритредуктаза);
- IV.  $NH_3OH + H_2 \rightarrow NH_3 + H_2O$  (гидроксиламинредуктаза).

Нитратлардан аммиак ҳосил бўлишида иштирок эта-диган ферментлар *металло-флавопротеидлар* деб номланади.

Қайтарилмасдан ўсимлик таркибига ўтадиган нитрат шаклдаги азот ўсимликлар учун зарарсиз бўлиб, тўқималарда кўп миқдорда тўпланиши мумкин. Лекин қишлоқ лўжалик маҳсулотлари (айниуса эм-хащак, сабзавот ва полиз экинлари) таркибидаги нитратларнинг маълум даражадан ошиб кетиши уларни истемол қиласдиган ҳайвон ва инсонларга зарари таъсир кўрсатади. Одатда эркин аммиак ўсимликлар танасида кам учрайди. Айни модда миқдорининг кўлайиб кетиши ўсимликларнинг заҳарланишига сабаб бўлади.


Аминланиси жараёни ўсимликлар организми метаболизмida мухим аҳамиятига эга. Шу билан бир қаторда аспарагин ва глутамин кислоталар ферментлар иштироқида қайта аминланиси ўйли билан ўзларининг амин-

гурӯхларини бошқа кислоталарга бериш хусусиятiga эга. **Қайта аминланиш** – тегишли фермент таъсирида аминокислота (донар)даги амин гурӯхини кетокислота (акцептор)га кўчирилишидир. Масалан:



Ўсимлик танасидаги глутамин ва аспарагин кислоталарининг қайта аминланишга мойиллтири уларни модда алмашинувида жуда катта аҳамиятта эга эканлигидан далолат беради.

Қайта аминланиш жараёни оқсил синтези ва аминокислоталарнинг дезаминланишида мухим аҳамият касб этади. **Дезаминланиш** – амино кислотадан амин-гурӯхини тортиб олинини натижасида аммиак ва кетокислота ҳосил бўлишидир. Ўсимлик томонидан қайта ишланган кетокислота углеводга айланади, аммиак эса яна аминланиши жараёнида иштирок этади. Бундан ташкидлари амиак аспарагин ва глутамин кислоталар билан таъсирилашиб (улар биттадан аммиак молекуласини биректириб олиш қобилиятига эга), амидодикарбон кислоталарнинг амидларини ҳосил қиласди:



Д. Н. Прянишников амидлар углеводлар танқислиги туфайли ўсимлик танасида аммиакнинг ортиқча түпланишининг олдини олишини исботлади.

Таркибида углевод заҳараси кам ургуларнинг, масалан, қандлавлаганинг униб чиқишида ўсимлик танасига ортиқча миқдорда кирадиган аммиак аминокислоталар

синтезида тўла сарфланмайди, тўқималарда тўпланиб, ўсимликни заҳарлайди. Уруғи углеводларга бой ўсимликлар (масалан, картошка) аммиакни тез ўлаштиради ва тупроқка аммиакни азотли ўйтларни киритиш уларга ижобий таъсири кўрсатади.

Нуклеин кислоталар оқсил синтезида синч (каркас) вазифасини ўтайди. Уларга аминокислоталарнинг бириншидан ҳосил бўладиган пептид боғлар ҳисобига турли-туман оқсил молекулалари юзага келади.

Ўсимлик танасида оқсил синтези билан бир қаторда уларнинг парчаланиши ҳам содир бўлади. Оқсил гидролизида протеаза ферментлари катализатор вазифасини ўтайди. Оқсилнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган аммиак ўсимлик тўқималарида тўпланимайди, балки дикарбон аминокислоталар синтезига сарфланади. Улар эса ўз навбатида оқсил ва бошқа азотли бирималарнинг биосинтезида иштирок этади. Демак, азотли органик бирималар ҳосил бўлиши ва парчаланишининг мураккаб занжирни аммиакдан бошланниб, аммиак турайди. Шу боне академик Д. Н. Прянишников «...аммиак ўсимликларда азот моддалари алмашинувининг альфаси ҳам, омегаси ҳамдир» деган эди.

Ўсимликларда азотли моддалар алмашинуви бутун вегетация даврида содир бўлади, лекин унинг суръати ва характеристи ўсиш ва ривожланишининг турли даврларда турлича кечади. Масалан, уругнинг униш жараёнида эндосперм ва урупталладаги захира оқсил аминокислотага қадар парчаланади. Уларнинг оқсилнанишидан аммиак ҳосил бўлади ва у аминокислоталар ҳамда амидларнинг, кейинчалик оқсил ва бошқа азотли органик бирималарнинг синтезида иштирок этади. Ўсимликда фотосинтезга қобил яшил барг пайдо бўлгач, оқсил синтези ташки мухит (тупрок)дан ютиладиган азот ҳисобига кетади. Тупроқдан энг кўп азот ўсимликлар жадал ривожланиб, тана қўядиган даврда ўлаштирилади. Айни пайтингиз ўзида оқсилнани парчаланиши ҳам содир бўлади: ёш, ўсаётган аъзоларда оқсил синтези устунлик қиласа, қари, ўсишсан тўхтаган аъзоларда оқсилнинг парчаланиши кучлироқ намоён бўлади.

Азот алмашинуви жадаллигига боғлиқ равища ўсимлик танасининг турли аъзоларида азотнинг қайта тақсимланиши кузатилади. Масалан, жисмонан чарчаган аъзоларда, асосан қари баргларда, оқсил гидролизи содир бўлади ва гидролиз маҳсулотлари ёш аъзолар томон ҳаракатланади. Уруғ шаклланадиган даврда барг-

даги оқсил моддалар жадал парчаланиб, ҳосил бұлалыған аминокислоталар пишиш етилаётган урууларға оқиб үтады ва шу ерда оқсилга айланади.

Барглар (айниңда ёш барглар) азотта бой бұлаб, тояра илдизларда унинг миқдори бири мұнча камдир.

Азот билан озиқлантириш шароитлари ўсимликларнинг үсіши ва ривожланиши күчли тасысын күрсатади. Азот тәнкесін бұлған шароитта ўсимликтернің үсіши кесекин секинлашади. Баргларды майдалашиб, оч яшил тус олади, аңча ерта сарғаяди (1—2-рангли расмлар). Пояси ингітка тортиб, яхши шохламайды. Ҳосил органдарларнинг шаклланышы, ривожланиши ва доннинг қүйилиши әмоналашади.

Азот билан мебъеріда озиқлантирилған ўсимликларда оқсил маддалар жадал синтезланады, ўсимликнинг үсіши ва ҳәёт фаолияти күштегі, узоқ давом этади, баргларнинг қарышы секинлашади, бақувват поя ва тұқ яшил тұсады. Барглар шаклланады, үсіши, шохланиши ҳамда ҳосил органдарларнинг ривожланиши яхшилашади. Натижада ҳосил ва уннинг тарқибында оқсил миқдори күплады. Лекин үсіш даврида бир томонлама, факт азот билан озиқлантириша ружу құйиши ҳосилнинг пишиб етилишини орқага сурады, үсіши органдары күчли ривожланиб, ўсимликнинг «ғөвлөб кетиш»ига сабаб бўлади.

Оқсил миқдорининг ортиши ҳосил сифатини яхшилашади, лекин азотлы маддалар миқдорининг күпайтын ҳамма вақт ҳам маҳсулот құмматини оширавермайди.

Ҳосил сифати шунингдек, күлланиладиган азотли ўғыт түртінің ҳам болғылар. Чуоночи, аммиаклы азот билан озиқлантирилған ўсимлик ұжайрасининг қайтаруучанлик, нитрат шаклдаги азот күлланилганда эса оксидловчилек қобилияты күчаяди.

Д. Н. Прянишников шоғириларининг тадқиқотлары асосида ўсимликлар ҳәтира аммиак ва нитрат шаклдаги азот тенде күчли эканлитиги аниқланған. Тупроқ мұхиті мұйытадыл бұлса, ўсимликлар аммиак шаклдаги азотты нитратларга қарағанда яхши ұзаштырады, нордан мұхиттің эса аксина, нитрат шаклдаги азот яхшинарқ ұзаштырилады. Тупроқда кальций, магний ва калийнинг күп бүлиши аммиак азотини, фосфорнинг мүлдиги эса нитратларнинг ұзаштырилиши учун қурай шароит յратади. Тупроқда молибден тәнкеслигі нитратларнинг қайтарилишини секинлаштырады ва ўсим-

ликларни айни шаклдаги азотни ассимиляциялашини текелайди.

### Тупроқдаги азот миқдори ва азотлы бирикмалар динамикасы

А. П. Виноградов маълумотига күра азот ер қобиги массасининг  $2,3 \cdot 10^{-2}$ %-нин ташкыл қилиб, захираси бир неча ўн миллиард т га етади. Тупроқ азотининг асосий қисмы мұраккаб органик бирикмалар таркибига киради. Ер қобигидаги азоттинг бір қисмы аммонийнинг алмашыннасдан ютилган ионлары шаклида бўйлаб, алюмоシリкатли минералларнинг кристалл панжарасида ушлаб турилади.

Битта тупроқ минтақасидаги тупроқлар ҳам бирбиридан азот миқдори билан сезиларлы фарқ қиласы. Тупроқнинг механикавий таркиби оғирлашиб боргани сари ялпи азот миқдори ҳам ортади.




Бир га майдондага ялпи азот захираси турли тупроқларда 1,5 т дан 15 т гача ұзгаради. Лекин қышлоқ хўжалик экиниларининг азот билан таъминланганлик даражасы уннинг ялпи миқдори билан эмас, балки ўсимликлар ұзлаштыришига молик минерал бирикмалар миқдори билан белгиланади.

Ўсимликтер азоттін асоссан минерал ҳолатда ұзлаштыради. Факат азоттинг жуда кам миқдори амид ва аминокислоталар ҳолидан ұзлаштырилиши мүмкін. Тупроқдаги ялпи азот миқдорининг атиги 1—2% и минерал ҳолатда бўлалди. Тупроқ азотлы органик бирикмаларнинг парчаланишиниң қуйидаги схема билан ифодалаш мүмкін:


*Оқсиллар, гумин моддалар → аминокислоталар, амидлар → аммиак → нитритлар → нитратлар.*

Тупроқдаги азотты органик маддаларнинг аммиакка қадар парчаланиши **аммонификациация** деб жириллады. Аммонификациация бактерия, актиномицет ва могор замбуруларнинг катта гурухының ташкыл этадиган аэроб ва анаэроб микроорганизмлар иштирокидан амалта ошиади. Уларнинг асосий вакиллари жумласига бактериялардан *Bac. vulgaris*, *Bac. putreficus*, *Bac. subtilis*, *Bac. mesentericus* ва *Bac. muciloides* ларни, могор замбурулардан эса *Aspergillus*, *Penicillium* ва *Trichoderma* ларни киритиш мүмкін. Микроорганизмлар ажратадиган протеолитик фер-


ментлар таъсирида оқсил моддалар аминокислоталарга қалар парчаланади. Ҳосил бўлган аминокислоталар ўз навбатида микроорганизмлар томонидан ютилиб, дезаминаза ва дезамидаизда ферментлари таъсирида дезаминланши ва дезамиданниш жараёйларига дучор бўлади. Аминли ва амидли бирикмалардан аммиак тортиб олинса, турли-туман органик кислоталар ҳосил бўлади. Буни бир мунча содда таркиби аминокислота — глицин мисолида кўриб чиқамиз:



Ҳосил бўлган аммиак тупроқдаги ўзига хос органик ва минерал кислоталар билан бирикиб, турли тузларни ҳосил қиласди:




Аммоний ўз навбатида тупроқ сингидриши комплекси (*TCK*)даги коллоидлар томонидан ютилади:



Аэроб шароитларда аммоний тузлари оксидланади. Аммиакнинг тупроқда нитрат кислота тузларига қадар оксидланшинга — нитрификация дейдади. Жараён ўзига хос бактериялар томонидан содир этилини С. Н. Виноградов томонидан ўрганилган. Нитрификация иккι босқичда кетади, биринчи босқичда:

$(2\text{NH}_3 + 3\text{O}_2 = 2\text{HNO}_3 + 2\text{H}_2\text{O})$  *Nitrosomonas*, *Nitrosocystis* ва *Nitrosospirä*, иккинчи босқичда эса  $(2\text{HNO}_3 + \text{O}_2 = 2\text{HNO}_4)$  *Nitrobacter*га иштирок этади.

Ҳосил бўлган нитрат кислота натрий бикарбонат ёки тупроқка сингидрилган асослар билан нейтралланади:



Тупроқда ҳаво етарли бўлиб, намлик капилияр намсигими (*KHC*)нинг 60—70%ини, ҳарорат 25—32 дарожани ва *pH* 6,2—8,2 ни ташкил қилганда, йил давомимида бир га майдонда 300 кг га яқин нитратлар тўпланишини А. Н. Лебединцев аниқлаган.

Органик моддаларнинг минераллаши турли тупроқларда турли тезлижда кетади. Аммонификация ва нитрификация жараёйларнинг жадал ёки сут кетиши тупроқдаги гумус миқдори, ишлаш усуллари, ўғитлаш шу каби бир қатор омилларга боғлиқ.

### Деҳқончиликда азотнинг айланиши

Аммонификация ва нитрификация жараёйлари наитасида ҳосил бўлган азот тупроқда тўпланиб қолмайди. Унинг асосий қисми ўсимликлар ва микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилади, бир қисми эса қайтадан организм ҳолатта ўтади.

Тупроқдаги азотнинг умуман ёки вақтинча ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклга ўтишини учта ҳолга бўлиш мумкин:

- нитратларнинг ювилиши;
- б) денитрификация;
- в) азотнинг иммобилизацияланиши.


*Нитратларнинг ювилиши*. Нитратлар осон эрийдиган тузлар ҳосил қилиши, сингидриш комплексидаги манфий зардлантган коллоидлар томонидан ютилмаслиги ва асосан тупроқ эритмаси таркибida бўлиши туфайли тупроқдан жуда осон ювилади. Азотнинг айни йўл билан исроф бўлиши иқлим шароитлари, тупроқни ишлаш тизими, пайкарларнинг экин билан банд маслигига боғлиқ. Маълумотларнинг кўрсатишича, шудгорлаб ташлаб қўйилган майдондан нитратлар экинзорлардагига ийсбатан кўпроқ ювилади.

Нитратларнинг ювилиши айницида сурориладиган деҳқончилик шароитида жадал кетади (йилига 30 кг/га). Лекин сурорини тўғри ташкил этиш, сурорма сувларни сизот сувлари сатих билан туташшига йўл кўйимаслик нитратлар ювилишининг олдини олинида асосий тадбирлардан ҳисобланади. Сурорма сувлар билан тупроқнинг қўйи қатламларига ювилган нитратлар була-

ниши жараённада тупроқ бўйлаб юқорига кўтарилади ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Нитратларнинг ювилиши шунингдек тупроқнинг механикавий таркиби билан ҳам боғлиқлар. Кўмли тупроклардан нитратлар кўпроқ ювилади. Гумусга бой тупроқлар ўзида сувни яхши тутиб туради, демак, бу тупроқларда эриган ҳолатдаги нитратлар ҳам нисбатан маҳкамроқ тутиб турилади.

**Денитрификация** — нитрат шаклдаги азотнинг азот (II)-оксиди ( $\text{NO}$ ), азот (I)-оксиди ( $\text{N}_2\text{O}$ ) ва молекуляр азот ( $\text{N}_2$ ) каби газсизном моддаларгача қайтарилиши жараённайдир. Денитрификация тупроқ азотининг камайиши содир бўлади. Бу жараён денитрификацияловчилар деб юритиладиган *Bac. denitrificans*, *Bac. stutzeri* *Bac. fluorescens* ва *Bac. riосисанеп* каби бактериялар томонидан амалга оширилади. Денитрификация тупроқда ҳаво танқис,  $pH$  ишкорийи ва чириб ултурмаган органик моддалар мўл бўлган шаронитларда жадал кетади.

Нитратларнинг денитрификацияловчи бактериялар томонидан қайтарилиши бир нечта босқичда содир бўлади:



Микроорганизмлар денитрификация жараёнининг бошидан охиригача иштироқ этмасдан, азотли органик моддаларни аминокислота, амиак ва нитрит кислотагача парчалаб бериши ҳам тадқиқотлар асосида исботланган.

Органик моддаларнинг минераллашуви, нитрификация ва денитрификациялар билан бир вақтда тупроқда азотнинг ўсимлик ўзлаштира олмайдиган органик бирикмалар ҳолатига ўтиши ҳам содир бўлади. Бу жараёнга азотнинг иммобилизацияси (муқимланиси) дейилади. Иммобилизация тўлалигича биологик характерда бўллиб, микроорганизмларнинг ўз танасида углеводлар ва азот иштироқида оксилни синтезлашига асосланган.

Турли бактерия, актиномицет ва морор замбуруглар цепелозоси, пентозанлар ва бошқа ўсимлик ва хайвон қолдиқларини парчалайди. Уларга азотли озиқ сифатида биринчи навбатда тупроқдаги азотнинг минерал бирикмалари зарур. Ҳосил бўладиган мазкур икки модда микроб ҳужайраси плазмасининг оксилига айланади.

Муқимланган азот йўқолмайди, аксинча, микроорганизмлар нобуд бўлгач, бир қисми минерал ( $\text{NH}_4$ ) ҳолатга, бир қисми эса оксилнинг гумификацияланиши натижасида тупроқдаги гумус моддалар таркибига ўтади.

Тупроқдаги азот захирасини тўлдиришнинг асосий, табиий манбай атмосфера азоти ҳисобланади.

Ер юзасининг ҳар 1 га майдони устида 70–80 минг тм га яқин азот мавжуд, лекин ҳаводат молекуляр азотни аксарият ўсимликлар ўзлаштира олмайди.

Табиий шароитларда атмосфера азотининг ўсимликлар ўзлаштирадиган ҳолатга ўтиши иккита йўл билан содир бўлади. Биринчиси, атмосферадаги физикавий жараёнлар (чакмоқ, яшин) таъсирида азотнинг боғланишидир. Айни ҳодисалар кўпроқ тое олди ва тогли ўлкалarda кузатилиди ва 1 йилда 2–5 кг/га азот тупроқка келиб тушади.

Иккинчи усул, яъни атмосфера азотининг тупроқда эркин яшовчи ва тутунак бактериялар каби азот тўпловчи микроорганизмлар томонидан боғланиши мухим аҳамиятга эга. Тупроқда эркин яшаб, азот тўпловчи микроорганизмлар жумласига *Clostridium pasteurianum* (анаэроб) ва *Azotobacter chroococcum* (аэроб)ларни киритиш мумкин. Улар куляд ҳаётли шароитларда йилига 3–5 кг/га атрофида азот тўплами мумкин. Микроорганизмлар фолияти учун тупроқдаги ўзлаштириладиган углеводлар, фосфор ва кальцийнинг камлиги, нордон мухит, паст ҳарорат ҳамда намтиқнинг ҳаддан ташқари кам ёки кўп бўлиши чекловчи омил бўлиши мумкин.

Атмосфера азоти дуккакли экинлар билан симбиоз ҳаёт кечирадиган *Rhizobium* ёки *Bacterium radicicola* каби тутунак бактериялар томонидан кўп миқдорда ўзлаштирилади. Тупроқда органик модда, ҳаракатчан фосфор, калий, шунингдек молибден ва бўр каби микроэлементлар етарли бўлган шароитларда тутунаклар ҳосил бўлиши тезлашади ва бактерияларнинг фоаллиги ортади. Тупроқда тўпланалигидан азот миқдори дуккакли экин тури билан боғлиқ. Бир га майдондаги себебга 150–160, люпин – 160–170, беда – 250–300, сўя – 100–110, лопия ва ўрие нўхат – 70–80 кг га яқин азот тўплайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, табиий манбалардан, шунингдек, дуккакли экинлар томонидан тупроқка келиб тушадиган азот ювилиш, денитрификация ва иммобилизация натижасида чиқиб кетадиган азотта нисбатан анча камдир. Шу сабабдан алмашлаб экишни

түгри ташкил қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиси йўли билантина экинлар ҳосилдорлигини ошириш мумкин.

### Азотли ўғитлар: турлари, олинини ва хоссалари


Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш асосида аммиак синтез ётади. Аммиак фақат аммонийли тузларни эмас, балки турли-туман азотли ўғитлар ишлаб чиқаришда хам ашё вазифасини ўтайди (9-расм).

Синтетик аммиак куйидаги усулда олинади:



Бу жарабн маҳсус мосламаларда юқори босим ва ҳарорат ( $400-500^\circ\text{C}$ )да амалга оширилади. Аммиак олиша ишлатиладиган азот ва водород турли аралашмалар ( $\text{H}_2\text{S}$ ,  $\text{CO}$  ва бошқалар)дан холи бўлиши керак.

Аммиакни оксидлаб нитрат кислота олинади. Заводларда нитрат кислота олиши учун синтетик аммиак ҳамда кислород юқори ҳароратда қиздирилган катализатор устидан ўтказилади ва бунда қўйидаги реакциялар соидир бўлади:



Ҳосил бўлган нитрат кислота концентранган сульфат кислота иштирокида қайта ҳайдалиб, 96–98%ли нитрат кислотага айлантирилади. Ундан нитратни ва аммиакли-нитратли ўғитлар олиши фойдаланилади.

Ҳозирги кунда қўйидаги турдаги азотли ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда:

1. **Аммиакли-нитратли ўғитлар** — аммиакли селитра, аммоний-сульфат-нитрат.

2. **Аммиакли ўғитлар** — аммоний сульфат, аммоний хлорид, аммоний карбонат, супултирилган аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар.


3. **Нитратли ўғитлар** — натрийли селитра, кальцийли селитра, калийли селитра.

4. **Амидли ўғитлар** — мочевина, кальций цианамид, мочевина-формальдегидли ўғитлар (*МФУ*).

### Аммиакли-нитратли ўғитлар

Аммиакли-нитратли ўғитларнинг асосий вакили аммиакли селитра ( $\text{NH}_4\text{NO}_3$ )dir.

**Олинини.** Аммиакли селитра ўз таркибида ўртача 34,6% нитрат ва аммиак шаклдаги азот тулади. Уни 56–60% ли нитрат кислотани газсимон аммиак ёрдамида нейтраллаб олиш мумкин:



Аралашма булатилиб, таркибида 95–98%  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  бўлган модда олинади. Уни қайта кристаллаш ва куритиш асосида олинадиган оқ тусли, заррабин маҳсулот 98–99%  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  тулади (котган 1–2% ни ўғитнинг физикавий хусусиятларини яхшилаш учун қўшиладиган қўшимчалар ташкил қиласди).

Аммиакли селитра гигроскопик бўлгани боис тезда нам тортиб, муштлашиб қолади. Бу хусусиятни йўқотиш учун унга фосфорит ёки сукъ талкени, гипс, каолинит каби моздалар қўшилади. Бу қўшилмалар унга саргиш тус беради. Аммиакли селитранинг асосий қисмни гранулаланган (донандорланган) ҳолатда ишлаб чиқарилмоқда.

Аммиакли селитра таркибидаги соф азотининг миқдори 34,6% дан кам бўлмаслиги, намлиги 0,4% дан, қўшилмалар миқдори 0,1% дан ошиб кетмаслиги, муҳити мўътиядил ёки кучисиз нордон бўлиши лозим. Тайёр ўғит нам тортмайдиган беш қаватли қофоз ёки цеплофан қолларда сақланади.


**Аммиакли селитранинг тупроқ билан ўзаро таъсири.** Осон эрувчан аммиакли селитра тупроқ намлиги таъсирида тўла эрийди. Д. Н. Прянишников лабораторясида ўсимликлар томонидан аммиакли селитра эритматисидан нитрат ( $\text{NO}_3^-$ ) анионига қараганда аммоний ( $\text{NH}_4^+$ ) катионини тезроқ ўзлаштириши аниқланган, шу сабабли у физиологик жиҳатдан нордон ўғит ҳисобланади.

Аммиакли селитра тупроқнинг сингидриш комплекси (ТСК) билан ўзаро таъсирилашганда,  $\text{NH}_4^+$  катиони тупроқ коллоидларига ютилади,  $\text{NO}_3^-$  аниони эса тупроқ эритматисидан қолиб, ўз ҳаракатчанлигини сақлади.

Серкарбонат тупроқлар учун аммиакли селитра энг яхши азотли ўғитлардан бири ҳисобланади.

Таркибида  $\text{H}^+$  ионлари мавжуд нордон тупроқлар

(масалан, чимли подзол тупрек) эритмасида эса  $\text{HNO}_3$  хосил бўлади, натижада уларнинг нордонлиги янада ортади:



Нордонликниг ортиши вақтинчалик маъкеба эга, лекин тупроқда муттасил юкори меъёра аммиакли селитра кирилди, нордонлик ошиб боради ва ўйтинг нинг самарарадорлиги сезилиларли даражада камаяди.

Нишонланган атомлар усулни асосида азотли ўйтлар таркибидаги азотнинг 40—50% и ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши аниқланган. Нитратли ўйтлар таркибидаги азотнинг 10—20% и, аммиакли ўйтлар таркибидаги азотнинг 20—40% и органик ҳолатта ўтиши ва мос равишда 20—30 ва 15—20% и тупроқдан газсимон ҳолатда йўқолиши аниқланган.


**Аммиакли селитранинг самарарадорлигини ошириш ўйлари ва қўллаш усуслари.** Аммиакли селитра кенг кўлланиладиги азотли ўйтлардан бирни. У айниқса, мъустадил мухитли серкарбонат тупроқларда экинлар ҳосилордигига ижобий таъсири кўрсатади.

Одатда минерал ўйтларни тупроқда киритишининг асосиши (шудгор остига), экиш олдидан ва қўшимча озиқлантириш усуслари фарқланади.

Аммиакли селитра таркибидаги азотнинг бир қисми сержарракат ( $\text{NO}_3^-$ ) ва бир қисми кам ҳаракат ( $\text{NH}_4^+$ ) шаклда бўлгандибоис уни табакалаштирилган ҳолда, ўйтлашнинг барча муддатларида қўллаш мумкин.

Нам иқлимли шароитларда, айниқса енгил механизави таркибли тупроқларда уни кузда, асосий ўйтлашда қўллаш яхши натижа бермайди, чунки бунда нитрат шаклдаги азот ювилиб кетади.

Аммиакли селитрани кам дозаларда (10—15 кг/га) қандиллавлаги ва галла экинлари қатор ораларига, картошка ва сабзавот экинларининг уларига қўшимча озиқлантириш сифатида қўллаш яхши самара беради. Пахтавилицада ҳозирги кунда ҳам аммиакли селитранинг олдига тушадиган азотли ўйтит йўк.




9-расм. Аммиак асосида азотли ўйтлар ишлаб чиқариш чизгиси.

## Аммиакли азотли ўгитлар

Аммиакли азотли ўгитларни олиш усулы бир мунча содда. Қаттқа суюқ қолатдаги аммиакли ўгитлар фарқланады. Қаттқи аммиакли ўгитлар жумасыга аммоний сульфат, аммоний натрий-сульфат, аммоний хлорид ван аммоний карбонат киради. Суолтирилган аммиак, аммиакли сув ван аммиакатлар суюқ азотли ўгитларнине вакиллариди.

**Аммоний сульфат.** Аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  ўз таркибида 20,5–21,0% азот тутади. Жаҳон миқесида ишлаб чиқарыладиган азотли ўгитларнинг қарий 25% и аммоний сульфат ҳиссасига түрги келади. Аммоний сульфат концентрланган сульфат кислотани газсизмөн аммиак билан түйнитириши орқали олинади:




Кокс газларидағи аммиак арzon бўлгани сабабли кокс-кимёвий аммоний сульфатни ишлаб чиқариши синтетик аммоний сульфат олишдан анча арzonга тушади.

Синтетик аммоний сульфат оқ ранги, кокс-кимёвий аммоний сульфат эса, таркибида органик аралашмалар бўлгани сабабли кулранг, қўйкимит ёки қизиши тусда бўлиши мумкин. Аммоний сульфат кусиз гигроскопик, сочиувчан, таркибида 24% атрофида олтингурт тутади, қайсики, ўсимликларнинг озиқланишида ўзига хос аҳамиятта эга.

Аммоний сульфатнинг физиологик нордон ўгитлигини кўйидагича изохлаш мумкин. Биринчидан, ўгит тупроқка тушгач, нитрификация жараёнига учрайди. Таркибидаги азот нитрат шаклига ўтади. Натижада нитрат кислота ҳосил бўлади ва сульфат кислота ажralиб чиқади.

Иккинчидан, тупроқка тушган аммоний сульфат тезда эриб, ионларга ажralади. Ўсимликлар  $\text{SO}_4^{2-}$  анионига қараганды  $\text{NH}_4^+$  катионини тез ван кўп микрордорда ўлаشتариши, натижада анионлар тўпланиб, тупроқнинг нордонлашишига сабаб бўлади:



$\text{NH}_4^+$  катионлари тупроқнинг сингидириш комплекси томонидан ютилади ва илгари ютилган бошқа катион-


ларнинг эквивалент миқдорига алмашинади. Ютилган аммонийни ўсимликлар яхши ўлаشتариши. Тупроқдаги ҳаракатгандиги ва ювилиб кетиш хавфи кам бўлтани боис аммоний сульфатни асосий ўгитлаш даврида, яъни кузги шудгор остига киритиш мумкин. Базын ҳолларда  $\text{NH}_4^+$ нинг кўп миқдорда тупроқка ютилиши салбий оқибатларга олиб келади. Кўшимча озиқланиши пайтида ёки экинч билан қатор ораларига киритилганда, илдиз тизими яхши рivojламмаган ёш ниҳоҳлар аммоний сульфат таркибидаги азотдан яхши фойдалана олмайди.

Аммоний сульфатни нордон тупроқларга қўллашда 1 ҳ ӯгита 1,3 ҳ оҳақ қўшиш лозим. Бўз тупрокларда унинг самародорлиги аммиакли селитрадан юқори бўлади. Сугориладиган ўкинларга, айнан шолинга аммоний сульфат қўллаш яхши самара беради.

**Аммоний-натрий сульфат** —  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot \text{Na}_2\text{SO}_4$ . Таркибидаги 16% азот ва 2,5% атрофида органик қўшилмалари мавжуд бўлган, сариқ тусли заррабин модда. Капролактам ишлаб чиқарища чиқинди маҳсулот.


Таркибидаги натрий туттани учун қандловлаги ва бутгиллар оиласига мансуб ўкинларни етишишида муҳим аҳамиятта эга.

**Аммоний хлорид** —  $\text{NH}_4\text{Cl}$ . Аммоний хлорид сода ишлаб чиқарища оралик маҳсулот сифатида олинади:



Аммоний хлорид сувда осон эрийдиган оқ заррабин мадда. Таркибидаги 24–25% гача азот тутади. Яхши физиқий хоссаларга эга.

Аммоний хлорид тупроқка тушгач, унинг сингидириш комплекси (ТСК) билан алмашиниш реакциясига киришиади:



У тупроқда аммоний сульфатта нисбатан секинроқ нитрификацияланади, чунки таркибидаги хлор иони микроорганизмлар фаолиятини бироз чеклаб қўяди. Аммоний хлорид таркибидаги 66,6% гача хлор бўлгани учун картошка, тамаки, ток каби ўсимликлар күрмайди, ғалла ўкинларига қўллаш яхши самара беради.

Бу гурухга шунингдек, аммоний карбонат —  $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ , ва аммоний бикарбонат —  $\text{NH}_4\text{HCO}_3$ , лар ҳам киради. Уларнинг таркибида мос равишда 24 ва 17% азот мавжуд. Улар кимёвий жиҳатдан бекор бирималар бўлгани учун деҳҳончиликда кенг қўлланилимайди. Самараорлиги амиакли селитра самараорлигига яқин.

**Суюқ амиакли ўйтлар.** Суюқ амиакли ўйтлар жумласига суюлтирилган амиак, амиакли сув ва амиакатлар киради. Нитрат ёки сульфат кислота ишлатилмаслиги, қуритиш ва буглатиш каби тадбирларга ҳожат йўклиги боис уларни ишлаб чиқариш таннархи анча арзонга тушади: 1 т амиакли селитра учун сарфланадиган харажат билан 2,5 т суюлтирилган амиак олиш мумкин.



**Суюлтирилган амиак —  $\text{NH}_3$ .** Концентрацияси ююри (82,3% азот), балластсиз ўйт. Амиак газини ююри босим остида сиқиб, суюлтириш асосида олинади. Рангсиз, ҳаракатсан суюқлик. Солиширма оғирлиги 0,61, 34°C да қайнайди.  $\text{NH}_3$ нинг учун кетишини оддини олиш учун маҳсус металдидишилларда сакланади ва ташлади.

Суюлтирилган амиак тупроққа киритилганда, тезда газ ҳолатта ўтади ва тупроқнинг коллоид фракцияси томонидан ютилади. Физикавий-кимёвий ютилишдан ташқари суюлтирилган амиак нитрификацияни жараёнига ҳам учрайди. Суюлтирилган амиакнинг тупроққа ютилишингундаги гумус миқдори, механикавий таркиби, намлиги ва кўмилиши чукурлигига боғлиқ.

**Амиакли сув —  $\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{O}$  ёки  $\text{NH}_4\text{OH}$ .** Амиакли сув синтетик ёки кокс-кимёвий амиакнинг сувдаги эритмаси бўйли, иккиси хил нави ишлаб чиқарилади. Ўйтнинг биринчи нави 20,5% (25%ли  $\text{NH}_4\text{OH}$ ), иккинчи нави эса 16,4% (20% ли  $\text{NH}_4\text{OH}$ ) азот тутади. Буғларнинг эластиклиги учча ююри эмас — 0,15 кг күч/см<sup>2</sup>, шу боис уни одид углеродли пўлатдан тайёрланган идишларда ташини мумкин.

Амиакли сувда азот айни пайтнинг ўзида  $\text{NH}_4\text{OH}$  ва  $\text{NH}_3$  шаклда бўлади. Кўпроқ қисми  $\text{NH}_3$  шаклда бўлгани учун ташиб, сақлаш ва тупроққа киритиш жараёнида сезиларни миқдорда азот истроф бўлади.

**Амиакатлар** — амиакли селитра (амиакли ва кальцийли селитралар ёки амиакли селитра ва мочевина)нинг суюқ амиакларига эритмаси. Тузларнинг сувли эритмаси кўйидаги таркиби эга бўлиши мумкин:



Амиакатлар таркибиж қисмларига боғлиқ ҳолда 30—50% азот тутиши мумкин. Улар маҳсус мосламаларда тайёрланади. Марказдан ючма насос билан ҳаракатлантириб турлиган 10—15% ли сувли амиакка қайнок, 75—82%ли амиакли селитра эритмаси (амиакли ва кальцийли селитра ёки амиакли селитра ва мочевина эритмаси аралашмалари) қўшилади ва яхшилаб араштирилади. Аралашма ўйт таъбита жавоб берадиган шаклга келгач, маҳсус баллонларга қўйиб сақланади. Амиакатлар қора металларни коррозияга уратиши сабаби баллонлар маҳсус пўлатлардан тайёрланади. Шунингдек, ўйт таркибida амиакли ва кальцийли селитралар, мочевина бўлгани учун ишлаб чиқариш анча қимматга тушади.

Суюқ азотли ўйтлар оғир механикавий таркибли тупроқларда камиди 10—12 см, енгил тупроқларда эса 14—18 см чукурликда кўмилиши лозим. Намлиги ююри бўлган тупроқларда азот истрофгарчилиги куруқ тупроқларга нисбатан анча кам бўлиши кузатилган. Буни нам тупроқларда амиакни сувда эриб, аммоний гидрооксид досил қилиши билан изохлаш мумкин:



Аммоний катиони ( $\text{NH}_4^+$ ) тупроқнинг коллоид фракцияси томонидан алмашинади, шу боис кам ҳаракат шаклга ўтади. Амиакатлар киритилган дастлабки кунларда тупроқ мухити ишқориylашади, кейинчалик аммоний азоти нитрификацияланганни сари тупроқ мухити мўътадиллашади ва азотнинг ҳаракатчалиги ортади.

Суюқ азотли ўйтларни барча қишлоқ ҳўжалик экинларига асосий ўйтлаш (екиндан оддин) даврида ишлатиш мумкин. Тор қаторлаб экилидаган экинларни суюқ азотли ўйтлар билан ўйтлашада сошниклар (тупроққа ўйт киритиш мосламаси) 20—25 см оралауда ўрнитади. Чопиқталаб экинларни қўшимча озиқларни тириш учун суюқ азотли ўйтлар ишлатилади. Ниҳолларни кўйидириб юбормаслик учун ўйтлар қатор ораларининг ўртасига ёки ўсимликдан 10—12 см қочиқликда киритилади.

Суюқ азотли ўйтлар билан ишлаганда хавфисизлик қондадарига амал қилиш лозим, чунки амиак буғлари кўз ва нафас йўллари шиллиқ пардаларини ял-

лиглантиради, бўғади ва йўтал кўзгайди. Бундай ўғитлар солинган идишларни кўздан кечириш ва таъмирлашда ҳам эҳтиёт чораларини кўриш зарур, чунки аммиакнинг ҳаво билан аралашмаси портлаши хусусиятига эга.

### Нитратли азотли ўғитлар

Нитратли азотли ўғитлар жумласига натрийли, кальцийли ва калийли селитра  $[NaNO_3]$ ,  $Ca(NO_3)_2$  ва  $KNO_3$  лар киради.

Кўп йиллар давомиди бу гурӯх ўғитларнинг асосий вакили Чили селитраси бўлиб, у Чилидаги гуанонинг табиий қатламларини асосида олинади. Синтетик аммиак олиши йўлга қўйилгач, селитралар саноат негизида тайёрланмоқда.

Азотли ўғитлар ассортиментидаги нитратли ўғитларнинг ҳиссаси жуда кам (1% атрофида). Шундай бўлсада, тупроқ хоссалари ва экиш турлари билан боғлиқ равишда улар билан танишиб чиқиши катта ҳамиятга эта.

**Натрийли селитра** —  $NaNO_3$ . Нитрат кислота ишлаб чиқаришда азот оксидларини сода ёки ишқорга юттириш асосида олинади.

Эритма нейтралланади, буғлатилади ва центрифугалланади, оқ ёки оқиши тусли заррабин туз олинади. Таркибида 15—16% азот тутади, сувда яхши эрийди, гигроскопиклиги юқори бўлгани учун муштлашиб қолади. Кальцийли селитра —  $Ca(NO_3)_2$ . Кальцийли селитра 40—48%ли нитрат кислотани оҳак ёки бўр билан нейтраллаб олинади:





У ўта гигроскопик бўлгани сабабли одатдаги шароитда гидрат ҳолатига ўтиб қолади —  $Ca(NO_3)_2 \cdot 4H_2O$ . Мазкур хусусияти ҳисобга олиб,  $Ca(NO_3)_2$  алоҳида таркибли модда шиммизирлиган намортмас қоғларда сақланади. Шунингдек, гигроскопиклигини камайтириш учун гидробоф мoddalar (масалан, парафинланган маузу) қўшилади.

Кальцийли селитра биринчи синтетик азотли ўғит бўлиб, 1905 йилда Норвегида олинган (шу боис «Norwegia селитраси» деб юритилади).

Натрийли ва кальцийли селитралар — физиологик ишқорий ўғитлар. Ўсимликлар бу ўғитлар таркиbidagi

$NO_3^-$  анионини ўзлаштиради ва  $Ca$  ҳамда  $Na$  катионлари тупроқда қолиб, уни ишқорийлаштиради:





Катионлар тупроқка ютилади,  $NO_3^-$  анионлари эса ўз ҳаракатчанлигини сақлаган ҳолда тупроқ эртмасида қолади. Шунинг учун нам иккимли шароитларда ёки ийдирib: сугорилганда нитрат шаклдаги азот тупроқдан кўплаб ювилади.

Натрийли селитрани турли тупроқларда барча экинларга қўллаш мумкин. Айрим экинлар (масалан, иллиз-мевалилар) таркибида натрий бўлган азотли ўғитларга ўта талабчан бўлиб, ҳосилдорлик билан бир қаторда маҳсулот сифатини ҳам яхшилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишисича, ўғит таркибидаги натрий қанд моддаларни баргдан иллизга томон кўпроқ оқиб ўтишига имкон беради.

Кальцийли селитра асослар билан кам тўйинган нордан тупроқларга киритилганда, нордонлик камайиши билан бирга, тупроқнинг физикавий хоссалари ҳам яхшиланади, чунки кальций тупроқ коллоидларини коагуляциялади.


### Амидли азотли ўғитлар

**Мочевина (карбамид)** —  $CO(NH_2)_2$ . Синтетик мочевина оқ тусли заррабин модда бўлиб, таркибида 46% азот тутади. Мочевина  $CO_2$  ва аммиакни юқори босим остида таъсирилаши асосида олинади:




Мочевина сувда яхши эрийди, гигроскопиклиги ҳароратнинг ошишига мос равишда ортиб боради. Узоқ сақланганда ёпишиб, муштлашиб қолади. Физикий хоссаларини яхшилаш учун гранулаланади (0,2—1,0 ёки 1—1,25 мм катталиқкда) ёки ёғли моддалар құшилади.

Гранулалаш жарабенда ўсимликларга заһарлы таъсир күрсатувчи модда — биурет ҳосил бўлади:



Заррабин мочевинада биурет миқдори 0,8% дан, донадор мочевинада эса 1,0%дан ошасынги керак. Унинг миқдори 3,0% дан ошиб кетса, ниҳоллар нобуд бўлади. Тупроқда биурет 10—15 кун ичидаги парчаланади, шу боис мочевина уруғларни экишдан 20—30 кун олини тупроқда киритилса, экинларга салбий таъсир күрсатмайди.

Мочевина тупроқда тўла эрийди ва уробактериялар томонидан ажратиладиган уреаза ферменти таъсирида аммонификацияланади:




Бу жарабен гумусга бой тупроқларда 2—3 кун ичидаги туғалланса, кумли ва ботқоқ тупроқларда нисбатан сеқин кечади. Ҳосил бўладиган аммоний карбонат — бекарор биримка. Ҳаво таъсирида у аммоний бикарбонат ва аммиакка айланади:



Демак, мочевина юза қўмилса ёки тупроқнинг бетига тушса, азотнинг аммиак сифатида истроф бўлиши содир бўлади. Тупроқда аммоний карбонат гидролизга учраб, аммоний бикарбонат ва аммоний гидрооксидни ҳосил қилиади:



Аммоний ионларининг бир қисми тупроқ коллоидлари томонидан, қолган қисми эса бевосита ўсимликнинг илдизи ва барғи орқали ютилади. Маълум даврдан кейин аммиак нитрификацияланади:



Мочевина тупроқда киритилган дастлабки кунларда гидролитик ишқорий туз —  $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$  ҳосил бўлиши

туфайли тупроқда мувакқат ишқорий мұхит юзага келади. Аммоний карбонат нитрификацияланбіш боргани сари тупроқнинг ишқорийлік камаяды.

Мочевина — энг яхши азотли ўйтлардан бирин бўлиб, самародорлиги буйича аксарият экинлар учин аммиакли селитрағи, шоу учун аммоний сульфатда тенг келади. Мочевинани асоссиз ўйт сифатда ишлатиш ёки барча экинларга қўшимча озиқлантиришида, сабзавотлар ва мевал даражаларга илдиздан ташқари озиқлантиришида кўллаш мумкин. Дошли экинлар мочевина билан кеч муддатларда озиқлантирилса, оқсил миқдори сезиларни даражада ошади. Мочевина бошқа азотли ўйтлардан фарқи ўларок, юқори концентрацияси ҳам (5% дан ортиқ) барагларни куйдирмайди. Ем-хашакка қўшиб берилган мочевина чорва молларининг жадал ривожланышига ёрдам беради.

**Кальций цианамид** —  $\text{CaCN}_2$ . Тоза  $\text{CaCN}_2$ , 34,98% азот тутади. Ўғит таркибида 58—60%  $\text{CaCN}_2$ , 20—28%  $\text{CaO}$ , 9—12% кўмир, кам миқдорда кремний, темир ва алюминий оксидлари мавжуд.

Кальций цианамид енгил, кора ёки тўқ кулранг тусли унесимон модда. Юқлаш ва ташиш пайтида чангуб, кўз ва нағас ўйларни шилтиқ пардаларини яллиглантиради.

Кальций цианамид — ишқорий ўғит бўлгани учун нордон тупроқларда яхши самара беради. Таиннахи юқори бўлгани боис ундан **дефолиант** сифатида фойдаланиши мақсадга мувофиқиди.

#### Биоминитизми синаб кўрини

1. Аминланниш ва қайта аминланниш жарабени дегандага нимани тушунасиз?

2. Ўсимликлар танаасида тўпланалигига аммиак ва нитратлар уларнинг ўзига инсонларга қандай таъсир кўрсатади?

3. Ўсимликларда азотли моддалар алмашинуви тўрисида нималарни биласиз?

4. Тупроқда азот қанаша шаклларда уйрайади?

5. Аммонификация ва нитрификация жарабенларини тушунтириб беринг.

6. Қандай ўйлар билан тупроқдан азот мосуву бўлади?

7. Аммиакли селитра: одиниши, хоссалари ва тупроқ билан ўзаро таъсири.

8. Аммиакли азотли ўйтлар гурухига кириувчи қайси ўйтларни биласиз?

9. Суюқ азотли ўйтлар кўллашнинг ўзига хос томонларини тушунтирип.

10. Натрийли ва кальцийли селитралар физиологик нордон ўғит. Нима учун?

11. Мочевина тупроқ билан қандай таъсирилашади?

Айрим экинлар таркибидаги фосфолипидлар міндері  
(куруқ массасы нисбатан %).

## В О Б. ФОСФОРЛИ ЎГИТЛАР

### Фосфорнинг ўсимликлар озиқланишидаги аҳамияти

Ўсимликлар таркибидаги фосфор минерал ва органик ҳолатда учрайди. Минерал ҳолатдаги фосфор ортофосфат кислотанинг кальцийли, магнийли ва калийли тузлари күренишида бўлиб, миқдоран жуда камдир.

Органик бирикмалар шаклидаги фосфор ўсимликларда нуклеин кислоталар, фосфопротеидлар, фосфолипидлар, фитин, шакарнинг фосфорли ифорлари кўринишида учраб, нуклеин кислоталар (*РНК* ва *ДНК*) алоҳида ўрин тутади. Улар оқсил синтези, ўсиш ва ривожланиш, насл ташни каби муҳим ҳаётий жаёнларда фаол иштирок этади. Нуклеин кислоталар азотли асос, шакар ва фосфор кислотадан таркиб топади. Нуклеин кислоталарнинг оддий оқсиллар билан ҳосил қилинган бирикмаларига нуклеопротеидлар дейилади. Нуклеин кислоталар ўсимликларнинг барча хужайра, тўқима ва тана қисмларида мавжуд. Ўсимлик барғ ва поялари куруқ массасининг 0,1—1,0% ини нуклеин кислоталар ташкил қиласди. Уруг, муртак, чангчилар ва илдиз қинчлари нуклеин кислоталарга бой.

Ўсимликлардаги фосфорорганик бирикмаларнинг асосий қисмими фосфопротеидлар (фосфор килоталари ва оддий оқсилларнинг ҳосилалари) ташкил қиласди. Улар ўсимлик танасидаги биокимёвий жараёнларда катализатор вазифасини ўтайди.

Хар қандай ўсимлих хужайрасида фосфолипидлар мавжуд. Фосфолипидлар оқсил-липид мембраларни ҳосил қиласди, шу боисдан муҳим биологик аҳамиятта эга. 27-жадвалда турли ўсимликлар таркибидаги фосфолипидлар міндері келтирилган.

Ўсимликларда фосфорнинг асосий қисми фитин күренишида учрайди. Фитин ўсимликларнинг ёш аъзо ва тўқималарида, айниқса, уругларида кўп бўлади. Дуккалли-дон ва мойли экинлар уругининг 1—2, галла экинлари уругининг 0,5—1,0%ини фитин ташкил қиласди.

Экин тури	Фосфолипид міндері	Экин тури	Фосфолипид міндері
Сўя	2,0	Кунгабоқар	0,8
Люпин	2,0	Буедой	0,6
Зитир	0,8	Маккажӯхори	0,3

Ўсимликлардаги фосфор-органик бирикмаларнинг яна бир вакили шакарларнинг фосфорли ифорларидир. Улар фотосинтез, нафас олиш, мураккаб углеводларнинг синтезида фаол иштирок этади. Рибоза 5-фосфатни фосфорли ифорларнинг вакили сифатида келтиришумумкин.

Булардан ташқари ўсимликларда кетадиган оқсил, ёғ, крахмал ва шакарларнинг биосинтези кўп міндерда энергия талаб қиласди. Бу энергиянинг манбайи макроэргик бирикмалар ҳисобланаби, улардаги макроэргик болгарнинг гидролизи натижасида 6—16 ккал/моль энергия ажralib қиласди. Тирик организмлардан макроэргик болгарнинг тури кўп бўлишига қарамасдан, асосий энергия манбайи АТФ (аденозинтрифосфат) ҳисобланади.

АТФ — энергия ташувчи сифатида оқсил, ёғ, крахмал, сахароза, аспартагин, глутамин ва бошқа бир қатор органик бирикмаларнинг биосинтезида иштирок этади. Нафас олиш, фотосинтез ва моддалар алмашинуви АТФнинг иштирокисиз содир бўлмайди.

Углевод алмашинувида фосфор катта роль ўйнаганилиги сабабли фосфорли ўгитлар қандаллагида шакар, картошка тутанакларидан крахмал тўланишга ижобий таъсир этади. Фосфор ўсимликларда азотли моддаларнинг алмашинувида ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Озиқланиш мухитида фосфор жуда кам бўлганда, ўсимликтинг почва бағлари ўсишдан тўхтайди, уруғларнинг маҳсулдорлиги пасади. Ташкил белгилар сифатида эса барғ чеккаларининг буралиши ва бинафаша тусга ўтишини кўрсатиш мумкин (3-рангли расм).

Табиий шаронитларда ўсимликларнинг озиқланиши манбайи бўлиб ортофосфор кислоталарни хизмат қиласди. Метафосфатларнинг ҳам тўғридан-тўғри, пиро ва полифосфатлар эса гидролизга учрагандан кейин ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши аниқланған.

Уч негизли ортофосфат кислота уч хил анионга ( $H_2PO_4^-$ ,  $HPO_4^{2-}$  ва  $PO_4^{3-}$ ) диссоциланади. Кучисиз нордон шароитларда  $H_2PO_4^-$ ,  $HPO_4^{2-}$ -лар күпроқ, ва  $PO_4^{3-}$  камроқ учрайди (28-жадвал).

28-жадвал.

Эритма рН турліча бұлғаңда,  $H_2PO_4^-$  диссоциланған молекулалари ва анионлары тұрасындағы мүносабат

(П. М. Смирнов, 1991)

Кислота ва анионлар	рН			
	5	6	7	8
$H_2PO_4^-$	0,10	0,01	—	—
$HPO_4^{2-}$	97,99	83,68	33,90	4,88
$PO_4^{3-}$	1,91	16,32	66,10	95,12
	—	—	—	0,01

Тупроқ таркибидаги бир валентли катионлар ( $NH_4^+$ ,  $Na^+$ ,  $K^+$ ) билан ортофосфор кислоталыңынгы ўзаро тәсіридан ҳосил бўладиган барча тузлар сувда осон эрийди ва экинлар томонидан яхши ўлаشتарилади.

Иккى валентли катионлар ( $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ) ортофосфор кислота билан бир неча хил тузларни ҳосил қиласади. Масалан, катионнинг кислоталығы битта водород ўрнини олишидан ҳосил бўладиган тузлар  $Ca(H_2PO_4)_2$  сувда анча осон эрийди.

Иккита водород ўрнини катионлар эгаллашидан ҳосил бўладиган тузлар эса ( $CaHPO_4$ ,  $MgHPO_4$ ) сувда эримайди, кучисиз кислоталар тәсіриди яхши эрийди.

Учта водород ўрнини ҳам иккى валентли катион эгаллашидан ҳосил бўладиган тузлар  $Ca_3(PO_4)_2$  кислоталар тәсірида ҳам жуда кам миқдорда эрийди, табиийки, бундай тузлар ўсимликлар томонидан жуда қиинчилик билан ўлаشتарилади. Лекина лопин, гречиха, хантал каби ўсимликлар тупроқдаги қыйин эрийдиган фосфатларни ҳам ўлаشتари олиш қобилияттеги эгалити аниқданган. Кейинроқ бундай ўсимликлар жумласына эспарсет, қашқар беда, ўріс пүхат, экинбон нашалар ҳам киритилган.

Ўсимликлардаги бундай қобилияттн биринчидан, уларнинг илдиз тизимидан кўп миқдорда нордон суюқлик ажралышы (уларнинг илдиз тизими атрофидаги рН 5–6 га teng, бошқа ўсимликларда эса 7–8 атрофида),

иккинчидан, бу ўсимликларни туллаш давридаги кули таркибидаги  $CaO$  ва  $P_2O_5$  ўртасидаги нисбат 1,3 дан катта бўлиши билан изохлаш мумкин. Малъумки, ташки (турецкий) эритмадан кўп миқдорда  $CaO$ нинг ўсимлик танасига ўтиши фосфорнинг ўлаشتарилишини ҳам тезлаштириди (ионлар синергизми).

Минерал фосфатлар билан бир қаторда ўсимликлар кам миқдорда бўлсада, органик фосфатларни ҳам ўлаشتарилиди. Бундай органик моддалар жумласига фитин, глицерофосфатлар ва нуклеин кислоталарни киритиш мумкин. Уларнинг ўлаشتарилиши бевосита ўсимликларнинг илдиз тизимидан ажраладиган фосфатаза ферментининг миқдори ва фәоллиги билан боғлиқ. Лекин органик ҳолатдаги фосфорлар биринчмаларнинг ютилиши ҳақидағы фикрлар баҳсли бўлиб, шу кунгача тұлағұс исботланмаган.

### Тупроқдаги фосфор

Ер қобиги таркибидә фосфорнинг миқдори 0,12% га ёки тахминан  $1\cdot10^{-5} m$  га teng. Ишлов берилмайдиган (қўриқ) тупроқтардаги фосфорнинг миқдори асосан она жинс таркибиға боғлиқ бўлиб, отқинди төг жинслари тахминан 0,275% фосфор туттани ҳолда, уларда шаклланадиган тупроқлар таркибидаги фосфор миқдори 0,14% дан ошамайди.

Ҳар қандай тупроқ типида фосфат кислота биринчмалари минерал ва органик ҳолатда учраб, одатта минерал шаклдаги фосфор миқдори устунлик қиласади (29-жадвал).

29-жадвал.

Түрли тупроқ түрлери таркибидаги минерал ва органик шаклдаги фосфор миқдори, т/га  
(Б. А. Ягопин, 1989)

Тупроқ типи	Ялпи миқдори	шу жумладан	
		органик	минерал
Чимли подзол.	2,3	0,7	106
Сур тусли ўрмон тупроқлари	2,6	0,7	1,9
Қора тупроқ	4,4	1,6	2,8
Қаштан тупроқ	3,6	0,9	2,7
Бўз тупроқлар	4,2	0,6	3,6

Тупроқдаги ялпи фосфор миқдорини 100% деб олсақ, подзоль тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 70, сурт ўрмон тупроқларда 56, қора тупроқларда 65, бўз тупроқларда 86% и минерал ҳолатлади.

Муҳити мўътадил ва мўътадилга яқин тупроқларда минерал ҳолатдаги фосфатларнинг асосини майда алатиги заррачалири ташкил қиласи. Нордон тупроқлар таркибида кўпроқ темир ва алюминий фосфатлар тарқалган бўлиб, уларнинг ўсимликларга лаёқатлилиги апаптилар таркибидаги фосфорга нисбатан анча паст.

Тупроқдаги органик фосфатлар гумус ва фитин таркибига киради. Органик ҳолатдаги фосфатлар миқдори бўз тупроқларда 14, кул тусли ўрмон тупроқларда эса 44%-ни ташкил қиласи. Бошқа тупроқ хилларида уларнинг миқдори шу оралиқда ўзгариб туради. Органик ҳолатдаги фосфатлар миқдори бевосита тупроқнинг гумус билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Тупроқдаги фосфорнинг бир қисми (ялпи фосфорнинг 0,5–1,0%) микроорганизмлар томонидан истилди ва ўз навбатида органик шакидаги фосфатлар тупроқ микроорганизмлари томонидан минераллашибтирилади.

Тупроқ катионлари билан тез таъсирилашганлиги сабаби фосфорнинг сувда осон эрийдиган биримларни миқдори жуда кам, айрим ҳоллардагина 1 кг тупроқда 1 меган ошади. Агар 1 кг тупроқда 1 мг сувда осон эрийдиган фосфор бор деб ҳисобласак, 1 га майдоннинг ҳайдалма қатламида унинг миқдори атиги 4,5 кени ташкил этади. Доили экинилардан ўртача ҳосил олиш учун камиди 20 кг фосфор талаб этилади. Бундан тупроқдаги сувда эрувчан фосфатларнинг миқдори ётто ўртача ҳосил этишириш учун ҳам етарли эмас, деган хулоса келиб чиқади.

Маълумки, ўсимликларнинг илдиз тизими ўзидан маълум миқдорда олма, лимон ва карбонат кислоталарни ажратади. Бундан ташқари тупроқ микроорганизмларининг нафас-олиши ва модда алмашиниви жараённида ҳам талай миқдорда карбонат кислота ажralади ва тупроқда тўйланади. Ўсимликлар факат сувда осон эрийдиган фосфатларни эмас, балки мазкур кислоталарда эрийдиган фосфатларни ҳам ўзлашибтиради.

Ўсимликлар осон ўзлашибтирадиган фосфатлар миқдори аксарият тупроқ типларида жуда ҳам кам. Масалан, кучли қора тупроқлар ҳайдалма қатламининг бир гектарида 21 кг, кумоқли подзоллашган тупроқларда эса, атиги 6 кг осон ўзлашибтирадиган фосфор мавжуд.

Кўриниб турибдики, экинилардан мўл ва сифатли ҳосил этишириш учун фосфорли ўғитлар кўллаш ҳаётини зауратдир.

Ер кобигида кўпгина минераллар ўз таркибида фосфор тутади, лекин улардан фақаттана отканди *апатитлар* ва чўқинди *фосфоритларни* фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариша амалий аҳамиятга эга.

*Апатит* — отканди тоғ жинси бўлиб, тупроқ ҳосил қилувчи она жинс таркибида дисперсияланган ҳолатда тарқалган. Конлари жуда сийрак учрайди. Энг катта апатит кони 1925 йилда Кола ярим оролидаги Хибин тоғидан топилган. Шунингдек, Урол ва Байкал бўйида ҳам кичикроқ конлари аниқланган. Апатит конлари Бразилия, Испания, Канада, АҚШ ва Швецияда ҳам мавжуд.

*Фосфоритлар* эса айрим геология даврларида яшаган ҳайвон скелетларининг минераллашуви ва фосфат кислотанинг сувдади қалъий билан бирекиб чўкишидан ҳосил бўлади. Фосфоритлар ер юзида кенг тарқалган, лекин Европада улар кичик-кичик конларда жамланган ва ўғит саноати учун унчалик аҳамиятга эга эмас. Африканинг шимолий қисмидаги фосфорит конлари кўп фосфор.

1937 йилда Ўрга Осиёнининг Қаратов тоғ тизмасида (Қозогистоннинг Жамбул вилоятида) жуда катта фосфорит кони топилди. Мазкур коннинг фосфорли ўғитларга талабчан экинилар этишириладиган регионларга яқин жойда жойлашганлиги жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлди.

Хозирги кунга келиб, Ўзбекистонда ҳам жуда катта фосфорит конлари мавжудлиги аниқланди. Биргина Жерой-Сардарда фосфорит конидаги Марокаш турига мансуб зарра-данадор (кристалл ҳолатдаги) фосфоритларнинг захираси 100 миллион тоннадан ортиқидир. Булардан ташқари Марказий Қизилқумда Қорақат ва Шимолий Жетитов фосфорит конлари ҳам сифатли ҳом-ашёга бойдир. Маълумки, Ўзбекистонда аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқараладиган жуда катта корхоналар мавжуд. Республикамиз тез орада факат ўзини фосфорли ўғитлар билан таъминлаб қолмай, кўп миқдордаги фосфорли ўғитларни хорижи ҳам экспорт қиласи.

*Апатит* — кристалл ҳолатда, фосфоритлар эса ҳам кристалл, ҳам аморф ҳолатда учрайди. Аморф ҳолатдаги фосфоритлар осон парчаланади, шу сабабдан уларга қизиқи катта.

Турли шароитларда шаклланишига қарамасдан апатит ва фосфоритларда ўхшаш томонлар кўп. Ҳар иккиси ҳам ортофосфор кислота таркибидаги учта водород ўрнини кальций эгаллашидан ҳосил бўлган туз ҳисобланади.

Апатитнинг энг содда (эмпирик) формуласини  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2\text{F}$  ёки  $[\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2] \cdot \text{CaF}_3$  ҳолида ёзиш мумкин. Кальций фторид таркибидаги фтор элементини ўрнини хлор, карбонат ёки гидрооксейл эгалласа, ҳосил бўлган минераллар хлор апатит, карбонат апатит ва гидроксил апатит деб юритилади.

### Фосфорли ўғитлар: олинини, хоссалари ва қўлланилиши

Юқорида таъкидлаб ўғитларидек, фосфорли ўғитлар апатитлар ва фосфоритлардан олинади. Фосфоритлар ўз таркибида фосфат минераллардан ташқари бир ярим оксидлар, кум, лой каби қўшимчаларни тутади. Таркибida бир ярим оксидларнинг бўлиши фосфоритларни қайта ишлаш жараёнида кўп миқдорда кислотани ортиқча сарфланишига сабаб бўлади. Шу боис фосфорли ўғитлар олишдан олдин хом ашё бойитилади. Ҳом ашёйт қайта ишлаш кўйидаги усууда амалга оширилади: майдаланган жинс сув билан арапаштирилиб, бутана ҳосил қилинади ва реагент сифатига олеин кислотанинг керосин ёки эрувчан ойна билан арапашмаси қўшилди (1 т жинста 1 кг миқдорда).

Пульпа орқали юбориладиган жадал ҳаво оқими таъсирида апатит заррачаларни кўпич ҳолида юзага қалқиб чиқади. Нефелин идишнинг тубида қолади ва сув оқими ёрдамида ажратиб олинади. Ундан норлон тупроқларда калийни ўғит сифатига фойдаланиш мумкин. Нефелиндан ажратиб, бойитилган апатит концентрати таркибida 39–40%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўлиб, у дунёда энг яхши хом ашё ҳисобланади.

Фосфорли ўғитларни эрувчанилиги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига қараб учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- Сувда яхши ўрайдиган фосфорли ўғитлар — оддий суперфосфат ва кўш суперфосфат.

- Сувда камрок, лекин кучсиз кислоталарда яхши ўрайдиган ўғитлар — пресипитат, томасшлак, фторсизлантирилган фосфат, термофосфатлар.

- Сувда умуман эримайдиган, кучсиз кислоталарда ҳам кам миқдорда ўрайдиган фосфорли ўғитлар — фосфорит уни, суюк талқони.



Фосфорли ўғитлар хом ашёга кислота билан ёки термик таъсир этиш орқали ишлаб чиқарилади. Айрим мураккаб фосфорли ўғитлар полифосфат кислоталар асосида олинади.

Дунё микёсида биринчи гуруҳга кирадиган фосфорли ўғитлар кўп ишлаб чиқарилади. Биз қуйидан суперфосфат олиш усули билан танинишиб чиқамиз.

### Сувда яхши ўрайдиган фосфорли ўғитлар

**Суперфосфат.** 1 т хом ашёга 1 т сульфат кислота билан таъсир этиб, 2 т маҳсулот олинади. Тайёр маҳсулот таркибидаги фосфор миқдори хом ашёга нисбатан иккى марта кам. Ҳосил бўладиган гипс ўғит массасининг 40%ни ташкил қиласи. Апатит концентратидан таркибida 19%тacha, Қоратов фосфоритидан эса 14%тacha ўзлаштириладиган фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ) тутган ўғит олиш мумкин.

Хомаёт ва кислототани арапаштириш жараёнида бир вақтнинг ўзида қўйидаги реакциялар содир бўлади:




Шундай қилиб, суперфосфат таркибига бир вақтнинг ўзида қалъий монофосфат, қалъий дифосфат ва эркин фосфат кислота каби ўсимликлар ўзлаштириладиган фосфорли биринкмалар киради.

Кукунисимон суперфосфат одатда тўқ кулранг (фосфоритдан олинган) ёки оч кулранг (апатитдан олинган) тусда бўлиб, ундан фосфат кислота хили анқиб туради.

Суперфосфат асослар билан тўйинган мўътадил тупроқларга киритилганда таркибидаги монофосфат тезда қалъий дифосфатга айланади:



Карбонатлар иштирокида жараён давом этади ва кислота таркибидаги учта водород ўрнини  $\text{Ca}$  эгаллаган фосфатлар ҳосил бўлади:



Бундан, суперфосфат тупроқ билан таъсирилашганда қийин эрийдиган бирималарга айланиси кўриниб турибди.


Бир ярим оксидларга бой нордон тупроқларда кам эрийдиган ва ўсимликлар қийин ўзлаширадиган темир ва алюминий фосфатлар юзага келади.

Донадорлаштирилган суперфосфатнинг тупроқ билан таъсирилаши юзаси камайида ва фосфорнинг кимёвий боғланиси сусайди. Кукунсизон суперфосфатни намалаб, айланувчан барабандга қутишиш йўли билан донадор суперфосфат олинида. Унинг танинхари бирмунча қиммат бўлсада, самарадорлиги жиҳатидан кукунсизон суперфосфатга нисбатан муайян устунликка эга. Донадор суперфосфат таркибида наминг камлиги (1–4%), ўзлашириладиган фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ )нинг кўллиги (19,5–22%), нордонлик даражасининг пастлиги (1–2,5%) ва физикавий хоссаларининг яхшилиги билан кукунсизон суперфосфатдан ажralиб туради.


Донадор суперфосфатни ўрғу, картошкада тутунаклари ва қўчатларнинг илдизи атрофига солиши яхши самара беради. 1 ц донадор суперфосфат 3 ц кукунсизон суперфосфатнинг ўрнини босаси.

**Кўш суперфосфат.** Кўш суперфосфат оддий суперфосфатдан таркибида гипс бўлмаслиги ва шу боис  $\text{P}_2\text{O}_5$  миқдорининг кўллиги (42–49%) билан фарқланади.

Кўш суперфосфат ишлаб чиқариша апатит ёки фосфорит концентратига мўл миқдорда сульфат кислота қўшилади.



Хосил бўлган фосфат кислота билан хом ашёнинг янги қисмита ишлов берилади:




Кўш суперфосфат донадор ҳолда тайёрланади. Концентранган ва ташиш осон бўлган бу ўйт айниқса заводлардан узоқда жойлашган вилоятлар тупроқлари учун аҳамиятлидир.

Кўш суперфосфатнинг кимёвий ва физикавий хоссалари, ишлатилиши ва самарадорлиги оддий суперфосфатга яқин. Фақат уни олтингуттуртга ўта тарабан экинлар (масалан, буттудошлар ва дуккаклилар)га мунтазам равишда қўллаб бўлмайди. Лозим бўлса, кўш суперфосфатни таркибида олтингуттурт мавжуд ўйтлар  $[(\text{K}_2\text{SO}_4, (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4)]$  билан бирга қўллаш ёки тупроққа кўшимчада гипс киритиши керак.

**Кальций метафосфат.** Таркибида фақат фосфор тутган оддий ўйт, АҚШда олинган.  $\text{Ca}(\text{PO}_4)_2$  – сувда эримайди, лекин аммонийнинг лимон кислота билан ҳосил қўладиган мўтадил тузи эритмасида эрийди.


Кальций метафосфатнинг тупроқдаги гидролизлашини кўйидатича ифодалаш мумкин:



Жараён сўнгтида кальций монофосфат ҳосил бўлади. Кальций метафосфат 64% атрофида  $\text{P}_2\text{O}_5$  туттани учун энг концентранган фосфорли ўйтлар жумласига киради.

### Кучсиз кислоталарда эрийдиган фосфорли ўйтлар

**Преципратат** –  $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Оқ ёки оч кулранг тусли кукун. Фосфоритни қайта ишлаш жараёнида оли-надиган фосфат кислотани «оҳақ сути» билан чўктириб олинида:



Преципратат таркибидаги фосфор сувда яхши эримайди, лекин аммоний цитратда эрийди ва уни ўсимликлар яхши ўзлашириди.

Физикавий хоссалари яхши: муштлашиб қолмайди, сочилиувчан, ҳар қандай ўйт билан аралаштириш мумкин. Таркибидаги фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ )нинг миқдори хомаёшга боғлиқ равишда 25–27% дан 30–35% гача ўзгариб туради.

Преципрататни барча тупроқларда турли экинларга асосий ўйт сифатидаги ишлатиш мумкин. У тупроқда суперфосфатга нисбатан камроқ боғланади, шу сабабли таркибида уч валентли металл оксидлари кўп бўлган

нордон тупроқларда, шунингдек, серкарбонат бўз тупроқларда ҳам яхши самара беради.

**Фторсизлантирилган фосфат.** Апатит ёки фосфоритни 1400—1450°C ҳароратда сув буглари иштирокида куйдириш ва 2—3% кум ( $\text{SiO}_2$ ) кўшиш йўли билан олинади. Бунада апатиттинг кристалл панжараси бузилади ва таркибидаги фторининг 90%га якини чиқиб кетади, фосфор эса ўзлаштириладиган шаклга ўтади.

Апатит асосида олинадиган фторсиз фосфат 30—32%, фосфорит асосида олинадигани эса 20—22% фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ) тутади. Мазкур миқдорларнинг 70—90% и 2%ли лимон кислотада эрийди. Фторсизлантирилган фосфатдан чорва молларини минерал озиқлантириша ҳам фойдаланиш мумкин.

**Томасилақ.** Фосфорга бой темир рудаларини Томас усулида эритиш жараёнида ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулот. Металл эритиладиган конверторгра куйдирилган оқақ солинади. У эриш жараёнида ҳосил бўладиган фосфат ангирид билан реакцияга киришиб, тўртта кальций тутган фосфатни ҳосил қиласи ( $4\text{CaO}\cdot\text{P}_2\text{O}_5$  ёки  $\text{Ca}_2\text{P}_2\text{O}_9$ ). Арапалашманин бетига қалқиб чиққан шлак ажратилиди, совутилади ва майдаланади.

Тайёр маҳсулот таркибидаги тўрт кальцийли фосфатдан ташқари ўта қийин эрийдиган бошқа фосфатлар ҳам мавжуд бўлиб, ўсимликларнинг озиқланнишида амалий аҳамиятта эта эмас. Ўғит таркибидаги темир, алюминий, ванадий, магний бирикмалари ва микрэлементлар ҳам бўлгани учун тупроқка томасилақ киритилганда микрўғит ишлатишга ҳожат қолмайди.

Томасилақдаги лимон кислотада эрийдиган фосфор миқдори 7—8 дан 16—20%гача ўзгариб туради, бу бевосита руда таркибидаги фосфор миқдорига боғлиқ.

**Мартен фосфатшаги.** Мартен печларда чўяндан пўлат олиш жараёнида ажраладиган фосфорни оқақ билан боғлаб олинади. Шлак таркибидаги кальций силикат, темир, марганец ва бошқа бирикмалар кўп, шу боисдан у фосфорга унча бой эмас (8—12% атрофида  $\text{P}_2\text{O}_5$  тутади). Лекин таркибидаги фосфор тўлалигига лимон кислота эритмасида эрийди. Мартен фосфатшаги кучли ишқорий муддита эта.

## Сувда ва кучсиз кислоталарда эримайдиган фосфорли ўйтлар

**Фосфорит талқони.** Бу ўғит фосфоритни куқун ҳолатга келгунча майдалаб олинади. Ундан фосфор фторапатит, гидроксилапатит, карбонатапатит бирикмалари ҳолида бўлиб,  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  шакллайди. Мазкур бирикмалар сувда ва кучсиз кислоталарда эримайди, шунинг учун ундан аксарият ўсимликлар баҳраманд бўла олмайди.

Фосфорит талқонини тайёрлаш учун паст навли фосфоритдан ҳам фойдаланиш мумкин. Фосфорит талқони — энг арzon фосфорли ўғит. Ундан ўғит сифатида фойдаланиш мумкинлиги А. Н. Энгельгардт, Д. Н. Прянишиков, А. Н. Лебедяев, Б. А. Голубев, Ф. В. Чириков каби танници агрокимёрга олимлар томонидан эътироф этилган.

Тадқиқотлар асосида физиологик нордон ўғитлар (аммиакли — азоти ва калийли) фосфорит талқонини тупроқда парчаланишини кучайтириши, физиологик ишқорий ўғитлар (селитрапар) эса бирмунча сусайтириши исботланган.

Фосфорит талқонининг олий нави 25, биринчи нави 22, иккинчи нави 19%  $\text{P}_2\text{O}_5$  тутади.

## Фосфорли ўғитларни кўллаш

**Асосий ўғитлаш.** Фосфорли ўғитларни тупроққа асосий ўғитлаш даврида киритишдан мақсад — экинларни бутун вегетация даврида фосфор билан таъминлаштириш. Асосий ўғитлашда ўғит шакли, тупроққа киритилайдиган мөбаби, муддати ва чукурлигига алоҳиди эътибор берилади, бошқа озиқ моддалар билан биргаликда кўллаш ёки кўлламаслиг масалалари ҳал этилади.

Мўътадил муҳитли тупроқларда фосфорли ўғитларни кўллаш муддати унчалик аҳамиятта эта эмас, чунки уларнинг ишқорийланиш натижасида йўқолиши деярли кузатилмайди, кимёвий боғланиши натижасида кальций дифосфат ҳосил бўлади, у ҳам ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Кора тупроқларда олиб борилган кузатишларда фосфорли ўғитлар тупроққа киритилгандан кейин 557 кун ўтгач ҳам ўз тасирини ўқотмаган.

Асосий ўғитлашда фосфорли ўғитларнинг кўмилиш чукурлигига биринчи навбатдаги эътибор қаратилиади.

Ўсимликлар ривожланиб боргани сари асосий ўитлаша киритиладиган фосфорнинг ўзлаштирилиш даражасини камайтиб бориши кузатилади. Масалан, маккаждхори (ўгит уруудан 5 см чуқур ва 5 см ёнга ташланган) ривожланишининг бошланнишида таркибидаги фосфорнинг 45–95%, сulton чиқариш даврида 11–33 ва пишиш даврида 7–13%ни ўгит хисобидан тўплайди. Ривожланишининг илъе даврларида фосфор тўлалигича ўгит таркибидан ўзлаштирилса, пишиш даврида ўзлаштирилган фосфорнинг ўндан бир қисми ўгит ва ўндан тўқиз қисми тупроқ фосфори ҳиссасига тўғри келади. Фосфорли ўгит 10 см дан чукуроқка киритилса ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади. Эё ойларидан тупроқнинг юзи қатлами курб қолади ва табиийки, ўсимликлар унадиги фосфордан фойдалана олмайди. Юза қатламларга киритилган фосфорли ўгит кейинги йилда амалга ошириладиган шудгор пайтида тупроқнинг пастки қатламлари билан арааласиди ва шундан кейингина ундан экинлар унумли фойдаланади.

Асосий ўгитлаша чоғида киритиладиган фосфорли ўгит меъёри, тупроқ унумдорлиги, режалаштирилган хосил, ўтмишдош экин ва унга кўлланилган ўгит мидори билан боғлиқ. Одатда техникавий экинларга юқори (120 кг/га ва ундан ортиқ), маккаждхори, картошка, сабзавот ва хашиби илдизмевалиларга ўрга, дон ва дондуккакли экинларга паст (30–45 кг/га) меъёргати фосфор тавсия этилади.

Тупроқка киритилган фосфорли ўгитлар таркибидаги фосфорнинг 5–15% (дэҳқончилик учун ўта қулий ийларда 20%гача) биринчи йилда экилган экинлар томонидан ўзлаштирилади.

Фосфорли ўгитлардан фойдаланиши коэффициентини яхшилаш йўлларидан бири — уни заҳирравий кўллаштирилди. Мазкур усулда ҳар гектарт майдонга 3–4 т атрофида фосфорли ўгит киритилида, бунда ўгитни тупроқка киритиш билан боғлиқ харажатлар кескин камайди.

Фосфорли ўгитларни экши билан бирга кўллаш. Фосфорли ўгитларни экши билан бирга кўллаш мухим аҳамиятга эга. Ўгитлашнинг бу усули нийҳолларни баравж ривожланишига, об-ҳавонинг ноқулай шароитлари, касаллик ва зараркунандалар таъсирига чидамли бўлишига, оқибатда хосилорликни сезиларли даражада ошишига хизмат қилиади.

Дала тажрибалари натижаларининг кўрсатишича, фосфорли ўгитларни экши билан бирга кўллаш кути

буедой ҳосилдорлигини тектарига 3,0 ц га, баҳори бугдойдан олинган кўшимча ҳосилни 2,3 ц га оширади. Нишонланган донадор суперфосфат сули ва гречиха уруғларидан 5 см узоққа киритилганда, ўсимликларни томонидан фосфат-ионларининг ютилиши кеч соидир бўлади. Фосфорли ўгит доначаларининг андозадан кўп йирик бўлиши ҳам ёш нийҳоллар томонидан мазкур элементнинг ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади.

Фосфорли ўгитларни экши билан бирга кўллаш экиннинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, тектарига 7,5–20 кг ни ташкил қиласди. Барча қишлоқ хўжалик экинлари фосфорни экши билан бирга кўллашга талабчан, лекин улардан айримлари (масалан, маккаждхори, кунгабоқар, гўза)нинг уруги ўгит билан бевосита мулоқотда бўлганда нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай экинлар учун экши билан бериладиган фосфор ( $P_2O_5$ ) дозаси тектарига 7,5–10 кг қилиб белгиланади ва ургуда чукуроқ ташланади.

Бошқоли дон экинлари, зигир, экинбоп наша, сабзатларининг уруги фосфорнинг таъсирига бардошли бўлганлиги сабабли уларни бевосита ўгит билан аралаштириб, оддий уруг экши мосламаси ёрдамида экши мумкин. Қандловлаги уруги ва картошка тутунларини экшиши фосфор дозасини тектарига 20–25 кг га етказиши экинларни дуркун ривожланишига ёрдам беради (бир пайтиниң ўзида азотли, бъязан азотли-калийли ўгитлар ҳам киритилади). Ургуни фосфорли ўгитлар билан аралаштириб экинши ҳар иккى компонентнинг қуруқ ҳолатда бўлиши ва муҳитнинг мўтадилга яқин бўлиши эришиш лозим.

Диаметри 1,5 ми дан зиёд фосфорли ўгит доначалари ўз бўлганни юзага келтиради.

Ўгит кўллаш борасида амалга оширилган кўп сонли тадқиқотлар асосида олинадиган иктиносиди самара бўйича 15 кг донадор суперфосфатининг 45 кг кукусимон суперфосфатга эквивалентлиги аниқланган.

Фосфорли ўгитлар билан нийҳолларни кўшимча озиқлантириш. Фосфор ( $P_2O_5$ ) йиллик мебёрининг бир қисмини кўшимча озиқлантириш ёки илдиздан ташҳари (барғдан) озиқлантириш мақсадида ажратиш мумкин. Лекин бир қатор тадқиқотларнинг натижалари фосфорни илдиздан ташҳари озиқлантиришда кўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Масалан, ошқоқвот ўсимлигига фосфорли бирикмаларнинг синтезла-

ниши элемент фәқат илдиз орқали ўзлаштирилганда содир бўлиши кузатилган.

Экинларнинг фосфор билан кўшимича озиқлантиши имкониятларининг чекланганлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ. Ана шулардан энг асосийи фосфат кислота анионларининг тупроқ зарралари билан тезда кимёвий ва физикаларининг кимёвий йўллар билан боғланиши туфайли тупроқдаги бўйлама ва тик ҳаракатланишининг чекланниб қолишидир.

Олдат фосфорнинг йиллик месъёри бирон сабаб билан асосий ўтиглаш ёки экиш билан бирга бериб туталланмаса, кўшимича озиқлантириши сифатида киритилади. Кўшимича озиқлантириши чопиқталаб экинларга 10—12, имкони бўлса, 14—16 см чукурликда ўтказиши керак.

Тадқиқотлар асосида гўза бошқа қишлоқ хўжалик экинларига қараганда фосфор билан кўшимича озиқлантириша талабчан экин эканлиги исботланган.

#### Билимнинг синап кўринг

1. Ўсимликлар таркибидаги фосфор қанақа биримлар шаклида учрайди?
2. Фосфор ўсимлик танасидаги қайси жараёнларда фаол қатнашади?
3. Фосфорни ўсимликлар қайси биримлар шаклида ўзлаштиради?
4. Қайси ўсимликлар тупроқдаги қўйин эрйидиган фосфорли биримларни ҳам ўзлаштира олади?
5. Тупроқда фосфор қандай шаклларда учрайди?
6. Апатитлар ва фосфоритлар. уларнинг ўхшаш ва фарқланувчи белгилари.
7. Фосфорни ўтиглашни эрувчанингига кўра қандай гуруҳларга бўлиши мумкин?
8. Суперфосфатни олиш усулини тушунтириб беринг. Оддий ва кўш суперфосфатнинг фарқи нимада?
9. Кучинс кислоталарда эрйидиган фосфорли ўтиглашларга тавсиф беринг.
10. Фосфорни ўтиглашни асосий ўтиглаш жараённида киритиш ва унинг самарадорлиги.
11. Фосфорни ўтиглашни экиш билан бирга юлаштиришни тушунтиринг.

## VI Б О Б. КАЛИЙЛИ ЎТИГЛАР

### Калийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти ва ҳосил таркибидаги миқдори

Калий тадқиқотчиларга ўсимлик ишқори — *поташ* сифатида азалдан маълум бўлсада, уни соғ ҳолда 1807 йилда кимётар олим Дэви ажратиб олди. Ўсимлик, тупроқ ва ўтиг таркибидаги калийни  $K_2O$  га айлантириб ифодалаш қабул қилинган.

Жонли ва жонсиз табиатда калий учта изотоп:  $^{39}K(93,08\%)$ ,  $^{40}K(0,011\%)$  ва  $^{41}K(6,91\%)$ ларнинг араплашмаси сифатида учрайди.

Ўсимликлардаги калийнинг асосий қисми цитоплазма ва вакуолаларда бўлгани ҳолда, ядрода учрамайди. Ялпи калийнинг 20%га яқини ўсимлик хужайраларининг цитоплазма коллоидлари томонидан алмашинувчан шаклда, 1% митохондриялар томонидан алмашинмайдиган шаклда ютилади. 80%га яқин калий хужайра ширасидаги ион шаклида бўлиб, органик биримлар таркибида кирмайди. Шунинг учун узоқ ва шиддатли ёмғирлар таъсирида барглардаги (айниқса эски барглардаги) калийнинг анча қисми ювилиб кетади.

Хлоропластлар ва митохондрияларда тўпланадиган калий уларнинг тузилишини маромита келтирида, фотосинтетик ва қайтариливчан фосфорилаш жараёнларида энергияга бой АТФлар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Куннинг ёргу қисмидаги калий ионининг хужайра коллоидлари билан боғланиши кучаяди, кечалари аксинча, сусади, натижада унинг бир қисми илдиз тизими орқали тупроқка ажралади.

Калий ўсимлик танасининг барча қисмларida бир текис тақсимланмайди, кўпроқ қисми модда алмашинуви ва хужайра бўлиниши жадал кетадиган меристема ва новдаларда тўпланади. Гул чангчиларидаги ҳам калий миқдори кўп. Масалан, маккажхўори чангчилари кули таркибидаги кальций, магний, олтингутурт ва фосфор-

нинг юғиндиси 25%га етмагани ҳолда, биргина калий миқдори 35,5%-ни ташкил қылады.

Калий биринчи навбатда цитоплазма коллоидларининг дисперсланиши даражасини ошириши билан уларнинг гидратланышини күчайтиради. Бу ўз навбатида ўсимликнинг сувни тутиб турини қобилиятини оширади ва киска муддатли курғоқчилларни енгиз үтишига ёрдам беради.

Калий танқислиги натижасида оддий углеводларнинг аңча мураккаб углеводлар (ди- ва полисахаридлар)га айланиси сусайди. У қанды моддаларниң бараглардан ўсимликнинг бошқа қисмларига оқиб ўтишини күчайтиради, углевод алмашинуви ферментлари, жумладан *амилаза* фаолигини оширади. Калий танқислигидан бир катор ферментларнинг фаолиги сусайди, ўсимликка углевод ва оқсил алмашинуви бузилиди, қанды моддаларнинг асосий қисми нафас олиш жараёни учун сарфланади, пуч донлар шаклланади ва донли экинлар хосилордиги кескин камайды.

Калий ўсимликларда бир катор витаминларнинг (масалан тиамин ва рибофлавин) синтезланиши ва тўпланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Калий ҳужайра ширасининг осмотик босимини оширади, шу туфайли ўсимликларнинг совукқа чидамлилиги ошади.

Калий билан етарида даражада озиқлантирилган ўсимликларнинг турли касалликларга (галья экинларнинг қоракува ва занг касалликлари, сабзавотлар, картошка ва илдиз мевалиларнинг чириш касаллигига чидамлилиги кучайди.

Калий – кальций ва магний элементлари қатори қишлоқ, ҳўжалик экинлари томонидан аммиак шаклдаги азотнинг ўлаштирилишига ёрдам беради.

Ўсимликларда калий этинаслитининг асосий белгилари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: қари (эски) бараглар чеккасадан бошлаб эрта сарға бошлайди, кейинчалик уларнинг чеккалари кўнғир (баъзан зангисон нуқтаги кизил) туе олади ва маъмуд муддатдан кейин барагларнинг четлари нобуд бўлади ва йиритилганга ўхшаб қолади (4–5-рангли расмлар).

Катион сифатида ютилган калий ўсимлик ҳужайрасида зарядланган ион ҳолида бўлиб, ҳужайра моддалари билан жуда кучисиз боғланади ва ҳужайрадаги ноорганик анионлар ва полизелектролитларнинг манфий зарядларини мўътадиллаштиришда асосий радиацион ҳисоб-

ланади. Шунингдек у ионлар *ассиметриясини* ва ҳужайра ҳамда мұхит ўртасида электр потенциаллари айрмаисини юзага келтиради. Айни хусусиятлар калийга ўсимликларнинг минерал озиқланнишида ўзига хос функцияларни юклаган бўлса, ажаб эмас.

Маълумки, калий ҳужайрадаги бошқа катионлар миқдорининг кўпайishiغا ва атроф эритмаларда калий концентрациянинг ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳужайрадаги калий миқдори ва ўсиш жараёни жаддлиги ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шу боис калий танқислигига ҳужайраларнинг бўлинниши, чўзилиши ва ўсиши сустлашади деб таҳмин қилинади.

Ҳозирги кунда ўсимликларда оқсил синтези ва калий миқдори ўртасида ижобий муносабат бордиги тўғрисида етарида маълумотлар тўплланган. Калий стишимагандага фотосинтез маҳсулотларининг бараглардан бошқа органларга оқиб ўтиши секинлашади, маҳсулдорлиги пасади.

Калийга нисбатан критик (танглик) давр ривожлашишнинг илк даврларида (уруг униб чиққандан кейинги 15 кун ичига) кузатилади. Калийнинг энг кўп миқдори одатда ўсимликларда биологик масса жадал тўпланидиган даврда ўлаштирилади.

Донли ва дон-дуккакли экинларда калийнинг ўлаштирилиши гуллаш-сут пишиш даврларида, зигирда қийғос гуллаганда туталанса, картошка, қандловлагида – иллизиме, карамда эса карам бош шаклланадиган пайтада кучайди.

Будойда ўлаштирилиши мумкин бўлган калийнинг 25,4%ни тупланиш давригача, 42,1%ни начайчалаш ва 100%ни бошклоша давригача ўлаштирилиши аниқланган.

Ғўза шоналаш давригача (униб чиққандан 31 кун ўтга) 2,8%, шоналашдан гуллашгача (58-кун) 17,8%, пишиш олдидан (145-кун) 100% калийни ўлаштиради. Бундан фўзада калийнинг ўлаштирилиши анча узоқ давом этиши кўриниб турибди.

Калийнинг ферментлар фаолигига таъсирини ўрганиш асосида бу катион фермент молекуласи билан таъсирилашиб чогига «фермент-К-субстрат» комплексини ҳосил қилиб, унинг конформациясини ўзартириш қобилиятiga эга эканлиги аниқланган. Калий фақаттина фермент оқсиллар эмас, балки бошқа турдаги оқсиллар учун ҳам ион-эффектор бўлиши мумкин деган таҳмин мавжуд.

Шунингдек, ҳужайра мембраннысандан калийнинг

үтүвчанлыгы ҳам башқа ионларга қараганда ( $H^+$  ионидан ташқары) анча юқоридири.

Калий үсімлікдеги механикавий элементлар, найсімон тутамлар ва луб толаларининг ривожланишига, пояларнинг йүйгендешілигіне ошиштырып беради, пахта зигир ва каноп толаларининг ҳосили ва сифатыда ижобий таъсир күрсатады.

Үсімлік тана қысмларында калий міңдори үсус давурига болғанда үзгәрип тұрады. Башқа элементларда күзатылған кабін калий ҳам қары (ескі) барглардан еш бағыларға оқиб үтады, янын үндандай қайта фойдаланыш реутилизация содир бўлади.

Калийнинг қары барглардан ёш баргларга оқиб үтишида натрий фаол иштирек этады, у үсішдан тұхтаган тұқымаларда калийнинг ўрнини эгаллайды. Шундай қилип, калийнинг үсімлік танаасыда тарқалыши концентрациянинг базисетель градиенти билан харakterланады, янын унинг бағы ва тояқ қысмларында міңдори настадан юқорига қарағанда ортиг боради.

Кишлак хўжалик экинлар үз ҳосили тарқибидан туадиган калийнинг міңдори билан бир-биридан кескин фарқ қыллады. Қарам, картошка, қандлавлагы асосий ва қўшимча маҳсулотлари тарқибидан калийни күпроқ тұтады. Калийга айнанца сабзовать экинларининг ҳосили бойдир (30-жадвал).

Донли экинлар калийни азотта тенг міңдорда, фосфордан 2,5–3,0 марта күпроқ ( $N:P_2O_5:K_2O=2,0-3,0:1:2,5-3,0$ ) ўлаشتырса, картошка, қандлавлагы ва башқа илдизмевалиларда бу нисбат тахминан 2,6:1:4 ни ташкил қылади.

### 30-жадвал.

Айрим экинлар ҳосили тарқибидаги  $K_2O$  инг үртака міңдори,

куруқ моддага нисбатан %ларда

(А. В. Петербургский, 1989)

Экин тури	Маҳсулот	$K_2O$	Экин тури	Маҳсулот	$K_2O$
Күзги донли экинлар	дони сомони	0,65 1,10	Қарам	карамбони	4,60 5,65
Баҳорги донли экинлар	дони сомони	0,67 1,30	Болпринг	меваси	3,70
Маккаждӯхори	дони пояси	0,43 1,93	Сабзи	меваси	3,20
Қандлавлагы	илязимева барғи	1,00 3,00	Помидор	туғунағи	2,40
			Картошка	палағи	3,70
				пояси	1,10
				толаси	1,00

Турли экинлар ўзларининг бир тонна ҳосили ва шунга мөс қўшимча маҳсулоти билан тупроқдан турли міңдордаги калийни олиб чиқиб кетады ва бу рақам донли экинларда 25–37, дуккаклидан экинларда 16–20, картошкада 7–9, қандлавлагида 6,7–7,9, сабзовать экинларда 4,0–5,0, ба беда пиччанида 20–24 кг га тенгdir. Лекин келтирилган бу рақамлар таққослаш учун жуда ноқулай, чунки экинлар ҳосили тарқибидаги қуруқ міңдори билан бир-биридан кескин фарқланады. Шуннинг учун олиб чиқиб кетиладиган озиқ элементлар міңдорини гектардан олинадиган үртача ҳосил ва қўшимча маҳсулот асосида кўрсатиш мақсадга мувофиқидири (31-жадвал).

### 31-жадвал.

Асосий қиплоқ хўжалик экинларининг ҳосили тарқибидаги  
калий міңдори

(А. В. Петербургский, 1989)

Экин тури	Олинадиган маҳсулот, т/га		Олиб чиқиб кетиладиган умумий калий, кг/га
	ҳосил	сомон, поя ва башқа	
Донли экинлар	2,0–2,5	4,0–6,0	45–47
Гречиха	2,0	6,0	150
Зигир ва наша	1,0	4,5–6,0	50
Кунгабокар	1,8	7,5	360
Картошка	20,0	12,0	200
Қандлавлаги	30,0	20,0	175
Қарам	70,0	40,0	310
Дуккакли-дон экинлари	2,0	3,0	40
Беда (пиччани)	10,0	—	150

Донли экинларда ҳосил билан мосуво қилинадиган калий қўшимча маҳсулотлар билан (сомон ёки паҳол) олиб чиқиб кетиладигандан анча кам бўлса, илдизмевалилар ва сабзовать экинларда, аксинча, унинг асосий қисми ҳосил ҳиссасига тўғри келади.

Будой донила ялпи калийнинг 15% жамланади, қолтаг 85% жана сомон тарқибига киради. Бунинг аксинча, картошка тутанаклари 95%га якин калий тутгани ҳолда, унинг палаги ҳиссасига атиги 5% калий тўғри келади.

Үсімлік шоҳ-шабаларининг тўқилиши, бағлардан ёмғир таъсирида ювилиб тушшиши ва илдиз тизими орқали мальум міңдорда ажralиши ҳисобига тупроқдан чиқиб кетадиган калий міңдори юқорида келтирилган рақамлардан 20–30% кам бўлади.

Айниқса, ёмғир таъсирида ювиладиган калий миқдорини ўрганиш борасида талай тадқиқотлар ўтказилган (*Голланда*). Текширишлар асосида бир гектар майдонда 1675 кг қары барглар борлиги аниқланган. 18 соат давом этган ёмғирдан кейин мазкур баргларда мавжуд бўлган 75 кг калийдан атили 39,6 кг и сақланиб қолган. Туни ёмғирлар таъсирида кундуз ёғалигандан кўра кўпроқ калий ювилади. Масалан, мұқаррар <sup>4</sup>K изотопи ёрдамида аниқланишича, ловия баргидан ювиладиган калийнинг 71% и кечаси, қолган қисми кундузи ёғадиган ёмғир ҳиссасига тўғри келади.

### Тупроқдаги калий

Калийнинг ер қобигидаги ўртача миқдори 2,14% таңг. Кўтгиллик тупроқлар узун она жинс вазифасини ўтовчи чўкинди жинслар таркибида ҳам калий кўп учрайди. Тупроқдаги япти калийнинг миқдори азот ва фосфорнинг йигинди миқдоридан анча кўпдир. Ҳайдамлаш қатламдаги япти калийнинг миқдори азот миқдорига нисбатан 5–50 марта, фосфорга нисбатан 8–40 марта кўп.

Собиқ Иттифоқ тупроқларнинг калий билан таъминлашини таққослаб кўрсак: энг кўп калий бўз ва қора тупроқларда, энг ками эса қизил тупроқларда учрайди.

Калийнинг асосий қисми тупроқнинг минерал қисми таркибига киради. Тупроқдаги калий турли-туман бирималар таркибига киради ва үларни 5 та гурухга бўлиши мумкин:

1. *Биралмачи ва иккисида минераллар кристалл панжаралари таркибидаги калий*. Бу гурухга мансуб калийнинг энг кўп миқдори алюмосиликатлар (дала шпатлари, мусковит, биотит, глауконит, нефелин, лейцит ва б.) таркибига киради. *Дала шпатлари* (ортоклаз) таркибидаги калий ўсимликлар томонидан деярли ўзлаштирилмайди. Мусковит, биотит ва нефелинадаги калийдан ўсимликлар бир қадар баҳраманд бўлиши мумкин.

2. *Тупроқ коллоидлари юзасига алмашинадиган ҳолатда ютилган калий*. Кумокларда япти калийнинг 0,8%, созли тупроқларда 1,5%, бўз ва қора тупроқларда 3,0% га яқини шу шаклда ютилади. Илдиз тизимидан ажralадиган водород ионлари ( $H^+$ ) таъсирида ўсимликлар мазкур шаклдаги калийни ўзлаштира олади.

3. *Сувда эрийдиган калий*. Унинг миқдори алмашинувчан калийнинг 1/5–1/10 қисмини ташкил қиласи. Бу шаклдаги калийнинг юзага келиши бир қатор жарәйлар билан узвий боелик; а) калийди минералларнинг гидролизи; б) минералларнинг илдиз ажратмалари таъсирида парчаланиши; в) нитрификацияловичи бактериялар томонидан тўпландиган нитрат кислота ва бошқа нордон маҳсулотларнинг таъсири; г) тупроққа кирилладиган минерал ўйтитлар таъсирида алмашинувчан калийнинг сиқиб чиқарилиши.

4. *Микроорганизмлар ва ўсимликларнинг ангиз ва илдиз қолдиқлари таркибидаги калий*. Бу гурухга мансуб калий фақатгина микроорганизмлар нобуд бўлгач ва ангиз ҳамда илдиз қолдиқлари чириб, минераллашгандан кеин ўсимликлар ўзлаштирилдиган шаклга ўтади.

5. *Тупроқ томонидан фиксацияланган калий*. Тупроқда калийнинг қийин эрийдиган ҳолатдан сувда эрийдиган ёки алмашинувчан ҳолатдан ўтиши билан бир қаторда тескари жараён, уларнинг ҳаракатчан шаклдан алмашинмайдиган ҳолатда ўтиши ҳам содир бўлади. Мазкур жараёнга калийнинг фиксацияланши дейлади. Калийнинг фиксацияланши тупроқ юза қатламининг гоҳ намдани, гоҳ куриши натижасида содир бўлади.

Эрувчалитги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига кўра тупроқдаги калийни куйидагича тасниф қилин мумкин:

1) *сувда эрийдиган калий* (ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади);

2) *алмашинувчан калий* (ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади);

3) *ҳаракатчан калий* (сувда осон эрийдиган ва алмашинувчан калийлар йигинидиси);

4) *алмашинмайдиган-гидролизланадиган* ёки қийин эрийдиган калий;

5) *кислотада эрийдиган калий* — юқорида айтилган тўрт хил калийни ўз ичига олиб, кучли кислотанинг қайноқ зритмаси (0,2н ёки 10% ли  $HCl$ ) ёрдамида ажратиб олинади;

6) *алмашинмайдиган калий* (япти ва кислотада эрийдиган калийлар ўртасидаги айрима асосида топилади).

Алмашинувчан ва алмашинмайдиган — гидролизланадиган калийларнинг миқдори ҳисоблаш йўли билан топилади: алмашинувчан калий — ҳаракатчан ва сувда эрийдиган калийлар ўртасидаги айримага тенг бўлса, алмашинмайдиган-гидролизланадиган калий — кислотада эрийдиган калийлар ўртасидаги айримага топилади.

тада эрийдиган ва ҳаракатчан калий миқдорларининг айримасига тенгидир.

Ўсимликларнинг озиқланишида асосий роль ўйнайдиган ҳаракатчан калийнинг миқдори турли тупроқ типларидаги ялпи калийнинг атити 0,5–2,0% ини ташкил қилади.

Тупроқдаги калий шакларининг мунтазам равишда бир турдан иккинчи турга ўтиб туриши аниқланган.

Тупроқлардаги алмашинувчан калийнинг 10–25% и сувда эрувчан, кислотада эрийдиган калийнинг 5–25% алмашинувчан, ялпи калийнинг 2–15% и кислотада эрийдиган ҳолатда бўлиши ишботланган.

Агрокимё фани ва амалиётида ўсимликлар озиқлашишида мухим аҳамиятга эга бўлган ҳаракатчан калий миқдорини аниқлаш мухим ўрин тулади.

Ҳаракатчан калийнинг миқдори турли тупроқларда турли усуллар ёрдамида аниқланади. Масалан, бўз тупроқлар ва шунингдек, бошқа серкарбонат тупроқларда *Мачигин-Промасос* (1% ли аммоний карбонат сўрими), чимли-подзол ва сур тусли ўрмон тупроқларида *Кирсанов* (0,2н хлорид кислота сўрими), қора тупроқларда *Чириков* (0,5н сирка кислота сўрими), қизил ва сарик тупроқларда *Ониани* (0,1н сульфат кислота сўрими), Болтиқ бўйи тупроқларида *Энер-Рим-Доминго* (сур ва сирка кислоталари ҳамда сирка кислотанинг аммонийли тузларидан тайёрланадиган буфер эритма) усуларидан фойдаланилади.

Агрокимёвий таҳдил асосида тупроқларнинг ҳаракатчан калий билан таъминланганлиги бўйича агрокимёвий хаританомалари тузилиши ва шу асосида ҳар бир экин тури учун калийли ўғит меъёллари белгиланади.

### Калийли ўғитлар, уларнинг олинини ва хоссалари

Калийли ўғитларни кенг миқёсда ишлатиш Республикасида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб йўлга кўйилди. Собиқ Иттилоғ даврида калийли ўғитлар тўлалигига *Русия* (*Верхокамск, Соликамск*), *Белорус* (*Старобинск*) ва *Украина* (*Калуш-Галинск*) конларидан олинадиган ҳомашёлар асосида ишлаб чиқилар эди.

Хозирга кунда Ўрта Осиёнинг ўзида бир катор конларда, масалан, Туркменистоннинг *Тубегатан*, Қарлук конлари, Қашқадарё вилоятидаги *Тубакат*, Сурхондарё вилоятидаги Ҳўжсанкон конларидан ҳомашё олиш ва улардан калийли ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга

кўйилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Сурхондарёнинг Ҳўжсанкон калий тузлари Республикасиз дехқончилигини қарийб юз йил давомида калийли ўғитлар билан таъминлаш имкониятига эга. Бу конлардан олинадиган тузларни комплекс қайта ишлаш ѹўл-йўлақай бром, темир, магнезит, гипс ва бошқа материаларни ҳам олиш имконини беради.

Деярли барча конлар (конларнинг 92% га яқини) хлоридли ва сульфатли ҳомашё берадиган конлар тоифасига киради ва улардан олинадиган ўғитлар ҳам хлорли ҳамда сульфатли калийли ўғитлар деб юритилади.

Хлорли калийли ўғитлар ишлаб чиқаришида асосий ҳомашё *сильвинит* (таркибида 12–15%  $K_2O$  тутади) бўлиб, у *сильвин* ( $KCl$ ) ва *галит* ( $NaCl$ ) аралашмасидан иборатиди.

Сульфатли калийли ўғитлар ишлаб чиқаришида *каинит*, *лангбейнит* ва *алунит*дан фойдаланилади.

Калийли ўғитлар концентранган (калий хлорид, калий сульфат, калий хлорид электролити, калий тузи, калимагнезия, калийли-магннийли концентрат) ва ҳом (сильвинит, каинит) калийли ўғитларга бўлинади.

### Саноат асосида олинадиган калийли ўғитлар

Калий хлорид ( $KCl$ ). Энг кенг тарқалган калийли ўғит хисобланаб, ишлаб чиқариладиган калийли ўғитларнинг 85–90% ини ташкил қиласди. Таркибида 53,7–60,0% гача  $K_2O$  тутади. Давлат андозаси бўйича калий хлорид намлнги 1% дан кўп бўлмаган, куррант жилвага кэга пушти ва оқ кристалларнинг аралашмаси ҳолида ишлаб чиқарилади.

Калий хлорид икки хил: *галургия* ва *флотация* усуллари ёрдамида олинади.

Сильвинитдан калий хлоридни галургия усулида ажратиб олиш  $KCl$  ва *NaCl*ларнинг сувда турли ҳароратларда эришига асосланган. Ҳар иккى туз билан бойитилган эритманнинг ҳарорати 20–25°C дан аста-секин 90–100°C гача кўтарилади. Бунда  $KCl$  нинг эрувчанилиги иккى марта ошганда *NaCl*нинг эрувчанилиги ўзгарамайди. Эритма қайта совутилганда,  $KCl$  кристалланишига учрайди ва ўқади,  $NaCl$  эса эритмада қолади.

Флотация усули  $KCl$  ва  $NaCl$  заррачалари юзларининг сув билан турли даражада ҳўлланшига асосланган. Турли лойли шламмлардан тозаланган ва яхшилаб майдаланган руда сув ёки сувнинг ёли аминлар кўшил-

ган аралашмаси ёрдамида бўтана ҳолига келтирилади. Пульпа орқали юборилган ҳаво оқими майдан туфакчалар ҳолиди аралашма орасидан ўтиш жараёнига *гидрофоб* хусусияти заррачаларни илаштириб эритманинг бетига (кўпик ҳолатида) олиб чиқади. Бу *KCl*нинг концентрати булиниб, центрифугалаш йўли билан ундан ўтиг ажратиб олинади ва қуритилиади. *NaCl* эса, бошлангич аралашманинг тубига қўқади, ажратиб олинади ва тегиши мақсадларда ишлатилади.

Флотация ва галургия усуллари билан олинган калий хлорид майдай кристалл заррачалар шаклида бўлади. Гигроскопиклиги юкори бўлганлиги сабаби сақлаш жараёнида нам тортиб, муштлашиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун заррачалар донандорлаштириллади (1–3 мм катталикда) ёки аминилар қўшиш йўли билан ёпишқоқлиги камайтирилади.

**Калий туз ( $KCl + mKCl \cdot nNaCl$ ).** Кулранг ва пушти кристаллар тутган, калий хлорид ва сильвинит аралашмасидан иборат ўтиг.

Давлат андозаси бўйича намлиги 2% дан ошмаслиги, таркибидаги  $K_2O$  нинг микдори 40% дан кам бўлмаслиги керак. Ҳаводан нам тортиб, ташиш ва сақлаш жараёнида муштлашиб қолади.

Таркиби ва хоссаларига кўра сильвинит ва калий хлорид ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди.

Калий тузин натрийга талабчан ва хлорига чидамли экинларга (қандлавлаги, хашаки ва хўрка илдизмевалилар) қўллаш яхши самара беради. Бу ўтиг хлорга таъсирчан экинлар учун училик яроқли эмас. Лекин кузги шудгор остига кирилитганда, таркибидаги хлорнинг асосий қисми ювилаб кетади ва экинларга кўрсатадиган салбий таъсири йўқолади.

**Калий сульфат ( $K_2SO_4$ ).** Оқ тусли (баъзан сарғиш жилвага эга) майдай кристалл заррачали кукун. Таркибидаги намлики 1,2% дан камроқ,  $K_2O$  нинг микдори 46–50% атрофида. Муштлашиб қолиш эҳтимоли кам, халталарда ёки очик ҳолатди ташилади.

Калий сульфатни турли тупроқ типларидан барча қишлоқ ўзажалик экинларига ишлатиш мумкин, айниқса, хлорга сезигир экинлар (тамаки, ток, зигир, картошка ва бошқаларга) қўллаш яхши самара беради.

**Калимагнезия ( $K_2SO_4 \cdot MgSO_4 \cdot 6H_2O$ ).** Кулранг тусдаги майдай кукун ёки пушти доначалар ҳолиди ишлаб чиқарилади. Таркибida 29%  $K_2O$ , 9%  $MgO$  тутади, намлиги 5% атрофида. Муштлашмайди. Қоғоз ва полистилен қоп-

ларда ёки очик ҳолда ташилади. Калий сульфат каби уни ҳам хлор ионига сезигир ва калий билан бир қаторда магнени кўп талаб қиласидаги экинлар (картошка, зигир, беда ва бошқаларга), айниқса, таркибida магнний кам бўладиган тупроқларга киритиш мақсадга мувофиқиди.

**Калий-магнезий концентрат.** Кулранг тусли донашор ўтиг. Намлиги 1,5–7,0%. Таркибida 18,5%  $K_2O$  ва 9% га яқин  $MgO$  мавжуд. Муштлашмайди, очик ҳолатда ташилади. Хлорга таъсирчан экинларга кўлланилади.

### Табиий калийли тузлар

Табиий калийли тузлар таркибida калий билан бир қаторда турли-туман қўшимчалар микдорининг кўплиги билан характерланади, қайсики, ўйтларни ташиш, сақлаш ва тупроққа киритишга кетадиган сарф-харажатларни кўпайтиради.

Табиий калийли тузлардан сильвинит ва кайнит энг кўп тарқалган. Уларнинг таркибida кўп микдорда хлор мавжудлиги сабаби (масалан, сильвинитда 1 кг калийга 4 кг хлор тўғри келади) тамаки, цитрус экинлари, ток, зигир, каноп, гречиха, картошка ва бошқа бир қатор қишлоқ ўзажалик экинларига салбий таъсир кўрсатади.

**Сильвинит ( $KCl \cdot NaCl$ ).** Таркибida 14–18%  $K_2O$ , 34–38%  $Na_2O$  ва 52–55%  $Cl$  (ёки 75–80%  $NaCl$ ) бўлади. Орасида кўк кристаллари бўлган кулранг-қўнғир тусли, 1–4 мм катталикдаги (4 мм дан йирик фракция 20% дан кам) майдаланган жинис. Сувда яхши эриди. Гигроскопиклиги кам, лекин ҷаённинг намлиги юкори бўлган шароитларда сақланса, нам тортади, қуритилганда муштлашиб қолади.

Сильвинит асосий ўтиг сифатида тупроққа кузги шудгор пайтида киритилади. Бунда хлорнинг асосий қисми тупроқнинг кўйи қатламларига ювилаб кетади, кайси эса *TCK* томонидан ютилади.

Таркибida кўп микдорда натрийнинг бўлиши ( $K_2O:Na_2O = 1:2.5$ ) уни қандлавлаги, озуқабон ва хашики илдизмевалиларга ишлатишни тақозо этади.

**Кайнит —  $KCl \cdot MgSO_4 \cdot 3H_2O$**  дан ташкири кўп микдорда  $NaCl$  тутган аралашма. Таркибida 10–12%  $K_2O$ , 8% га яқин  $MgO$ , 40% атрофида  $Cl$  ва 35%  $Na_2O$  тутади.

Кайнитли ва кайнит-лангбейнитли жинсларни майдалаша ўюли билан олинади. Асосий ўтиг сифатида иш-

латилади. Магний билан кам таъминланган тупроқларда илизимеваллалага кўллаш тавсия этилади.

*Карналлит* ( $KCl \cdot MgCl_2 \cdot 6H_2O + NaCl$ ) майдалангандан руда, 12–13%  $K_2O$  тутади. Ўта гигроскопик, муштлашиб қолиш хусусиятига эга. Бошқа калийли ўғитларга нисбатан кам ишлатилади.

### Калийли ўғит сифатида ишлатиладиган саноат чиқинидлари

*Поташ* ( $K_2CO_3$ ). Физиологик ишқорий ўғит. Таркибида 52–55% гача  $K_2O$  тутади. Нефелиндан алюминий олиши жараёнида чиқинди сифатида ажралиб чиқади. Хлорга таъсиридан экинлар учун энг яхши балластиз ўғит. Лекин физиокавий хоссалари ёмон – ўта гигроскопик, қовушувчан ва тез қотиб қолади, яхши сочилмайди. Тупроқка киритиш олидан уни 1:1 нисбатда торф ёки чиринди билан аралаштириш лозим.

*Кул* – таркибида калий, фосфор, кальций ва аксарият микрэлементлар тутган қимматли ўғит. Шунинг учун ҳам Д. Н. Прянишников куллардаги ўғит сифатида фойдаланиши масаласига алоҳида эътибор берган.

Ёвоч, ўсимликларнинг поя ва сомонлари кўйдирилганда ҳосил бўладиган кул таркибида кўп миқдорда  $K_2CO_3$  ва  $KHCO_3$  мавжуд.

Кул таркибидаги озиқ элементларининг миқдори кўп жиҳатдан дараҳт ёки экин тури, шунингдек, гўнг, торф ва тошкўмирнинг сифатига боғлиқдир (31-жадвал).

Кул таркибидаги калий сувда яхши ёридинган шаклда бўллади. Калийнинг бу шакли барча қишлоқ ҳўжалик экинларининг озиқланиши учун яроқлидир.

31-жадвал.

Турли ўсимлик ва жинслардан олинидаган кулнинг қиммёвий таркиби, %

Кул тери	$K_2O$	$P_2O_5$	$CaO$
Япроқли дараҳтлар кули	10,0	3,5	30,0
Нинабарли дараҳтлар кули	6,0	2,5	35,0
Жавалар сомони кули	16,2	4,7	8,5
Гречиха сомони кули	35,3	2,5	18,5
Кунгабоқар поясни кули	36,5	2,5	18,5
Тезак (гўнг) кули	11,0	5,0	9,0
Торф кули	1,0	1,2	20,0
Тошкўмир кули	2,0	1,0	-

Гречиха пахоли, кунгабоқар поясни шунингдек, жавдар сомонидан олинидаган куллар ўз таркибида кўп миқдорда калий тутади.

Дараҳтларнинг ёғочидан олинидаган кулда калий кам, кальций эса кўпроқ бўлади. Гўнг (тезак) кули таркибида ҳам калийнинг миқдори бирмунча кўп, лекин гўнгни кўйдириб, кулини ишлаттандан кўра ўзини маҳаллий ўғит сифатида ишлатиш яхши самара беради.

Торф ва тошкўмир куллари калийли ўғит сифатида амалий аҳамиятта эга эмас.

Тупроққа киритиш учун тайёрланган кул маҳсус, куруқ хоналарда сақланиши лозим, чунки намлик унлаги озиқ мозддаларни, биринчи навбатда калийни, ишқорий ҳолатта ўтишига ва йўқолишига сабаб бўлади. Табиийки, бунда кулнинг ўғит сифатида қиммати пасайди.

Кули кузги ёки баҳорги шудгорлаш пайтида ёки қўшимча озиқлантаришида гектарига 5–8 ц миқдорида, кузги экинлар ва бедага 4–6 ц миқдорида кўллаш мумкин.

*Хлор-калий электролити*. Бу ўғит калий хлориднинг турли бирималар (5%  $MgO$ , 5%  $Na_2O$  ва 50% гача хлор) билан аралашмасидир.

Хлор-калий электролити – карналлитдан магнийни ажратиш жараёнида олинидаган чиқиниди. Ўсимликларга таъсири бўйича калий хлоридга яқин. Серчанг, сарик тусли майда кристалл кукун. Таркибида 31,6–45,5%  $K_2O$  мавжуд, муштлашибмайди (таркибидаги нам миқдори 4% гача етиши мумкин). Қоғоз қопларга жойлад ёки очик ҳолатда ташилади. Асосий ўғит сифатида барча қишлоқ ҳўжалик экинларига ишлатиш мумкин.

*Цемент чанги (гарди)*. Таркибида карбонатлар, бикарбонатлар ва калий сульфат ҳолида ўртача 14–15%  $K_2O$ , шунингдек, 19%  $CaO$ , 3–4%  $MgO$  ва 1% атрофида  $Na_2O$  тутади.

Унга хос бўлган салбий физиокавий хоссаларни (чаниш, кучли гигроскопиклик) донадорлаштириш йўли билан ўютиши мумкин. Хлорга таъсиридан экинларга асосий ўғит сифатида киритилади.



Калийли ўғитларнинг аксарияти қишлоқ ҳўжалик экинларининг ўсимликтарнинг салбий таъсири кўрсатадиган хлор ионларини тутади. Шунинг учун улар таркибидаги калийнинг хлорга бўлган нисбатини ( $K_2O:Cl$ ) билиш муҳим аҳамиятта эга. Бу нисбат сильвийнгидага 4,0–5,2, карналлитда 3,0–3,3, 40% ли калий

тузида 1,4—1,9, калий хлоридда 0,9—1,0, калий сульфат ва калимагда 0,02—0,1 га тенглдири.

### Калийли ўғитларнинг тупроқ билан ўзаро таъсири

Малзумки, барча калийли ўғитлар сувда яхши эрийди. Тупроққа кирилганда улар тезда эрийди ва тупроқ сингидриш комплекси (ТСК)даги коллоид заррачалар билан алмашинувчан ва алмашинмайдиган тарзда таъсирлашади. Калийнинг тупроқда алмашинмайдиган ҳолатда ютилиши ўғит кўлланилгандан кейин 24 соат ўтгач тутгаллиниши ва бунду ўғитни кўллаш муддати ҳамда чукурлиги аҳамиятсиз эканлиги аниқланган.

Калийнинг физикавий-кимёвий усууда карбонатли ва нордон тупроқларда сингидрилишини содла кўришида кўйидагича ифодалаш мумкин:



Калий катионлари тупроқка алмашинувчан тарзда ютилганда, ўзига эквивалент миқдорда  $\text{H}^+$ ,  $\text{AP}^+$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$  ва бошқа катионларни сиккаб чиқаради ва бу жарән ўз навбатида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ўз табигатига кўра барча калийли ўғитлар физиологик жиҳаддан нордон ҳисобланади, чунки ўғит таркибидаги  $\text{Cl}^-$  ва  $\text{SO}_4^{2-}$ , анионларига нисбатан  $\text{K}^+$  ўсимликлар томонидан тез ютилади.

Калийнинг алмашинмасдан (фиксацияланниб) ютилиши турли тупроқларда турлича бўлсада, анча катта миқдорни (кирилган ўғитнинг 80% га яқини) ташкил этиди. Калийнинг фиксацияланган катионлари ўсимликларнинг ўзлаштириши учун лаёқатсиз бўллиб, айrim ҳолларда озиқланади жараёнита салбий таъсир кўрсатилиши ҳам мумкин.

Калийнинг тупроқда алмашинмасдан ютилиши учқаватли, бўкувчан панжара ҳосил қиласидаги монтмо-

риллонит гурухининг лойли минераллари ва гидрослюдалар гурухи минералларига хосdir. Айниқса, вермикулит кўп миқдорда калийни фиксациялаб олади. Каолинит гурухининг иккι қаватли панжара ҳосил қиласучи минераллари калийни фиксациялаша қобилиятига эга эмас.

Фиксацияланни механизмини куйидагича тасаввур қилиш мумкин: юқорида таъкидланган минералларнинг қатламлари орасига кириб қолган катионлар тупроқнинг куриши жараённида мустаҳкам ўнашиб, тетраэдрик қатламлар орасида қолиб кетади. Тупроқларнинг куриши, айниқса, дам куриб, дам намланishi калийнинг фиксацияланниши кучайтиради. Шу сабабдан калийли ўғитларни тупроқнинг анча чукур қатламларига (хайдалма қатлам остига) киритиш лозим.

Ийир кристалли ёки донандорлаштирилган калийли ўғитлар кўлланилганда, тупроқ билан камроқ мулоқотда бўлиши туфайли калийнинг алмашинмайдиган ҳолатда ютилиши анча камаяди. Шу нарса диккатга сазоворки, барча турдаги калийли ўғитларнинг фиксацияланниши бир хил тезликда кечади.

Серкарбонат тупроқларда фиксацияланган калийнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган ҳолатта ўтиши анча қийин кечади. Бу бевосита чириндиннинг тупроқ коллоидларини ўзига хос юпқа парда билан ўраб олиши ва уни калийни минералларнинг кристалл панжараларидан чиқиб кетишига йўл қўймаслиги билан боғлиқидир.

Мунтазам равища юқори меъёрда калийли ўғитлар кирилладиган тупроқларда ҳаракатчан калийнинг миқдори ортиг боради.

Тупроқдаги калий шакллари ўртасидаги муносабатни кўйидагича ифодалаш мумкин:

кристалл панжарадаги калий  $\rightarrow$  алмашинмайдиган калий  $\rightarrow$  алмашинувчан калий  $\rightarrow$  тупроқ эритмасидаги калий.

Калийнинг тупроқ сингидриш комплекси (ТСК) билан таъсирашши характеридан унинг тупроқ типлари бўйлаб жуда секин сильжиши (миграцияси) кузатилиди (кумли ва қумок тупроқлар бундан мустасно). Ўртача ва оғир механикавий таркибли тупроқларда одатда калий 0—60 см дан пастта ювилмайди ёки бошқача айтганда, илдизнинг асосий қисми тарқаладиган қатлам-

дан узқ кетмайди. Бундай тупроқлардан калийнинг ювилиши бир йилда гектарига 0,7–12 кг дан ошмайди. Энг кўп калий қизил тупроқлардан (40 кг/га) ювилади.

Хозирги даврда калийли ўйтларни даврий равишда (бир неча йиллик мөъренин бир марта) кўллаш масалалари ўрганилмоқда. Калийли ўйтлар бундай усулда кўлланипгандан биринчидан, ўғитни тупроққа киритиш билан боғлиқ сарф-харажатлар, иккинчидан, хлор ионларининг зарарли тасири камаяди. Лекин енгил механикавий таркибли тупроқларда бу усулда ўғит кўллаш яхши натижга бермайди.


### Калийли ўйтларни кўллаш

Калийли ўйтларни таҳсимилашда тупроқларнинг меҳаникавий таркиби, таркибидаги ҳаракатчан калий миқдори, намланиш даражаси, экиннинг биологик ҳусусиятлари ҳамда режалаштирилган ҳосилга эътибор берилади.


Ўрта ва оғир меҳаникавий таркибли тупроқларда калийли ўйтларнинг йиллик мөърени тўлалигича кузгиги шудгор остига киритиш лозим. Бунда ўғит тупроқнинг ўсимликлар илдиз тизимининг асосий қисмиси ривожланадиган, нам билан нисбатан яхши таъминланган қатламларига тушади ва ундан ўсимликлар унумли фойдаланади.

Ўрта Осиё тупроқларидан, айниқса, пахта стиштириладиган майдонларда, калийли ўйтларни кўллашнинг аҳамияти каттадир. Рўза азотли ва фосфорли ўйтлар фонида калийли ўйтларга кучли эҳтиёж сезади. Айниқса, бедадан бўшаган майдонларда пахта стиштиришиша кўп миқдорда калийли ўйтлар ишлатишга тўғри келади, чунки беда уч-тўрт йил давомида стиштирилганда, тупроқдан кўп миқдордаги калийни олиб чиқиб кетади.

Бўз тупроқларда калийли ўйтларни кўллаш ҳисобига ҳар 1га майдондан ўртага 3,8–4,8 кг кўшимишча пахта ҳосили олиш мумкин. Лекин олинадиган кўшимишча ҳосил миқдори кўп жиҳатдан тупроқларнинг алмашинувчан калий билан таъминланшин даражасига боғлиқ. Алмашинувчан калийнинг миқдори бир кг тупроқда 140–170 мг бўлганда, гектарига 100 кг  $K_2O$  кўллаш 2,7 кг кўшимишча ҳосил берган бўлса, алмашинувчан калийнинг миқдори 70–80 мг бўлган тупроқларда қўшимишча ҳосил 6,4 кг ни ташкил қиласган.



1-рангли расм.  
Тамаки ва картошкада азот танқислигига (2 ва 4); 1 ва 3 рақамларда мөърида озиқлантирилган ўсимликлар тасвириланган.



9-рангли расм.

Ўсимликларда темир (1), марганец (2), бўр (3) ва молибден (4) танқислигининг белгилари.

Калийли ўғитлар азотли ва фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўлланилганда юқори самара беради.

Калийли ўғитлар йиллик меъёрининг асосий қисми кутия шудор остига киритилади. Кузда қўлланилган калийда ўғитлар таркибидаги хлор ёғин-сочинилар тавсирида ўсимликларнинг илдиз тизими тарқаладиган қисмидан паста ювилиб кетади ва хлорсўймас экинларнинг ривожланшига саббий таъсир кўрсатмайди.

Факат кумли ва енгил кумоқчи тупроқлардагина калийли ўғитларни баҳорда қўллаш мумкин. Суторилаған шароитларда калий йиллик меъёрининг бир қисмини ниҳояларни кўшимча озиқлантириш учун ажратиш яхши самара беради. Республикамизда пахта ва бошха айrim техникий экинларга белгилантан калий меъёрининг 50% и кўшимча озиқлантириш сифатида ишлатилиди.

Кунгабоқар, тамаки, сабзавот экинлари, қандлавлаги, хашибек илдизмевалилар, картошка, кўк масса учун етиштириладиган экинлар ва мевали даражатлар калийга ўта лабланган ўсимликлар жумласига киради. Бу экинлар биринчи наяватда калийли ўғитлар билан тавминланиши лозим.

Лекин тамаки, ток, мевали ва цитрус даражатлари, кўпчилик сабзавот экинлари, гречиха, картошка, зигир, доровор ва ифор мойли ўсимликлар таркибida хлор тутмаган калийли ўғитларни хуш кўради.

Зигир ва экинлоб наша калийга унча талабчан эмас, лекин уларнинг илдиз тизимини яхши ривожланмаслиги ва тупроқ таркибидаги калийни яхши ўзлаштира олмаслигини ҳисобга олган ҳолда уларга маълум миқдорда калийли ўғитларни қўллаш лозим.

Донли экинлар, қандлавлаги, хашибек илдизмевалилар, ошлавлаги ва бошха бир қатор экинлар калийли ўғит турига бефарқ бўлиб, таркибida хлор туттан калийли ўғитлар кўлланилганда ҳам ҳосил миқдори ошади.

Қандлавлаги учун таркибida кўп миқдорда натрий туттан калийли ўғитлар фойдали ҳисобланади ва бу мақсадда сильвинит ва каинит каби табиий калийли туларни ҳам ишлатиши мумкин.

Хлорга сезигр ўсимликларга (масалан, картошка), калий сульфат, калимаг ёки калийли-магнийли концентратларни қўллаш лозим. Калийли туз ёки каинитни бу ўсимликка қўллаб бўлмайди.

Турли тупроқ-иқлим минтақаларида амалга оши-

рилган таърибаларнинг кўрсатишича, таркибида хлор тутган калийни ўғитлар картошкага тутунагидаги крахмал миқдорини хлорсиз калийни ўғитларга нисбатан 7–15% га камайтиради.

Калийни ўғитларни азотли ҳамда фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўлашингиз яхши бир томони фосфорли ўғитлар таркибидаги кальций калийнинг (шунингдек, натрийнинг) айрим пайтлардаги салбий таъсирини мўтадиллаштириди.

Серкарбонат тупроқларда кальций ва калий ўртасидаги антагонизм яққол намоён бўлади, шу сабабдан бу тупроқларда, айниқса зигир ва картошкага юқори мөъёдлаги калийни ўғитларни ишлатиш мақсадга мувофиқиди.

Хозирги кунга қадар тупроққа киритиладиган калийнинг 50–60% и биринчи йилда экиладиган экин томонидан ўзлаштирилди деган фикр мавжуд. Лекин сўнгти маълумотларга қараганда, чимли подзол тупроқларда калий хлорид таркибидаги калийнинг ўзлаштирилиши көффициенти 25–30% ни, айрим кумоқти тупроқларда 34–37% ни ташкил қиласди. Бу тупроқларда иккинчи ийли ўсимликлар томонидан айтиги 2–5% калий ўзлаштирилди.

Кўп йилик тадқиқотлар асосида бир га майдонга 100 кг К<sub>2</sub>O киритилганда, дошли экинлардан 0,2–0,3 т, картошкадан 2,0–3,3 т, қандлавлагидан 3,5–4,0 т, пахтадан 0,1–0,2 т, зигир толасидан 0,1–0,15 т кўшимча ҳосил олиши мумкинлиги аниқланган.

#### Билиминтозин синаб қўринг

1. Турли тупроқлар таркибидаги ялпи калий миқдорини биласизми?
2. Калийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида нима биласиз?
3. Тупроқда калий қандай шаклларда учрайди?
4. Республикамизда калийни ўғит муммомларини ҳал этишининг қандай ўйларини биласиз?
5. Калий хлорид олиши усусларини айтib беринг.
6. Табий калийни тузлар тўғрисида нималар биласиз?
7. Хлорсиз калийни ўғитлар олишида кайси минераллардан фойдаланиши мумкин?
8. Калийни ўғитларнинг тупроқ билан таъсирилашини механизми тушиштиринг.
9. Калийни ўғитлар экинлар ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири қўладими?

#### VII Б О. Б. ОЛТИНГУГУРТЛИ, МАГНИЙЛИ ВА ТЕМИРЛИ ЎҒИТЛАР. КАЛЬЦИЙНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Олтингугуртли ўғитлар. Олтингугурт бевосита оқсил, «В» гурух дармондорилар, гликозидлар, саримсоқ ва хантал мойлари таркибига киради. Олтингугуртнинг бир қисми ўсимлик таркибida минерал шаклида учрайди. Аксарият қышлок хўжалик экинлари тупроқдан олтингугуртни фосфорга барабар, баъзи ҳолларда кўпроқ миқдорда олиб чиқиб кетади.

Келажакда юқори концентрацияли минерал ўғитларни қўлаша кучайиб боради. Шу даврчача олтингугуртнинг асосий қисми тупроққа суперфосфат ўғити билан киритилган бўлса, уни кўш суперфосфат билан, Республикамиз шароитида аммофос билан алмаштирилиши олтингугурт этишмовчилигига олиб келади. Бу ўз навбатида беда, дон-дуккалилар, бутгулдошлар, картошка каби экинларни олтингугурт бардан озиқлантириш масаласини кўяди. Олтингугурт танқислигига маккажӯхори ўсимликларни кузатиладиган ташки беглилар 8-ранги расмда келтирилган.

Ўсимликлар олтингугуртнинг тупроқдан SO<sub>4</sub><sup>2-</sup> ионлари шаклида ўзлаштиради. Намлик мөъёрида бўлган тупроқларда олтингугурт миқдори 100 мг/кг дан ошмайди. Ҳайдалма қатламдаги олтингугуртнинг асосий қисми органик шаклдадир. Улар минерализацияга учрагандан кейин ўсимликлар томонидан ўзлаштирилди. Турли тупроқлар таркибидаги олтингугурт миқдори билан фарқланади.

Олтингугурт тупроққа ёғин-сочинлар билан ҳам келиб тушади ва унинг миқдори ёқиладиган тошкўмир ҳамда кимё ва металургия корхоналаридан чиқадиган газлар таркиби билан боғлиқ. Одатда бу миқдор 10–15 кг/га ни ташкил қиласди.

Олтингугуртли минерал ўғитлар саноат миқёсида ишлаб чиқарилмайди. Асосий олтингугурт тутган ўғитлар ва биримкамалар жумласидаги кўйидагилар киради.

- аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2 \text{SO}_4$ , (24% гача S тутади, сувда яхши эрийди);
- гипс  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  (19% гача S тутади, сувда қыйин эрийди);
- оддин суперфосфат —  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O} \cdot \text{CaSO}_4$  (14–22% S тутади, сувда ўргача эрийди);
- калий сульфат —  $\text{K}_2\text{SO}_4$  (17% S тутади, сувда яхши эрийди);
- калимаг ва калимагнезия (14% S тутади, сувда яхши эрийди);
- магний сульфат —  $\text{MgSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  (22% S тутади, сувда яхши эрийди);
- соф (элементлар) олтингугурт (100% S тутади, сувда эримайди).

Олтингугуртли ўгитларни биринчи навбатда донли экзилар шунингдек, оқсиз ва хантал мойн берадиган экзиларга, кузыг шудгор остига киритиш мақсадга мувоғидир.

*Магний ўгитлар.* Магний хлорофилл таркибида киргани учун ўсимликлар ҳәтида мухим ўрни тутади. У углеводлар алмашинувда иштирок этади, оксидланиш-қайтарилиши жарайнлари ва ферментлар фоалиятини кучайтиради. Кальций билан бир қаторда протоплазманынн физикавий-кимёвий ҳолатини белгилайди. Ўсимликлар генератив қисмларининг шаклланышда магнийнинг аҳамияти катта. Ўсимлик қисмлари бўйлаб ҳаракатланиб, фосфор билан биргаликда меваларда, асосан уруп муртагига тўпланади.

Тупроқда киритиладиган азотли, фосфорли ва калий ўгитлар меъёрининг оширилганни ўсимликларнинг магнийга бўлган талабини ҳам кучайтиради. Озиқланиши мухитида магний танқис бўлганда, у барглардан ўсимликнинг ҳосил қисмлари томон интилади, натижада баргларда магнига нисбатан очиқиши белгилари (оқ доёлар пайдо бўлади ва улар эрта тўклидади). Тупроқда магний миқдори % нинг ўндан бир улушибидан 1–1,5% гача этиши мумкин. Тупроқнинг 20 см ли қатламида калий ва кальцийнинг ялпи захираси мос равинча 60–80 ва 20–30 m<sup>2</sup>/га ни ташкил этса, магний захираси 12–15 m<sup>2</sup>/га дан ошмайди. Магний захираси тўлалигига барқарор кимёвий биримлар шаклида учрайди. Нордон тупроқлар шаронтида ўсимликларда магнийли минерал ўгитларни кўллашга талаб куяяди.

*Темирли ўгитлар.* Темир ўсимликларда кам миқдорда

учрасада, унинг танқислиги ёш баргларда хлороз касаллиги (хлорофилл етишмовчилиги)ни юзага келтириди (7-рангли расм). У оксидлови ферментлар таркибида кириб, ўсимликларда содир бўладиган барча оксидланиш-қайтарилиши реақцияларидаги иштирок этади.

Темир олдага органик моддалар билан комплекс биримларидаги ҳосил қиласи, шу сабабдан ўсимликларидаги эркин минерал шаклда учрамайди. Ўсимлик таркибидаги темир миқдори фоизининг юздан бир улчами атрофиди. Мазкур элемент ўсимлик танасида жадал ҳаракатланиши билан ажралиб туради. Темир танқислиги кўпроқ серкарбонат тупроқларда, мевали даражатларда яққоқ кўрниди.

Темирли минерал ўғит сифатида таркибида 47–53 фоиз темир сульфат туттан темир купорос ( $\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ ) кенг ишлатилади. Ўгитлар таркибидаги темир тупроқга тушгач, тезда ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмайдиган шаклга ўтади. Шу боис унни ишлатиш олидидан гўнг ёки торф билан аралаштириш лозим.

Кейинги барвларда темирнинг комплекс биримларидаги – хелатлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Улар осон эрийди ва тупроқда кучиз мукимланади. Бундай комплекс биримлар асосини аминополисирка кислоталар ташкил этади. Шу асосда олинандиган эритмалар хидисиз, зичлиги 1,4 g/cm<sup>2</sup> дан кичик бўлиб, 7–10% темир тутади. Кўпроқ илдиздан ташқари озиқлантиришда ишлатилади.

*Кальцийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти.* Кальций ўсимликларда углеводлар ва оқсил моддалар алмашинуви, илдиз тизимининг меъёрида ривожланиши ва ҳужайра шираси коллоидларига ўзига хос тасъир кўрсатади. Қишлоқ ҳўжалик экзиларининг кальций эҳтиёжи ривожланишининг илк даврларидан бошлаб намоён бўлади. Кальций танқислигига заҳира озиқ моддалар (крахмал, оқсил)нинг сафарбар ҳолати ўтиши ва ниҳоллар осон ўзлаштирилдиган биримларга айланиши кескин секинлашади, қайсики ўсимликларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Кальций тақчил шароитларда нитратларнинг аммиактча қайтарилиши, шунга мос равишда синтези секинлашади.

Кальций ўсимликлар танасида калийга нисбатан тескари фаолияти билан ажралиб туради. Масалан, K<sup>+</sup> ҳужайра ширасини сув билан таъминланишига кўмаклашса ва коллоидларининг дисперслигини ошираса, Ca<sup>2+</sup> бу хусусиятларни пасасишига хизмат қиласи. Шу боис

ўсимликлар озиқланишини бошқаришида мазкур икки элементин мақбул нисбатларда бўлишинга эътибор қартилади.

Кальций айрим катионларнинг ўсимликларга кўпроқ микрорда ютилишига моненлик қилиши билан озиқланиши мухитидаги катионлар таркибининг физиологик жиҳатдан мувозанатлашишини ёрдам беради.

Кальцийнинг миқдори қари хужайраларда кўпроқ бўлишини шовул кислота билан ўзига хос бирималар ҳосил қилиши билан изоҳлаш мумкин. Бошقا элементларда кузатнимиздек, кальций ҳам турли ўсимликлар таркибида турли микрорда учрайди. Дуккакли экинлар калийдаги жуда талабчан бўлиб, улар таркибида кальций миқдори галла экинларига нисбатан 4—5 марта кўпцир. Масалан, беда ва себарганинг ўсуви қисмлари 3,5—4,0% кальций туттани ҳолда, галла экинлари сомониди 0,3—0,4%, иллизизда эса атиги 0,035—0,04% кальций мавжуд.

Тупроқ эритмаси таркибидаги кальций гидрокарбонатлари, нитратлари ва хлоридлари ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Тупроқдаги кальций миқдори тупроқ синтезидаги комплексининг ҳолати ва мухитига кучли таъсири кўрсатади. Ёғин-сорчин ва сугориш таъсирида тупроқдан сезиларли миқдорда кальций ювилиши мумкин.

#### Библиографияни синаб кўринг

1. Тупроқдаги олтингутурт миқдори ва унга таъсири этувчи омиллар тўғрисида нималарни биласиз?
2. Асосий олтингутуртли ўйтлар ва бирималарининг ролини айтиб беринг.
3. Магнийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти ва озиқ элементларининг ютилишига таъсирини изоҳланти.
4. Магниумни ўзларининг турлари ва улардан фойдаланиши усуларини биласизми?
5. Темирининг ўсимликлар озиқланишидаги ўрини ва асосий бирималари тўғрисида маълумот беринг.
6. Кальцийнинг ўсимликлар озиқланишини мухим ўрин тутишини қандай изоҳланисиз?

## VIII БОБ. МИКРОЎҒИТЛАР

Таркибидаги микроэлементлар тутадиган ва ўсимликларининг меъерида ўсиб-ривожланиши учун кам миқдорда ишлатиладиган моддаларга микроўғитлар дейилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсимликлар таркибидаги микроэлементлар миқдори 0,00001—0,01% ни ташкил қиласди. Масалан, қандлавлаги ҳосилдорлиги гектарига 300 қ ни ташкил қиласданда, маҳсулот таркибидаги микроэлементлар миқдори куийдагича бўлади: бўр (*B*) — 160 г; марганец (*Mn*) — 500 г; мис (*Cu*) — 50 г; рух (*Zn*) — 190 г; кобальт (*Co*) — 2 г.

Микроэлементларни ўрганиш ва қўллаш борасида *К. А. Тимирязев*, *Д. Н. Прянищников*, *Е. В. Бобко*, *М. В. Каталимов*, *М. Я. Школьник* каби олимлар катта ишларни амалга оширгандар. Ўзбекистон тупроқларидаги микроэлементларни ўрганиш ва пахтачиликда микроўғитлар меъерини белгилашда *Е. Круглова*, *Б. Исаев*, *М. Алиева* ҳамда *Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимларининг* ҳиссаси катта.

Шу даврдагча микроэлементлардан бўр, марганец, мис, молибден, рух ва кобальт яхши ўрганилган.

## Бўр

Бўр элементи (бўр арабча оқ ва заррабин модда) фарангистонлик олимлар *Жозеф Гей-Люссак* ва *Луи Тенер* (1808)лар томонидан каашф қилинган. Ўсимликлар таркибидаги бўр мавжудиги орадан 50 йилгача маълум бўлди. Бўр танқислигига гуллар сони кескин камаяди, шона ва тутунчалар тўкилади, поя ва илдизинг ўсиш нуқталари шикастланади. Бу ҳол илдизмевалиларда яқзол намоён бўллади (9-рангли расм). Бўр гулларда чанг найчаларнинг ўсиши ва ҳаёт фаолиятини кучайтиради, урув ва меваларнинг пишиб стилишини жалаллаштиради.

У хужайрадаги сув миқдорини кўпайтиради, оқсил ва утлевод алмашиниш жараёнини тезлаштиради. Бўр

қанд моддаларни ұсиш нүкталари ва меваға боришини тартибға солади. Ұсимликларнинг курғоқчиликка бардоноши оширади.

Бүр етишмаса, фотосинтез жараёни секинлашади, шуниндеге, ұсимликларнинг илдиз тизими яхши ривожланмайды. Бу микрорэлемент ұсимликларда калий ва азотин жадал үзлаштырилишига өрдам берганы ҳолда, фосфорнинг ютилишига қаршилик қылади.

Ұсимликлар таркибидаги бүр миқдори үртаса 0,0001% ёки 1 кг куруқ моддада 0,1 мг тенгdir.

Бүр танқислигига ұсимликларда қурық ва жигарранг чириш, сарғайши, илдизмеваларнинг ұзакланышы ва бактериоз каби иллаттар күзатылади. Күнгабоқар, помидор, гулкамар, беда, хашаки илдизмевалар, гүза, зигир, шоли, сабзавоттар ва қандлавлагы бўрга талабчан ұсимликлар жумласига киради.

Турпук таркибida бўр миқдори 30 мг/кг дан ошиб кетса, ұсимликларда заҳарланиш аломатлари пайдо бўлади: поянинг пастки қымсилаги барглар сарғайди, «куяди», тўкилади. Бўрнинг серобилиги чорва моллари саломатларига ҳам салбий тасъир кўрсатади.

Турли тупроқларда бўр танқислигинг қуёй чегараси турлича бўлиб, бу кўрсаткич қора тупроқларда 0,3–0,6 мг/кг, бўз тупроқларда 0,45–2,0 мг/кг дан паст бўлганда бўрли ўйтлар қўлаш лозим.

Бўрли ўйтларни қўллаш натижасида зигир (тола) ва пахтадан гектарига 2–3 ц гача кўшимча ҳосил олиш мумкин. Қандлавлаги ҳосилдорлиги 45 мг/га та ошиб, таркибидаги қанд моддаси 0,3–2,1 %га кўпайади.

Бўрли микроўйтлар жумласига бўрат кислота, бўрмагнили ўйт ва бўрли суперфосфатлар киритилади (32-жадвал).

32-жадвал.

Бўрли микроўйтлар  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Ўйт	Суда эрйидиган бўр миқдори, %
Бўрат кислота	17,3
Бўр-магнили ўйт	2,27
Бўрли суперфосфат	0,2

Бўрли суперфосфат таркибida 0,2 % бўр бўлиб, асосан қандлавлаги, озуқабоп илдизмевалилар, бошоқ-

ли дон экинлар, гречиха каби экинларга тупроқни асосий ишлеш пайтида, гектарига 2–3 ц, экиш оддидан қатор ораларига 1–1,5 ц миқдорида киритилади.

Таркибida 2,2 % бўр туттан бўр-магнили ўйт ҳам асосан юқорида айтиб ўтилган экинлар ва зигир учун гектарига 20 ц миқдорда ишлатилади.

Бўрат кислота таркибida 17,3 % бўр мавжуд ва ундан асосан ұсимликларни илдиздан ташкари озиқлантиришда фойдаланилиди (0,5–0,6 кг/га). 1 ц уругни 100 г бўрат кислота билан аралаштириб экиш ҳам яхши натижа беради.

## Мис

Ұсимликлар таркибida мис мавжудлiği 1816 йилда аниқланган. 1931 йилдан бўён миснинг ұсимликларни усуси ривожланишига таъсири ўрганимомда.

Мис етишмаган ұсимликларда очикишнинг қуидаги белгилари намоён бўлади: баргларнинг учи оқаради ва курийди; донли экинлар бошоқ тортади, лекин пишмасдан яшиллигича қолали; ұсимликлар үсисдан тұхтайди, хлороз ва сўлиш касалликларнинг белгилари кузатылади;

Тупроқда мис танқислигига жавдар, арпа, кузыги ва баҳори буғдои анча чидамли, сули умуман чидамсиздир. Зигир, экинбон наша, қандлавлаги, хантал, вика, люпин, тамаки, пахта ва сабзавот экинлари ҳам мис тақцил тупроқларда касалликларга осон чалиналиди.

Ұсимликлар таркибидаги миснинг үртаса миқдори 0,0002% ёки 1 кг куруқ модда таркибida 2 мг та тенг бўлиб, асосий қисми уруз таркибida тўпланаши.

Миснинг асосий қисми ортоменоксиздаза, полифенилоксиздаза ва тиразиназа каби ферментлар таркибига киради. Таркибida мис туттан оқсил-пластицизациин ұсимликларда муҳим функцияни бажаради. Мис азот алмашинувида фаол иштирок этувчи нитратредуктаза каби ферментлар таркибига ҳам киради.

Турли тупроқ тилларидан миснинг ялпи миқдори турлича бўлиб, 0,1–150 мг/кг ни ташкил этади. Мазкур элемент миқдори 1,5–4,0 мг/кг дан кам бўлган ҳолларда ұсимликларнинг мисга бўлган эҳтиёжи кучайди.

Азотли ўйтлар месъерига мос равишда ұсимликларнинг мисга бўлган талабчанлыги ҳам кучайди.

Кишлоқ хўжалигидаги кент қўулланиладиган мисли

микроўгитлар жумласига мис купороси, мисли кукун ва мис колчедани киради (33-жадвал).

33-жадвал.

**Мисли микроўгитлар**  
(Б. А. Ягодин, 1989)

ЎГИТ	Таъсир этувчи модда	Таъсир этувчи модда миқдори, %
Мис купороси	CuSO <sub>4</sub> ·5H <sub>2</sub> O	92,0—98,0
Мисли кукун	Cu	23,4—24,9
Мис колчедани	CuSO <sub>4</sub>	14—16
	Cu	5—6
	Cu	25,0
	K <sub>2</sub> O	58,6

50—100 г мис купорос билан 1 ц уруғ аралаштириб экилса яхши самара беради. Илдиздан ташкари озиқлантиришда 200—300 г мис купорос 1 га майдондаги ҳољулларга пуркалди. Мис купорос ўз таркибида 25,0 % га яқин мис туати.

Хозирги кунда Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида таркибида мис тутган (0,25—0,30%) аммофос ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мис колчедани маҳаллий аҳамиятга эга ўғитлардан хисобланади (0,2—0,3% Cu) ва уни ҳар 4—5 йилда бир марта 500—600 кг/га меъёрда кузги шудгор остига киритиш мумкин.

### Марганец

Марганецнинг ўсимликлар таркибида учраши 1872 йилда, ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти эса 1897 йилда аниқланган. Бу микроэлементта барча қишлоқ ҳўжалик экинлари талабчан бўлиб, уни айниқса донли экинлар, дон-дуккаклилар, қандлавлаги, илдизмевалилар, картошка ва мевалида даражатлар кўп талаб киради. **Баргарларнинг оқариши ва сарғиши** дагларнинг пайдо бўлиши, дуккакли экинлар баргиннинг ёпласига хлорозга чалинини, бодринг барғи пластинкасининг буралиб қолини — марганец танқислигининг асосий белгиларидан хисобланади (9-рангли расм).

Марганец юкори оксидлаш-қайтарили потенциалига эга, шу боис ўсимликлар танасида содир бўладиган биологик оксидлаш реакцияларида фаол қатнашади.

170

Марганец фотосинтез жараёнида муҳим ўрин тутади, қанд моддалар ва хлорофилл миқдорини кўпайтиради, аскорбин кислота синтезида иштирок этувчи ферментлар таркибида киради.

Тупроқда марганец кам бўлган ҳолларда (ёки умуман бўлмагандан) озиқланни балансидаги элементларнинг нисбати бузилади, чунки у кальций сингнари ташки миҳдиди ионларнинг тарраба сингнерилишида ўзини антагонист сифатида намоён қиласи. Марганец реутилизация жараёнини тартибида солиб турувчи элемент сифатида ҳам муҳим ўрин тутади. У ўсимлик ҳужайратининг сув тутиши қобилиятини оширади ва ҳосил элементларининг кўпроқ сақланишига ёрдам беради.

Тупроқда марганец миқдори 1 % гача стади, лекин унинг асосий қисми ўсимликлар томонидан кийин ўлаштириладиган шаклларидир.

Марганецни ўғитлар кўллаши ҳисобига қандлавлагидан 23,7, буёдйдан 2,2, маккажӯхоридан 11,8 ва арпадан 3,0 ц/га қўшимча ҳосил олинади (34-жадвал).

34-жадвал.

**Марганецнинг экинлар ҳосилдорлигига таъсири ц/га**  
(П. А. Власюк, 1990)

Экин тури	Mn киритилмагандаги ҳосил	Mn ҳисобига олинган қўшимча ҳосил
Қандлавлаги	310	23,7
Кузги будой (дон)	33,4	2,1
Баҳори будой (дон)	17,5	2,2
Маккажӯхори (дон)	57,8	11,8

Ўғит сифатида таркибида марганец тутган рудаларни ишлаш жараёнида чиқадиган чиқинцилардан кенг фойдаланилади. Улар ўз таркибида 10—18%гача Mn тулади.

Таркибида 70% Mn тутган марганец сульфат қимматбаҳо микроўгит хисобланади (35-жадвал) ва ундан сабзавот экинларни ўғитлашда фойдаланилади.

Марганец фосфори ўғитлар билан биргаликлиқа кўлланилинганда яхши самара беради, шу боис марганецни суперфосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, Mn комплекс ўғитлар таркибида ҳам киритилади.

171

**Марганецли микроўгитлар**

(Н. М. Городний, 1990)

Үтгіт	Тасыр құлувчи мөддә	Тасыр құлувчи мөддә миқдори
Марганец сульфат <i>Mn</i> ли суперфосфат	$MnSO_4$ $P_2O_5$ $Mn$	70 20 1–2 17–18
<i>Mn</i> ли руда чиқындысы	Mn	

Тупроққа одатта марганец 2,5 кг/га ҳисобида кири-тилады. Марганецли ўғитларни уруг билан аралаштырыш ўғит құлашыннан зәң күләмдегінен көп болады. Бунинг учун 50–100 г чамаси марганец сульфат олинади ва 1 ү уруг билан аралаштырилады. Илдиздан ташқары озиқлантиришда 200 г марганец сульфат 100 л сұвда әртилиб, 1 га майдондаги ниҳолларга пуркалады.

**Молибден**

Молибден күпроқ дуккакли экинлар таркибида (0,5–20,0 мг/кг) учрайди. Бошоқто дон экинлари 0,2–1,0 мг/кг атрофида молибден тутады.

Молибден ўсимликтарда башқа микроэлементларга нисбатан камкор жетилади. Ўсимлик баргларда молибден башқа азольарға нисбатан күпроқ тұпланды (9-рангли расм). Ақаси亞т ўсимликтарда молибден миқдорининг күй чегараси 1 кг қуруқ мөддәде 0,1 мг ҳисобланады. Дуккакли экинларда бу күрсаткыч 0,4 мг/кг ни ташкил қылады.

Молибден ўсимликтардагы нитратредуктаза ферменти таркибига киради. Умуман олганда, **молибденни ўсимликтардаги «азот алмашинин жарайын микроэлементтерінің деб аташ мүмкін»**. Молибден фотосинтез, нафас олиши, витамин ва ферментлар синтезінде фаол іштирек этилады.

Тупроқларда молибденнинг ялпи миқдори 0,2–2,4 мг/кг ни ташкил этсада, ҳаракатчан шакли 0,1–0,27 мг/кг дан ошмайды. Гумусга бой тупроқтар үз таркибиде молибден ялпи миқдорининг күптігі билан акралып тұрады.

Молибден билан яхши таъминланған тупроқларда ўсимликтар азот, фосфор ва калийни яхши үзлаشتыра-

ди. Азот оқсил таркибига тұлық үтады, натижада сабзапота ве полиз экинларда азоттнннг нитрат шаклида тұплана-нишинннг олди олинады. Шунинг учун молибденни дуккакли экинларга фосфор ва калий билан, бошқа экинларға эса, азот билан бирға құллаша тавсия этилады.

Молибденге талабчан ўсимликтар жумласыға беда, себарты, сұя, ҳашаки дуккаклилар, вика, гулкарам, илдизевалилар, рапс, бошқарма ве сабзавотлар киради. Ўсимликтарнннг 1 кг қуруқ мөддәсі таркибидеги молибден миқдори 1 мг дан ортиқ бұлса, инсон ве ҳайванлар ҳаёти учун хавфли ҳисобланады.

Молибденли микроўгитларнннг тури күп бұлсада, саноатта күпроқ таркибидеги 52–53 % молибден туттан аммоний молибдат ишлаб чиқарылады (36-жадвал).

**Молибденли микроўгитлар**

(Н. М. Городний, 1990)

Үтгіт	Тасыр этучи мөддә	Тасыр этучи мөддә миқдори, %
Аммоний молибдат	Mo	52
Нүркүватчироқ саноати чиқындысы	Mo	5–8
Молибденни олдый суперфосфат	$P_2O_5$ Mo	20,0 0,1
Молибденни құш суперфосфат	$P_2O_5$ Mo	43,0 0,2

Нүркүватчироқ саноати чиқындылары үз таркибидеги 5–8 % Mo туттани учун улардан микроўгит сифатыда фойдаланыш мүмкін. Молибденни олдый ве құш суперфосфаттар тайёрлана ҳам ийлігінан.

Молибденли микроўгитлар бир неча усууда құлланалиши мүмкін. Уругларни микроўгит билан ишләш учун 1 ийрик уруглар учун 25–50 г, бела уругларни учун 500–800 г аммоний молибдат сарғаша лозим (37-жадвал).

Уругларни екиш олдидан молибденли микроўгитлар билан ишләш ўғит құлашыннан самарағынан үзлең ҳисобланады. Бунинг учун 1 ийрик уругларга 25–50 г, беданинг майда уругларига 500–800 г аммоний молибдат олинади, 2–3 л сұвда әртилиб, аралаштырилады.

Илдиздан ташқары озиқлантиришда 1 га майдонда-

ги ниҳолларга 200—600 г аммоний молибдат ишлатилади. 50 кг молибденли суперфосфат билан түпроққа 50—100 г молибден келип тушади.

37-жадвал.

**Молибденли ўйтларни күллаш усуулари на мөйөрләри**  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Ўйт	Экин тури	Ўйт дозаси	Күллаш усули
Молибденли күш супер- фосфат	Донли экинлар	Экиш билан бирға 50 кг/га	Түпроққа киритилади
Аммоний молибдат	Нұхат, вика, сүя на боңца йирик уру- лар	25—50 г ўйт сұнда эритили- лади ва 100 кг уруг намланади	Үреулар экинш олидан ишлена- ди
— * —	Беда ва себарға	500—800 г ўйт 3 л сұнда эритилиди ва 100 кг уруг на- мланади	— * —
— * —	Нұхат, хашаки дүккәнлілар, беда, сағаветтілар	200 г ўйт 100 л сұнда эрити- либ, авиация эрдемілде се- пилади	Шоналаш-гул- лаш даврида идзілдан таш- қары озиқдан- тириш
— * —	Күп жиілік мада- ний үтлөктер	— * —	Илдиздан таш- қары озиқдан- тириш

### Рух

Рух экинларнинг иссиқ ва соvuққа чидамлилігini оширади, фосфорни күпроқ ўзлаштырилишига ёрдам беради. Рух танқылсигида ноорганик фосфорнинг органик шактла ўтиши секинлашади, шуннандеге, ўсимликлар танасида сахароза ва крахмал миқдори камайды, азоттнинг нооқсил шактадаги бирикмалари түпланиши кузатилади. Ҳозирча ўз таркибидә рух элементтер туттган 30 дан ортиқ фермент аниқланған.

Рух стилемаганда, ўсимлик ұхжайраларининг бүлинни-  
ши секинлашади, бағлар оч яшил (баъзан оқ) тусга  
киради, шактла үзгәради, поядаги бүтим оралары қысқа-  
ради, мевалар буришиб қолады.

Үрта Осиённинг мұйытадил ва күчсіз ишқорий түп-  
роқларда рух танқылсиги кузатилади.

Минтақамис түпроқларда рух миқдори 1,4—1,8  
мг/кг дан кам бўлганда, рухли ўйтлар кўллашта  
эҳтиж сезилади.

Рухли ўйтлар сифатида саноат чиқиндилари, рух  
сульфат ва полимикроўгит (ПМУ—7) дан кенг фойда-  
ланилади (38-жадвал).

38-жадвал.

**Рухли микроўгитлар**  
(Б. А. Ягодин, 1989)

Ўйт	Таъсир этувчи молда	Таъсир этувчи молда миқдори, %
Рух сульфат Полимикроўгит (ПМУ—7)	Zn	21,8—22,8
	Zn	2—5

ПМУ—7 ўз таркибидә 2—5 % рух тутади. Уни ургу-  
ларни экиш олдидан ёки экиш билан бирға қатор ора-  
ларига 20 кг/га мөйөрида күллаш тасвия этилади. Ил-  
диздан ташқары озиқдантириш мақсадиди күпроқ рух  
сульфат ишлатилиди (150—200 г/га). Рухли микроўгит-  
ларни бевосита уруг билан араалаштириб кўллаш ҳам  
мумкин. Бунинг учун 4 г рух сульфат 4 л сұнда эритила-  
ди ва 1 қурк молда араалаштирилади.

### Кобальт

Ўсимликларнинг 1 кг күрүк массаси таркибидә ўртача  
0,021 мг молдабы мавжуд. Айрим ўсимликларда бу күрсат-  
кынг 11,6 мг/кг ни ташкил этади. Кобальт күпроқ дук-  
какли экинларнинг туганларларда учрайди. Шунингдек,  
ўсимликларнинг генератив органлари (масалан гул)  
ҳам маълум миқдор кобальт тутади.

Ўсимлик таркибидаги ялпи кобальтнинг 50% и он, 20%  
и витамин  $B_{12}$  ва қолган 30% и барқарор органник  
бирикмалар шактадайди.

Ўсимликлар кобальтнан молибденга нисбатан 300  
марта кам талаб қылады. Кобальт бактерия ва фермент-  
ларнинг фаолияттага ижобий таъсир күрсатади. Кобальт  
таъсирда қандлавлаги ҳосилдорларига тектарига 30—35 қ.  
шакар миқдори 0,8% ошиши кузатилған.

Бұз тупроқлар таркибіда кобалт миқдори 1,0 мг/кгдан кам бұлса, кобальтты микроүгітлар ишлатилиши лозим. Лекин чорва моллардың учун сифаты озға етишириш мақсадыда тупроқ таркибидаги кобалт миқдори 2,0—2,5 мг/кг бұлғанда ҳам мазкур микроэлементни ишлатыши мүмкін. Ем-хашак таркибіда кобалт миқдори 0,07 мг/кг дан кам бұлса, чорва молларда *акобальтоз* хасталығы қозғалған келеді.

Кобальтты микроүгітлар сифатыда *кобалт сульфат*, *кобалт нитрат* ва *кобалт хлорид* тузлардан фойдаланылады.

#### Билемнингизни сипаб құринг

1. Микроэлементларни номдандыра *микроүгіттерге* тәсіріп беринг.
2. Бүрнинг үсімліктер таркибидеги миқдоры ва физиологияк ахамияты түрлісіндегі нималарнан биласыз?
3. Бүрнің үгітларын шашқаллары, құллаш дозасы, мұддатлары за усулдары түрлісінде сұзлаб беринг.
4. Мис етишмаса үсімліктердегі қанака тақшы үзгаришлар күзатылады? Мисли үгітларнан асосий вакылдарнан алтынг.
5. Марганецтің озиқ моддаларының таңылаб сингидирилүші жағдайда жараңнапарлардың ахамияттанаңын әсептегін.
6. Марганецтің микроүгітлердің құллаш усулдарын айтиб беринг.
7. Нима учун молибден «азот алмашинуын жарайғын микроэлементтер» деб юритилады?
8. Рухнинг үсімліктер жаһетидеги рөлі ҳақида нималарнан биласыз? Рухниң үгітларнан асосий вакылдарнан алтынг.
9. Үсімліктер таркибіде кобалт қанака шашқалдарда үрчайды?

## IX БОБ. КОМПЛЕКС ҮГІТЛАР

Таркибіде иккі ёки ундаған ортиқ озиқ элементтің турлы миқдоры ва нисбетларда тутадыған үгітлар комплекс үгітлар деб юритилады.

Таркибига күра иккі компонентті (фосфорлы-калийлы, азотлы-фосфорлы, азотлы-калийлы) ва уч компонентті (азотлы-фосфорлы-калийлы), олининиң усулига күра мұраккаб, мұраккаб-аралаш ва аралаштырылған, агрегат ҳолатында күра эса қаттық ва суюқ комплекс үгітлар фарқланады.


Мұраккаб үгітлар катион ва анионлардан таркиб отыптаған булып, қатын қимёвий формула билан ifодаланады —  $KNO_3 \cdot NH_4PO_4$  ва башқа (10-рас).

Мұраккаб-аралаш үгітлар дегендә, яғона технологик жарайғында аммиак, фосфат, нитрат ва сульфат кислоталар, аммиаки сериттере суюқланмасы, фосфорит ёки апатит, калий тузларнан үзаро таъсирлашын ассоциацияда олинадынан за ҳар бир заррачасыда қимёвий бирикмалар қолида иккі ёки уча озиқ элементтің тутадыған үгітлар тушениләди. Аралаш үгітлар иккі ёки уча күруқ ҳолаттагы оддий минерал үгітларни ара-ластириши ішінде билан олинады.

Бир пайттың үзіндегі таркибіде юқори концентрациялы иккі ёки уча озиқ элементтің тутадыған комплекс үгітларда хос ижобий хусусияттары. Масалан, аммофос, диаммофос, аммонийлаштырылған суперфосфат, нитрофос иккита озиқ элементтің тұтса, нитрофоска, карбоаммофоскалар таркибіде уча озиқ элементті мавжуд. Айрим мұраккаб үгітлар таркибига микроэлементтер ҳам киритилады.

Комплекс үгітлар құллаш ассоциацияда үгітларнан тупроққа киритиш болып бөгөнлик сарф-жарақаттарнан оддий минерал үгітларнан алохіда-алохіда құллашша нисбатан 1,5—2,0 марта камайтириши мүмкін.

Айни чоғда комплекс үгітлар таркибидеги фосфор үсімліктер тогомонидан оддий фосфорлы үгітлардан ара-ластириши мүмкін.



10- расм. Мураккаб ўгитлар олиш чизгиси

Комплекс ўгитлар фақат ўсимликларни озиқ элементлар билан таъминлашни яхшилаб қолмай, ўгитларни юклаш, ташини ва тушириш билан боғлиқ харатжатларни камайтиради, ўгит омборлари курилишини арzonлаштиради.

39-жадвалида кенг тарқалган комплекс ўгитлар таркибидаги озиқ элементларнинг микдори ва нисбатлари келтирилган.


Асосий комплекс ўгитлар таркибидаги озиқ моддалар микдори ва нисбатлари  
(А. В. Петербургский, 1989)

Ўгит номи	Озиқ моддалар нисбати, N:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> :K <sub>2</sub> O	Озиқ моддаларнинг ялли микдори, %
Аммофос	1:4:0	56—63
Диаммофос	1:2,5:0	66—68
Нитроаммофос	1:1:0	48
Нитроаммофоска	1:1:1	48—51
Нитрофоска	1:1:1	33—35


**Мураккаб ўгитлар.** Таркибидаги икки ёки учта озиқ элементни тутган мураккаб ўгитлар фарқланади.

**Аммофос** — NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub>. Фосфат кислота таркибидаги битта водород ўрнини NH<sub>4</sub> олишидан ҳосил бўлади, таркибидаги ионлар (аммоний ва фосфат) ўсимликлар томонидан барча тупроқ типларида осон ўзлаштиради. Балластсиз ўгит, таркибидаги 11—12 % азот ва 46—60 % фосфор мавжуд.

Олиниши жуда содда:



**Диаммофос** — (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>HPO<sub>4</sub>. Фосфат кислотани аммиак билан тўйинтириш асосида олинади:



Диаммофос энг юқори концентрацияли мураккаб ўгитлардан бири бўлиб, таркибидаги 18 % дан ортик азот ва 50% атрофида фосфор тутади (N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>=1:2,5).

Аммофос ва диаммофос таркибидаги N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбатнинг 1:2,5—4 га тенг бўлиши уларни ниҳолларни ўзимли озиқлантириш пайтида кўллаш имконини чеклайди, лекин ургулаганда яхши экши, кўчкат ўтказиш ва кузги шудгор киритиш яхши самара беради.


**Калий селитра** — KNO<sub>3</sub>. Ўгит 13 % азот ва 45 % гача K<sub>2</sub>O тутади.

1 қалий селитра 1 қалий хлорид ва 0,4 қ аммиакли селитра ўрнини босади. Таркибидаги моддалари йўқ, физикавий хоссалари яхши. Хлорсүймас экинлар учун энг яхши ўгит. Лекин N:K<sub>2</sub>O нисбат

1:4 бўлгани бонс кўшимида равишда азотли ўғитлар ишлатига тўғри келади.

**Полифосфатлар** ( $H_{n+2}P_nO_{3n+1}$ ) — таркибда кўп сонли  $PO_4$  гурӯҳ тутган чизиқди полимерлардир. Улар ҳозирни кунда ишлаб чиқарилаётган ўғитлардан таркибидаги фосфат компонентнинг тузилиши билан фарқланади. Полифосфат атоми занжирни ва ҳалқасининг шаклланishi учун хизмат қиласидаги  $P-O-P$  боғнинг макроэнергетикавий табииати ўсимликларда кечадиган физикавий — биологик жараёнларга таъсири кўрсатади.

Полифосфатларнинг гидролизланиши кўйидаги тартибда содир бўлади:




Ҳарорат 7—12 даражада бўлганда гидролиз секин кечади, 12—15 даражада кучаяди, энг маъқул ҳарорат 30—35°C дир.

Истиқболли мураккаб ўғитлар жумласига **аммоний полифосфати** (15 % азот, 60 %  $P_2O_5$  тутади) кириши мумкин. Бу ўғит Ўрга Осиёнинг серкарбонат тупроқларида қўлланилганда юқори иқтисодий самара беради.


### Мураккаб-аралаш (комбинацияланган) ўғитлар

Академик Д. Н. Прянищников 1908 йилда фосфоритларга сульфат кислота билан эмас, балки нитрат кислота билан таъсири этиш бир йўла азотли ва фосфорли ўғит олиши имконини беришини таъкидлаган эди.

Фосфоритга нитрат кислота таъсири эттирилганда кальцийли селитранинг  $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$  ва  $(Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$  лар билан аралашмаси — **нитрофос** олиниади. Лекин маълумки,  $Ca(NO_3)_2$  ўта гигроскопик бўлганилиги сабабли унга аммоний сульфат кўшилади.




Бу аралашма нитроаммофосга мисол бўлади. Уч компонентли ўғит олиши учун пульпага KCl киритилади:



Аралашма қуритилади ва гранулаланади. Ўғитнинг ҳар бир доначаси таркибида  $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$ ,  $Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$ ,  $NH_4NO_3$ ,  $NH_4Cl$ ,  $KCl$ ,  $KNO_3$ ,  $CaSO_4$

мужассам бўлади ва у сульфатли нитрофоска деб юритилади.

Юқоридаги жараёнда пульпа (кальцийли селитранинг кальцийли фосфатлар билан аралашмаси)га аммиак ва фосфат кислота кўшилса, кальций нитрат кальцийнинг бир ва иккى алмашган фосфатларига, аммиакли селитра ҳамда аммофосга айланади.



Кўшимида равишда KCl киритилганда юқоридаги моддалар таркибида  $NH_4Cl$  ва  $KNO_3$  кўшилади. Бу ўғит — **нитрофосгадир**. Нитрофосфатларнинг доналари 1—4 мм катталиклида бўлади ва уларнинг кўйигалиги турлари ишлаб чиқарилади (40-жадвал).

**Нитроаммофос** — моноаммоний фосфат асосида олиниадиган мураккаб аралаш ўғит. Таркибида калий киритилса, **нитроаммофоса** дейилади.

Айтилганлардан ташкари **карбоаммофоска** (20% азот, 20 % фосфор, 20% калий), мочевина фосфат  $CO(NH_2)_2 \cdot (NH_4)_2HPO_4$  (27 % азот, 27 %  $P_2O_5$ ) ва **фосфамид** деб номланадиган ўғитлар ишлаб чиқарилади.

40-жадвал.

Нитрофосфатларнинг тасвифи  
(А. В. Петербургский, 1989)

Нитрофосфатлар	Озиқ элементлари миқдори		
	N	$P_2O_5$	K <sub>2</sub> O
А русумли нитрафос	23,5	17	—
Б русумли нитрофос	24	14	—
А русумли нитрофоска	16—17	16—17	13—14
Б русумли нитрофоска	12,5—13,5	8,5—9,5	12,5—13,5
В русумли нитрофоска	11—12	10—11	11—12

Шу тоифага қирадиган **аммонийлаштирилган суперфосфат** оддий суперфосфати аммиак билан тўйинтириб олиниади. Одатда, кукусимон суперфосфат 6 % гача аммиак азотини ютиши мумкин, лекин кальций монофосфатнинг **ретроградацияланшини** оддини олиши учун 3—4 % атрофида  $NH_3$  ютирилади. Бу ўғит тарки-

бидаги азот үсімліктер томонидан яхши ўзлаштирилады, лекин үсімліктернің азот билан тәмминлашда унча катта рол йұнамайды.

### Суоқ өсімдіктернің комплексы үйітлар

Суоқ комплекс үйітлар (СКҮ) деб таркибіда барча макро өсімдіктернің туттаман суоқ араша-шыларға айтылады. Қаттак өсімдіктернің комплекс үйітлар самара-радорлардың бирек біліші анықтанды. СКҮлар – истиқболлы үйітлардан қисьобланады. Улар фосфат кислотаны аммиак билан нейтралданады ( $pH=6.5$ ) асосыда олинады. Таркибидаги азот миқдорини оширишүү учун суоқ үйітларда аммиаклы селитра, мочевина ёки уларнан араша-шылар күшіледі. Ортофосфат кислота асосыда олинады үйітлар (24–30 % озиқ элементтерінің туттаман суоқ үйітларда 40 % дән ортигы озиқ элементтернің туттады) лойқароқ әртімде қолданылады.

Бұз түрдегі үйітлар үз таркибіда әркін аммиак туттады. Шу сабабден улардың турлоққа пуркада, изидан ишшілер беріши техникасини тушириши мүмкін. Суоқ комплекс үйітларни юқлаш, ташиш, турлоққа солишини тұла механизациялаша шу жүйе билін истроғарчылықтарынан олиши мүмкін. Тавсифланғандаған үйітларни ишлатылыштан кеттіңдегі оның мүмкін. Бұз бириңіндегі ишшілік чиқарылыштардың күріші 20–30% кам маблаг қарфланишина иккіншіндең, мәннат қарфнинг 3–3,5 мартта камлиги билан бағылана.

Муайян ҳарораттарда кристалланиши, коррозияға қидамылған идишларда сақлашыны талаб қылышы да өсімдіктернің майдонларда кирилліктаған фосфорнаның бир қысмасын үюлиб кететін СКҮларга хос салбай хусусияттары.

СКҮлардагы озиқ элементтернің миқдорини исталғанда ошириб бораверішнен иложи жүйе, чиңкі маңылум ҳароратдан бошлаб улар кристаллана бошлады. Концентрациясын оширишүү учун уларға стабиллаштырувчи құшымша – коллоид лой (1 т үйіттегі 10–22 кг) күшіледі. Шундай усууда олинады үйіт 12 % азот, 40%  $P_2O_5$  туттаман суоқ, СКҮларнан сақлашады муддаты 3 ойға. СКҮларни серкарбонат бүз турлоқтарда құллашы яхши әртісінде самара берады.

### Араша-шылар

Араша-шылар компоненттернің кимбейіндеңдегі оның үзілігінде үрдістесінде олинады. Улар кукусимон ёки донадор қолатада булиши мүмкін.

Үйітларни күркүнде араша-шылар комплекс үйітлар олициддегі энг оддий да самара-радорлардың тадабир иккіншіндеңде араша-шылар оширилады:

— бевоситта хұжаликтарнан үзілік мүкім да күчма үйіт араша-шыларда ердамда араша-шылар;

— өзінде күватты мосламалар (40–60 m<sup>3</sup>/soat) ердамда араша-шылар.

Араша-шылар комплекс үйітларни кимбейіндеңдегі оның үзілігінде үрдістесінде олинады. Улар кукусимон ёки донадор үйітларни маңыс үйіт араша-шылар заводларда, агрокиме марказларнан үйірек механизациялаштырылған омборларда ёки бевосита хұжаликтарда араша-шылар үзілік мүкім да күчма үйіттегінде олинады.


Бұз үйітларни құллашында кетадында вакт ҳамда межнэт үйітларни алохіда-алохіда солищдагы қараганда анча тежалады, уларнан самара-радорлардың орталы, чиңкі барча зарурын элементтернің бирдандығы солинады, улар пайдала бир мөндердә тақсілана.

Үйітларни араша-шыларни бириң-кетин бажарыладын күйінде беш босқындан иборат жарапада деб қараш мүкім:

- 1) үйітларни араша-шыларда тайёрлаш;
- 2) компоненттернің араша-шыларда узатышы;
- 3) мөндердән (араша-шыларда тегиши миқдордагы үйітларни ажратып);
- 4) араша-шылар;
- 5) араша-шылар ташиш мосламалары ёки омборларға олыш.

Араша-шыларнан үйітларнан үзілік хос физикалық да кимбейін хусусияттары күп қолларда уларни араша-шылар имконияттарынан өзекілдік (11-расм).

Масадан, аммиаклы селитра суперфосфат билан араша-шыларда, нитрат кислота буллары ёки азот өксидлары хосил болады:




Шуннингдегі, хосил бүләдінде кальций нитрат араша-шыларнан гигроскопиклігін оширилады:



Таркибада кальций өксидине туттаман металургия шлак-

ларини аммиакли селитра ёки аммоний сульфат билан (шунингдек аммоний фосфат билан) аралаштириши мумкин эмас, чунки бунда аммиак ажralи чиқади:



Суперфосфат ва фосфорит уни калийни ўйтлар билан, шунингдек, аммиакли селитра ва аммоний сульфат преципитат билан аралаштирилганда номақбул ўзгаришилар содир бўлмайди.

Энг кенг таржалган ўйтлар — аммиакли селитра, суперфосфат ва калий хлорид аралашмаларининг физик хоссаларини яхшилаши мақсадида суперфосфатдаги эркин кислотот бояғлаш ва гигроскопикликни камайтириш учун майдаланган — доломит, фосфорит уни каби мўътадилловчи моддалар кўшилди. Бундай аралашмани сочилиувчанилиги 4—5 ой давомида ҳам ўзгармайди.

Ўйтлар	Аммоний сульфат, аммофос, димаммофос	Натрофоска, аммиакли селитра	Натрий, калийни ва калийни селитрилар	Калий Плавамид	Монавия	Суперфосфат	Фосфорит ва сунк учи	Преципитат	Томас ва фосфат измаллари	Калий тузи, калий хлорид ва съязваник	Оҳан, куя	Гўн, ширинча ахлати
Аммоний сульфат, аммофос, димаммофос	+											
Натрофоска, аммиакли селитра		+										
Натрий, калийни ва калийни селитрилар			+									
Калий Плавамид				+								
Мочевина					+							
Суперфосфат						+						
Фосфорит ва сунк учи							+					
Преципитат								+				
Томас ва фосфат измаллари									+			
Калий тузи, калий хлорид ва съязваник										+		
Оҳан, куя											+	
Гўн, ширинча ахлати												+

11-расм. Ўйтларни аралаштириши қойласи: қора катак — аралаштириш мумкин; нуктани катак — юллаш олдидан аралаштириш мумкин; оқ катак — аралаштириш мумкин эмас.

Мочевинани тупроқда киритиш олдидан фосфорли ва калийни ўйтларнинг барча шакллари билан аралаштириш мумкин. Уни суперфосфат билан анча олдиндан аралаштиригандан ҳам салбий ўзгаришилар кузатилмайди. Донадор ўйтлар, айниқса доначаларининг ўткамлари бир хил бўлган ўйтлар аралаштирилганда аралашманин физикавий хоссалари ва сочилиувчанилиги яхшилади.

Ўйтларни аралаштириша экинларнинг озиқ моддаларининг муайян нисбатига ( $N:P_2O_5:K_2O$ ) эҳтиёжини шунингдек, тупроқ хоссалари, ўйтлаш усуллари ва муддатларини ҳисобга олини зарур.

Таржиди озиқ моддалари кўп ва физикавий хоссалари яхши бўлган ўйт аралашмаларини тайёрлаш учун биринчи навбатда мочевина ёки аммиакли селитра, кўш суперфосфат ёки аммофос, йирик кристалли калий хлоридни ишлатиш лозим. Ўйт аралашмаларини механизмлар ёрдамида тайёрлаш ва қўйлаш бир томонлама таъсири етадиган ўйтларни алоҳида-алоҳида соилишга қаранганд кўпроқ иқтисодий самара беради.

Хозигри даврда концентрлантан оддий ва комплекс ўйтларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Комплекс ўйтларнинг қишлоқ хўжалигидаги тутган аҳамияти эътироф этилган. Аксарият хорижий давлатларда уларнинг саломгири ишлаб чиқарилаётган ўйтларнинг 60—70%ини ташкил қиласи.

Комплекс ўйтларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун экинлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда магнитий ва айрим микроэлементлар кўшилиши мумкин.

#### БИЛАНГИЗИН СИНАБ КЎРИНГ

1. Таржиби ва олиниш усуллари бўйича комплекс ўйтларни турӯхларга ажратинг.

2. Комплекс ўйтларнинг оддий минерал ўйтлардан устунынги ва камчилиги нималарда намоён бўлади?

3. Аммофос ва димаммофос тўргисида маълумот беринг.

4. Суюқ комплекс ўйтларнинг олиниш усулларини биласизми?

5. Ўйтларни аралаштириша нималарга эътибор берилади?

## Х Б О Б. МАҲАЛЛИЙ ЎГИТЛАР

Маҳаллий ўгитлар жумласига гўнг, гўнг шалтоғи, торф, нажас, парранда ахлати, компостлар, сапропель, хўжалик ва майший чиққинилар, сидератларни киритиш мумкин. Маҳаллий ўгитлар ичизи энг кенг тарқалтани гўнг хисобланади. Маҳаллий ўгитлар билан бирга тупроққа ўсимликларниң меъерида ўсиб-ривожланиши учун зарур барча макро ва микрозлементлар тушади. Қорамол гўнгининг бир  $m$  куруқ моддаси тарқибидаги 20  $\text{kg}$  азот, 10  $\text{kg}$  фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ), 24  $\text{kg}$  калий ( $\text{K}_2\text{O}$ ), 28  $\text{kg}$  ( $\text{CaO}$ ), 6  $\text{kg}$  магний ( $\text{MgO}$ ), 4  $\text{kg}$  олтингурут ( $\text{SO}_4$ ), 25  $\text{g}$  бўр (В), 230  $\text{g}$  марганец ( $\text{Mn}$ ), 20–30  $\text{g}$  мис ( $\text{Cu}$ ), 100  $\text{g}$  рух ( $\text{Zn}$ ), 2  $\text{g}$  кобальт ( $\text{Co}$ ), 2  $\text{g}$  молибден ( $\text{Mo}$ ) ва 0,4  $\text{g}$  иод ( $\text{I}$ ) мавжуд.

Тарқибидаги ўсимликларниң ривожланиши учун зарур барча элементларни туттани сабабли гўнг тўлиқ ўгит деб юритилади. Айрим маҳаллий ўгитлар тарқибидаги асосий озиқ элементларниң миқдори 41-жадвалда келтирилган.

41-жадвал.

Айрим маҳаллий ўгитлар тарқибидаги озиқ элементлар миқдори, %  
(Х. К. Асаров, 1989)

Маҳаллий ўгит тuri	N	$\text{P}_2\text{O}_5$	$\text{K}_2\text{O}$	$\text{CaO}$
Чала чириган гўнг (намлиги 75%)	0,50	0,25	0,60	0,70
Гўнг шалтоғи	0,25	0,06	0,36	0,06
Дўнглик торфи (намлиги 60%)	0,35	0,03	0,03	0,04
Ботиклик торфи (намлиги 60%)	1,05	0,14	0,07	0,14
Нажас	0,67	0,33	0,20	0,10

20  $m$  чала чириган тўшамали гўнг тарқибидаги озиқ моддалар миқдори 0,3  $m$  аммиакли селитра, 0,25  $m$  оддий суперфосфат ва 0,2  $m$  калий хлориддаги озиқ моддаларга баробар.

Гўнгнинг минерал ўгитлар олдидағи энг асосий камчилиги тарқибидаги озиқ миқдорининг % ларда ифода надандиган миқдорининг камлигидир (айрим ҳоллардагина бир % дан ошади).

Гўнг, гўнг шалтоғи, парранда ахлати каби маҳаллий ўгитлар ишлатилганда, ҳосил билан олиб кетилган озиқ миқдорининг бир қисми тупроққа қайтади. Дуккакли ва дуккакли-дон эквиналарниң дони ва хашаги билан озиқлантирилган чорва молларининг гўнти азотга бойдир.

Шахар чиққинилари, торф, сапропель (чучук сув ҳавзаларининг лойқаси) каби маҳаллий ўгитлар дех-қончиликда миқдорлар ўрамини янги озиқ миқдорлар билан бойтади. Маҳаллий ўгитлар тупроқнинг озиқ режимига бўйлосита ўйл билан ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, микроорганизмлар азотни ўзлаштириб, ўз танасида тўплайди. Гўнгин фосфорли ўгитларга кўрсатадиган таъсири алоҳидан аҳамиятга эга. Бунда биринчидан, микроорганизмлар ўғит тарқибидаги фосфорни ўзлаштириб, уни тупроқдаги тузларнинг кимёвий таъсиридан, бинобарин фосфорли ўгитларниң асосий қисмий қийин эрийдиган шаклга ўтиб қолишидан сақладиди. Иккинчидан, маҳаллий ўгитлар ва улар асосида ҳосил бўладиган гумус фосфорни қамраб олиб, уни ўсимликлар қийин ўзлаштирадиган шаклга ўтиб қолишига ўйл қўймайди. Учичидан, тупроқ ферментлари ва микроорганизмларининг нафас олиши жараённада ажralиб чиқадиган  $\text{CO}_2$  гази ҳамда маҳаллий ўгитларниң парчаланишидан ҳосил бўладиган органик кислоталар таъсирида тупроқдаги фосфорнинг эрувчанлиги кучайиб, ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклга ўтади.

Гўнг ва бошқа маҳаллий ўгитлар эквиналар учун фагат минерал миқдорининг манбаси бўйл қолмайди, уларни карбонат ангирилди билан ҳам таъминлайди. Гўнг ва бошқа маҳаллий ўгитлар кўп ишлатилганда, улардан ажralалиган  $\text{CO}_2$ нинг миқдори 10–20 марта ва ундан ҳам кўпроқ орталди. Гектарига 30–40  $m$  гўнг киритилганда гўнг кўлланнимаган майдондагига нисбатан бир кечга-кундузда 100–200  $m^2$  кўп карбонат ангирилди ажralади. Агар дошли эквиналар 2,5  $m^2/\text{га}$ , картошка ва сабзавот эквиналари 40–50  $m^2/\text{га}$  ҳосилини шакллантириш учун кунинга мос равишда 100 ва 200 (300)  $m^2$  карбонат ангирилди сарфлайди.

Тупроқнинг ҳайдалма қатламида ўсимликларниң меъерида ўсиши учун шароит яратадиган микроорга-

низмлар миқдори 6—7 т/га ни ташкил этади. Нажас ва түнг микрофлорага жуда бой бўлиб, улар билан тупроқка кўп миқдорда микроорганизмлар келиб тушади.

Тупроқка маҳаллий ўғитлар киритилганда, микроорганизмлар хаёт фаолиятининг жадаллашиши эвазнинг биологияк фаол моддаларининг тури ва миқдори кўпайди. Шундай моддалардан ҳисобланган ауксинап, гетероауксинлар ва витаминлар ўсимликлар томонидан жуда оз миқдорда ўзлаштирилишига қарамасдан уларда кечадиган модда алмашинув жараёнини тезлаштиради.

Тупроқда пенициллин ва бошқа антибиотикларнинг булиши, биринчидан, ундан касаллик тарқатувчи микроорганизмларни ўйкотса, иккинчидан, ўсимликларни турилди хил касалликларга дучор бўлишдан асрайди.

Маҳаллий ўғитлар айниқса унумдорлиги паст тупроқларга киритилганда яхши самара беради. Тупроқка түнг мунтазам киритилса, гумус миқдори кўпайди, синтдириш сифими ва буферлиги ортади. Шу билан бир қаторда тупроқнинг биологияк, физикавий ва кимёйи хоссалари ҳамда сув ва ҳаво режимлари яхшиланади. Маҳаллий ўғитлар таъсирида оғир тупроқларнинг меҳаникавий таркиби енгиллашади, енгил тупроқларнинг нам сигими ва сув ўтказувчанлиги ижобий томонига сийжиди.

Маълумки, фақат минерал ёки маҳаллий ўғит кўллаш йўли билан ҳам экинилардан мўл ҳосил олиш мумкин. Лекин улар таркибидаги озиқ моддаларнинг икки хил табиатли эканлигини (минерал ўғитлардаги озиқ моддалар осон эрийди, гўнгдаги органик модда-

#### 42-жадвал.

**Минерал ўғитлар самаралорлигига тўлиниш таъсири**  
(К. Розиков, 1986)

Ўғитлар	Ўғит мөнъерлари, кг/га	Пахта ҳосили, т/га	
		гўнг киритилмаганда	гўнг киритилганда
Азот	150—200		
Фосфор	100—150	40,9	43,6
Калий	75—100		
Азот	250—300		
Фосфор	150—210	43,8	45,2
Калий	125—150		

лар секин парчаланади), ҳисобга олсан, уларни бирга кўллаш нақадар катта аҳамиятта эгалиги аён бўлади. Тадқиқотларда минерал ўғитларнинг тури мөъберлари гўнгли (20 т/га) ва гўнгиззарварияларда синаб кўрилган (42-жадвал).

Тажриба натижалари түнг ва минерал ўғитлар биргаликда кўлланилганда гектаридан 2—3 т/га ўсимликларни пахта ҳосили олиш мумкинлигидан далолат беради.

#### Гўнглар. Тушамалий тўнг

Тўнг — энг муҳим маҳаллий ўғит. Таркибидаги ўсимликлар учун зарур барча озиқ моддалар мавжуд бўлганлиги сабабли академик Д. Н. Прянишников «...минерал ўғит қачна кўп ишлаб чиқариласин, гўнг ҳеч қачон ўз аҳамиятини ўйкотмайди, қишилк хўжалигидаги асосий ўғитлардан бирни бўлиб қолаверади» — деб ёзган эди.

Чорва молларини бокиши усули ва хўжаликларнинг имкониятларига боғлиқ раввища тушамалий ёки тушамасин гўнг олиниади.

Тушамалий тўнг чорва молларининг қаттиқ ва суюқ ажратмалари ҳамда улар остига ташланадиган пахол, сомон, қипик, торф каби жиснлардан иборат бўлиб, 25% куруқ мадда ва 75% сувдан иборат.

Молларга бериладиган ем-хашак таркибидаги органик мадданинг 40, фосфорнинг 80, азотининг 50 ва калийнинг 85%ни гўнг таркибига ўтади. Гўнг таркибидаги озиқ моддалар миқдори чорва молининг тури ва ёши, бериладиган ем-хашак таркибига боғлиқ раввища кенг миқёсда ўзгаради. Мазкур омиллар гўнг таркибидаги қаттиқ ва суюқ, фракциялар нисбатига ҳам кучли таъсири кўрсатади. Ёш новвос ва гунахинлар гўнгидаги озиқ моддалар миқдори анча кам бўлади.

Гўнгнинг қаттиқ ва суюқ қисмлари озиқ моддалар миқдори билан кескин фарқ қилилади. Масалан, фосфор тўлалигига қаттиқ ажратмалар таркибидаги учраса, азотнинг 1/2—1/3 қисми ва калийнинг барчаси сийдик таркибига киради.

Чорва молларининг қаттиқ ажратмалари таркибидаги микроорганизмлар жуда кўп бўлгани ҳолда, сийдик таркибидаги умуман учрамайди. От, йирик шохли қорамол ва қўйларнинг гўнгидаги қаттиқ ажратмалар кўп, чўчка гўнгидаги эса суюқ ажратмалар миқдори қаттиқ ажратмаларга нисбатан икки марта зиёддир (43—44-жадвалар).

**Бир бош чорва молидай олинадиган қаттиқ ва суюқ ажратмаларнинг миқдори ва нисбати**  
(Х. К. Асаров, 1989)

Чорва моли тури	Бир кечакундузлаги ажратма, кг		Қаттиқ ва суюқ ажратмаларнинг нисбати
	қаттиқ	суюқ	
Йирик шохли қорамол:			
катта ёшлаги гунахкин ва новвослар бузуклар	20–30	10–13	2,0
Отлар	10–12	5–6	2,0
Кўйлар	3–5	1,5–2	2,3
Чўчқалар	15–20	4–6	3,5
Чўчқалар	1,5–2,5	0,6–1,0	2,5
Чўчқалар	1,5–2,2	2,5–4,5	0,5

От ва қўйларнинг қаттиқ ҳамда суюқ ажратмалари сақлаша жараёнида кўп иссиқлик ажратади. Шу боис улар «қайноқ гўн» деб юритилади. Йирик шохли қорамоллар ва чўчқаларнинг гўнгининг ҳарорати секин кўтарилади ва «сөвук гўн»лар тоифасига киритилади.

Тўшама – тўшамали гўнгининг таркибий қисми. У қаттиқ ва суюқ ажратмалар билан араалшиб, гўнг миқдорини оширади ва таркибидаги учувчан озиқ моддаларнинг йўқолишини олдини олади. Тўшама сифатида сомон, торф, қипик ва бошқа материаллардан фойдаланиши мумкин. Тўшамалар зоогигиена ва агрономия нуқтai назардан катта аҳамиятга эга. Биринчидан, улар чорва молларининг куруқ ва тоза ётиб-туришини тъминласа, иккинчидан, гўнг миқдорини оширади.

**Чорва моллари гўнти таркибидаги куруқ молда, азот ва кул элементлар миқдори, %**  
(Х. К. Асаров, 1989)

Ҳайвон тури	Куруқ молда	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO	MgO	SO <sub>4</sub>
Қаттиқ ажратмаларда							
Йирик шохли қорамол	16	0,29	0,17	0,10	0,35	0,13	0,04
Отлар	24	0,44	0,35	0,35	0,15	0,12	0,06
Кўйлар	35	0,55	0,31	0,15	0,46	0,15	0,14
Чўчқалар	18	0,60	0,41	0,26	0,09	0,10	0,04

Суюқ ажратмаларда							
Йирик шохли қорамол	6	0,58	0,01	0,49	0,01	0,04	0,13
Отлар	10	1,55	0,01	1,50	0,45	0,24	0,06
Кўйлар	13	1,95	0,01	2,26	0,16	0,34	0,30
Чўчқалар	3	0,43	0,07	0,83	0,01	0,08	0,08

Тўшамалар билан гўнг таркибига кўшимча озиқ молдалар киритилади ва улар микроорганизмлар иштириқида парчаланганч, ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга ўтади (45-жадвал).

**Тўшамалар таркибидаги озиқ молдаларнинг ўртacha миқдори, %**  
(А. В. Петербургский, 1989)

Тўшама тури	Намлик	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO
Бугдой сомони	14,3	0,50	0,20	0,90	0,30
Жайдар сомони	14,3	0,45	1,00	0,30	0,30
Сули сомони	14,0	0,65	0,35	1,60	0,40
Дўнглик торфи	25,0	0,80	0,10	0,07	0,22
Ботикилик торфи	30,0	2,25	0,30	0,15	3,00
Дарахт барғи	14,0	1,10	0,25	0,30	2,00
Килиқ	25,0	0,20	0,30	0,74	1,08

Чорва молларининг суюқ ажратмалари ва ажратиб чиқадиган аммиак тўшама томонидан ютилади. Сомон, дўнглик ва ботикилик торфларининг бир қисми мос равишда 2–3, 5–7 ва 10–15 қисм суюқликни шимади.

Тўшамалар гўнгнинг намлигини камайтиради, говаклигини оширади ва осон парчаланишига ёрдан беради. Тўшамали гўнгларни ташиб ва тупроқка киритиш анча сенгил. Тўшама сифатида сомон ва торфнинг аҳамияти катта. Баззан ёточ қилингидан ҳам фойдаланиши мумкин, лекин бунда гўнгнинг сифати пасасиди. Қилиқли гўнглар комплост ҳолатиди ишлатилиши керак.

Майдаланган сомон ва намлиги 30–35%дан кам, 25–30% чириган торф энг яхши тўшама хисобланади.

Тўшамани сарфлаш мөъёри материал сифатига, чорва моллининг тури ва уларга бериладиган эм-ҳашакнинг миқдори ҳамда тўйимлилигига боғлиқ. Бир кечакундузда бир бош чорва моли учун сарфланадиган тўшама миқдори 46-жадвалда келтирилган.

47-жадвалда эса турли чорва молларидан олинадиган янги тұшамалы гүнгінің таҳминий кимбейі таркиби көлтирилген.

46-жадвал.

Бир бөш чорва моли учын бир кечә-күндүзде сарғланадын тұшама миқдоры, кг.

(Д. А. Кореневъ, 1980)

Чорва моли тури	Сомон	Торф	Кипик
Етук қорамоллар	3-6	7-20	4-6
Бүзәқтар	2-3	3-10	2-4
Отлар	3-5	4-10	2-4
Чүчқалар	1-3	0,5-3	1-3
Құйлар	0,5-1		

Сақлаш жараёнида тұшамалы ғүнгі таркибининг ўзғаруши. Сақлаш жараёнида микроорганизмлар гүнгі таркибидеги қаттық ве суюқ моддаларни оддиг минерал моддаларға қадар парчалайды, аммиак шаклады азоттагы тұшамада. Сақлаш жараёнида аммиак шаклады азоттага айланади. Сақлаш жараёнида аммиак шаклады азоттага азоттага айланади. Сақлаш жараёнида аммиак шаклады азоттага айланади. Сақлаш жараёнида аммиак шаклады азоттага айланади.

47-жадвал.

Янги тұшамалы гүнгінің таҳминий кимбейі таркиби, %

(Д. А. Кореневъ, 1980)

Күрсаткыштар	Сомонлы тұшама				Торфты тұшама	
	Йирик шохоли корамол	Чүч-қа	От-лар	Құй-лар	Йирик шохоли корамол	От-лар
Куруқ модда	23	28	29	35	22	33
Органик модда	20	25	25	32	—	—
Азот:						
янги	0,45	0,45	0,58	0,83	0,60	0,80
оксидисимон	0,28	—	0,35	—	0,38	0,48
аммиак						
шаклады	0,14	0,20	0,19	—	0,18	0,28
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	0,23	0,19	0,28	0,23	0,22	0,25
K <sub>2</sub> O	0,50	0,60	0,63	0,67	0,48	0,53
CaO	0,40	0,18	0,21	0,33	0,45	0,44
MgO	0,11	0,09	0,14	0,18	—	—
SO <sub>4</sub>	0,06	0,08	0,07	0,15	—	—

Чорва молларининг суюқ ажратмалари мочевина — CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub>, гипур кислота — C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>ClONHCH<sub>2</sub>COOH ва сийдик кислотасы — C<sub>6</sub>H<sub>4</sub>N<sub>4</sub>O<sub>3</sub> дай иборат. Гүнгінің сақлаш жараёнида улардан биринчи навбатда мочевина, ундан кейин гипур кислота ва энг охирида сийдик кислотасы парчаланады.

Мазкур маылумоттардан суюқ ажратмалар таркибидеги азотты бирикмаларнинг парчаланишидан охирги маңсулот сифатында аммиак хосил бўлиши кўриниб турди. Хосил бўлган аммиакнинг асосий қисми тұшама томонидан ушлаб қолинади.

Гүнгі таркибидаги тұшама миқдори кўп бўлса, табиийки, микроорганизмлар сони ҳам кўпайды ва кўпроқ миқдордаги аммиак ушлаб қолинади. Тұшама кам миқдорда ишлатилганда, суюқ ажратмаларнинг бир қисми сизиб чиқади.

Гүнгі таркибидаги қанд моддалар, крахмал, пентозалар, пектин ва органик кислоталар осон парчаланади, целлюлоза секин парчаланади.

Гүнгіларни чириш даражасига кўра ажраттиши. Чириш даражасига кўра янги, чала чириган, чириган гўнгілар ва чириш фарқланади.

Таркибидаги тұшама сифатида ишлатилган сомон ўз табиий ранги ва мустаҳкамлигини сақлаб қолган гўнгі — янги гўнгі деб юритилади. Бундай гўнгідан тайёрланган суви сўрим кизгиш-сариқ ёки яшилтоб тусда бўлади.

Чала чириган гўнеда сомон ўз мустаҳкамлигини йўқотиб, тўқ жигарранг тусга ўтади. Сувли сўрими куюқ, қорамтири тусли. Массаси янги гўнгі массасига ийсбатан 20—30% камаяди.

Чириган гўнгі — қора ёпишқоқ масса, таркибидаги сомон ёки бошқа тұшама бор-йўклиги сезилмайди. Сувли сўрими рангсиз. Массаси янги гўнгі массасининг ярмига тент.

Чирини — органик моддага бой, қорамтири тусли, бир жинсли масса. Массаси янги гўнгі массасининг 25% ига якин.

Гўнгіни обдон чиритиб, кейин турпроққа киритиш мақсадда мувофиқ эмас, чунки бууда гүнгі таркибидаги органик моддалар ва азоттинг кўп қисми истроф бўлади.

Тұшамалы гўнени сақлаш усулади. Гўнгіни сақлашнинг бир нечта усули мавжуд. Шулардан биринча гүнгіні бевосита чорва моллары остида тўплашади. Бундай молларнинг остига 30—50 см қалинликда сомон тұшалади.

Ажратмалар ва тўшама аралашиб, зичлашиб ётаверади. Шу усул билан тўпланган гўнгни **зич**, **ғовак-зич** ва **ғовак** усулларда сақлаш мумкин.

**Зич** сақлаш усулининг моҳияти қўйидагича: гўнг эни 5–6 м, қалинлиги 1 м (узунлиги ихтиёрий) қилиб уюлади ва яхшилаб шиббаланади. Устига яна 1 м қалинликда гўнг ташланади ва яна зичланади. Бу тадбир уюмнинг баландлиги 2,5–3,0 м бўлгунча давом эттирилади. Охирида уюмнинг усти 8–15 см қалинликдаги сомон ёки торф билан қопланади ва устига юпқа туроқ қатлами ташланади.

Зич сақлаш усулида гўнг анаэроб шароитда парчаланади. Уюм ичида ҳарорат қишида 20–25, ёзда эса 30–35 даражани ташкил қиласди. Гўнгнинг барча ғоваклари карбонат ангидрид ва сув буглари билан тўлганлиги сабабли аммоний карбонатнинг амиак ва карбонат кислотага айланиши содир бўлмайди. Зич сақлаш усулини қўллаб, 3–4 ой ўтгач чала чириган, 7–8 ойдан кейин эса тўла чириган гўнг олиш мумкин.

**Ғовак** – зич сақлаш усулида эса гўнг 1 м қалинликда ташланади ва шу ҳолатда 3–5 кун қолдирилади (бунда ҳарорат 60–70 даражагача кўтарилади). Кейин яхшилаб шиббаланади ва устига яна шунча гўнг ташланади ва юқорида айтилган тадбир тақрорланади.

Сақлашнинг биринчи босқичида (зичлашга қадар) термофил бактериялар иштироқида жадал аэроб жараён кетади. Юзага келадиган юқори ҳарорат ошқозоничак хасталикларини қўзғатувчи микроорганизмларни ва бегона ўт уруғларини нобуд қиласди.

Сақлашнинг иккинчи босқичида (зичлашдан кейин) гўнг массасининг ҳарорати 30–35 даражага тушади ва чириш анаэроб шароитда давом этади. Ғовак-зич сақлаш усулида 1,5–2,0 ой ичида чала чириган, 4–5 ой ичида эса тўла чириган гўнг ҳосил бўлади.

Ғовак сақлаш усулида гўнг массаси зичланмасдан, шундайлигича қолдирилади. Аэроб шароитда чириш на-тижасида юқори ҳарорат юзага келади ва кўп микдорда азот, органик моддалар йўқолади, гўнг шалтоғи оқиб кетади.

Гўнг сақлашнинг юқорида айтиб ўтилган учта усулини ўзаро тақъослаб (48-жадвал), энг кўп азот, органик моддалар ва гўнг шалтоғи ғовак сақлаш усулида, энг ками эса зич сақлаш усули қўлланилганда йўқолини кўрамиз.

Гўнглар маҳсус тайёрланган гўнгхоналарда сақланади.

Гўнгхоналарнинг ости бетон билан қопланиши ёмғир ва қор сувлари тўпланиб қолмаслиги керак.

Гўнг шалтоғи ва унинг таркибидағи озиқ моддаларнинг бекорга исроф бўлишини олдини олиш тадбирларидан бири унга фосфорит талқони қўшишдир. Бунда биринчидан, ўғит таркибидағи фосфор миқдори кескин кўпаяди, иккинчидан, фосфор ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга ўтади, учинчидан, гўнгнинг гумификацияланиши тезлашади, тўртинчидан, микробиорганизмлар фаолияти кучаяди.

48-жадвал.

**4 ой ичида сақлаш усули ва тўшама турига боғлиқ равишда гўнг таркибидан азот, органик моддалар ва шалтоғининг йўқолиши, %**  
(Х. А. Асаров, 1989)

Сақлаш усули	Сомон тўшамали гўнг			Торф тўшамали гўнг		
	органик модда	азот	гўнг шалтоғи	органик модда	азот	гўнг шалтоғи
Ғовак	32,6	31,4	10,5	40,0	25,3	4,3
Ғовак-зич	24,6	21,6	5,1	32,9	17,0	3,4
Зич	12,2	10,7	1,9	7,0	1,0	0,6

Фосфорит талқонини гўнгтга исталган пайтда араштириш мумкин.

**Тўшамали гўнг миқдорини аниқлаш.** Маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш режасини тузишдан олдин йил давомида тўпланиши мумкин бўлган гўнг миқдори ҳисоблаб топилади (49-жадвал). Тўплаб қўйилган гўнг миқдорини аниқлаш учун унинг ҳажми ўғит массасига кўпайтирилади. Бунда 1 м<sup>3</sup> янги гўнг массаси 0,3–0,4 т, зичланган гўнг массаси 0,7 т, чала чириган гўнг массаси 0,8 т ва чириган гўнг массаси 0,9 т деб қаралади.

Молларни боғлаб ёки қамаб боқиладиган даврда тўпландиган гўнг миқдори (ТГ) қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$TG = \frac{G \cdot K \cdot M}{1000};$$

бу ерда:

G — бир борча молидан бир кунда олинадиган гўнг (жадвалдан олинади), кг;

K — молларни оғилда боқиш (сақлаш) даври, кун;

М — подадаги моллар сони, дона;  
1000 — кг ни т га айлантириш коэффициенти.

49-жадвал.

Турли миқдорда түшама ишлатилганда, 1 кеча-кундузда олинадиган гүнг миқдори, кг  
(Д. А. Кореньков, 1980)

Түшама мөйөрү, кг	Бир бош чорва молидан олинадиган гүнг, кг			
	Йирик шохли қорамол	отлар	күй ва эчкилар	чүчқалар
0	25	17	1,7	2
1	28	21	4,7	4
2	32	24	8,0	5
3	37	25	9,0	—
4	39	26	—	—
5	42	27	—	—
6	44	28	—	—

Мазкур усул билан янги гүнг миқдори аниқланади. Бу миқдорни чала чириган гүнгга айлантириш учун 0,7—0,8, чириган гүнг ёки чириндиға айлантириб ҳисоблаш учун эса мос равища 0,5 ва 0,25 коэффициентларга күпайтириш лозим.

**Түшамали гүнг — озиқ моддалар манбаи.** Азот ва күл элементларнинг ўсимликларни озиқданиши учун лаёқатлилиги гүнгнинг таркиби, чириш даражаси ва тупроқда минераллашиб тезлигитига бөглиқ.

Гүнг таркибидаги калийнинг асосий қисми ҳаракатчан ва хлорсиз шаклда бўлиб, уни тамаки, картошка ва цитрус мевалиларга қўллаш яхши самара беради.

Фосфорнинг асосий қисми гүнгнинг қаттиқ фракцияси таркибига киради. Шунинг учун гүнг таркибидаги фосфор минерал ўғитлар таркибидагидан кўпроқ (25% ва ундан ортиқ) ўзлаштирилади. Гүнгдаги органик моддаларнинг, шунингдек, гүнг билан тупроққа биргаликда киритиладиган минерал ўғитлар таркибидаги фосфорнинг ўсимликларга моликлиги ортади.

Азот гүнгнинг барча таркибий қисмларига киради. Лекин фақат суюқ ажратмалар таркибидаги азотгина ўсимликлар томонидан бевосита ўзлаштирилади. Қаттиқ қисм ва түшама таркибидаги азот фақат минераллашгандан кейингина ўзлаштирилади.

Тупроқка гүнг киритилган биринчи йилда ўсимликлар аммиак шаклдаги азотни ўзлаштиради. Ўсимликлар турли чорва моллари гүнги таркибидаги озиқ моддалар-

дан турли даражада фойдаланади. Масалан, биринчи йили эквивлар қўй гүнгти таркибидан азотнинг 30, от гүнгидан 20 ва қорамол гүнгидан 18% ини ўзлаштиради.

Гүнгдаги азотдан фойдаланиш коэффициенти шунингдек, гүнгнинг чириш даражасига бөглиқ. Маълумотларнинг қўрсатишича, биринчи экин янги гүнг таркибидан 7,8%, чала чириган гүнг таркибидан 23,4%, чириган гүнг ва чиринди таркибидан мос равища 17,5 ва 4,8% азотни ўзлаштиради.

Янги гүнгни анча эрта муддатларда кузги шудгор остига бериш мақсадга мувофиқдир.

Бир т гүнг таркибидан 5 кг азот, 2,5 кг фосфор ва 6 кг калий мавжуд. Гектарига 30 т гүнг киритилганда, тупроққа 150 кг азот, 75 кг фосфор ва 180 кг калий келиб тушади. Биринчи йилги экин томонидан тахминан 30—40 кг азот, 22,5 кг фосфор ва 100 кг калий ўзлаштирилади.

**Түшамали гүнгни қўллаш.** Түшамали гүнгни шудгор остига киритиш энг самарали усулdir. Киритилган гүнг мөйөрү унинг чириш даражаси, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва тупроқ-иқлим шароитларига бөглиқ равища гектарига 20—50 т қилиб белгиланади.

Одатда, сабзавот, картошка ва илдиз мевалилар ва кўк поя учун етиштириладиган экинлар донли экинларга нисбатан кўпроқ гүнг билан таъминланади. Чопиқталаб экинлар қатор оралари ишланмайдиган экинларга нисбатан гүнгга анча талабчандир.

Кучсиз маданийлашган тупроқлар унумдорлигини ошириш ва экинлар ҳосилдорлигини кескин кўтариш учун гүнгта талабчан экинларга (маккажӯҳори, бодринг, картошка, қандлавлаги, кузги донли экинлар) бир йўла юқори мөйөрда гүнг қўллаш, бошқа экинларга минерал ўғитлар ишлатиш тавсия қилинади.

Гүнгнинг алмашлаб экишда тутган ўрнини белгилашда экинларнинг биологик хусусиятлари ва иқтисодий мавқеига эътибор берилади.

Гүнг тупроқ хусусиятларини тубдан яхшилайдиган ва ўсимликларнинг барча талабларини қондирадиган мураккаб ўғит ҳисобланади. Аммо унинг миқдори Республикамизда жуда оз бўлиб, гектарига ўртача 3—5 т дан ошмайди. Бу албатта жуда кичик қўрсаткичdir. Бу муаммони ҳал қилишда хўжаликларда «гүнг алмашлаш» режасига амал қилиш (алмашлаб экиш тизимидағи битта далага камида 20 т/га миқдорида гүнг киритиш) муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқ әритмасида озиқ моддалар концентрациясинг юқори бўлишини талаб қиласиган, ўсув даври узоқ давом этадиган, тупроқдаги карбонат кислотага талабчан экинлар учун гўнгнинг аҳамияти бекиёсdir.

Сабзавот экинларни алмашлаб экишда биринчи навбатда гўнг билан (минерал ўғитлар билан биргаликда) бодринг таъминланади, чунки у гўнгта ўта талабчан ва тупроқ әритмасидаги озиқ моддалар концентрациясига таъсиран экиндер.

Сабзи, петрушка каби экинларга янги ёки чала чириган гўнг кўлланилса, илдиз меваси «шохлаб» кетади, маҳсулот сифати бузилади. Бундай экинлар тупроққа гўнг киритилгандан кейин 2—3 йил ўтгач, ёки тўла чириган гўнг кўлланиладиган пайкалларга экилади.

Маълумки, янги гўнг тупроқ юзасига бир текисда сочишмайди. Бу ҳол айниқса зигир экинига сезилари салбий таъсири кўрсатади. Шу боис зигирга юқори меъерда минерал ўғит кўллаш лозим.

Ўсув даври қисқа экинларга (карам ва картошканинг эртаги навлари) яхши чириган, кечроқ муддатларда йигишириб олинадиган экинларга эса (кечки карам ва картошка, қандлавлаги) янги гўнг эрта муддатларда кўлланади.

Гўнгнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тупроқ билан аралашиш даражасига боғлиқ. Тупроққа яхши кўмилмаган гўнг таркибидаги аммиак шаклдаги азот бир неча кун ичидаги тўлалигича учуб кетади. Кузги шудгор остига киритиладиган гўнг хўжаликда мавжуд шароитлардан келиб чиқсан ҳолда 15—30 см чуқурликда кўмилиши шарт. Нам етарли тупроқларда гўнг нисбатан юза кўмилса, парчаланиш жараёни жадал, ўта нам тупроқларда жуда чуқур қатламларга киритилса, аэрациянинг сустлиги сабабли чириш жуда секин кетади. Қурғочил шароитда гўнг тупроқнинг юза қатламларида қолиб кетса, тупроқларнинг жадалроқ сувсизланиши кузатилиди. Оғир тупроқларга гўнг юзароқ, енгил тупроқларга эса аксинча, чуқурроқ кўмилади.

Гўнг ҳисобига олинадиган кўшимча ҳосилни 100% десак, унинг 20—40%и биринчи йилги экиндан, қолган 60—80%и кейинги йилларда етиширилладиган экинлардан олинади. Гўнгнинг таъсири қилиш муддати биринчи навбатда тупроқнинг механикавий таркиби билан боғлиқ. Оғир тупроқларга киритилган гўнг 4—5 йил давомида ўз таъсири кучини сақлаб турса, енгил механикавий таркибли тупроқларда анча тез парчаланади.

Республикамиз тупроқларининг ярмидан кўпи турли даражада шўрланган. Бундай майдонларда тупроқ шўрини ювмай туриб паҳтадан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Тупроқ шўрини сифатли ювишда гўнгнинг аҳамияти катта. Шудгорлаш олдидан ерга гўнгни юқори меъерда киритиш эвазига тупроқнинг нам ўтказувчаник қобилияти кучаяди ва сугориши таъсирида тузларнинг ювилиши тезлашади. Сугоришидан кейинги даврда гўнг жойлашган тупроқ қатламидаги капилияр найдалар бузилади ва пастки қатламлардан туз тупроқ бетига кўтаришмайди. Бу ҳол ёш ниҳолларни ўсув даври бошларида тузларнинг заарли таъсиридан сақлаб қолади. Ҳар гектар майдонга 20 т миқдорида гўнг солингандан кейин тупроқ шўри ювилса, 6—7 ҷ атрофида кўшимча пахта ҳосили етишириш кафолатланади.

### Тўшамасиз гўнг

Деҳқончиликда кўлланиладиган гўнгларнинг 60% дан кўпроғини тўшамасиз гўнг ташкил қиласи. Гўнгнинг бу тури молхоналарда тўшама ишлатмасдан, чорва моллари ахлатини сув оқими ёрдамида ювиш йўли билан тўпланди. Таркибидаги сувнинг миқдорига кўра тўшамасиз гўнг учга бўлинади:

- ярим суюқ гўнг (намлиги 90%гача);
- суюқ гўнг (намлиги 90—93% атрофида);
- оқма гўнг ёки шалтоқ (намлиги 93%дан юқори).

Тўшамасиз гўнг таркибидаги ялпи азотнинг 50—70%и аммоний, 3—8%и нитрат ва 25—45%и органик шаклда бўлади. Аммоний шаклдаги азот ўз навбатида аммиак, мочевина ва аммоний карбонатдан иборатдир. Бир неча кун ичидаги мочевинанинг 90%и аммиак ва карбонат кислотага айланади. Лекин бунда эркин аммиакнинг миқдори 5—10 %дан ошмайди. Демак, кўллашнинг биринчи йилида ўсимликлар тўшамасиз гўнг таркибидаги азотни тўшамали гўнгдагидан кўра кўпроқ ўзлаштиради.

Калий гўнгнинг суюқ фракцияси таркибида бўлиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади.

Тўшамасиз гўнг табиий равишида тиндириб қўйилса, ундаги қаттиқ фракция 10—15%ни, механикавий усулда ажратилганда эса 30—40%ни ташкил этади. Фракцияларга ажратилган тўшамасиз гўнгдаги фосфорнинг 70, азотнинг 80 ва калийнинг 90%и суюқ қисми таркибида

бұлади. Тұшамасиз гүнгі қанчалик суюлтирилса, шунча күп озиқ моддалар суюқ фракция таркибига ўтади.

Бир хил шароитида чүчқанинг тұшамасиз гүнгі қорамол гүнгіга нисбатан азот ва фосфорни күп, калийни эса 1,5—2,0 марта камроқ тутади. Қорамол ва чүчқа гүнглари мұхит (*pH*)и билан ҳам ўзаро фарқ қиласы да ва бу күрсаткыч мос равища, 7,8 ва 6,8 га тенгdir (50-жадвал).

50-жадвал.

**Қорамол ва чүчқа гүнгларининг центрифугада ажратылған таркибий қисмларининг кимәвін таркиби, ҳұл массаса нисбатан %**

(В. А. Дёмин, 1990)

Күрсаткычлар	Қорамол гүнги			Чүчқа гүнги		
	ажратылмаған қолда	қаттық фракция	суюқ фракция	ажратылмаған қолда	қаттық фракция	суюқ фракция
Сув	93,2	78,7	96,7	92,3	71,0	95,3
Куруқ модда	6,8	21,3	3,3	7,7	29,0	4,7
Органик модда	4,6	14,2	2,4	4,5	19,9	3,2
<i>pH</i>	7,4	8,5	7,7	7,2	8,5	7,5
Ялпы азот	0,27	0,35	0,24	0,54	0,78	0,50
Фосфор	0,05	0,14	0,03	0,23	0,46	0,06
Калий	0,25	0,23	0,24	0,30	0,28	0,32
Кальций	0,22	0,57	0,14	0,24	0,77	0,18
Магний	0,05	0,11	0,04	0,06	0,29	0,02

Тұшамасиз гүнгі таркибидеги углероднинг азотта нисбати 8—10:1га teng, қайсики тупроқдаги гумус миқдорининг ўзгаришига ўзига хос таъсир күрсатади.

Органик массаси эквивалент миқдорда олинган тұшамасиз гүнгі тұшамали гүнгі ҳосил қиласынан гумуснинг 60%ини беради.

Тұшамасиз гүнгі миқдорини ҳисоблаң топиш. Тұшамасиз гүнгі миқдорини күйидеги формулалар ёрдамида ҳисоблаң топиш мүмкін:

$$\text{I. ЯСГ} = \frac{\text{қаттық модда} + \text{сийдик} \cdot K \cdot M}{1000},$$

$$\text{II. СГ} = \frac{\text{қаттық модда} + \text{сийдик} + \text{сув} \cdot K \cdot M}{1000};$$

Бу ерда:

қаттық модда + сийдик (I) ва қаттық модда + сийдик + сув (II) — бир кече-кундуза бир бөш чорва молидан олинадиган

ахлат ва ювишда ишлатыладын сув миқдори, кг (51-жадвалдан олинади);

K — оғилда боқыладын давр, күн;

M — подадаги моллар сони, дона;

1000 - мәттә айлантириш коэффициенти.

51-жадвал.

Турли жиисс ва ёшдаги биттә чорва молидан бир кече-кундуза

олинадын тұшамасиз гүнгі миқдори, кг

(В. А. Дёмин, 1990)

Қорамол			Чүчқа		
Мол гурухи	Намлиқ, %	Гүнг миқдори, кг	Мол гурухи	Намлиқ, %	Гүнг миқдори, кг
Наслдор буқалар	90	40	Эркак чүчқа	89	11
Сигирлар	90	55	Она чүчқа	91	9
Фунажин ва танаачалар	90	27	Чүчқаалар	86	2,4
4 ойлик бузоклар	90	8	40—80 кг ли бүрдекілар	87	5,1
Бүрдекілар	90	35	80 кг дан зиёд бүрлекілар	87	6,6

Меъёрий күрсаткычлар асосида баланс ҳисобини күллаш йўли билан ҳам 1 йил давомида олинадын тұшамасиз гүнгі миқдори аниқланади:

$$T_cG = [(K - Y) \cdot \frac{100 - K}{100} + Y] \cdot 10$$

Бу ерда:

T<sub>c</sub>G — 90% намлиқдаги тұшамасиз гүнгінинг йиллик миқдори, м;

K — йиллик рациондаги қуруқ модда, м;

Y — озиқлантириш даврида исроф бүлдиган қуруқ модда (белгиланған озуқаннан 5—10%), м;

K — озуқаннан ҳазыр бүлиш коэффициенти, % (қора моллар учун — 60, чүчқалар учун 70);

10 — ҳайвон ахлатлары таркибидеги қуруқ модда, %.

**Тұшамасиз гүнгінің сақлаш.** Муайян шароитлардан келіп чиққан қолда тұшамасиз гүнгін 2 ойдан 6 ойға сақлаш мүмкін. Бу мақсадда ферма олди ва дала гүнгі сақлагачларды күрилади. Ферма олди гүнгі сақлагачларининг сиғими 500—5000 м<sup>3</sup>та teng бўлса, дала гүнгі сақлагачларининг сиғими гүнгланиши керак бўлган май-

донлар юзаси ва гўнг меъёрига боғлиқ равишда танланади. Бир бош молдан 6 ой мобайнида тўпланадиган тўшамасиз гўнг учун 12 м<sup>3</sup> ҳажмли гўнг сақлагич талаб этилади.

Ферма олди гўнг сақлагичлари қувурлар ёрдамида дала гўнг сақлагичлари билан бирлаштирилиб, майдалаш ва аралаштириш мосламалари билан таъминланса, улардан олинадиган самарадорлик юқори бўлади.

Тўшамасиз гўнг сақлаш ҳовузларининг туви ва ён деворлари бетонланиши лозим, акс ҳолда озиқ моддаларнинг шимилиши, сизот сувларининг кўтарилиши ва ёғин-сочинлар таъсирида суюқланиш даражасининг ортиши кузатилади.

Тўшамасиз гўнг таркибидаги озиқ моддаларнинг ўқолиши (6—15% азот, 6—26% органик модда) тўшамали гўнгдагидан сезиларли даражада камдир.

Тўшамасиз гўнгни қўллаш. Тўшамасиз гўнгни ишлатишда бир неча хил техника ва мосламадан фойдаланилади:

1. Ферма олди гўнгхонаси — қувур — ёмғирлатиш мосламаси — дала.

2. Ферма олди гўнгхонаси — гўнг сочиш цистернаси — дала.

3. Ферма олди гўнгхонаси — қувур — дала гўнг сақлагичи — гўнг сочиш цистернаси (ёки ёмғирлатиш мосламаси).

4. Тўшамасиз гўнгни қаттиқ ва суюқ фракцияларга ажратиш ва алоҳида-алоҳида қўллаш.

Тўшамасиз гўнгни ёмғирлатиш мосламаси ёрдамида сочишдан аввал у яхшилаб майдаланади ва ўсув даврида 8—10 марта, бошқа пайтларда эса 2—3 марта суюлтирилади. Тўшамасиз гўнг сочиб чиқилгандан кейин албатта изидан плуг ёки пичноқли оғир тирма ёрдамида кўмилиши лозим.

Тўшамасиз гўнгни қўллаш меъёри экин тури ва режалаштирилган ҳосилдан келиб чиқсан ҳолда гектарига 50—60 т дан 100—150 т гача бўлиши мумкин.

Тўшамасиз гўнг турлича намлика эга бўлгани сабабли қўллаш меъёрини белгилашда унинг миқдорига эмас, балки у билан тупроқка келиб тушадиган озиқ моддалар миқдорига эътибор берилади.

Кузги ва баҳори дон экинларга тўшамасиз гўнгни қўллаб бўлмайди, чунки бунда биринчидан, ниҳоллар ётиб қолади, иккинчидан, тупроқ бетида «гўнг қатқалоги» юзага келади. Санитария-гигиена нуқтаи наза-

ридан сабзавот экинларига ҳам тўшамасиз гўнг қўллаш тавсия этилмайди.

Тўшамасиз гўнг тупроққа киритилган биринчи йилда таркибидаги 10—20% азот, 10—15% фосфор, 30—35% калий ўзлаштирилади. Тупроқ билан яхшилаб аралаштирилганда, бу кўрсаткичлар мос равишида 25—35, • 20—30 ва 40—60%ни ташкил этади.

## Гўнг шалтоғи

Гўнг шалтоғи — чорва молларининг ачиган сийдигидир. Гўнг турли усуллар билан сақланганда турли миқдорда гўнг шалтоғи ажралиб чиқади. Масалан, 10 т тўшамали гўнг тўрт ой давомида зич усулда сақланганда 170 л, ғовак-зич усулда сақланганда 450 л ва ғовак усулда сақланганда эса 1000 л гўнг шалтоғи ажралиб чиқади. Умуман олганда, янги гўнг массасининг 10—15% и гўнг шалтоғидан иборат.

Гўнг шалтоғи таркибида 0,25—0,30% азот, 0,03—0,06% фосфор ( $P_2O_5$ ) ва 0,4—0,5% калий ( $K_2O$ ) мавжуд. Демак, гўнг шалтоғини шартли равишида азотли-калийли ўғит деб ҳисоблаш мумкин. Таркибидаги азот ва калийнинг ўзлаштирилиши бўйича (60—70%) гўнг шалтоғи минерал ўғитларга тенглашиб боради.

Азотнинг бекорга исроф бўлишини олдини олиш учун гўнг шалтоғи учун маҳсус ҳовузчалар қурилади. Тўшамаларга шимдирилади ёки кукунсимон суперфосфат қўшилади (гўнг шалтоғи массасининг 3—5% и миқдорида). Гўнг шалтоғи ва суперфосфатнинг ўзаро таъсири натижасида парчаланиши бирмунча қийинроқ бўлган тузлар ҳосил бўлади. Ҳовуз тубига чўқадиган барча фосфат тузларидан ўғит сифатида (яхшиси маҳаллий ўғитлар билан компостланган ҳолатда) фойдаланиш мумкин.

Гўнг шалтоғини тўплаш учун маҳсус ҳовузчалар бўлмаса, торфдан фойдаланиш яхши натижада беради. Бир кг ботиклик торфи (намлиги 40—50%) 2 кг га яқин, дўнглик торфи эса 5 кг гача гўнг шалтоғини шимиб олади. Гўнг шалтоғининг бети юпқа нефть ёки ишлатилган техника мойи билан қопланса, азотнинг исроф бўлиши янада камаяди.

Уни тўғридан-тўғри асосий ўғит сифатида ҳамда экинларни қўшимча озиқлантиришда қўллаш мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам тупроққа сочилган гўнг шалтоғи тупроқ билан аралаштирилиши ёки кўмилиши шарт.

Асосий ўғит сифатида экин тури ва режалаштирилган ҳосилга қараб гектарига 20  $m$  дан 50  $m$  гача ишлатиш мумкин.

Дон экинлари, картошка ва илдизмевалилар учун гүнг шалтоги гектарига 15—20  $m$ , сабзавот экинлари учун эса 20—30  $m$  миқдорида ишлатилади. Кузги буффойга гүнг шалтоги эрта баҳорда, тирмалаш олдидан киритилса, яхши натижা беради. Гүнг шалтоги таркибида фосфор жуда кам.

Чопиқталаб экинларга 8—10  $m/ga$  миқдордаги гүнг шалтоги маҳсус мосламалар ёрдамида ниҳолларни биринчи қўшимча озиқлантиришда пуштанинг ён томонидан, иккинчи қўшимча озиқлантиришда эса қатор ораларининг ўртасига 10—15 см чукурликда берилади.

### Парранда ахлати

*Парранда ахлати* — қимматли, нисбатан концентриланган ва тез таъсир этувчи маҳаллий ўғит. Гүнг сингари парранда ахлати ҳам таркибида ўсимликларнинг меъерида ўсиб-ривожланиши учун зарур барча озиқ моддаларни тутади (52-жадвал).

52-жадвал.

**Паррандалар ахлатининг кимёвий таркиби (%) ва бир бош паррандадан йил давомида олинадиган миқдори, кг**  
(Х. А. Асаров, 1989)

Парранда тури	Сув	H	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Йил давомида олинадиган гүнг
Товуқлар	56	2,2	1,8	1,1	2,4	0,7	0,4	6—8
Үрдаклар	60	0,8	1,5	0,5	1,7	0,3	0,3	8—10
Фозлар	80	0,6	0,5	0,9	0,6	0,3	1,1	10—12

Парранда ахлати таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори парранда тури, озуқа миқдори ва сифатига қараб кескин ўзгаради. Йил давомида ҳар бош товуқдан 6—8, ўрдакдан 8—10 ва гоздан 12 кг гача ўғит олиш мумкин. Парранда ахлати таркибидаги барча озиқ моддалар ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклдадир. Азотнинг асосий қисми *сийдик кислотаси* шаклида бўлиб, сақлаш жараённида аввал мочевинага, кейин аммоний карбонатга айланади. Нотўғри сақлаш шароитларида аммоний карбонат парчаланиб, тезда аммиак, CO<sub>2</sub> ва сув ҳосил бўлади.

Ўғит катта-катта уюмларга тўплаб сақлаинса тезроқ, қизизиди ва бунда ҳам аммиакнинг исроф бўлиши кузатилади. 6 ой давомида сақланган парранда ахлати таркибидан 50 % га яқин азот йўқолади. Айниқса, қиши фаслида ахлатнинг тоғ музлаб, тоғ эришидан ҳам кўп миқдорда азот йўқолади. Азот исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида парранда ахлатига массасининг 7—10% и миқдорида суперфосфат талқони ёки 20—40%ига тенг торф кукуни қўшиш лозим. Паррандахонага майдада қирқилган сомондан тўшама ташланса, ўғит таркибидаги озиқ моддаларнинг исроф бўлиши камаяди.

Янги, тўшамасиз парранда ахлати таркибидаги азот ҳали аммоний ҳолатига ўтиб улгурмаганлиги сабабли уни юқори (600—800°C) ҳароратда қуритиш мумкин. Бундай усуlda қуритилган парранда ахлати ўз таркибидан 4—6% азот, 2—3% фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) ва 2—2,5% калий (K<sub>2</sub>O) тутади. Қуритилган ўғит таркибидан ярим йил давомида атиги 4—11% органик модда ва 2—8 фоиз азот (умумий миқдорига нисбатан) йўқолиши кузатилган.

Парранда ахлатини экишгача ва ниҳолларни қўшимча озиқлантиришда қўллаш тавсия этилади. Унга айниқса зифир, картошка, хашаки илдизмевалилар, сабзавот экинлари ва мевали дараҳтлар талабчандир. Асосий ўғит сифатида қуруқ парранда ахлатини сабзавот экинлари ва картошкага 1—2  $m/ga$  миқдорда қўллаш керак. Нам ҳолатдаги ўғит меъёри 4—10  $m/ga$  қилиб белгиланади.

Қўшимча озиқлантиришда экин турига қараб 0,4—0,8  $m/ga$  нам ҳолатдаги ўғит уя ёки пушталар ичига киритилади. Қуруқ парранда ахлатининг меъёри иккита марта камайтирилади. Суюқ ҳолатда ишлатиш учун қуритилган парранда ахлати сув билан 1:7 нисбатда суюлтирилади.

**Қишлоқ хўжалик экинлари қуритилган парранда ахлати таркибидан қўллашнинг биринчи йилида 30—40% азот, 35—45% фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) ва 60—80% калий (K<sub>2</sub>O)ни ўзлаштиради.**

### Сапропел

**Сапропел** — ҳовуз, кўл ва дарё сувларининг органик моддага бой чўқиндиси. Сув ҳавзаларини тозалашдан иккита мақсад — биринчидан, сув ҳавзаларининг экология ҳолатини соғломлаштириш, иккинчидан маҳаллий ўғит олиш кўзланади. Йилнинг ёз фаслида орга-

ник моддага, қишида эса минерал моддага бой лойқа чүкади. Шу боисдан сапропел таркибидаги органик модда миқдори 12 дан 80% гача ўзгаради. Чүкинди таркибиди кул моддалар миқдори 85% дан күп бўлса, ил деб юритилади. Сапропелнинг ҳажмий массаси  $1,02-1,08 \text{ t/m}^3$ . Ранги таркибидаги органик ва минерал моддаларнинг миқдори ва нисбатига боғлиқ бўлиб, сарғишдан қорагача ўзгариб туради.

Сапропелнинг органик массаси таркибиди 11—43% гумин, 2—24% фульвокислоталар, 5—23% гидролизланмайдиган қолдик, 10—53% гемицеллюзоза, 0,5—6,0% целлюзоза, 6—17% битум ва 2—14% эримайдиган моддалар бўлади.

Сапропел таркибидаги азотнинг асосий қисми ўсимликлар томонидан қийин ўзлаштириладиган шаклда бўлиб, ўсимликларга лаёқатли фосфор кам, калий эса жуда ҳам камдир (53-жадвал).

53-жадвал.

#### Сапропел таркибидаги асосий озиқ моддалар миқдори, % (А. М. Артюшина, 1984)

Лойқа тури	N	$\text{P}_2\text{O}_5$	$\text{K}_2\text{O}$
Кўл лойқаси	0,15—0,25	0,27—0,33	0,25
Ховуз лойқаси	0,30—0,40	0,26—0,60	0,13—0,44
Дарё лойқаси	0,05—0,1	0,10—0,25	0,30—0,50

Сапропел таркибидаги озиқ моддалар миқдори гўнгдагидан 2 марта кам, 100 г лойқа таркибида 19—31 мг азот, 10—39 мг фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ) ва 4—15 мг калий ( $\text{K}_2\text{O}$ ) ёки 1 т қуруқ массада 0,2—0,3 кг азот, 0,1—0,4 кг фосфор ва 0,04—0,15 кг калий бўлади. Шунингдек сапропелнинг 1 кг қуруқ массаси 200—1000 мг Mn, 10—400 мг Zn, 10—200 мг B, 2—60 мг Cu, 2—20 мг Mo ва 2—15 мг Co тутади.

Сапропелни ғалла экинларига 30—40, чопиқталаб экинларга 50—100  $\text{t/ga}$  миқдорда қўллаш лозим.

#### Ғўзапоя ва қовочоқ

Йил давомида Республикаиз миқёсида 3 млн.  $\text{t}$  га яқин ғўзапоя тўпланади. Унинг таркибидаги азот, фосфор, калий ва микроэлементлар миқдори гўнгдагидан

қарийб 2 марта кўпdir (54-жадвал). Ғўзапояни ўғит сифатида ишлатиш эвазига пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 2—3  $\text{t/ga}$  га ошади. Ғўзапояни маҳсус техника билан жойида майдалаб сўнгра шудгор қилиш ва тўғридан-тўғри ҳайдаб юборишдан турлича самара олинади. Бунинг асосий сабаби иккинчи ҳолда ғўзапояни тупроққа аралаштириб сифатли ҳайдалмаслигидадир.

54-жадвал.

#### Ғўзапоя ва қовочоқ таркибидаги озиқ моддалар миқдори, % (К. Розиков, 1976)

Ғўзанинг тана қисми	Азот	Фосфор	Калий
Ғўзапоя	0,93	0,58	2,75
Қовочоқ	1,03	0,49	3,00

Майдаланган ғўзапоя компост сифатида ўрага бостирилиб, устига минерал ўғит, сув ва вилт замбуруғининг кушандаси *триходерма* қўшилса, сунъий гўнг ҳосил бўлади. Айни модда пахта ҳосилдорлигини гектарига 3—4,5  $\text{t/ga}$  ошириши мумкин, лекин уни тайёрлаш учун кетадиган сарф-харажатлар кўп бўлгани сабабли кенг қўлланилмайди.

Ғўзапоя кули фосфор ва калийга бой бўлгани учун ундан беда етиштиришда унумли фойдаланиш мумкин.

#### Нажас (хожатхона ахлати)

Одам бир кеча-кундузда ўртача 130—140 г қаттиқ ва 1000—1200 мл суюқ чиқинди чиқаради. Нажас концентранган ўғитлардан ҳисобланиб, таркибида ўртача 1—

55-жадвал.

#### Нажаснинг кимёвий таркиби

Моддалар	Сийдик	Ахлат	Аралашма
Сув	94—95	75—77	92—93
Куруқ модда	5,2	22,8	7,5
шу жумладан:			
органик модда	4,2	19,4	5,7
кул	1,0	3,4	1,8
азот	1,0	0,6	1,1
фосфор	0,15	1,23	0,26
калий	0,18	0,55	0,22

1,5% азот, 0,3—1,0% фосфор ва 0,2—0,5% калий тутади. Унинг тахминий кимёвий таркиби 55-жадвалда келтирилган. Сийдик таркибидаги азот ўта ҳаракатчан бўлиб, тупроққа киритилганда ўсимликлар уни осон ўзлаштиради.

### Ипак қурти чиқиндиси

Ипак қурти чиқиндиси донадорлиги ва таркибида нисбатан кўп озиқ моддалар тутганилиги сабабли маҳаллий ўғитлар ўртасида ўзига хос ўрин тутади (56-жадвал). Уни донадор минерал ўғитлар билан аралаштириб (120—200 кг/га миқдорда) ўғитлагич мосламалар ёрдамида тупроққа киритиш мумкин. Ипак қуртининг гумбаклари чиқиндига қараганда озиқ моддаларга янада бойдир.

56-жадвал.

**Куруқ ҳолатдаги ипак қурти чиқиндиси ва гумбагининг  
кимёвий таркиби, %**  
(Х. Х. Зокиров, 1998)

Чиқит номи	Азот	Фосфор	Калий
Ипак қурти чиқиндиси Гумбаги	2,8 10,0	0,5 2,0	3,2 1,5

Ипак қуртининг чиқинди ва гумбаклари ёпиқ ва куруқ хоналарда сақланиши лозим, акс ҳолда таркибидаги озиқ моддаларнинг кўп қисми исроф бўлади.

### Шаҳар чиқиндилари

Шаҳар чиқиндиларига ошхона ахлатлари, қофоз, латта-пүтталар, кул, лойқа ва чант кабилар киради. Таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори бўйича гўнгта яқин туради. Шаҳар чиқиндиларининг парчаланиш тезлиги таркибий қисмига боғлиқ.

Куруқ моддага айлантириб ҳисоблаганде шаҳар чиқиндилари ўз таркибida ўрта ҳисобда 0,6—0,7% азот, 0,5—0,6% фосфор ва 0,6—0,8% калий тутади.

Одатда шаҳар чиқиндилари таркибидаги темир бўлаклари, шиша синиклари териб ташланади ва маҳсус ўралар ковланиб, компост тайёрланади. 8—9 ой ичидаги

компост тайёр бўлади ва уни сабзавот ва ёпиқ грунтда етишириладиган экинларга кузги шудгор олдидан 15—20 м/га ҳисобида киритиш мумкин. Техникавий экинлар етишириладиган пайкалларда ўғит мөъёри 30—60 м/га етказилади.

Саноат чиқиндилари (тери ошлаш, пиво пишириш, тамаки ва балиқни қайта ишлаш ва ҳ. к.) таркибида азот, фосфор ва калийнинг миқдори шаҳар чиқиндилари таркибидагидан бир неча баравар кўп. Бу чиқиндилардан фойдаланиш натижасида биринчидан, экинлар арzon ўғит билан таъминланади, иккинчидан шаҳар ва шаҳар атрофидаги экологик муҳит яхшиланади.

### Компостлар

Маҳаллий ўғитлар таркибидаги озиқ моддалар исроф бўлишининг олдини олиш ва фосфорли ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган шаклга ўтказиш учун турли-турман компостлар тайёрланади. Компостлар жуда турли-турман бўлиб, бизнинг шароитимизда кўпроқ гўнг-фосфорли, најас-тупроқли, гўнг-сапропелли ва аралаш компостлар кенг тарқалган.

**Гўнг-фосфорли компост.** Бу турдаги компост бевосита экин майдонларига яқин ерларда тайёрланади. Бунинг учун 50—60 см чукурликда компост тайёрлаш ўраси ковланади. Ўрага 30—40 см қалинликда гўнг ташланади (гўнг куруқ ҳолатда бўлса, маълум миқдорда сув олиб намланади) ва устига 200—300 кг суперфосфат сочилади. Суперфосфатнинг йирик кесакчалари албатта олдиндан майдаланиши лозим. Сўнгра 15—20 см қалинликда тупроқ билан кўмилади. Бу мақсадда ўра ковлаш пайтида олинган тупроқдан фойдаланилади. Агар кўхна девор қолдиқлари ёки узоқ муддат Куёш таъсирида қизиб ётган зовур тупроқлари ишлатилса, компостнинг сифати янада яхшиланади. Тупроқ устидан бир қатлам гўнг шалтоғи қуйилади. Шу тахлит ўюм 2,0—2,5 м га етказилади ва усти 10—15 см қалинликда сомон ва юпқа (10 см чамаси) тупроқ билан қопланади.

Компост тайёрлаш жараёнида уюмдаги жинсларни аралаштиришга алоҳида эътибор берилади. Аралаштирилмаган компост яхши чиримайди, табиийки, фосфор ўсимликлар учун кам лаёқатлилигича қолиб кетади. Аралаштириш чизел ёки юклаш механизмининг чўмичи ёрдамида бажарилиш мумкин. Аралашма 100—120

кундан кейин белкурак ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Етилган компост сочилиувчан, бир жинсли бўлиб, қорамтири-жигарранг тусда бўлади.

**Нажасли-тупроқли компост.** Дехқончиликда нажасдан тайёрланадиган компостлардан ҳам кенг фойдаланилади. Нажаснинг ўзини кўп экинларга тўғридан-тўғри ўғит сифатида ишлатиш санитария-гиена нуқтаи-на-заридан тавсия этилмайди. Нажасли-тупроқли компост тайёрлаш учун эни ва бўйи 2,0—2,5, чуқурлиги 0,5—0,7 м бўлган хандақ ковланади. Унга бир қатлам нажас, бир қатлам тупроқ навбат билан ташланади (1 м нажасга 1 м тупроқ тўғри келиши керак). Усти сомон, торф ёки хашак билан кўмилади. Кўмма ҳар 3 ҳафтада яхшилаб аралаштириб турилади. Икки-уч ой ичидаги нажаснинг бадбўй ҳидидан холи, қорамтири тусли, донадор ва сочилиувчан компост тайёр бўлади.

Нажасли-тупроқли компост аъло сифатли маҳаллий ўғит, 12—15 т/га меъёрида қўлланилади.

Аралаш компостлар тайёрлашда, гўнг, сомон, хазонлар, чучук сув ҳавзаларининг лойқалари, фосфорли ўғит, шаҳар чиқиндилари ва бошқа ахлатлардан фойдаланиш мумкин.

### Кўкат ўғитлар

Республикамизда йил давомида жамғариладиган гўнгнинг барчаси фан тавсияси асосида ишлатилганида ҳам 10 далали алмашлаб экишнинг битта даласини гектарига 20 т маҳаллий ўғит билан таъминлаш имконини беради, холос. Пахтачиликда минерал ўғитлар юқори меъёрларда ишлатилаётган ҳозирги даврда тупроқларни органик моддалар билан таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ҳал этишнинг энг самарали усули кўкат ўғитлардан фойдаланишдир.

**Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида тупроқка кўшиб ҳайдаб юбориладиган ўсимликларга кўкат ўғитлар дейилади.**

Кўкат ўғитлар сифатида мош, кузги нўхат, люпин, сераделла, қашқар беда, ёввойи ловия, бурчоқ, шабдор (Эрон бедаси) каби дуккакли экинлардан, шунингдек республикамизда кузги жавдар, сули, райграс, берсим каби ўсимликлардан кенг фойдаланилади.

Кўкат ўғитлар тупроқни азот ва органик моддаларга бойитади, чунки уларнинг таркибидағи азот миқдори

гўнгдагидан кўп бўлиб, нисбатан камроқ миқдорда фосфор ва калий тутади (57-жадвал).

57-жадвал.

**Кўкат ўғитлар ва гўнг таркибидаги озиқ моддалар миқдори, %**  
(Б. А. Ягодин, 1989; Х. Х. Зокиров, 1998)

Ўғит	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CaO	Кўк масса, т/га	Азот, кг/га
Гўнг	0,50	0,24	0,55	0,70		
Люпин	0,45	0,10	0,17	0,47		
Қашқар беда	0,77	0,05	0,19	0,97		
Нўхат	0,50	0,15	0,50	0,30	130—250	75—130
Шабдор	0,50	0,14	0,50	0,40	180—350	70—140

Кўкат ўғит сифатида етиштириладиган экинлардан 350—400 т/га кўк поя олинганда, улар таркибидаги 150—200 кг азот 35—40 т гўнгга эквивалент бўлади.

Кўкат ўғитлар тупроқнинг физикавий хоссаларини яхшилайди. Тупроқдаги 0,25 мм дан катта бўлган агрегатлар миқдори ўтлоқи ботқоқ тупроқларда 3—7, оғир механикавий таркибли тупроқларда 4—9% га ортади. Ҳайдалма қатламдаги тупроқ зичлиги 0,05—0,1 г/см<sup>3</sup> га камаяди. Улар таъсирида тупроқнинг ўсимлик илдиз тизими тарқаладиган қатламидаги ҳарорат 2—4°C га ошади, микроорганизмлар сони кўпаяди ва фаоллиги 45—50 кун давомида максимал даражада сақланади.

Мустақил ҳамда оралиқ экин сифатида экиладиган кўкат ўғитлар фарқланади.

Фойдаланиш усулига кўра кўкат ўғитларни 3 гурухга бўлиш мумкин: а) ер усти ва илдиз қисми жойида ҳайдаб юбориладиган; б) кўк пояси чорва учун ўриладиган, илдиз ва анғиз қолдиқлари тупроққа аралаштириладиган; в) ер устки қисми ўриб, бошқа пайкалга сочиладиган.

Кўкат ўғитлар одатда сентябр-октябр ойларида экилади, келаси йил баҳорда чорва моллари учун 400—500 ү гача кўк масса олинади ва қоладиган илдиз ҳамда анғиз қолдиқлари тупроққа кўшиб ҳайдаб юборилади. Тупроққа тегишлича ишлов берилгандан кейин сабзавот ёки техникавий экинлар экилади. Кўкат ўғитлар ҳисобига қумоқ тупроқли ерларда сулидан 4,0—7,7, пахтадан 3—4 т/га атрофида қўшимча ҳосил олиш мумкин.

## Бактериал препаратлар

Үсимликларнинг меърида ўсиб-ривожланиши турроқ микроорганизмларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Тупроқ таркибида жуда кўп ва турли туман микроорганизмлар учрайди, уларнинг орасида үсимликлар учун зарурлари ва зарарлари мавжуд.

Деҳқончиликда бактериал препаратлар тупроқ микроорганизмларининг таркиби ва миқдорини кўпайтириш ҳамда улар фаолиятини кучайтириш мақсадида қўлланилади. Айрим ҳолларда дарслик ва адабиётларда «бактериал препарат» ўрнига «бактериал ўғит» иборасини қўллайдилар, бу нотўғри, албатта. Чунки, одатда ўғит деганда, таркибида биронта озиқ элементини тутган, бевосита тупроқ унумдорлигини оширадиган моддалар тушунилади. **Бактериал препаратлар эса тирик организмлар бўлиб, ўз таркибида озиқ моддаларни тутмайди, лекин тупроқдаги захира озиқ моддаларни тезроқ минерал ҳолатга ўтказади ва атмосфера азотининг ўзлаштирилишида муҳим роль ўйнайди, шу билан үсимликларнинг озиқланиш шароитларини яҳшилаша иштирок этади.** Энг кенг тарқалган бактериал препаратлар жумласига нитрагин, азотобактерин, фосфобактерин, АМБ-препарати ва силикобактеринларни киритиш мумкин.

**Нитрагин** — жуда фаол тугунак бактерияларни тутган бактериал препарат. Тупроқдаги тугунак бактериялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳар бир дуккакли экин ўзига хос бактерияга эга. Масалан, баъзи бактериялар беданинг илдизида тугунак ҳосил қиласа, айримлари фақат нўхатнинг, яна бошқалари эса фақатгина люпиннинг илдиз тизими билан симбиоз ҳаёт кечиради. Бундай ўзига хослик айрим ҳолларда жуда кичик доирада намоён бўлади.

Тугунак бактерияларга хос яна бир хусусият — *вирулентликдир*. Вирулентлик ёки бошқача айтганда вирусга мойиллик бактерияларнинг илдиз ичига кириб, тугунак ҳосил қилишидир.

**Фаоллик** — туганак бактерияларга хос учинчи хусусият. Туганак бактерияларнинг фаоллиги деганда, атмосфера азотини ўзлаштира олиш хусусияти тушунилади. Ушбу бактерияларнинг фақат фаол штаммларигина дуккакли экинларни атмосфера азоти билан таъминлай олади. Дуккакли экин илдиз тизимига вирулентликка эга, лекин фаол бўлмаган бактериялар киритилса, ту-

гунаклар ҳосил бўлади, аммо атмосфера азотининг ўзлаштирилиши содир бўлмайди.

Тупроқка киритиладиган нитрагиндаги тугунак бактериялар вирулентлиги аввалдан мавжуд бўлган бактериялар вирулентлигидан юқори бўлсагина үсимлик илдизига кўп миқдорда киради. Қадимдан сугориладиган, тупроқларда аввалдан дуккакли ёки дуккакли дон экини етиштирилаётган бўлса, нитрагин ишлатишга ҳожат қолмайди. Лекин янгидан дуккакли экин экиладиган пайкалга нитрагин препарати ишлатилмаса, тугунак бактериялар ҳосил бўлмайди.

Нордон тупроқларда тугунак бактериялар ўз фаоллигини жуда тез йўқотади. Ботқоқ тупроқларда тугунак бактериялар деярли учрамайди (бундай тупроқларда ҳар гал дуккакли экин экиш олдидан нитрагин ишлатиш керак). Нордон тупроқларга оҳак, маҳаллий, минерал (фосфорли ва калийли) ва микроўғитлар киритилса, бактерияларнинг *вирулентлиги ва фаоллиги* ошади. Азотли ўғитлар бактерияларга салбий таъсир кўрсатади.

Тупроқларда тугунак бактериялар сони ва фаоллигини оширишнинг энг самарали ва ишончли усули — нитрагин киритишдир. *Саноат усулида ва маҳаллий шароитларда* тайёрланадиган нитрагин фарқланади. Заводда тайёрланадиган нитрагиннинг бир шишиаси (0,5 кг) бир га майдондаги дуккакли экинларга етади. Айни нитрагиннинг сақланиш мuddати — 9 ой. Ҳарорат 0—10°C атрофида бўлса, нитрагин узоқ вақт бўзилмасдан сақланади. Препарат заҳ жойда сақланса, могорлайди. Могор замбуруғи нитрагин учун кучли антагонист ҳисобланади. Нитрагинни заҳарли кимёвий моддаларга яқин жойда сақлаш асло мумкин эмас, чунки бундай шароитда бактериялар қирилиб кетади.

Нитрагин тупроққа дуккакли экин уруғига аралаштириб, киритилади. Бунинг учун майдада уруғларнинг ҳар 10 кг га, йирик уруғларнинг ҳар 20 кг га 500 мл сув сепилади ва текис юзага бир текисда ёйлади. Устига керакли миқдордаги нитрагин сепилади, белкурак ёрдамида яхшилаб аралаштирилади, куригандан кейин қопларга жойлаб, далага жўнатилиади. Мазкур тадбирлар соя жойда амалга оширилиши керак, чунки Кўёш нури таъсирида бактериялар нобуд бўлади. Нитрагин эритимасига 25—50 г молибденли (Mo) микроўғит қўшиб эритилса, янада яхши самара беради. Агар уруғларни ҳашаротларга қарши дорилаш даркор бўлса, аввал дориланади, сўнгра нитрагин билан ишланади.

Нитрагинни дуккакли экин экиладиган майдон тупроғи билан аралаштириш мүмкін. Пайкалдан 400—500 кг тупроқ олинади, унга нитрагин құшиб аралаштирилади ва 1 га майдонга бир текисда сочиб чиқилади.

Маҳаллий нитрагин эса бевосита хўжаликнинг ўзида тайёрланади. Бунинг учун кўп йиллик ўсимликларнинг касалликка чалинмаган илдизлари ҳәётининг иккинчи ёки учинчи йилида, бир йиллик ўсимликларни эса ўримдан кейин йиғиб олинади. Илдизлар яхшилаб ювилади, ёйиб 20—25° С ҳароратда соя жойда қутилadi ва майдалаб 1 мм тешикчали элақдан ўтказилади. Шу усулда тайёрланган талқоннинг 1 г да 8—19 млн дона туганак бактерия бўлади. Маҳаллий нитрагинни 2 йил сақлаш мүмкін. 1 га майдондаги дуккакли экинлар учун 100—300 г маҳаллий нитрагин ишлатилади.

**Азотобактерин.** Азотобактерин — азотобактер (*Azotobacter chroococcum* ва *Azotobacter agile*) тутувчи препаратdir. Азотобактерлар — азотфиксацияловчилар тоифасига кириб, тупроқда эркин яшовчи аэроб бактеријалардан ҳисобланади.

Улар тугунак бактериялардан фарқ қилиб, илдиз атрофида эркин яшайди. Илдиз ажратмалари ва илдизнинг чириётган қолдиқлари билан озиқланиб, ўсимликларни азот билан озиқланишини яхшилайди.

Тупроқдаги ва *агар-агардаги* азотобактерин фарқланиди. Тупроқ азотобактерини дон, полиз ва техникавий экинларнинг уруғлари учун 3 кг, картошка учун 6—9 кг/га миқдорида ишлатилади. Уруғлар пол ёки брезентга ёйилади: ҳар 30—40 кг уруғ учун бир л сув олиб, керакли миқдордаги азотобактерин билан белкурак ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Ишлов берилган уруғлар 24 соат ичидаги экилмаса, азотобактерин билан қайтадан ишланади.

*Агар-агарли* азотобактерин солинган шишага (0,5 л) 100—200 мл сув солиб бир кечакундуз давомида чайқатиб турилади ва экиладиган куннинг ўзида 1 га ерга экиладиган дон экинлари учун 1 л, 1 га ерга экиладиган картошка учун 10 л сувда эритилади ва аралаштирилади. Ўсимликларнинг кўчатларига ишлов берилганда 1 шиша азотобактерин 20 л сувда эритилиб, унга кўчатларнинг илдизлари ботириб олинади.

Азотобактерин ҳам худди нитрагиндай куруқ жойда, анча салқин ҳароратларда, кимёвий моддалардан узоқроқда сақланиши керак. Сақлаш мўддати — 3 ой.

**Фосфобактерин.** Фосфобактерин — тупроқдаги фос-

форли бирикмаларни минераллаштира оладиган (*Bakterium megatherium phosphaticus*) туркумiga мансуб бактерияларни тутган препарат. Микроорганизмлар ишлов берилган уруғлар билан тупроққа тушиб, илдизларнинг атрофида яшайди ва органик бирикмалар таркибидаги фосфорни ўсимликлар осон ўзлаштирадиган минерал ҳолатга ўтказиб беради.

Фосфобактерин суюқ ва қуюқ ҳолатда бўлиши мумкин. Суюқ фосфобактерин шиша идишларда чиқарилади. Бир га майдонга экиш учун мўлжалланган донли экинлар уруғига 50 мл, пахта, картошка ва қандлавлаги уруғига 100 мл фосфобактерин эритмаси ишлатилади. Препарат бочкада илиқ сув ёрдамида эритилади, ундан 1 л олиб, майда уруғларнинг 50—70, йирик уруғларнинг 100—200 кг билан аралаштирилади ва 20—25 см қалинликда ёйиб қутилайди. Куруқ ҳолатдаги фосфобактериндан 250 г/га ҳисобида олиб, суюлтирилади. Суюқликнинг 2,5—3,0 л билан 200 кг уруғ намланади.

Фосфобактеринни органик моддага бой тупроқларга ишлатиш яхши самара беради. Гумус миқдори кам ва шунингдек, нордон муҳитли тупроқларда ундан олинадиган самара анча паст бўлади.

**АМБ (автохтон микрофлора Б)** — таркибида, озиқ моддаларни ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга ўтказиб берадиган фаол бактериялар тутган препаратdir. Препарат мўътадил муҳитли торф массасида етиштириладиган, нитрафикацияловчи ва тупроқда эркин яшаб азот тўпловчи бактерияларни, шунингдек, целлюлоза ва фосфоорганик бирикмаларни емиручи микроорганизмлар йигиндисидан иборат. Айни препарат ҳисобига экинлар ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириш мүмкін.

Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган микроорганизмлар ва бактериялардан «она препарат» тайёрланади. Экишдан бир ойлар чамаси олдин нордон торф ёки торфли тупроқдан олиб, унинг бир т га бир т оҳактош ёки фосфорит талқони ва бир кг АМБ она препарати кўшилади. Тайёрланган масса белкурак ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва хона шароитида уч ҳафта қолдирилади ва кейин 250—500 кг аралашма, бир га майдонга бир текисда сочиб чиқилади ва изидан чизель ёки тирма юргизилиб, тупроқ билан аралаштирилади. АМБ самарадорлигини ўрганиш борасида илмий-тадқиқот ишлари кам ўтказилган шу боис бу бактериал препарат дехқончиликда кенг тарқалмаган.

## **Билимназини сиаб күринг**

1. Ўзингиз биладиган маҳаллий ўғит турларини айтиб беринг.
2. Гўнгнинг тахминий кимёвий таркиби қанақа ва унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Гўнг тупроқ хоссалари ва ўсимликларнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
4. «Қайнок» ва «совук» гўнг дейилишининг сабаби нимада?
5. Тўшама сифатида қандай материаллардан фойдаланиши мумкин?
6. Сақлаш жараённида тўшамали гўнг кимёвий таркибининг ўзгариши ҳақида сўзлаб беринг.
7. Чириш даражасига кўра тўшамали гўнгларни қандай турларга ажратиш мумкин?
8. Тўшамали гўнгни сақлашнинг қандай усуllibарни биласиз?
9. Чорва молларидан олинадиган гўнг миқдорини ҳисоблаб топши усуllibарини айтиб беринг.
10. Гўнг таркибидаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициентига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
11. Тўшамали гўнгнинг тупроққа киритиш меъёри ва муддати ҳақида маълумот беринг.
12. Тўшамасиз гўнг тўшамали гўнгдан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласди?
13. Тўшамасиз гўнг миқдорини ҳисоблаб топшида қандай формулалардан фойдаланиши мумкин?
14. Тўшамасиз гўнгни сақлаш ва қўллаш усуllibарини айтиб беринг.
15. Гўнг шалтоги нима?
16. Парранда ахлати қимматли маҳаллий ўғит эканлигини қандай изоҳлаш мумкин?
17. «Ўз қадрини топмаган» маҳаллий ўғитлардан қайслиарини биласиз?
18. Кўкат ўғитлар тупроқ ва ўсимликка қандай таъсир кўрсатади?
19. Бактериал препаратларга мисоллар келтиринг.

## **XI Б О Б. ЎҒИТ ҚЎЛЛАШТИЗИМИ**

### **Ўғитлаштизимининг мақсади ва вазифалари**

Ўғитлаштизимининг *асосий мақсади алмашлаб* экиш шароитида ўғитлардан оқилона фойдаланишига йўналтирилган *ташкилий, хўжалик, агрокимёвий ва агротехникавий тадбирларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик* экинларидан мўл ҳосил олиш учун энг мақбул ўғит тури, меъёри, қўллаш муддатларини белгилашдир. Тизимни ишлаб чиқишида экинларнинг биологик хусусиятлари, режалаштирилган ҳосил миқдори, тупроқ-иқлим шароитлари, ўғитларнинг асорати (кейинги таъсири), алмашлаб экиш жараённида озиқ моддалари баланси, ўғитларнинг ҳосил сифати ва тупроқ унумдорлигига кўрсатадиган таъсирига алоҳида эътибор берилади.

Ўғитлаштизими одатда ҳар бир пайкалга узоқ муддат давомида режа асосида ўғит киритиш учун ишлаб чиқилади ва ўз олдига қўйидаги *асосий вазифаларни қўяди*:

- экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосил сифатини яхшилаш;
- тупроқлар унумдорлигини ошириш ва уларни унумдорлик жиҳатидан бир жинсли бўлишига эришиш;
- ўғитлардан самарали фойдаланиш, жадал дехкончилик юритиш ва атроф-муҳит муҳофазасини тўғри йўлга қўйиш.

Хўжаликларнинг ихтиослашуви ва алмашлаб экиш майдонларининг чорвачилик фермаларидан узоқ-яқинлигига қараб уларда учта кўринишдаги ўғитлаштизимидан биттаси қўлланилади:

- маҳаллий-минерал ўғитли тизим. Бунда маҳаллий ўғитлар (гўнг, компостлар, торф, кўкат ўғитлар) минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилади;
- фақат минерал ўғитларни қўллашга асосланган тизим;
- фақатгина маҳаллий ўғитларни қўллашга асосланган тизим.

## Экинларнинг ўғитга бўлган талабини аниқлашнинг физиологик асослари

Озиқ моддаларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишининг даврийлиги. Озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши ўсимликлар ёшига қараб ўзгариб боради. Танглик (критик) ва энг кўп (максимал) ўзлаштириладиган даврлар фарқланади. Озиқланиш муҳитида маълум бир модданинг етишмаслиги ва уни ўсимликларнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатиши озиқланишдаги танглик давр деб юритилади. Экинлар кейинчалик мазкур элемент билан етарли таъминлансада, танглик даврнинг асорати узил-кесил йўқолмайди.

Тадқиқотлар асосида экинларда азот ва фосфорга нисбатан танглик давр ниҳоллар пайдо бўлгандан кейинги 10–15-кунларда кузатилиши аниқланган. Ривожланишнинг илк даврларида калий танқислигига ҳам экинлар ҳосилдорлиги кескин камаяди. Азот ва фосфорга нисбатан танглик давр одатда эрта баҳорда, микроорганизмлар фаолияти суст бўлгандга намоён бўлади.

Ривожланишнинг нисбатан кечроқ муддатларида ўсимликларнинг озиқланишга бўлган талаби кучаяди, қайсики, озиқ моддалари энг кўп (максимал) ўзлаштириладиган давр деб юритилади. Кўп ҳолларда бу давр ўсимликлар томонидан энг кўп қуруқ биомасса тўпланидиган муддатга тўғри келади.

Кўпчилик экинларда озиқланиш даври ўсув даврига нисбатан сезиларли даражада қисқа бўлиб, бундай экинлар жумласига экинбоп наша, зигир ва аксарият бошқоли дон экинларини киритиш мумкин. Айrim экинларда эса (қандлавлаги, картошка, карам ва бошқа) озиқланиш жараёни экиннинг бутун ўсув даврида содир бўлади. Ўсимликлар озиқланишини уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш мумкин. Маълумки, ўғитнинг йиллик меъерини фақат бир марта, тупроқнинг маълум қатламларига бериш йўли билан экинлардан кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди. Шу сабабдан ўсимликларни тўғри озиқлантириш тизимида асосий ўғитлашни экиш олдидан ўғитлаш ва кўшимча озиқлантиришлар билан уйғунаштирилиб амалга оширишга тўғри келади.

## Озиқ моддаларнинг ҳосил билан олиб чиқиб кетилиши

Қишлоқ хўжалик экинлари тупроқдан озиқ моддаларни турли миқдор ва нисбатлarda олиб чиқиб кетади. Бунда ўсимликларнинг тури ва нави билан бир қаторда тупроқ-иқлим шароитлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўсимликларнинг озиқ моддаларига бўлган талаби умумий ҳосил билан олиб чиқиб кетиладиган озиқ моддалар миқдори билан ёки асосий маҳсулотнинг ҳосил бирлиги (шунга мос келадиган поя, сомон ва бошқалар) билан белгиланади.

Ўсимликларда озиқ элементларнинг энг кўп миқдорда тўпланиши одатда пишиш даврининг бошларига тўғри келади. Бу катталиқдан «ўсимликларнинг озиқ элементларига бўлган талаби»ни аниқлашда фойдаланиш мумкин. Ривожланишнинг сўнгги даврларида хазонрезгилик ва моддаларнинг илдиздан тупроққа оқиб ўтиши ҳисобига ўсимликлар таркибида озиқ моддалари миқдорининг бир қадар камайиши кузатилади.

Озиқ моддалариning биологик ва хўжалик чиқими тушунчалари фарқланади.

Ўсимликлар томонидан ҳосилнинг биологик массасини (дон, сомон, анғиз ва илдиз қолдиқлари) шакллантириш учун ўзлаштириладиган озиқ моддалар миқдори б и о л о г и к ч и қ и м и ибораси билан юритилади.

Х ў ж а л и к ч и қ и м и эса фақатгина маҳсулотнинг товар қисми билан (масалан, дон ва сомон, илдизмева ва палак) олиб чиқиб кетиладиган озиқ моддалар миқдорини кўрсатади. Агар сомон ёки палак нотовар маҳсулот сифатида пайкалда қолдирилса, улар таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори хўжалик чиқимига киритилмайди.

Чиқимнинг қолдиқ қисми — ўз ичига пайкалда қоладиган анғиз ва илдиз қолдиқлари, тўкилган дон ва мевалар таркибидаги, шунингдек, илдиздан тупроққа оқиб ўтадиган озиқ элементлар йигиндисидан иборат. Тадқиқотлар бўйича чиқимнинг қолдиқ қисми таркибида ҳосилнинг шаклланishi учун озиқ моддаларнинг талайгина миқдори бўлиши аниқланган.

Айтиб ўтилганлардан фақат хўжалик чиқими асосида белгиланадиган ўғит мебёри ўсимликларнинг озиқ моддаларига бўлган талабини тўла таъминлай олмаслиги кўриниб турибди. Чунки ўсимликларга озиқ моддалар фақат товар маҳсулотнигина эмас, балки илдиз

тизими, барг ва пояларни шакллантириш учун ҳам зарурдир. Тупроқда қоладиган ўсимлик қолдиқлари ми-нераллашиб, кейинги экиладиган экинлар учун озиқ вазифасини ўтайди. Амалда ўсимликларнинг озиқ мод-даларга бўлган талаби 1 т асосий маҳсулот ва унга мос келадиган «ёрдамчи» маҳсулотнинг шаклланиши учун сарфланадиган хўжалик чиқими асосида ҳисобланади (58-жадвал).

58-жадвал.

Айрим экинлар томонидан ҳосил бирлиги (т) билан тупроқдан олиб кетиладиган азот, фосфор ва калийнинг таҳминий миқдори, кг

(Н. М. Городний, 1990)

Экин тuri	Асосий маҳсулот	Асосий маҳсулот билан (оралиқ маҳсулот ҳам ҳисобда) чиқиб кетадиган:			Азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбати
		азот	фосфор	калий	
Кузги буғдой	дон	35	12	26	3,0:1:2,2
Кузги жавдар	дон	30	12	28	2,5:1:2,3
Баҳори буғдой	дон	38	12	25	3,2:1:2,1
Арпа	дон	27	11	24	2,5:1:2,2
Маккажӯхори	дон	34	12	37	2,8:1:3,0
Сули	дон	30	13	29	2,3:1:2,3
Тарик	дон	33	10	34	3,3:1:3,4
Гречиха	дон	30	15	40	2,0:1:2,7
Ўрис нўхат	дон	30	16	20	2,0:1:1,2
Зигир	тола	80	40	70	2,0:1:1,8
Экинбоп наша	поя	15	7	12	2,1:1:1,7
Ғўза	чигитли тола	45	15	50	3,0:1:3,3
Картошка: эртаги кечки	тутунак	5	1,5	7	3,3:1:4,7
Кандлавлаги	илдиз мева	6	2	9	3,0:1:4,5
Маккажӯхори	кўк масса	2,5	1,2	4,5	2,1:1:3,8
Карам	карам бош	3,4	1,3	4,4	2,6:1:3,4
Сабзи	илдиз мева	3,2	1,2	5,0	2,7:1:4,2
Ҳўраки лавлаги	илдиз мева	2,7	1,5	4,3	1,8:1:2,9
Помидор	мева	3,2	1,1	4,0	2,9:1:3,6
Бодринг	мева	2,8	1,4	4,4	2,0:1:3,1
Пиёз	пиёз бош	3,7	1,3	4,0	2,8:1:3,1
Мевали дарахтлар	мева-чева	5,0	3,0	6,0	1,7:1:2,0
Ток	узум	1,7	1,4	5,0	1,2:1:3,6
Чой	чой барги	50	7	23	7,2:1:3,3

Донли экинлар озиқ моддаларни (азот: фосфор: ка-лий) одатда 2,5—3,0:1:2,2—3,0 нисбатда ўзлаштириса, бу кўрсаткич сабзавот экинларида 2,0—2,9:1:3,0—3,6 га,

картошка ва илдизмевалиларда 3,0—3,3:1:4,2—4,7 га, кўк масса учун экиладиган экинларда эса, 2,1—2,7:1:3,3—3,8 га тенгdir. Демак, кўк масса экинлари ва сабзавотлар калийни донли экинларга нисбатан кўп, картошка ва илдизмевалиларга нисбатан анча кам ўзлаштиради. Шунингдек, уларнинг азотли ўғитларга бўлган талаби ҳам анча кам. Озиқ моддаларнинг ҳосилнинг асосий маҳсулоти билан чиқиб кетиши доимий катталик эмас. У тупроқ-иқлим шароитлари, нав, ўғит меъёри ва суғоришилар таъсирида сезиларни даражада ўзгаради. Ўғит кўллаш ва меъёрини ошириш натижасида тупроқдан олиб чиқиб кетиладиган озиқ моддалар миқдори ҳам ортади. Бу биринчи навбатда калийга, сўнgra азотга тегишли бўлиб фосфорнинг миқдори камроқ ўзгаради. Агар ўсимликлар озиқ моддалар билан яхши таъминланган бўлса-ю, ташқи омиллардан биронтаси (ёки бир нечтаси) танқис бўлса, асосий маҳсулот билан тупроқдан озиқ моддаларининг мосуво бўлиши кучаяди. Аксинча, барча омилларнинг етарли бўлиши ҳосилнинг шаклланишида озиқ моддалардан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон яратади.

### Ўсимликлар томонидан тупроқдаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши

Ўсимликлар томонидан тупроқдаги у ёки бу озиқ элементнинг ўзлаштирилиш коэффициенти қуйидагича топилади:

$$K = \frac{a}{c} \cdot 100,$$

бу ерда:

K — ўзлаштирилиш коэффициенти, %

а — ўзлаштирилиш коэффициенти, %

c — ҳайдалма қатламдаги ҳаракатчан шаклдаги озиқ элементлар миқдори, кг/га.

Ҳайдалма қатламдаги озиқ элементлар миқдори (кг/га) унинг агрокимёвий хаританомадаги миқдорини (мг/кг) З коэффициентга кўпайтириш йўли билан топилади. Масалан, бир кг тупроқда 60 мг ҳаракатчан фосфор мавжуд бўлса, унинг ҳайдалма қатламдаги умумий миқдори 180 кг/га ни (60x3) ташкил этади.

Тупроқдаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш ко-

эффициенти ўсимликларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ радиоактивнада, ташки омиллар (тупроқ унумдорлиги,  $pH$ , иклим шароитлари, агротехника) таъсирида кенг кўламда ўзгаради, қайсики ундан ўғит меъёрларини белгилашда фойдаланишни мушкуллаштиради. Тупроқда ҳаракатчан шаклдаги озиқ элементларнинг миқдори қанча кўп бўлса, табиийки, уларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш коэффициенти шунча кичик бўлади.

Тупроқни ишлаш, агротехникавий тадбирларнинг даражаси кабилар ҳам тупроқдаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициентига кучли таъсир кўрсатади.

### Ўсимликларнинг ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўзлаштириши

Ўғитлар таркибидаги озиқ элементларнинг ўзлаштирилиш коэффициенти озиқ моддаларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган қисми ( $\chi_y - \chi_n$ )ни ўғитлар билан киритилган озиқ моддалари ( $C$ ) миқдорига бўлиш йўли билан топилади:

$$K = \frac{\chi_y - \chi_n}{C};$$

бу ерда,

$K$  — ўғит таркибидаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициенти, %

$\chi_y$  — ўғитланган тупроқдан ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар миқдори,  $kg/га$ ;

$\chi_n$  — ўғитланмаган (назорат) майдондан ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар миқдори,  $kg/га$ ;

$C$  — ўғит билан тупроқка киритилган озиқ элементи миқдори,  $kg/га$ .

Ўзлаштирилиш коэффицентини ўғитсиз вариантга нисбатан эмас, балки нишонланган атомлар (изотоп) усулини кўллаш йўли билан аниқлаш яхши натижга беради.

Ўсимликлар томонидан ўғитлар таркибидан ўзлаштириладиган озиқ моддалар миқдори тупроқдан ўзлаштириладиган озиқ моддалар миқдорига нисбатан анча муқобил ҳисоблансада, тупроқ хусусиятлари, иклим шароитлари, экиннинг биологик хусусиятлари, ўғит тури ва кўллаш усуулларига боғлиқ радиоактивнада ўзгариб туради.

Маълумки, тупроқка киритилган минерал ўғитлардан экинлар икки-уч йил давомида фойдаланиши мумкин. 59-жадвалда ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўғитлар ва алмашлаб экиш ротацияси давомида ўзлаштирилиш коэффициентлари келтирилган.

59-жадвал.

### Ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициентлари

(П. М. Смирнов 1991)

Ўғит тури	Йиллар	Азот	Фосфор	Калий
Ўғит кам ва ўртача меъёрда киритилганда				
Гўнг	1-йил	20—25	25—30	50—60
	2-йил	20	10—15	10—15
	3-йил	10	5	—
Минерал ўғит	Ротация давомида	50—55	40—50	60—75
	1-йил	60—70	15—20	50—60
	2-йил	—	10—15	15—20
	3-йил	—	5	—
Гўнг	Ротация давомида	60—70	30—40	65—80
	Ўғит ююри меъёрда киритилганда			
	1-йил	15—20	15—25	40—50
	2-йил	15	10	10
Минерал ўғит	3-йил	10	5	—
	Ротация давомида	40—45	30—40	50—60
	1-йил	45—55	10—15	40—50
	2-йил	—	5—10	10—15
	3-йил	—	5	—
	Ротация давомида	45—55	2—30	50—65

### Илдиз ва ангиз қолдиқларни тупроқларнинг озиқ режимига таъсир

Дуккакли-дон ва дуккакли экинлар қолдирадиган илдиз ва ангиз қолдиқлари экинларнинг озиқланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли алмашлаб экишда ўғитлаш тизимини тузиш жараённида бу албатта ҳисобга олинниши керак. Донли ва дуккакли-дон экинларининг илдиз ва ангиз қолдиқлари таркибидаги углерод ва азот ўртасидаги нисбат ( $C:N$ ) жуда кичик бўлиб, мазкур элементларнинг гўнгдаги нисбатига яқинлашиб боради. Илдиз ва ангиз қолдиқларининг минераллашиб жараёни ҳам анча жадал кечади. Шунингдек, улар тар-

кибидаги озиқ моддаларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши коэффициенти ҳам гўнгдаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициентига жуда яқин. Бу биринчи навбатда азотга тегишли бўлиб, дуккакли экинлардан қоладиган илдиз ва анғиз қолдиқлари таркибидаги азот биринчи, иккинчи ва учинчи йилларда 20—25, 15—20 ва 5—10% ўзлаштирилади. Маълумотларда келтирилишича, дуккакли ва дуккакли-дон экинларнинг ҳар бир тонна илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳисобига 10—15 кг азот тупроққа келиб тушади (60-жадвал).

60-жадвал.

**Турли экинлардан қоладиган илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги озиқ моддалар миқдори**

(Б. А. Ягодин, 1989)

Экин тури	Асосий маҳсулот ҳосили, т/га	Ҳайдалма қатламдаги қуруқ илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори, т/га	Илдиз ва анғиз қолдиқлари таркибидаги озиқ моддалар миқдори, кг/га			С:N
			азот фосфор калий			
Кузги бүгдой	2,2	2,5	27	5	14	25
Арпа	2,0	2,5	22	6	14	25
Макка-жӯхори		4,6	29	12	72	40
Нӯхат	2,5	2,2	40	8	24	12
		1,3	11	3	32	23
Картошка		2,0	12	4	13	44
Экинбоп наша						
Карам	1,3	17	5	6		
Помидор	1,0	16	5	6		
Бодринг	0,8	11	3	4		
Сабзи	0,8	9	3	5		
Пиёз	0,5	6	2	2		

**Турли омилларнинг маҳаллий ва минерал ўғитлар самарадорлигига таъсири  
Тупроқ-иқлим шароитлари**

Тупроқ унумдорлиги ва сув билан таъминланганлиги ўғитлар самарадорлигига кучли таъсири кўрсатади. Суформа дехқончилик амалга ошириладиган шароит-

ларда азотли ўғитларнинг самарадорлиги анча юқори. Азотнинг самарадорлигига тупроқнинг ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланганлик даражаси ҳам таъсири кўрсатади. Бу моддалар тупроқда кам бўлган ҳолда азотнинг ўзлаштирилиши кескин камаяди. Тупроқ ҳаракатчан фосфор билан қанча паст даражада таъминланса (бўз тупроқлар ҳам шундай тупроқлар жумласига киради), кўлланиладиган фосфорли ўғитлар самарадорлигининг юқори бўлиши кузатилади.

Калийли ўғитлар механикавий таркиби енгил (кумли ва кумлоқ) тупроқларда яхши самара беради. Ўрта ва оғир кумоқли ҳамда соз тупроқлар калий билан юқори даражада таъминланганлиги сабабли уларда калийли ўғитлардан олинадиган иқтисодий самара бир мунча кучсиз намоён бўлади.

Маҳаллий ўғитлар, хусусан гўнг, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Тупроқ ҳарорати юқори, намлик етарли бўлган шароитларда гўнг яхши самара беради.

Ўғитлардан фойдаланишда жорий йил билан бир қаторда ўтган йиллардаги иқлим шароитларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Куз фаслида ёғин-сочин кам бўлса, азотли ўғитларнинг самарадорлиги камаяди ва аксинча, фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги ошади. Ўғитлар, айниқса маҳаллий ўғитлар, тупроқдаги сув сарфини 10—20 % га камайтиради. Ўз навбатида сугориш ҳам ўғитлар самарадорлигини оширади.

Ўсув даврининг ilk босқичларидаги паст ҳарорат ўсимликларнинг азот ва фосфор билан меъёрида озиқланишига салбий таъсири кўрсатади. Ҳаддан ташқари юқори ҳароратларда ҳам ўсимликларнинг меъёрида озиқланиш жараёни бузилади. Ўғитларнинг самарадорлигига тупроқларнинг микробиологик фаолияти ҳам ўзига хос таъсири кўрсатади.

**Агротехникавий шароитлар**

Тупроқни оби-тобида ишлаш, экишни маъкул агротехникавий муддатларда ўтказиш, энг яхши ўтмишдош экин танлаш, алмашлаб экишга қатъий амал қилиш, бегона ўтлар, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши кураш— ўғитлар самарадорлигига кучли таъсири кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади.

Муддатида амалга оширилган ишлов тупроқда қулай сув, ҳаво ва микробиологик режимларни юзага келти-

ради, бу ўз навбатида экинларнинг меъёрида ўсиб-ривожланишига ёрдам беради.

Турли ўтмишдош экинлар ўзларидан кейин турли миқдордаги ангиз ва илдиз қолдиқларини қолдиради, ўғит, сув ва ишлов беришга турлича талаб қўяди. Айрим қишлоқ хўжалик экинлари (люпин, хантал, қашқар беда) тупроқдаги қийин эрийдиган озиқ моддаларни ўзлаштириш ва кейинги экиладиган экинлар учун ўзлаштиришга лаёқатли шаклга ўтказиш қобилиятига эга. Дала алмашлаб экишдаги сабзавот ва айрим чопикталаб экинлар тупроқдан калийни кўпроқ ўзлаштиради. Эртанги экинларнинг ўсув даври қисқа бўлганлиги учун улар тупроқдан озиқ моддаларни кам миқдорда ўзлаштиради. Натижада тупроқнинг озиқ режими яхшиланади. Дуккакли ва дуккакли-дон экинлар тупроқда кўп миқдорда биологик азот тўплайди. Унинг бир қисмидан улар ўз мақсадида фойдаланса, қолган қисми кейинги экиладиган экинларни азот билан таъминлашга хизмат қилаади. Дуккакли экинлар тупроқдан кўп миқдордаги фосфор ва калийни олиб чиқиб кетади.

Ўғит қўллаш чукурлиги бевосита тупроқни ишлаш усули билан боғлиқдир. Ўғитлар тупроқнинг нам билан етарли таъминланган қатламига киритилганда, яхши эрийди ҳамда экинларнинг озиқланиши учун кулай шароит яратилади. Тупроқни ишлаш бегона ўтларни йўқотишида энг муҳим тадбир бўлиб, пировардида экинларнинг озиқланиши шароитини яхшилашга хизмат қилаади. Ишлов бериш билан тупроқнинг ҳайдалма қатлам чукурлиги ошади, экинлар бақувват томир ёяди, натижада ўсимликлар тупроқнинг чуқур қатламларидан ҳам озиқ моддаларни ўзлаштиради.

Ўғитлар самарадорлигини белгилашда экинлар на-вини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятта эга. Маълумки, ҳар бир нав ўзига хос биологик индивид бўлиб, тегиши-лича ер усти қисми ва илдиз тизимини шакллантиради. Янги нав ва дурагайларнинг физиологик-агрокимёвий паспортларини билмаслик оқибатида кўп ҳолларда тупроқка киритилган ўғитлар қўшимча ҳосил билан қопланмайди.

Агрокимёгар олимларнинг эътироф этишларича, ҳозирги кунда мавжуд бўлган гўза навларининг ўғитга бўлган талаби турличадир. Бу масалада академик Ж. С. Сатторов ва унинг шогирдлари кенг қўламдаги тадқиқотларни амалга оширганлар. Олинган маълумотларга қараганда, физиологик фаол, кучли илдиз тизимини

шакллантирадиган гўза навлари ўғитга талабчан ҳисобланади.

Экинларга бериладиган ўғит меъёри экиш муддати ва экиш меъёри билан уйғунлантирилиши лозим. Яхши ўғитланган майдонларга экиладиган уруғ меъёрини бир мунча камайтириш мумкин. Экишнинг мақбул муддатларидан четта чиқиши, кўчат қалинлигини ошириб юбориши ўғитлар самарадорлигини пасайтиради. Суфориши режимига қатъий амал қилиш ўғитлар самарадорлигини ошириш омилларидан биридир.

### Минерал ва маҳаллий ўғитларни биргаликда қўллаш

Минерал ўғитлар ва гўнгни биргаликда қўллаш уларни алоҳида-алоҳида қўллашдагига қараганда яхши са-марса беради. Бу биринчидан, гўнг таъсирида тупроқдаги микробиологик жараён фаоллигининг кучайиши ва иккинчидан, минерал ўғитлар таъсирида гўнг ва тупроқдаги органик моддаларнинг тезроқ парчаланиши билан боғлиқдир. Минерал ва органик моддалар биргаликда қўлланилганда, фосфорли ўғитларнинг тупроқ билан мустаҳкам бирикмалар ҳосил қилиши камайди. Гўнг билан тупроққа маълум миқдорда микроэлементлар келиб тушади, қайсики, микроўғитлар қўллаш муммосини осонликча ҳал қилишда муҳим аҳамиятта эга. Гўнгнинг парчаланиш жараёнида ажralиб чиқадиган карбонат ангидрид ҳаво таркибига ўтади ва ўсимликларда фотосинтез жараёнини кучайиши учун хизмат қилаади.

Минерал ва маҳаллий ўғитларни биргаликда қўллашга айниқса тупроқда озиқ моддалар концентрациясининг ошиб кетишига ўта сезгир, лекин бутун ўсув даври давомида уларни етарли миқдорда бўлишини талаб қиласидиган бодринг, пиёз, маккажӯҳори каби экинлар талабчандир.

Гўнг тупроқнинг асосий компоненти бўлмиш гумус миқдорига ижобий таъсир кўрсатади. Маҳаллий ўғит киритилмаган майдонларда гумус миқдорининг йилдан-йилга камайиб бориши кузатилади. Республика Пахтакорлик илмий-тадқиқот институти олимларининг таъкидлашиб, умуман ўғит қўлламаслик ёки минерал ўғитларга ортиқча ружу қўйиш оқибатида фақатгина кейинги 50–60 йил ичидаги тупроқдаги гумус миқдори 25–50% га (100% га нисбатан) камайган.

Тупроқда гумус ҳосил бўлиши алмашлаб экиш тури,

киритилаётган минерал ва маҳаллий ўғитларнинг миқдорига боғлиқ. Гўнг фонида тупроққа қўшимча равища азотли ўғитлар киритиш лозим, чунки ўсимликлар биринчи йилда гўнг таркибидаги азотни фосфор ва калийга қараганда жуда кам ўзлаштиради. Гўнгни чопикталааб экинларга қўллаш яхши самара беради, чунки қатор ораларига ишлов берилганда гўнг тезроқ минераллашади ва ундан ўсув даври узунроқ бўлган экинлар унумли фойдаланади.

### Ўғит қўллаш турлари, усуллари, муддатлари ва техникаси

Ўғит қўллаш тизимида ишлатиладиган иборалардан тўғри фойдаланиш лозим:

- асосий ўғитлаш (экишгача, экиш билан);
- қаторлаб ўғитлаш (экиш билан бирга);
- қўшимча озиқлантириш (екинларнинг ўсув даврида).

Ўғитларни тупроққа қўйидаги муддатларда киритиш мумкин:

- кузда; баҳорда; ёзда; белгилантган маълум ойларда.

Ўғитлашнинг асосий усуллари жумласига қўйидагилар киради:

- ёппасига (сочма); жойига (уялаб, ўчогига, қаторлаб); локаль-тасмасимон; захиравий; механизмлар ёрдамида; ҳаводан ва ҳ.к.

Ўғитларни тупроқ билан аралаштиришда плуг, культиватор-озиқлантиргич, дискали ва тишли тирма каби мосламалардан фойдаланилади.

Кўп ҳолларда ўғит меъёри (нормаси) ва ўғит дозаси тушунчалари алмаштириб юборилади. Ўғит меъёри — экинга бутун ўсув даври давомида бериладиган ўғит миқдорининг кўрсаткичи бўлиб, бир га майдонга қўлланиладиган соф моддаларнинг кг бирликда ифодаланишидир.

Ўғит дозаси деганда эса, муайян муддатда (масалан, экиш олдидан, 3—4 чин барг даври ва ҳ. к.) бир марта бериладиган ўғит миқдори назарда тутилади.

Ўғитларни тупроқ хоссалари ва экинлар илдиз тизимиning тарқалишини ҳисобга олган ҳолда турли чукурликка тушишига эришиш муҳим агрономик тадбирдир. Тупроқнинг чукур ва нам қатламига тушган ўғитлар осон эрийди ва ўсимликлар томонидан бутун ўсув даври давомида яхши ўзлаштирилади.

Ўғитларни қўллашда уларни гравитация сувлари таъсирида ҳаракатланиши, ювилиши ва газ шаклида йўқолиши каби салбий жараёнларни ҳисобга олиш лозим. Бу биринчи навбатда азотли ўғитларга тегиши бўлиб, нитрат шаклидаги азот суформа сувлар таъсирида ювилади ва атроф-муҳитни ифлослантиради. Мазкур жараён айниқса енгил механикавий таркибли тупроқларда жадал кетади.

Нитратларнинг ювилиши эрта баҳор ва кеч куз даврларида сезиларли даражада кучаяди. Куруқ иқлими шароитларда сугорищдан кейин нитратлар сувнинг капилляр кўтарилиши жараёнида тупроқнинг юза қатламларига қараб ҳаракатланади. Шу сабабдан азотли ўғитларни қўллаш муддатлари ва аммиак шаклдаги азотнинг нитрификацияниш жадаллигини билиш катта амалий аҳамиятга эга. Нитратли-азотли ўғитлар таркибидан азотнинг йўқолиши бошқа турдаги азотли ўғитлардагига қараганда кучлироқдир. Қаттиқ ҳолатдаги аммиакли ва амидли-азотли ўғитлар тупроққа юза киритилганда,  $pH$ , ўғит меъёри ва тупроқ намлигининг ортиши билан уларнинг исроф бўлиши ҳам ошиб боради. Маълумотларнинг кўрсатишича, аммиакли селитра ва мочевина юза қўлланилганда, таркибидаги азотнинг 1—3% и бекорга исроф бўлади.

Суюқ азотли ўғитларни тупроқнинг юза қатламларига қўллаш кўп миқдордаги азотнинг йўқолишига сабаб бўлади. Қумоқ тупроқларда сувли аммиак 10—12, суюқ аммиак 16 см чукурликка киритилганда, азотнинг бекорга исроф бўлиши кузатилмайди. Соз тупроқларда эса бу кўрсаткич мос равища 7—8 ва 12—14 см ни ташкил этиши лозим.

Фосфорли ўғитлар анча қийин эрийдиган шаклда бўлганилиги сабабли одатда улар тупроқ профили бўйлаб жуда ҳам секин ҳаракатланади. Шунинг учун фосфорнинг ўсимликларни асосий илдиз тизими тарқаладиган қатламдан ювилиши сезилар-сезилмас миқдорадир.

Маълумки, калий тупроқнинг сингдириш комплекси (ТСК) томонидан алмашиниб сингдирилган бўлади. Кумли ва кумлоқ тупроқлардан камроқ миқдорда калий ювилиши мумкин.

Фосфор ва калийнинг тупроқда фиксацияниши жуда тез (тупроққа тушгач, 1—2 қеча-кундуз давомида) содир бўлади. Бунда фосфорнинг анчагина қисми (60—70% и) қийин ўзлаштириладиган бирикмалар тарқибиға ўтади. Фосфорнинг мазкур ҳолатга ўтиш миқдори ва

жадаллиги бевосита ўғитнинг физикавий ҳолатига боғлиқ. Одатда кукунсимон ҳолатдаги фосфорли ўғитлар донадор фосфорли ўғитларга нисбатан тупроқ билан тезда мuloқотга киришади ва қийин ўзлаштириладиган шаклга ўтади. Фосфорли ва калийли ўғитлар экишгача тупроқнинг юза қатламларига киритилганда, уларнинг асосий қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмай қолади.

Тупроқларнинг механикавий таркиби, сув режими ва ўғит меъерига боғлиқ равишда йил давомида бир га майдондан 1—30 кг азот (киритилган азотнинг 1—10%), 0,4—60 кг калий, 8—360 кг кальций, 3—90 кг магний, 4—60 кг олтингутурт, 100 кг га яқин хлор ва жуда кам миқдорда фосфор ювилиб кетади.

Ўғитларни нотўғри қўллаш ва сугориши нотўғри амалга ошириш оқибатида жуда кўп миқдордаги нитратлар сизот сувлари ва сув ҳавзаларига келиб қўшилади ва атроф-муҳитни ифлослантиради. Лекин ўғит қўллашнинг илмий асосланган тизимини илгор агротехникавий тадбирлар ва меҳнатни ташкил этишининг прогрессив усулларини ўйғунлаштириш асосида атроф-муҳитта заррача зарар етказмасдан қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил этиштириш мумкин.

Асосий (экишгача) ўғитлаш экинларни бутун ўсув даври мобайнисида, айниқса озиқ моддаларга юқори талаб қўйиладиган, жадал ривожланиш даврида, озиқ элементлари билан таъминлаш учун қўлланилади. Асосий ўғитлашда режалаштирилган ўғит меъерининг асосий қисми тупроққа киритилади. Хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва айрим иқтисодий-ташкилий муаммоларидан ке-

61-жадвал.

#### Ишлов бериш мосламаларига боғлиқ равинида ўғитларнинг тупроқ қатламлари бўйлаб тарқалиши, %

(П. М. Смирнов, 1985)

Ишлов бериш мосламаси ва аралаштириш чуқурлиги, см	Тупроқ қатлами, см		
	0-5	5-10	10-20
Чимқирқарли ПН-4-35 русумли плуг, 20 см	—	—	100
Чимқирқарсиз ПН-4-35 русумди плуг, 20 см	—	23	77
БДТ-2,2 русумли оғир дискали тирма	27	45	28
Пружинали-кескичли культиватор, 20 см	32	31	37
Ўқсимон-кескичли культиватор, 20 см	38	34	28
Ўқсимон-кескичли культиватор, 10 см	84	16	—
Тишли енгил тирма	100	—	—
Тишли оғир тирма	97	3	—

либ чиққан ҳолда асосий ўғитлаш кўпроқ кузда, баъзи ҳолларда баҳорда амалга оширилади.

Ўғитларни тупроққа киритиш чуқурлиги асосан ерни ишлаш техникаси билан боғлиқ (61-жадвал).

Жадвал маълумотларидан ўғитларни тупроқнинг чуқур қатламлари билан аралаштиришда энг юқори самаррага чимқирқарли плуг ёрдамида эришиш мумкинлиги кўриниб турибди.

Асосий ўғитлашнинг энг мақбул муддатларини белгилашда тупроқнинг механикавий таркиби, намланиш шароитлари ва ўғитларнинг хусусиятлари ҳисобга олиниди. Осон эрувчан ва серҳаракат бўлгани сабабли нитратли ва аммиакли-нитратли азотли ўғитлар фақат тупроқни баҳорда қайта ҳайдаш даврида ёки культиватор-ўғитлагич ёрдамида киритилади. Баҳорги нам ва илиқ даврда аммиак шаклдаги азот жуда қисқа муддатда нитрат шаклга ўтади ва атмосфера ёғин-сочинлари ёки суформа сувлар таъсирида осонлик билан пастки қатламларга ювилади.

Фосфорли ўғитларни иложи борича чуқурроқ кўмиш учун улар одатда кузги шудгор ёки баҳорда қайта ҳайдаш олдидан сочиб чиқилади.

Таркибida хлор тутган калийли ўғитлар йиллик меъерининг 50 % и ёки ундан ҳам кўпроғи кузги шудгор остига киритилса, куздаги ёғин-сочинлар таъсирида хлорнинг ўсимликларга кўрсатадиган салбий таъсири анча камаяди.

Гўнгни ҳам кузда, айрим ҳолларда баҳорги ишлов пайтида ишлатиш яхши самара беради. Гўнгни кўмиш чуқурлиги бевосита тупроқларнинг намлиги ва механикавий таркиби билан боғлиқ. Нам ва оғир механикавий таркибли тупроқларда гўнгни юзароқ киритиш яхши самара беради.

Асосий ўғитлашда кўпроқ сочма усульнан фойдаланилади.

Кейинги йилларда заҳиравий ўғит қўллаш муаммолари ўрганилмоқда. Бунда фосфорли ўғитлар ҳар йили маълум миқдорда (масалан, 60 кг/га) киритилмасдан тўрт йиллик фосфор дозаси ( $4 \times 60 = 240$  кг/га) бир йўла қўлланилади. Ўғитлашнинг бу усули фосфор тезда қийин эрийдиган ҳолатга ўтиб қоладиган тупроқларда унча яхши самара бермайди. Шунингдек, бу усульнан иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки жуда кўп миқдордаги фосфорли ўғитларни ишлатишга тўғри келади. Фосфорли ўғитлар-

ни захиравий құллаш усулини биринчи навбатда қимматбақо техникавий экинлар экиладиган пайкаллардан бошлаш керак.

Үгитни экиш билан бирга құллаш. Экиш билан бирга үгит құллашда маҳсус үгитлагич мосламалардан фойдаланилади. Үгитларни бу усулда құллашдан кутиладиган асосий натыжа ниҳолларни ривожланишнинг илк 6—15-кунларида озиқ моддалар билан етарлича таъминлаш бўлиб, асосан осон эрийдиган минерал үгитлар (комплекс үгитлардан ҳам)дан фойдаланилади. Экиш билан бирга киритиладиган үгитлар (үгитнинг «старт дозаси») ўсимликларнинг илдиз тизимини жадал ривожланишига ҳамда унга тупроқ ва үгит таркибидаги озиқ моддалар ютилишини тезлаштиришишга ёрдам беради. Бу усулда үгит уруғдан 2—3 см узоқлик ва чукӯрликка киритилади. Шунингдек, экиш билан бирга үгитларни аралаштириб құллаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки кўпинча азотли ва фосфорли үгитлар аралаштирилганда, бўтқасимон масса ҳосил бўлади, қайсики үгитлагич мосламалар ишини мушкуллаштиради.

Экиш билан бирга асосан азотли ва фосфорли үгитлар киритилади. Калийли үгитлар үгитлашнинг бу усулида құлланилмайди, чунки уларнинг таркибидаги хлор ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. Куз ёки эрта баҳорда тупроққа кўп миқдорда үгит киритилган бўлса, экиш билан бирга бериладиган үгитнинг самараси анча пасаяди.

**Экинларни қўшимча озиқлантириши.** Маълумки, сугориладиган дехқончилик шароитида, шунингдек, нам иқлими регионларда азотли үгитларни, айниқса нитратли ва аммиакли-нитратли азотли үгитларни, асосий үгитлаш вақтида қўллаб бўлмайди. Азотли үгитларнинг 70—80%, калийнинг ярми ва фосфорнинг камроқ қисми тупроққа қўшимча озиқлантириш сифатида киритилади.

Умуман олганда, қўшимча озиқлантириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- кузги ғалла экинлари ва кўп йиллик ўтларни азот билан озиқлантиришда;
- енгил тупроқларда, шунингдек, сугориладиган шароитларда етишириладиган чопиқталаб экинларни азот ва калий билан таъминлашда;
- тупроқдаги тузлар концентрациясининг ошиб кетишига ўта сезгир экинлардан юқори ҳосил етишириш режалаштирилганда;
- мевали даражатлар ва буталарни озиқлантиришда;

— айрим сабабларга кўра ўғитнинг маълум қисми асосий ўғитлаш даврида киритилмаганди.

### Қишлоқ хўжалик экинларига үгит меъёларини белгилаш

Үгит меъёларини тўғри белгилаш агрокимё фани ва амалиётининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Үгит меъерини белгилашда тупроқ, ўсимлик, үгит, иқлим ва агротехникавий тадбирлар ўртасидаги боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим. Турли экинлар учун үгит меъерини белгилашда маҳаллий қишлоқ хўжалик ва илмий муассасаларнинг тавсияларидан ёки маълумотнома адабиётларида кўрсатилган миқдорлардан фойдаланиш мумкин. Тавсия этиладиган үгит меъёларига муайян тупроқ, хўжалик шароитлари ҳамда режалаштирилган ҳосил асосида тегишли аниқлик ва тузатишлар киритилади. Үгит меъерини режалашда хўжаликларнинг минерал үгитларни сотиб олишга бўлган молиявий аҳволи ҳамда тўпланадиган маҳаллий үгитлар миқдорига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Хозирги даврда үгит меъёларини белгилашнинг бир нечта усули мавжуд.

**Үгит меъерини дала тажрибаларининг натижалари ва агрокимёвий хаританома маълумотлари асосида белгилаш.**

Республикамиздаги илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ўтказилган дала тажрибалари натижаларини умумлаштириш асосида турли экинлар учун умумлаштирилган үгит меъёларига ишлаб чиқилган (62-жадвал).

62-жадвал.

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошка учун тавсия этиладиган минерал үгит меъёлари**  
(Республика қишлоқ хўжалик вазирлиги, 1980)

Экин тури	Ҳосил ц/га	Бўз тупроқлар			Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар		
		азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
Картошка	120-150	120-150	100	60	100-120	120-150	60-80
Помидор	280-300	180-200	140-150	90-100	140-180	140-150	100
Карам	250-300	150-200	100-150	75-100	120-150	120-150	80-100
Пиёз	200-220	200	150	75	160	160	80
Бодринг	200-250	150-200	100-150	50-75	120-150	120-150	60-75
Сабзи	150-200	120-150	80-100	40-50	80-100	100-120	50-60
Полиз экинлари	250-300	100-150	100-150	50	80-100	100-120	50-60

Дала тажрибаларидан олинадиган натижалар ишлаб чиқариш шароитида олинадиган ҳосилдорликдан сезиларли даражада юқори бўлиши (масалан, галла экинларидаги — 30%, картошкада — 50%гача)ни албатта ҳисобга олиш керак.

Тавсия қилинган фосфорли ва калийли ўғит меъёrlарига тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланганлигига қараб тегишлича тузатиш коэффициентлари киритилади (63 ва 64-жадваллар).

63-жадвал.

**Тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлиги бўйича фосфорли ўғит меъёрига киритиладиган тузатиш коэффициентлари**  
(Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитаси, 1987)

P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдори, мг/кг	Фосфор- ли ўғит меъёрига тузатиш коэффи- циенти	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдо- ри, мг/кг	Фосфор- ли ўғит меъёрига тузатиш коэффи- циенти	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> миқдо- ри, мг/кг	Фосфорли ўғит меъёри- га тузатиш коэффи- циенти
7	1,25	25	0,96	43	0,66
8	1,24	26	0,94	44	0,64
9	1,23	27	0,93	45	0,62
10	1,21	28	0,91	46	0,61
11	1,19	29	0,89	47	0,59
12	1,18	30	0,88	48	0,57
13	1,16	31	0,86	49	0,56
14	1,14	32	0,84	50	0,54
15	1,13	33	0,82	51	0,52
16	1,11	34	0,81	52	0,51
17	1,09	35	0,79	53	0,49
18	1,08	36	0,77	54	0,47
19	1,06	37	0,76	55	0,46
20	1,04	38	0,74	56	0,44
21	1,03	39	0,72	57	0,42
22	1,01	40	0,71	58	0,41
23	0,99	41	0,69	59	0,39
24	0,98	42	0,67	60	0,37

**Ўғитлар меъёрини баланс усулида аниқлаш.** Режалаштирилган ҳосил учун ўғит меъёрини ҳисоблашлар йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Мазкур усул асосида ҳосилнинг шаклланиши учун сарфланадиган озиқ элементлари ҳамда тупроқ ва ўғит таркибидан ўзлаштириладиган озиқ элементлари миқдорини таққослаш ётади.

**Тупроқларнинг алмашинувчан калий билан таъминланганлиги бўйича калийли ўғит меъёрига киритиладиган тузатиш коэффициентлари**

(Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитаси, 1987)

K <sub>2</sub> O миқдори, мг/кг	Калийли ўғит меъёрига тузатиш коэффи- циенти	K <sub>2</sub> O миқдори, мг/кг	Калийли ўғит меъёрига тузатиш коэффи- циенти	K <sub>2</sub> O миқдори, мг/кг	Калийли ўғит меъёрига тузатиш коэффи- циенти
50	1,25	170	0,95	290	0,65
55	1,24	175	0,94	295	0,64
60	1,21	180	0,93	305	0,63
65	1,21	185	0,90	310	0,61
70	1,20	190	0,90	310	0,60
75	1,19	195	0,89	315	0,59
80	1,18	200	0,88	320	0,58
85	1,16	205	0,86	325	0,56
90	1,15	210	0,85	330	0,55
95	1,14	215	0,84	335	0,54
100	1,13	220	0,83	340	0,53
105	1,11	225	0,81	345	0,52
110	1,10	230	0,80	350	0,50
115	1,09	235	0,79	355	0,49
120	1,08	240	0,78	360	0,48
125	1,06	245	0,76	365	0,46
130	1,05	250	0,76	370	0,45
135	1,03	255	0,74	380	0,43
140	1,03	260	0,73	385	0,41
145	1,01	265	0,71	390	0,40
150	1,00	270	0,70	395	0,39
155	0,98	275	0,69	400	0,38
160	0,98	280	0,68		
165	0,96	285	0,66		

Ҳосил бирлиги билан тупроқдан олиб кетиладиган озиқ маддаларининг миқдори доимий бўлмасдан, етиштириш шароитларига боғлик равишда ўзгаради. Шунинг учун ҳисоблаш ишларида олиб чиқиб кетиладиган озиқ элементлари миқдорини кўрсатиш учун хўжаликда ёки унга яқин илмий муассасаларда олинган маълумотлардан фойдаланиш мақсадда мувофиқидир.

Гўнг ва минерал ўғитлар таркибидаги азот, фосфор ва калийнинг ўзлаштирилиш коэффициентлари ҳам экин тури, тупроқ-иклим шароитлари, ўғитларни қўллаш дозаси, муддати ва усуслари таъсирида сезиларли даражада ўзгаради.

Ўғит меъёрини белгилашда албатта ўғитсиз (қиёсий) шароитда шаклланадиган ҳосил миқдори ёки шу давр-

гача кўлланилиб келинаётган ўртача ўғит меъёри маълум бўлиши керак. Режалаштирилган ҳосил учун ўғит меъёрини ҳисоблашда тупроқ таркибидаги ҳаракатчан шаклдаги озиқ элементларининг олиб чиқиб кетиладиган қисми ҳам назарда тутилади. Лекин тупроқдаги ҳаракатчан озиқ элементларидан фойдаланиш коэффициенти доимий катталик бўлмасдан фосфор учун 2 дан 20% гача, калий учун эса 10 дан 55% гача ўзгариб туради. Шунинг учун бу катталиклардан фақат экспериментларнинг маълумотлари мавжуд бўлган ҳоллардаги на фойдаланиш мумкин.

1. Ўғитлар меъёрини қоплама коэффициентлар асосида ҳисоблаш

Қоплама коэффициентлар ( $K_{\text{K}}$ ) ўғит қўллаш бўйича ўтказилган дала тажрибаларининг натижалари асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{\text{K(NPK)}} = \frac{M_a}{X_a \cdot \text{Ч}},$$

бу ерда:

$M_a$  — ўғитнинг амалдаги меъёри;

$X_a$  — шу асосда олинган ҳосил,  $m/\text{га}$ ;

Ч — ҳосил бирлиги (тонна) билан олиб кетиладиган озиқ моддалари миқдори,  $\text{кг}$  (асосий ва оралиқ маҳсулотларнинг кимёвий таҳлили асосида топилади).

Қоплама коэффициентдан фойдаланиб минерал ўғитлар меъёри аниқланади:

$$M_{\text{(NPK)}} = X_p \cdot \text{Ч} \cdot K_{\text{K}} \cdot C$$

бу ерда:

$M$  — ҳисоблаб топиладиган ўғит меъёри,  $\text{кг}/\text{га}$ ;

$X_p$  — режалаштирилган ҳосил,  $m/\text{га}$ ;

$C$  — тупроқнинг агрокимёвий хоссалари асосида киритиладиган тузатиш коэффициенти.

2. Ўғитлар меъёрини озиқ моддаларининг ҳосил билан олиб кетиладиган миқдори ва тупроқ ҳамда ўғитдан ўзлаштирилиши коэффициентлари асосида ҳисоблаш.

Ўғит ва тупроқдаги озиқ моддаларининг ўзлаштирилиш коэффициентлари ( $K_{y_f}$  ва  $K_t$ ) қуйидагича ҳисоблаб топилади:

$$K_{y_f} = \frac{\Delta x \cdot \text{Ч}}{M_a}, \quad K_t = \frac{X_{y_f} \cdot \text{Ч}}{O},$$

бу ерда:

$\Delta x$  — бир озиқ элементи (масалан, азот)нинг амалдаги меъёрини қолган иккى элемент (фосфор ва калий) фонида берадиган қўшимча ҳосили,  $\text{т}/\text{га}$ ;

Ч — ҳосил бирлиги (тонна) билан олиб кетиладиган озиқ моддалар миқдори;

$M_a$  — амалдаги ўғит меъёри,  $\text{кг}/\text{га}$ ;

$X_{y_f}$  — ўғитланган вариант ҳосил,  $m/\text{га}$ ;

О — тупроқдаги ҳаракатчан шаклдаги озиқ моддалари миқдори,  $\text{кг}/\text{га}$  ( $m/\text{кг}$  бирликни ҳайдалма қатламдаги тупроқ массасига кўпайтириш йўли билан топилади).

Мазкур коэффициентлар асосида мақбул ўғит меъёrlари ҳисобланади. Бунда азотли ўғит меъёри ( $M_N$ ) режалаштирилган қўшимча ҳосил ( $\Delta x$ ) асосида, фосфорли ва калийли ўғит меъёrlари эса ( $M_P$  ва  $M_K$ ) режалаштирилган ҳосил асосида топилади:

$$M_N = \frac{\Delta x \cdot \text{Ч}}{K_{y_f}} \cdot 100; \quad M_{PK} = \frac{100 \cdot X_{y_f} \cdot \text{Ч} - O \cdot K_t}{K_{y_f}}.$$

3. Ўғит меъёрини режалаштирилган қўшимча ҳосил асосида ҳисоблаш.

Ҳосил бирлигини шакллантириш учун сарфланадиган озиқ элементларий асосида режалаштирилган қўшимча ҳосил билан олиб кетиладиган миқдори топилади. Қўшимча ҳосил олиш учун лозим бўладиган ўғитдаги озиқ элементларининг миқдори тупроқ унумдорлигига тузатиш киритиш ва ўғитдаги озиқ моддаларининг ўзлаштирилиши коэффициентини ҳисобга олиш йўли билан аниқланади.

Режалаштирилган қўшимча ҳосил бўйича ўғит меъёрини аниқлашда қўйидаги формула кўл келади:

$$M_{\text{(NPK)}} = \frac{100 \cdot (X_p - X_a) \cdot \text{Ч} \cdot C}{K_{y_f}},$$

бу ерда:

$M_{\text{(NPK)}}$  — ўғит меъёри,  $\text{кг}/\text{га}$ ;

$X_p$  — режалаштирилган ҳосил,  $\text{м}/\text{га}$ ;

$X_a$  — амалдаги ўртача ҳосил,  $\text{м}/\text{га}$ ;

Ч — ҳосил бирлиги (тонна) билан олиб кетиладиган озиқ моддалари миқдори,  $\text{кг}$ ;

$C$  — тупроқнинг агрокимёвий хоссалари асосида киритиладиган тузатиш коэффициенти;

$K_{y_f}$  — ўғит таркибидаги озиқ моддаларининг ўзлаштирилиш коэффициенти, %.

Шу асосда иш кўрилганда, экин томонидан тупроқ таркибидан ўзлаштириладиган моддаларнинг ўта шартли маълумотларидан фойдаланишга ўрин қолмайди (65-жадвал).

65-жадвал.

**Режалаштирилган қўшимча ҳосил асосида ўғитлар меъёрини аниқлаш**  
(Ж. Сатторов ва С. Сиддиқов, 1993)

Кўрсаткичлар	Fўза			Маккажӯхори		
1. Режалаштирилган ҳосил, ц/га	35			70		
2. Амалдаги ҳосил, ц/га	30			50		
3. Қўшимча ҳосил, га/ц	5			20		
4. Ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар, кг/т	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
5. Қўшимча ҳосил б-н чиқиб кетадиган озиқ моддалар, кг/га	40	12	12	34	12	37
6. Қўшимча ҳосил учун керакли ўғит, кг	20	6	9	68	24	74
7. Ўғит озиқ моддалари нинг 1-йилда ўзлаштирилиш коэффициенти, % (К)	20	6	9	68	24	74
8. К ға асосан киритиладиган ўғит миқдори кг	65	20	70	65	20	70
9. Ўғитлардаги озиқ моддалари миқдори, %	31	30	35	105	120	106
10.9-бандга асосан киритиладиган ўғит миқдори, кг/га	аммик- ли се- лита	супер- фос- фат	калий хло- рид	аммик- ли се- лита	супер- фос- фат	калий хло- рид
11. Тупроқнинг озиқ моддалари билан таъминланганиги	35	20	56	35	20	56
12. Таъминланishi дара- жасига кўра ўғит меъёрини тузатиш	89	150	62	300	600	189
13. Агрокимёвий харитонома асосида тавсия этиладиган ўғит меъёри, кг/га	паст	ўртача	паст	ўртача	юқори	паст
		1/3 га		1/3 га	1/4 қис- камайти-	
		камайти- рилади		рилади	ми	кири- тилади
	89	100	62	200	150	189

4. Ўғитлар меъёрини режалаштирилган ҳосил ва тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ҳамда алмашинувчан калий миқдорининг келажакда ўзгариши асосида ҳисоблаш.

Режалаштирилган ҳосилни олиш билан қаторда тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор ва калий миқдорини ошириш ҳам мақсад қилиб қўйилган бўлса, ўғит меъёрлари қўйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$M_{PK} \frac{X_p \cdot \chi}{K_{y_f}} + \frac{(O_u - O_a) \cdot \bar{Y}}{B},$$

бу ерда:

$X_p$  — режалаштирилган ҳосил, ц/га;  
 $\chi$  — ҳосил бирлиги (тонна) билан олиб кетиладиган озиқ моддалари миқдори, кг

$K_{y_f}$  — ўғит таркибидаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиш коэффициенти, бир бутунга нисбатан;

$O_u$  ва  $O_a$  — тупроқдаги ҳаракатчан озиқ моддаларнинг истиқболдаги ва амалдаги миқдори, мг/100 г тупроқда.

$\bar{Y}$  — 100 г тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва калий миқдорини 1 миллиграммга ошириш учун керак бўладиган минерал ўғит (соф модда ҳисобида) миқдори, кг/га;

$B$  — ҳаракатчан шаклдаги озиқ элементларини кутиладиган миқдорга етказиш учун кетадиган вақт, йил.

**Минерал ўғитлар меъёрини белгилашниг ўйғунаштирилган усули.** Усунинг асосида режалаштирилган ҳосил, тупроқнинг озиқ элементлари билан таъминланганиги, бонитировка балли, ўғитлар устида ўтказилган тажрибаларнинг натижалари, ўтмишдош экин ва тупроқнинг бир қатор хоссалари ётади.

Бунда қўйидаги тартибида иш юритилади:

1. Ҳосилдорлик белгиланади:

$$X = \frac{X_p \cdot B_{6n}}{B_{y_f}};$$

бу ерда:

$X$  — муайян сугориладиган пайкал учун ҳисобланган ҳосил, ц/га;

$X_p$  — режалаштирилган ҳосил, ц/га;

$B_{6n}$  — сугориладиган пайкалнинг бонитировка балли;

$B_{y_f}$  — хўжалик учун чиқарилган ўртача бонитировка балли.

Ўртача бўнитировка балли ( $B_{yp}$ ) қуидагича ҳисобланади:

$$B_{yp} = \frac{B_{6n} \cdot S_1 + B_{6n} \cdot S_2 + \dots + B_{6n} \cdot S_n}{S_1 + S_2 + \dots + S_n};$$

бу ерда:

$S_1, S_2, \dots, S_n$  — сугориладиган пайкаллар юзаси, га.

2. Тупроқ учун ўртача коэффициент ( $K_t$ ) аниқланади:

$$K_t = K_{mm} \cdot K_m \cdot K_{ux} \cdot K_{ym} \cdot K_e \cdot K_{mek} \cdot K_u \cdot K_c;$$

Мазкур коэффициентларнинг изохи 66-жадвалда ўз ифодасини топган.

66-жадвал.

Азот меърини аниқлаши учун тупроқ хоссалари асосида киритиладиган тузатиш коэффициентлари

(Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитаси, 1987)

Кўрсаткичлар	Азот меърини тузатиш учун коэффициентлар
Тупроқ типи( $K_n$ )	
Типик бўз тупроқлар минтақаси	
Типик бўз тупроқлар	1,00
Ўтлоқи-бўз тупроқлар	1,00
Оч тусли ўтлоқи тупроқлар	0,95
Тўқ тусли (каз) ўтлоқи тупроқлар	0,86
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	0,86
Оч тусли бўз тупроқлар минтақаси	
Оч тусли бўз тупроқлар	1,07
Бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар	1,07
Оч тусли ўтлоқи тупроқлар	1,00
Тўқ тусли ўтлоқи тупроқлар	0,95
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	0,95
Чўл минтақаси	
Сур тусли кўнғир тупроқлар	1,15
Чўлнинг кумли тупроқлари	1,15
Такирли тупроқлар	1,10
Ўтлоқи-такирли тупроқлар	1,10
Ўтлоқи тупроқлар	1,05
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	1,00

Ўзлаштирилиш муддати ( $K_yu$ )	
3 йилгача	1,20
3 йилдан 5 йилгача	1,10
10 йилдан зиёд	1,00
Эрозия даражаси ( $K_e$ )	
Эрозияга учрамаган	1,00
Кучсиз ювилган	1,00
Ўртача ювилган	1,20
Кучли ювилган	1,30
Шўрланиши ( $K_u$ )	
Шўрламмаган	1,00
Кучсиз шўрланган (2,5 минг м <sup>3</sup> /га миқдорда бир марта ювиш керак)	1,10
Ўртача шўрланган (5,0 минг м <sup>3</sup> /га миқдорда икки марта ювиш керак)	1,20
Кучли шўрланган (7,5 минг м <sup>3</sup> /га миқдорда уч марта ювиш керак)	1,30
Механикавий таркиби ( $K_c$ )	
Лойли	1,00
Оғир қумоқли	1,05
Ўрта қумоқли	1,10
Енгил қумоқли	1,15
Кумлоқ	1,20
Кумли	1,25
Шагалли қатлам чуқурлиги ( $K_{shk}$ )	
0—30	1,40
30—50	1,30
50—100	1,20
100—200	1,00
Скелетлилиги ( $K_s$ )	
Кучсиз скелетлиги (10%)	1,10
Ўртача скелетли (10—20%)	1,20
Кучли скелетли (20—50%)	1,30
Жуда кучли скелетли (50% дан кўп)	1,40
Текисланганлиги ( $K_t$ )	
25—50 см қатлам қирилган	1,20
Ўтмишдош экин ( $K_{yu}$ )	
Бедагоя бузилгандан кейин 1-йил	0,70
2-йил	0,80
3-йил	0,90
Ундан кейинги барча экинлар учун	1,00

3. Топилган маълумотлар қўйидаги формулага қўйилади:

$$M_N = X \cdot \Psi_N \cdot K_t \cdot K_{y_3} \cdot K_u;$$

бу ерда

$M_N$  — азотнинг ҳисоблаб топиладиган меъёри, кг/га;  
 $X$  — режалаштирилган ҳосил, ц/га;  
 $\Psi_N$  — 1 центнер ҳосил учун сарфланадиган азот миқдори, кг/га (67-жадвал);  
 $K_t$  — тупроқ учун умумлаштирилган коэффициент;  
 $K_{y_3}$  — ўтмишдош экин учун коэффициент;  
 $K_u$  — ишлаб чиқариш шароити учун коэффициент (1,20).

67-жадвал.

#### 1 центнер ҳосилни етиштириш учун сарфланадиган азотнинг максимал миқдори

(Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитаси, 1987)

Экин тури	Олиб кетиладиган азот кг/га	Тупроқ хоссаларига боғлиқ равища азот сарфи	фосфор ва калийнинг азотга нисбати	
			4	5
Бугдой	3,33	4,42	0,7	0,3
Жавдар	2,73	3,83	0,7	0,3
Арпа	2,73	3,63	0,3	0,7
Сули	3,13	4,16	0,3	0,7
Дуккакли-дон экинлари	3,00	3,98	1,0	1,5
Маккажӯхори (дон)	2,81	3,73	0,5	0,7
Қўқон жӯхори (сорго)	3,50	4,65	0,5	0,7
Пахта (ўрта толали)	6,00	7,97	0,5	0,7
Пахта (ингичка толали)	6,90	9,17	0,5	0,7
Каноп	1,03	1,37	0,5	0,8
Тамаки	4,40	5,84	0,5	0,8
Мойли экинлар:				
Ер ёнғоқ	5,47	7,27	0,3	0,7
Кунгабоқар	5,27	7,00	0,3	0,7
Картошка	0,68	0,90	0,5	0,7
Сабзавот экинлари	0,47	0,62	0,4	0,7
Помидор	0,47	0,62		

Азот меъёри асосида фосфор ва калийнинг меъёрлари осонлик билан ҳисоблаб топилади:

N:P:K 1:1,5:1 — бедапоя бузилгач 1-йилда;  
 1:1:1 — иккинчи йилда;  
 1:0,7:0,5-0,3 — ва кейинги йилларда.

#### Асосий қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлаш.

##### Ғўзани ўғитлаш

Бир  $m$  пахта хом-ашёси ва унга мос вегетатив массани тўплаш учун ғўза тупроқдан ўрта ҳисобда 50—60 кг азот, 15—20 кг фосфор ва 50—60 кг калийни ўзлаштиради. Ғўза етиштириладиган майдондан озиқ моддаларнинг чиқиб кетиши ҳосил миқдори ва таркиби боғлиқдир. Ҳосилдорлик юқори (45—50 ц/га) бўлганда, ғўзанинг ҳосил қисмлари ўсув органларига нисбатан кучлироқ ривожланади ва табиийки, бунда бир  $m$  хом-ашё учун нисбатан камроқ миқдорда озиқ моддалар сарфланади. Ниҳоллар униб чиққандан шоналаш давригача ғўза жуда сеқин ривожланиб, органик қисмининг атиги 4—5% и шаклланади. Шоналашдан то гуллашгача ўсимлик қуруқ массасининг 25—30% и шаклланади, вегетатив массанинг жадал тўпланиш суръати кўсакларнинг очилиш давригача давом этади.

Ғўзанинг озиқ моддаларига бўлган талаби бевосита қуруқ массанинг тўпланиш суръати билан боғлиқ, лекин бу жараён бир меъёрда кетмайди. Бошқа экин турлари каби ғўза ҳам ўсув даврининг бошларида фосфор ва азотга кучли эҳтиёж сезади. Чигит унгандан шоналаш давригача ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддаларнинг 8—10% и, гуллашдан пишиш давригача эса, асосий қисми ўзлаштирилади (68-жадвал).

68-жадвал.

Ғўзанинг ўсув даврида озиқ моддаларига бўлган талаби: ҳосил билан чиқиб кетадиган яли озиқ моддаларга нисбатан %

(ЎЗПИТИ, 1965—1967)

Ўсув даври	азот	фосфор	калий
Чигитнинг унишидан шоналашгача	8	8	10
Шоналашдан ҳосил тўплашгача	60	56	64
Ҳосил тўплашдан — ўсув даврининг охиригача	32	36	26

Суфориб деҳқончилик қилинадиган майдонлар тупроғининг нитрификациялаш қобилияти юқори бўлганлиги сабабли уларда азотнинг жадал *миграцияси* содир бўлади. Суфориш жараёнида нитратлар сув билан бирга тупроқнинг қуи қатламларига ювилиб тушади, суфоришилар орасида ўтадиган давр ичida эса юкорига кўтарилади, бу ўсимликларни азот билан меъёрида озиқланнишини чеклаб қўяди. Бундай шароитда нитратларнинг ювилиб кетиши ва денитрификацияга учраши натижасида азотли ўғитларнинг анчагина қисми исроф бўлади. Азотли ўғитлар исрофгарчилигини камайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун ўғитлаш муддати ва усулини тўғри белгилаш, суфориш режимига қатъий амал қилиш, шунингдек, аммиакли азотли ўғитлар ва мочевина тупроққа киритилганда, азотнинг нитрификацияланнишини маълум даражада чеклайдиган тадбирларни қўллаш ҳамда нитрификация *ингибиторларидан* фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ғўзага бериладиган азотли ўғитлар меъёри қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$A = \frac{(B - b) \cdot 5 \cdot 100}{40},$$

бу ерда:

*A* — азотнинг биологик меъёри, кг/га;

*B* — пахта ҳосилдорлиги, ц/га;

*b* — тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига олинадиган ҳосил ўртача 10 ц/га;

5—1 ц пахтанинг шаклланиши учун сарфланадиган азот миқдори, кг;

40 — ўғит таркибидағи азотдан ўсимликларнинг фойдаланиш коэффициенти, %;

100 — ўзгармас сон.

Масалан, гектаридан 30 ц пахта ҳосили етиштириш режалаштирилган бўлса, азотнинг йиллик меъёри:

$$A = \frac{(30 - 10) \cdot 5 \cdot 100}{40} = 250 \text{ кг/га} \text{ ни ташкил этади.}$$

Лекин бу миқдор тупроқнинг бир қатор ҳосса ва хусусиятлари асосида оширилиши ёки камайтирилиши мумкин: типик ва ўтлоқи бўз тупроқларда 1,0, оч тусли бўз ва шу минтақанинг ўтлоқи-бўз тупроқларида 1,1, тақирили-ўтлоқи ва тақирили тупроқларда 1,2, тўқ тусли ўтлоқи ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқларида мос равиша 0,7, 0,8 ва 0,9 коэффициент-

ларга кўпайтирилади. Шунингдек, пахта азотли ўғитлар меъёрини белгилашда ўтмишдош экин ва уни тупроқ унумдорлигига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга (69-жадвал).

69-жадвал.

**Ўтмишдош экин асосида пахтага бериладиган азот меъёрига тузатиш киритиш**

(Ж. С. Сатторов, 1993; Х. Х. Зокиров, 1998)

АгроФон	Ҳосил, ц/га	Йиллик азот меъёри, кг/га	Тузатиш коэффи- циенти	Азотнинг тузатил- ган меъёри, ц/га
1. Маккажӯхоридан кейин	30	250	1,2	300
2. Бедалоя бузилгач: 1-ийл	30	250	0,6	150
2-ийл	30	250	0,8	200
3-ва ундан кейинги йиллар	30	250	1,0	300

Маълумки, азотли ўғитлар экишгача, экиш билан бирга ва қўшимча озиқлантириш сифатида қўлланилади. Экишгача (эрта баҳорда чизеллаш пайтида) йиллик азот меъёрининг 20—25 кг миқдори (8—10% и) берилиши мумкин. Бунда азотли ўғит баҳор фаслидаги ёғин-сочин таъсирида эриб, тупроқнинг 30—50 см қатламига ювилади, қайсики, ниҳолларнинг илдиз тизими орқали осонликча ўзлаштирилади. Кўп ҳолларда азотли ўғитларнинг бир қисми тупроққа экиш билан бирга киритилади, лекин унинг миқдори гектарига 20—25 кг дан ошиб кетмаслиги лозим, акс ҳолда чигит атрофидаги азотнинг концентрацияси ортиб кетиши ҳисобига уларнинг униб чиқиши кечикади.

Ғўза ниҳолларини қўшимча озиқлантиришлар сони азотнинг йиллик меъёри ва тупроқ шароитларига боғлиқдир. Йиллик азот меъёрининг экишгача ва экиш билан бирга берилгандан кейин қоладиган қисмини ривожланишнинг 2—3 чин барг, шоналаш ва гуллаш даврларида тенг миқдорларда тақсиланиши мақсадга мувофиқдир. Сўнгги қўшимча озиқлантириш июл ойининг биринчи ўн кунлигидан кечикирилмаслиги лозим, чунки кеч муддатларда киритилган азотли ўғитлар ғўзани «ғовлаб кетиши»га, ҳосил миқдорининг камайиши ва пишишининг кечикишига сабаб бўлади.

Пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда фосфорли ўғитларнинг аҳамияти катта. Кўп сонли дала тажрибалари маълумотларининг кўрсатишича, фосфорли ўғитлар ҳисобига бўз тупроқларда 2–3  $\mu\text{/га}$ , ўтлоқи тупроқларда 3–5  $\mu\text{/га}$ , айrim аллювиал тупроқларда эса, 6–7  $\mu\text{/га}$  кўшимча пахта ҳосили олиш мумкин.

Ғўзага фосфорли ўғит йиллик меъёрининг 3/4 қисми тупроқни асосий ишлаш даврида берилади. Буни қуидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, бўз ва ўтлоқи тупроқларда ўғит таркибидаги фосфор тезда қийин эрийдиган фосфатларга айланади. Иккинчидан, ниҳоллар униб чиққандан кейин қисқа муддатда (10–12 кун ичида) гўзанинг асосий илдизи тупроқнинг 40–50 см чуқурлигига тушиб боради. Шунинг учун ҳам кузги шудгор пайтида ерни 30–35 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фосфорли ўғитлар меъёрини белгилашда агрокимёвий хаританомаларнинг маълумотлари режалаштирилган пахта ҳосили миқдорини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бир  $\mu$  чигитли пахта учун фосфор сарфи 1,5 кг деб қабул қилинади. Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 15  $\text{мг/кг}$  дан кам бўлганда, ғўзага белгиланган йиллик фосфор меъёри учта муддатда берилади: шудгор остига, экиш билан ва гуллаш даврида кўшимча озиқлантириш сифатида.

Республика пахтачилик институтига (собиқ СоюзНИХИ) ғўзага фосфорли ўғитни экиш билан бирга қўллаш бўйича турли тупроқ шароитларида 100 дан ортиқ тажриба ўтказилган. Тажрибалардан олинган на-

70-жадвал.

**Экиш билан бирга киритилган фосфорнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири  
(ЎзПТИ, 1969–1972)**

Тупроқ типи	Ўтказилган тажрибалар сони	Ҳосилдорлик, $\mu\text{/га}$		Фосфор ҳисобига олинган кўшимча ҳосил, $\mu\text{/га}$
		фосфорсиз	экиш билан 30 $\text{кг/га}$	
Оч тусли ёа типик бўз тупроқлар	42	37,4	40,8	2,4
Бўз-ўтлоқи тупроқ	8	40,5	43,0	2,5
Ўтлоқи тупроқлар	16	36,1	39,1	3,1

тижалар ушбу тадбир асосида пахтадан ўртача 2,5–3,0  $\mu\text{/га}$  кўшимча ҳосил олиш имконияти мавжудлигини кўрсатган (70-жадвал). Ҳаракатчан фосфор миқдори 16–30  $\text{мг/кг}$  атрофида бўлганда фосфорнинг йиллик меъёри икки муддатда; шудгор остига ва экиш билан бирга кирилиши мақсадга мувофиқ. Ҳаракатчан фосфор билан ўртача ва ундан юқори даражада таъминланган тупроқларда (бир  $\text{кг}$  тупроқда 31  $\text{мг}$  дан кўп) фосфорнинг йиллик меъёри тўлалигича кузги шудгор остига киритилса, яхши иқтисодий самара беради (71-жадвал).

Республикамиздаги пахта етиштириладиган хўжаликларнинг тупроқлари ялпи калий билан азот ва фосфорга нисбатан яхши таъминланган. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили тупроқдан кўп миқдорда калийни олиб чиқиб кетиши натижасида осон ўзлаштириладиган калийнинг миқдори кескин камаяди, қайсики, калийли ўғитларни қўллашни тақозо этади.

71-жадвал.

**Табақалаштирилган фосфорли ўғит меъёрларининг таҳсилланниши**

(Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги тавсияномаси, 1982)

Тупроқдаги $P_2O_5$ миқдори, $\text{мг/кг}$	Ҳосил $\mu\text{/га}$	Ҳосил билан чиқиб кетадиган фосфор, $\text{кг/га}$	Тузатиш коэффициенти	Фосфорнинг табақалаштирилган меъёри, $\text{кг/га}$	Йиллик фосфор меъёрининг таҳсилланниши, $\text{кг/га}$		
					шудгор остига	экиш билан	кўшимча озиқлантириш
15 дан кам	30	45	5	225	140	45	40
16–30	30	45	4	180	135	45	—
31–45	30	45	3	135	135	—	—
46–60	30	45	2	90	90	—	—
60 дан кўп	30	45	1	45	45	—	—

Тупроқда азотли ва фосфорли ўғитлар кўп миқдорда киритиладиган ерларда, шунингдек, ғўза-беда алмашлаб экиш шароитида экинларнинг калийга бўлган талаби кескин ошади.

Ғўзага калийли ўғитларнинг меъёри тупроқдаги алмашинувчан калий миқдорини билган ҳолда белгиланади. Агар тупроқ мазкур элемент билан юқори даражада

да таъминланган бўлса, калийнинг йиллик меъёри камайтирилади, жуда юқори даражада таъминланган тупроқларга калийли ўғитлар киритилмайди.

Калийли ўғитларнинг йиллик меъёри кам бўлган ҳолларда, тўлалигича шоналаш ёки гуллаш даврларида юқори меъёрда бўлса, ярми кузги шудгор остига, қолган ярми эса шоналаш даврида тупроққа киритилади. Fўза қатор ораларига ишлов бериш вақтида бериладиган калийни мумкин қадар тупроқнинг чуқурроқ қатламларига тушишига эришиш лозим.

Fўза-беда алмашлаб экишда бедапоя ҳайдалгандан кейинги биринчи йили чигит экиладиган ерларни кузги шудгорлашда фосфорли ва калийли ўғитларнинг оширилган меъёри билан ўғитлаш тавсия этилади. Беда тупроқда кўп миқдорда азот тўплайди, лекин беда пичани билан тупроқдан кўп миқдорда фосфор ва калий олиб чиқиб кетилади. Калийли ўғитларни баҳорда фақатгина қумли ва қумоқ тупроқларга, шунингдек, шўри ювилган тупроқларга кўллаш мумкин.

Гўзани озиқ моддалари билан таъминлашда маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти катта. Маҳаллий ўғитлар ичida гўнг, нажас, компостлар ва тупроқли ўғитлар алоҳида ўрин тутади. Гўнг таркибида азот, фосфор ва калийдан ташқари кўп миқдорда углерод ҳамда камроқ миқдорда микроэлементлар мавжуд. Тупроққа киритилган гўнг тезда микроорганизмлар таъсирида парчаланади. Унинг таркибидаги углерод оксидланиб, карбонат кислотани ҳосил қиласди, қайсики ўз навбатида тупроқ фосфатларининг эрувчанигини ошириб, ўсимликларнинг озиқланиши учун лаёқатли шаклга ўтказиб беради. Углероднинг бир қисми яна микроорганизмлар таъсирида тупроқ чириндиси таркибига ўтади. Қишлоқ хўжалик экинларига гўнгни чала чириган ёки компост ҳолида кўллаш лозим.

Гўнг билан биринчи навбатда қадимдан дехқончилик қилинаётган майдонлар ўғитланади. Тупроққа киритиладиган гўнгнинг ўртача йиллик меъёри гектарига 15–20 т қилиб белгиланган. У юза кўмилган пайтда таркибидаги углерод ва азотнинг асосий қисми учиб кетади. Гўнгни минерал ўғитлар билан биргаликда кўллаш сезиларли даражада юқори ҳосил олиш имконини беради. Маҳаллий ўғит сифатида хожатхоналардан олинадиган нажасни ҳам ишлатиш мумкин. Лекин уни ишлатишдан олдин албатта компостлаш лозим. Компостланмаган нажасни шарбат қилиб оқизиши санитария нуқтаи-назардан мақсаддага номувофиқидир. Компост тай-

ёрлашда эни 2,0–2,5 м, чуқурлиги 0,5–0,7 м бўлган хандақлардан фойдаланилади. Унга нажас ва тупроқ қатлам-қатлам қилиб (бир т мажасга бир т тупроқ) ташлаб чиқилади, усти ёпилади ва маълум муддат ўтгандан кейин белкурак билан аралаштирилади. Сўнгра бир жинсли қорамтири-қўнгир тусга айлангунча сақланади. Нажас-тупроқли компост ҳар га майдонга 12–15 т меъёрида қўлланилади.

### Кузги буғдой ва жавдарни ўғитлаш

Кузги дон экинлар юқори ҳосилдорликка эга бўлиб, ўғитларга ҳам талабчандир. Кузги буғдой жавдарга қаранганд мўътадил мухит ва тупроқ унумдорлигига бир мунча талабчан. Паст ҳароратга чидамсиз. Тупроқдаги қийин эрийдиган бирикмаларни суст ўзлаштиради. 25 ц дон ва 60 ц сомон шакллантириш учун кузги буғдой 105 кг азот, 35 кг фосфор ва 70 кг калий сарфлайди. Айни миқдорда ҳосил бериш учун кузги жавдарга 80 кг азот, 35 кг фосфор ва 75 кг калий зарур.

Кузги дон экинлари тупланиш давригача озиқ моддаларини унча кўп талаб қиласди, лекин фосфорнинг танқислигига ўта сезирдир. Найчалашдан бошоқ тортишгача ўтадиган даврда ва гуллаш олдидан озиқ моддаларни кўп миқдорда талаб қиласди (72-жадвал). Уруғ униб чиққандан токи ниҳоллар қишлоғга киргунча энг масъулиятли давр ҳисобланиб, бу даврда тупроқда етарли миқдорда озиқ моддалар бўлиши тақозо этилади.

72-жадвал.

Кузги дон экинларнинг озиқ моддаларга талаби: энг юқори талабга нисбатан %

(В. А. Демин, 1989)

Ўсув даври	Азот	Фосфор	Калий
Найчалаш	76	58	82
Гуллаш	93	78	99
Мум пишиш	100	100	100
Кузги буғдой			
Кузда ва эрта баҳорда	47	30	48
Бошоқлаш	69	65	68
Гуллаш	90	93	95
Сут пишиш	98	97	100
Тўла пишиш	100	100	100

Ниҳоллар яхши ривожланиши ва қишлоши учун кузда фосфорли-калийли ўғитларни кўпроқ, азотли ўғитларни камроқ қўллаш керак. Айни ҳол ўсимликларнинг яхши тупланишига, бақувват илдиз отишига, кўп миқдорда қанд моддалар тўплашига ва оқибатда совукқа чидамлилиги ошишига ёрдам беради.

Кузги дон экинларни асосий ўғитлаш кўп жиҳатдан ўтмишдош экин турига, ўғит меъёри ва тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Бу хил экинлар эрта баҳордан жадал ўса бошлайди. Шу боис уларнинг азотли ўғитларга бўлган талаби бу даврда кучаяди. Маълумки, эрта баҳорда тупроқда азотнинг минерал шаклдаги бирикмалари жуда кам бўлади. Фосфорли-калийли ўғитлар билан қўшимча озиқлантиришнинг самараси шудгор остига қўллагандагига қараганда анча кам бўлади.

Кузги дон экинларига ўғитлаш меъёрини белгилашда улардан олинадиган ҳосил, ўтмишдош экин, тупроқ-иқлим шароитлари ва сугоришга алоҳида эътибор қаратилади.

Яхши маданийлашган, ўтмишдош экин меъёрида ўғитланган ва кўп йиллик ўтлардан бўшаган майдонларда етиштириладиган кузги дон экинларига фосфорли-калийли ўғитлар тўлалигича, азотли ўғитларнинг бир қисми кузда киритилади. Кузги дон экинларга гўнг ёки компост қўллаш яхши самара беради. Экишдан оддин тупроққа гўнг киритилган бўлса, кузда азотли ва калийли ўғитлар киритилмаса ҳам бўлади (енгил механикавий таркибли, кам унумли тупроқлар бундан мустасно).

Ўсимликларни ривожланишнинг илк давларида озиқ моддалар билан таъминланишини яхшилаш учун экишгача оз миқдорда азотли-фосфорли мураккаб ўғит қўллаш лозим.

Серкарбонат тупроқларда азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни ўртacha меъёрда киритиш гектаридан 4—7,0 ц қўшимча ҳосил олишни таъминлайди. Сугориладиган деҳқончилик шароитларида кузги экинларга қўлланиладиган ўғитларнинг самарадорлиги янада юқори бўлади. Қўлланиладиган бир кг NPK ҳисобига 7—8 кг дон олинади.

Сугориладиган тупроқларда донли экинларнинг калийга бўлган талаби асосан тупроқдаги калий заҳираси ҳисобига қондирилади. Лекин имкон қадар калийли ўғитларни ҳам қўллаш лозим.

## Баҳори буғдой, арпа ва сулини ўғитлаш

Республикамизда баҳори дон экинлари ичida баҳори буғдой нисбатан кам миқдорда етиштирилади. Буни тупроқ-иқлим шароитларининг нобоплиги билан эмас, балки деҳқончилик юритиш тизими билан изоҳлаш лозим. Зоро, бу экиннинг экиш ва парвариша бошқа асосий қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштириш агротехникаси билан бир паллага тўғри келиб қолади.

Сули тупроқ унумдорлиги ва муҳитига унча талабчан эмас. Баҳори буғдой ва арпа нисбатан унумдор, муҳити мўътадил ёки мўътадилга яқин тупроқларда яхши ўсиб-ривожланади. Бу экинларнинг ҳосилдорлиги иссиқлик режими унча яхши бўлмаган оғир механикавий таркибли тупроқларда шунингдек, енгил механикавий таркибли тупроқларда кескин камаяди. Сулининг илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, баҳори буғдой ва арпаникига нисбатан тупроқнинг анча чукур қатламларига тушиб боради. У тупроқдаги қийин эрийдиган бирикмаларни ҳам нисбатан кўпроқ ўзлаштириш қобилиятига эга.

Маълум миқдордаги ҳосил (25 ц/га) ва шунга мос сомон таркибидаги озиқ моддаларнинг миқдори жиҳатидан ҳам тавсифланадиган донли экинлар бир-биридан фарқ қиласи (73-жадвал).

73-жадвал.

Гектаридан 25 центнер дон ҳосилни шакллантириши учун турли баҳори дон экинлар томонидан сарфланадиган озиқ моддалари миқдори, кг.

(В. А. Демин, 1989)

Экин тури	Сарфланадиган:		
	азот	фосфор	калий
Баҳори буғдой	95	30	45
Арпа	70	30	60
Сули	80	35	80

Озиқ моддаларини ўзлаштириш найчалаш ва бошоқланишиш давларида анча жадал кетади (74-жадвал).

**Баҳори дон экинлари томонидан озиқ моддаларининг ўзлаштирилиши  
динамикаси, энг кўп ўзлаштириладиган миқдорга нисбатан %**  
(В. А. Демин, 1989)

Ривожланиш давлари	Баҳори буғдой			Сули			
	куруқ модда	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
Тупланиш	12	33	42	37	аниқланмаган		
Найчалаш	30	65	57	68	аниқланмаган		
Бошокланиш	54	74	73	88	51	36	54
Гуллаш	77	87	85	100	82	71	100
Сут (думбул) пишиш	100	100	100	87	90	83	88
Тўла пишиш	95	83	97	69	100	100	83

Бир *m* дон (шунга мос миқдорда сомон) билан баҳори дон экинлар тупроқдан қўйидагича миқдорда озиқ моддаларини олиб чиқиб кетади:

баҳори буғдой — 38 кг азот, 12 кг фосфор, 25 кг калий;

арпа — 27 кг азот, 11 кг фосфор, 24 кг калий;  
сули — 30 кг азот, 13 кг фосфор, 29 кг калий.

Баҳори дон экинлари учун беда, дуккакли-дон экинлари ва ўғитланган кузги донли экинлар яхши ўтмишдош ҳисобланади. Картошка, қандлавлаги каби ҳосили кеч муддатларда йигиб-териб олинадиган экинлар ўрнида баҳори дон экинлар етиштирилганда, ўғитларга, айниқса азотли ўғитларга бўлган талаб юқори бўлади. Беда ва дуккакли-дон экинларидан кейин экилган баҳори дон экинларининг азотли ўғитларга бўлган талаби кескин камаяди.

Баҳори донли экинлар учун биринчи навбатдаги озиқ элементи азот ҳисобланади. Иккинчи ўринда фосфор туради. Енгил механикавий таркибли тупроқларда калийнинг аҳамияти катта.

Барча тупроқ-икклим минтақаларида баҳори дон экинларини экиш билан гектарига 10 кг фосфор ( $P_2O_5$ )ни суперфосфат ёки аммофос шаклида қўллаш яхши натижа беради. Фосфорли-калийли ўғитларнинг асосий қисми кузда, шудгор остига берилгани маъқул.

Одатда, баҳори дон экинлар баҳорда азотли ўғитлар билан қўшимча озиқлантирилмайди. Фақат сугориладиган деҳқончилик шароитида, нитратларнинг илдизларни тарқалиш зonasидан ювилиб кетиш хавфини ҳисоб-

га олиб, азотнинг бир қисмини (30—40 кг/га) шу мақсадда ажратиш мумкин.

Гектаридан 3,5—4,0 *m* ҳосил олиш учун бўз тупроқлар минтақасида 100—120 кг азот, 80—90 кг фосфор, 50—60 кг калий қўлланилади. Айрим тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, йилик азот меъёрининг бир қисмини (30—40 кг) мочевина ўғити шаклида барги орқали (илдиздан ташқари озиқлантириш) пуркаш, дон сифатини сезиларли даражада оширади.

### Маккажӯхорини ўғитлаш

Маккажӯхори дон ва кўк поя учун экилади. Унга кузги дон экинлар, дуккакли-дон экинлар ва унинг ўзи яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Сугориладиган майдонларда беда ёки бошқа кўп йиллик ўгардан кейин экилган маккажӯхори юқори ҳосил беради.

Маккажӯхори тупроқнинг озиқ режимига ўта талабчан бўлиб, фовак ва механикавий таркиби оғир бўлмаган тупроқларни хуш кўради. Тупроқ муҳити мўътадил ёки мўътадилга яқин бўлганда, яхши ўсиб-ривожланади. Илдиз тизимининг асосий қисми (тахминан 60% и) тупроқнинг ҳайдалма қатламида тарқалади. Озиқ моддаларни бутун ўсув даври мобайнода (дони думбул бўлгунча) талаб қиласи. Айниқса сulton чиқаргандан то гуллашгача бўлган қисқа давр орасида озиқ моддаларни тез ва кўп ўзлаштиради (75-жадвал).

### Маккажӯхорининг қуруқ модда ва озиқ моддалар тўпланаш динамикаси, максималга нисбатан %

(В. А. Демин, 1989)

Ривожланиш даври	Куруқ модда	азот	фосфор	калий
4—5 чин барг	0,1	0,3	0,2	0,2
9—10 чин барг	1	4	3	4
Рӯвакланиш	24	44	33	69
Гуллаш	35	61	61	79
Сут пишиш	80	89	88	95
Думбул (мум) пишиш	100	100	94	100
Тўла пишиш	94	93	100	82

Сут пишиш даврига келиб 90% озиқ модда ва 80% қуруқ модда тўпланади. Озиқ моддаларнинг энг кўп жамғарилиши мум пишиш даврига тўғри келади. Маккажӯхори 10 қ дон ва шунга мувофиқ келадиган оралиқ

маҳсулотлар билан тупроқдан 34 кг азот, 12 кг фосфор ва 37 кг калийни, 10 ү күк поя билан эса 25 кг азот, 12 кг фосфор ва 45 кг калийни олиб чиқиб кетади.

Маккажүхори маҳаллий ўғитларга жуда талабчан. Шу сабабдан уни ферма олди алмашлаб экиш экинлари қаторига киритиш яхши самара беради. Сугориладиган дәхқончилик шароитларида намлик мөъёрида бўлса, азотли ўғитларнинг асосий қисми тупроқларни экишга ҳозирлаш пайтида берилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар эса кузги шудгор остига киритилади. Тупроқда калий етишмаган ҳолларда маккажүхори ётиб қолади.

Маккажүхори ниҳоллари тупроқ эритмасининг концентрациясига ўта сезгир бўлганлиги сабабли экиш билан гектарига 5—10 кг Р<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, уругдан 3—5 см узоқлик ва 2—3 см пастга киритилади.

Намлиги яхши бўлган сугориладиган ерларда маккажүхорини қўшимча озиқлантириш муҳим ўрин тутади. Ўсув даврида маккажүхори ниҳоллари гектарига 20—30 кг Р<sub>2</sub>O<sub>5</sub> билан 1—2 марта озиқлантирилади. Ниҳолларга тўла мөъёрдаги ўғитларни экин қатор ораларини биринчи бор ишлаш даврида бериш ғоят самарали тадбирdir. Озиқлантириш учун гўнг шалтоғи (3—5 т/га) ёки парранда ахлати (3—5 ц/га) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Маккажүхори рўвак чиқаришига яқин фосфорли-калийли ўғитлар билан икки марта озиқлантирилади. Ниҳоллар суст ривожланаётган пайкалларга иккинчи озиқлантиришда ўғитлар тўла таркибида (NPK) берилади.

### Дуккакли-дон экинларни ўғитланиш

Дуккакли-дон экинлар бошқа гўруҳ экинлардан фарқ қилиб, атмосфера азотини фиксациялаш ва тупроқдаги қийин ўзлаштириладиган фосфорли бирикмаларни ўзлаштириш қобилиятига эга. Дуккакли-дон экинлар бир м ва ундан ҳам чуқурроқ кетадиган ўқ илдизга эга. Дуккакли-дон экинларидан нўхат, ўрис нўхат, вика, сўя, мош, ловия, люпин ва бошқалар аҳоли ва чорва моллари учун зарур бўлган оқсил муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Улар дони ва пояси таркибида оқсил миқдорининг кўплиги билан бошқа экинлардан фарқ қилиади. Алмашлаб экинда энг яхши ўтмишдош экинлар жумласига киритилади. Ўз навбатида улар учун кузги дон экинлар ва чопикталаб экинлар яхши ўтмишдош ҳисобланади. Дуккакли-дон экинлар ҳосили тарки-

бидаги озиқ моддалар миқдори бошқа донли экинларга қараганда сезиларли даражада кўп. Мисол учун ўрис нўхат, вика ва люпинни олиб, уларни арпа ва сули билан таққосласак (10 ц донда кг ҳисобида), бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз (76-жадвал).

76-жадвал.

Дуккакли-дон ва донли экинлар таркибидаги озиқ моддаларининг қиёсий таркиби

Экин тури	Азот	Фосфор	Калий
Арпа, сули	31	12	25
Ўрис нўхат, вика	66	15	18
Люпин	68	19	47
Сўя	71	16	18

Ўрис нўхат ва викада азот ва калийнинг энг кўп тўпланиши гуллаш даврининг охирида, фосфор эса пишиш даврида кузатилади. Ўсув даври узоқ давом этадиган экинларда, масалан, люпинда барча озиқ моддалар бош поядаги дуккаклар пишиб етилган пайтда кузатилади.

Дон-дуккакли экинлар барча ҳаётий шароитлар мөъёрида бўлганда, таркибидаги ялпи азотнинг тахминан 2/3 қисмини атмосферадан ва 1/3 қисмини тупроқдан ўзлаштиради. Юқорида санаб ўтилган экинлар ичida энг кўп азотни люпин тўпласа, энг кам миқдордаги азот вика томонидан тўпландади.

Дон-дуккакли экинлар маҳаллий ўғитларга (хусусан гўнгга) талабчан, лекин гўнг қўлланилгандан кейинги иккинчи ёки учинчи йилларда кўпроқ ўзлаштирилади.

Дон-дуккакли экинлар атмосфера азотини фиксациялаиди, улар кўпроқ фосфорли ва қалийли ўғитларга кучли эҳтиёж сезади. Атмосферадан ўзлаштириладиган азотнинг миқдори тупроқка киритиладиган азотли ўғитлар миқдорига тескари пропорционал равишда ўзгаради. Шу сабабдан уларга азотли ўғитларни қўллаш самарасиз, ниҳоллар ўзларини тутиб олишлари учун гектарига 20—30 кг «старт» дозада азот бериш кифоядир деган холосага қатъий амал қилинади.

Лекин тупроқ муҳити, ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланиш даражаси, намлиги ва ҳарорати, ургуларни инокуляциялаш, микроэлементлар (биринчи навбатда молибден)нинг миқдори тугунак бактериялар

фаолиятита кучли таъсир кўрсатади. Мазкур омиллардан айримларини меъёрдан четга чиқиши атмосферадан фиксацияланадиган азот миқдорини камайтириб юборади. Барча омиллар меъёрида бўлиб, тупроқ унумдорлиги юқори бўлган тупроқлардагина азотли ўғитларни киритишга ҳожат қолмайди.

Дуккакли-дон экинлар учун азот миқдорини қуидагича белгилаш мумкин. Масалан, кўк нўхатнинг гектаридан 35 ү ҳосил олиш режалаштирилган бўлсин. Бир т дон (паҳоли билан бирга) 60 кг азотни олиб чиқиб кетиши маълум. У ҳолда режалаштирилган ҳосил билан 210 кг азот чиқиб кетади. Унинг ярмича, яъни 105 кг азот ўсимликларнинг ўсиш органлари таркибида бўлади. Демак, ўсимлик танасида ҳаммаси бўлиб 315 кг азот тўпланди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, унинг 1/3 қисми (105 кг) тупроқдан ўзлаштирилди. Лекин бу миқдор барча тупроқ типларида бўлавермайди. Агар 100 г тупроқда 10 мг осон гидролизланадиган азот мавжуд деб фараз қўлсак, фойдаланиш коэффициенти 20% бўлганда, ўсимликлар 60 кг азотни ўзлаштиради. Қолган 45 кг (105—60=45) азот минерал ўғитлар ҳисобига тўлдирилди. Ўғит киритилган биринчи йилда ўсимликлар ўғит таркибидаги азотнинг 60% ини ўзлаштирилиши ҳисобга олинса, 75 кг га яқин азот қўллаш лозимлиги англашилди. Демак, азот билан ўртача таъминланган тупроқлардан 35 ү ҳосил етиштириш учун бир гектар майдонга 75 кг азот қўллаш лозим.

Дуккакли-дон экинларни пайкалларига одатда гўнг киритилмайди, лекин сўя, ловия ва вика гўнгланган тупроқларда мўл ҳосил беради. Гўнг киритилган ерларда ловиядан олинадиган қўшимча ҳосил гектарига 3 ү, сўяники эса, 2—5 ү га ошади. Алмашлаб экишда гўнг киритилган кузги ёки чопиқталаб экиндан кейин кўк нўхат экилса, яхши самара беради.

Таркибидаги ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган азот кам бўлган майдонларда дуккакли-дон экинларга молибденли микроўғитлар бериш ва уруғларни нитрагин билан инокуляциялаш юқори ҳосил олиш учун заминидир.

Дон-дуккакли экинлар экиладиган пайкалларга кузги шудгор олдидан соф модда ҳисобида 45—60 кг фосфор ва калий қўллаш тавсия этилади.

Экишга қадар озроқ меъёрда (гектарига соф ҳолда 20—30 кг) азотли ўғит қўллаш ўсимликларни ривожланишнинг дастлабки давларида, яъни ҳали илдизда

тутунак бактериялар ҳосил бўлмаган пайтда, азот билан таъминланишини яхшилади. Азотнинг бир қисми қўшимча озиқлантириш сифатида қўлланилади. Лекин азотли ўғитлар юқори меъёра киритилганда, атмосфера азотининг фиксацияланishi камаяди. Азотли ўғитлар кўп миқдорда ишлатилганда дуккакли-дон экинларнинг ўсиш органлари «говлаб», ҳосилнинг пишиб этилиши кечикади.

Уруғларни экиш билан бир вақтда озроқ миқдорда ( $10 \text{ kg P}_2\text{O}_5$ ) фосфорли ўғит бериш мақсадга мувофиқдир.

### Шолини ўғитлаш

Шоли дунёда энг кенг тарқалган экинлардан ҳисобланади. У — иссиқсевар, ёргусевар ва сувга талабчан экин. Муҳити мўътадил ва мўътадилга яқин тупроқларда яхши ўсади. Кучсиз нордон ва кучсиз ишқорий тупроқларда ҳам шолидан юқори ҳосил етиштириш мумкин. Чириндига бой, гранулометрик таркиби ўрта ва оғир соз ҳамда лойли тупроқларда яхши ривожланади. Енгил тупроқлар шоличилик учун яроқсизdir. Вақти вақти билан сувга бостирилиб турилганлити сабабли тупроқда кўпроқ анаэроб жараёнлар содир бўлади. Илдиз ризосфераси атрофида аэроп микрофлора иштириқида оксидланиш жараёни ҳам кетади. Кислород баргдан илдиз ва ризосферага баргдан ўсимликнинг биологик хусусиятига хос куч билан ҳайдаб берилади.

Сувга бостирилгандан кейин бир кеча-кундуз ўтгач, тупроқдаги азот буткул йўқолади, беш-олти кундан кейин эса, қайтарилиш жараёни кучаяди, ҳосил бўладиган бир ярим оксидлар ( $R_2O_3$ ) ўсимликлар учун ўта зарарлидир. Лекин илдизнинг аэроп митти зонасида улар оксидланади ва ўсимликларни озиқланиши учун яроқли, зарарсиз озиқланиши манбаига айланади. Озиқ элементларининг ютилишига тупроқда ҳосил бўладиган во-дород сульфид айниқса кучли салбий таъсир кўрсатади. Уни мўътадиллашишида  $Fe_2O_3$  нинг хизмати катта, қайсики, ўсимликлар учун зарарсиз  $FeS$  ни ҳосил қиласди.

Шоли асосан аммиак шаклидаги азот билан озиқланади, чунки нитрат шаклидаги азот чеклар сувга бостирилгандан кейин 5—6 кун ўтгач тупроқдан буткул йўқолади. Шоли пайкалида ўсадиган кўк-яшил сув ўтлари ўсув даврида гектарига 20 кг дан 200 кг гача азот ва бир т га яқин органик модда тўплайди.

**Азотли ўғитларнинг шакли, кўллаш усули ва муддатларини гуручининг  
кимёвий таркибига таъсир**

(Ф. Рамазанова, Қозоғистон шоличилик институти, 1979)

Тажриба варианти	Куруқ моддага нисбатан % ларда			
	оқсил	крахмал	қанд	кул элементлари
1. Ўғитсиз (назорат)	6,8	61,2	3,5	4,7
2. $P_{60}$ (фон)	7,1	60,7	4,7	-
3. Фон $N_{90}$ (аммоний сульфат — экишгача)	8,0	58,7	4,7	4,4
4. Фон $N_{90}$ (мочевина-экишгача)	8,0	63,8	4,3	4,3
5. Фон $N_{90}$ (аммоний сульфат — 1/3 қисми экишгача, қолгани найчалаш даврида)	8,9	65,4	3,6	5,0
6. Фон $N_{90}$ (мочевина — 1/3 қисми экишгача, қолгани найчалаш даврида)	9,5	62,2	4,7	4,2

шоҳланиши ҳам суст боради. Ҳар 1 га пайкалдан 70—90 ү ҳосил етиштириш учун тупроққа 150 кг калий киритилиши лозим (78-жадвал).

Маҳаллий ўғитлардан шолига гўнг, компостлар ва кўкат ўғитлар кўлланилади. Гўнг ва компостларни кузда, шудгор остига 20—40 т/га миқдорида ишлатиш ҳосилдорликни гектарига 20—25 ү га оширади.

**Калийли ўғитлар меъёрининг шоли ҳосили ва гуруч сифатига таъсир**

(П. Маткаримов, 1978)

Тажриба варианти	Гуруч ҳосили, ц/га	Куруқ моддага нисбатан %-ларда	
		оқсил	еғ
1. Ўғитсиз	35,8	6,82	1,48
2. $N_{180}P_{120}$ (фон)	53,7	7,06	1,58
3. Фон К60	56,2	7,13	1,65
4. Фон К90	57,9	7,26	1,75
5. Фон К120	59,7	7,60	1,75
6. Фон К150	63,4	8,01	1,99
7. Фон К190	60,5	7,93	1,94

Бир  $t$  шоли ҳосили билан (шунга мос миқдордаги пахол) тупроқдан ўртacha 22 кг азот, 10 кг фосфор ва 30 кг калий олиб чиқилади.

Шоли ниҳоллари тупроқдаги тузлар концентрацияси хлоридли шўрланишда 0,1% дан, сульфатли шўрланишда эса 0,2% дан ошиб кетганда заарланади. Улғайиб қолган ниҳолларга тузлар концентрациясининг 0,7% га етиши ҳам унчалик таъсир кўрсата олмайди. Шоли ёнламасига тармоқланган, ютиш қобилияти унча кучли бўлмаган попук илдиз тизимиға эга. Илдизларининг тахминан 80% и тупроқнинг устки 4—6 см қатламида жойлашади.

Шоли ҳосили ва гуруч сифати навнинг биологик хусусиятлари ва ташқи муҳит шароитларига боғлиқ. Мазкур шароитлар ичida айниқса минерал озиқлантиришнинг аҳамияти катта. Азотни ўсув даврининг бошидан охиригача ўзлаштиради. Унинг ўзлаштирилиш жадаллиги ниҳоллар улғайгани сари (сўнгти барг пайдо бўлгунга қадар) ортиб боради, сўнгра кескин камаяди. Азот танқислиги шароитида ниҳолларнинг ривожланиси секинлашади, барглари саргая боради, фотосинтез ва шоҳланиш сустлашади, рўваклар кам донли бўлиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада пасаяди. Азотли ўғитлар меъёрининг ортиб бориши қонуний равишда шоли ҳосилдорлигини оширади. Гектарига 150—200 кг азот киритиши шоли учун энг мақбул миқдор ҳисобланади.

Тажрибаларда турли шаклдаги азотли ўғитлар турли муддатларда кўлланилганда, гуручнинг сифат таркибини ўзгариши кузатилган (77-жадвал). Экиш олдидан бериладиган аммоний сульфат ва мочевина гуруч таркибидаги оқсил миқдорини бир хилда оширган. Қўшимча озиқлантириш амалга оширилган варианtlарда эса, мочевина кўпроқ самара бериши эътироф этилган. Гуруч сифатига фосфорли ўғитлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Фосфор етишмаган ҳолларда ўсимлик танасидаги оқсил алмашинуви бузилади, илдиз тизими кучсиз ривожланади ва оқибатда ҳосилдорлик кескин камайиб кетади. Олиб борилган бир қатор дала тажрибаларида фосфорли ўғит меъёри ортиб боргани сари гуручнинг шишиасимон ялтироқлиги ва солиштирма оғирлиги ҳам ортиб бориши аниqlанган.

Шолининг калийга бўлган талаби одатда унинг тупроқдаги захираси ҳисобига қондирилади. Калий етишмаган ҳолларда, айниқса ниҳоллар эндигина униб чиқкан даврда, шолининг барглари жуда секин шаклланади,

Республикамизда шоли алмашлаб экиш шароитида этиштирилади. Ўтмишдош экин сифатида кўп ҳолларда беда, дуккакли-дон экинлари билан банд бўлган шудгор ва шолининг ўзи танланади. Беда уч йилдан кейин бузилади ва ўрнига шоли экилади. Бунда азотли ўғит меъёри тахминан икки баравар камайтирилади, фосфор ва калийнинг меъёрлари аксинча, оширилади. Алмашлаб экишнинг кейинги йилларида азот меъёри ошириб борилади. Сурункасига 3—4 йил шоли экилгандан кейин тупроққа киритиладиган азотнинг йиллик меъёри 30—35% га кўпайтирилади.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида бедапоя бузилган йилнинг ўзида шоли экилгандা, азотнинг энг маъқул меъёри 100—120 кг/га деб топилган. Келтирилган азот меъёрига 100 кг фосфор ва 100 кг калий қўшиб ишлатилганда гуручининг кимё-технологик хусусиятлари ҳам яхшиланган.

Азотнинг йиллик меъёри бўлиб-бўлиб экиш олдидан ва қўшимча озиқлантиришда берилади. Асосий ўғитлаш аммиак шаклдаги азотнинг нитрификацияланишини камайтириш мақсадида экиш олдидан ўтказилади. Бунда йиллик азот меъёрнинг 1/2—2/3 қисми культиватор ёки дискали тирма ёрдамида тупроқнинг 8—10 см чуқурлигига киритилади. Оғир гранулометрик таркибли тупроқларда асосий ўғитлашдаги азот миқдори бир мунча оширилади. Азотли ўғитнинг қолган қисми 1—3 та қўшимча озиқлантириш йўли билан берилади. Кўп ҳолларда қўшимча озиқлантириш икки муддатда — 2—3 чин барг ва тупланиш даврларида ўтказилади. Қўшимча озиқлантириш олдидан шолипояларга сув кириши тўхталиди, ўғитлашдан 2—4 кун ўтгач, чеклар яна сув билан бостирилади.

Алмашлаб экиш шароитида фосфорли ўғитлар азотли ўғитлар билан биргаликда қўлланилганда яхши самара беради. Шоли учун энг яхши фосфорли ўғит — суперфосфатdir. Ўрта Осиё шароитида бир га майдонга тупроқнинг ҳаракатчан фосфор билан таъминланганини ҳисобга олган ҳолда, 60—90 кг фосфор ( $P_2O_5$ ) киритиш лозимлиги аниқланган. Лекин уни қўллаш муддатлари ҳақида якдил фикрга келинмаган. Фосфорнинг йиллик меъёри кўпинча тўлалигича шудгор остига киритилади. Айрим мутахассислар йиллик меъёрнинг 1/2—2/3 қисмини шудгор остига, қолган қисмини эса тупланиш даврида қўшимча озиқлантириш сифатида киритиш тарафдоридир.

Калийли ўғитларнинг меъёри тупроқнинг алмашнувчан калий билан таъминланганлик даражасига боғлиқ равишда белгиланади. Калийли ўғитлар қадимдан ҳайдаланадиган ва қайир тупроқларда яхши самара беради. Калийли ўғитларнинг шоли учун тавсия этиладиган ўргача меъёри — гектарига 50—100 кг. Белгиланган калийли ўғит миқдори тўлалигича тупроқни асосий ишлаш пайтида киритилади. Шолига барча шаклдаги калийли ўғитларни қўллаш мумкин. Бу мақсадда кўпроқ калий хлориди ва калий тузи ишлатилади. Тажрибалар асосида *ЎзРос 7/13* нави *ЎзРос 59* навига нисбатан калийли ўғитларга талабчанлиги аниқланган.

Шолига минерал ва маҳаллий ўғитларни биргаликда қўллаш яхши самара беради. Бўз тупроқлар шароитида уч йил қаторасига шоли экилгандা, кўкат ўғит сифатида экилган ўрис нўхатнинг кўк пояси гуручдаги оқсил миқдорини 1,7—2,7%га ошириши аниқланган. 79-жадвалда шолили алмашлаб экишда ўғитлаш тизими баён этилган.

79-жадвал.

**Саккиз далали алмашлаб экин да ўғитлаш тизими:**  
гўнг т/га, минерал ўғитлар ц/га ҳисобида

(Ўзбекистон шоличилик тажриба станцияси, 1980)

Экинларнинг навбатланиши	Асосий ўғитлаш				Қўшимча озиқлантириш		
	гўнг	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
Беда	—	100	120	60	—	—	—
Беда	—	—	120	60	—	—	—
Беда	—	—	120	60	—	—	—
Шоли	—	—	30—50	—	80—100	30—40	—
Шоли	—	—	30	—	110	30	—
Банд шудгор (оқ жўхори кузги вика)	—	50	90	100	100	—	—
Шоли	30—40	40	30	30	100	0—30	30
Шоли	—	40—50	30	30	120	0—30	30

### Сабзавот экинларни ўғитлашнинг ўзига хос томонлари

Сабзавот экинлар ва картошка бошқа дала экинларига қараганда тупроқ ҳарорати, намлиги ва озиқ моддалар миқдорига анча талабчан. Айни экинлар илдизи тупроқнинг чукур қатламларига тушиб бормасдан, асо-

сан ҳайдалма қатламида тарқалади. Шунинг учун ҳам бу экинларни унумдорлиги юқори, аэрация шароити яхши бўлган тупроқларда етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Турли сабзавот экинлар ҳосили тупроқдан ҳар хил миқдордаги озиқ моддаларни олиб чиқиб кетади. Бу хусусият бўйича сабзавот экинларни тўрт гурухга бўлиш мумкин:

- озиқ моддаларни кўп миқдорда олиб чиқиб кетадиган экинлар: карамнинг ўрта ва кечпишар навлари;
- озиқ моддаларни ўртача миқдорда олиб чиқиб кетадиган экинлар: помидор, бодринг, пиёз;
- озиқ моддаларни кам миқдорда олиб чиқиб кетадиган экинлар: қандлавлаги, сабзи;
- энг кам миқдорда озиқ моддаларни олиб чиқиб кетадиган экинлар: редиска ва бошқалар.

Сабзавотлар томонидан озиқ моддаларни кам ёки кўп миқдорда ўзлаштирилиши ўсиш даврининг давомийлиги, илдиз тизимининг ривожланиши ва яна бир қатор биологик хусусиятлари билан боғлиқдир. Кузатиш натижаларига қараганда, сабзавот экинлар ўғит таркибидаги озиқ моддаларни турлича ўзлаштириши билан фарқланади (80-жадвал).

80-жадвал.

#### Сабзавотлар томонидан ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўзлаштирилиши, %

Экин тури	Азот	Фосфор	Калий
Карамнинг кечки навлари	60	30	80
эртаги навлари	50	20	70
Бодринг	40	9	26

Сабзавотлар тупроқдаги озиқ моддалар нисбатига ўзига хос муносабат билдиради. Масалан, карам учун биринчи навбатдаги тансиқ элемент — азот, помидор учун — фосфор, пиёз ва қандлавлаги учун калийдир.

Тупроқ муҳити ( $\text{pH}$ )нинг таъсирида ҳам сабзавотлар ҳосилдорлиги сезиларни даражада ўзгаради: кучсиз нордон ва мўътадил тупроқлар сабзавот экинларни етиштириш учун энг кулай ҳисобланади.

#### Карамни ўғитлаш

Карам — асосий сабзавот экинларидан ҳисобланади. Навига боғлиқ равишда ўсиш даври 60—140 кунни ташкил этади. Карамнинг ўқ илдизи тупроқнинг 50—60 см чуқурлигига тарқалади.

З. И. Журбицкийнинг таъкидлашича, 100 ү карам ҳосили билан тупроқдан ўртача 31 кг азот, 12 кг фосфор ва 40 кг калий чиқиб кетади. Энг кўп озиқ моддалар карамбош шакланаётган даврда ўзлаштирилади.

Карам сепма ва кўчат қилинган ҳолда етиштирилиши мумкин. Кўчатлар муҳити ( $\text{pH}$ ) 6—7 бўлган қуйидаги таркибли маҳсус аралашмада (75% торф, 22% чиринди, 2—3% янги гўнг) яхши ривожланади. Бир м<sup>2</sup> майдон учун маҳаллий ўғитларга 1,5 кг аммиакли селитра, 1,7 кг суперфосфат, 0,6 кг калий хлориди, 0,5—1,0 г бўр ва 0,4 г аммоний молибдат кўшилади.

Карам азотли ўғитларга ўта талабчанлиги билан бошқа сабзавот экинларидан ажralиб туради. У азотни то йигим-терим давригача ўзлаштиради. Азот билан юқори даражада таъминланган тупроқларда ҳам азотли ўғитларни қўллаш, карам ҳосилдорлигини оширади. Бир га майдонга ўртача 90—180 кг азот қўллаш тавсия этилади.

Карам тупроқдан фосфорни кам миқдорда олиб чиқиб кетиши сабабли, фосфорли ўғитларга унча талабчан эмас. Шунинг учун карам етиштириладиган пайкалларнинг бир гектарига 30—90 кг фосфор ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ) тавсия қилинади. Фосфор карам ҳосилдорлигини ошириши ва сифатини яхшилаши билан бирга киритилган азот ва бошқа моддаларнинг кўпроқ ўзлаштирилишига ёрдам беради. Масалан, дала тажрибаларида гектарига 100 кг азот билан бирга 100 кг фосфор қўлланилган. Бунда карам ҳосили 278 ү дан 300 ү га, таркибидаги куруқ модда миқдори 6,30%дан 6,64% га, қанд миқдори 4,13%дан 4,37 га, С витаминининг миқдори эса 30,6 мг/%дан 32,2 мг/%га ошган.

Шунингдек, карамга йиллик фосфор меъёрини кўшимча озиқлантириш пайтида қўллаш ҳам юқорида айтилган кўрсаткичларни бир мунча ошишига олиб келади, чунончи, фосфор гектарига 150 кг миқдорда (200 кг азот ва 150 кг калий фонида) берилганда, ҳосилдорлик гектарига 407 ү га етиб, карам бошлардаги куруқ модда 6,11%ни, қанд модда миқдори эса 4,34% ни ташкил этган. Айни шу фонда фосфор йиллик меъё-

рининг 20 кг га яқини күчтаптарни ўтқазиш пайтида берилганда, ҳосилдорлик гектарига 20 ц га, қуруқ модда миқдори 0,21% га, қанд моддаси эса, 0,34% га кўпайган.

Карамнинг калийли ўғитларга бўлган талабчанлиги тупроқнинг алмашинувчан калий билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Умуман олганда, гектарига 80—180 кг атрофида калий қўллаб, карамдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Маҳаллий ва минерал ўғитлар биргаликда қўлланилганда энг кўп қўшимча ҳосил олиш мумкинлиги исботланган.

Карам уруғларини экиш билан бирга гектарига 10—15 кг фосфор берилади. Кўчтаптарни ўтқазиш пайтида зартапишар навлар экиладиган пайкалларнинг гектарига 10 кг азот, 20 кг фосфор ва 10 кг калий киритилади. Кечпишар навлар экиладиган пайкалларда эса ҳар уч элементдан 15 кг дан қўллаш лозим. Карамни қўшимча озиқлантиришлар сони ва муддатларини белгилаш бевосита асосий ва экиш олдидан амалга ошириладиган озиқлантиришларга боғлиқдир. Карамбош шаклланадиган даврда гектарига 30—40 кг азот берилса, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

### Бодрингни ўғитлаш

Бодринг тупроқнинг озиқ режимига жуда ҳам талабчан сабзавот экини бўлиб, буни қўйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, вегетация даври анча қисқа, турли навларда 40—75 кунни ташкил этади; иккинчидан, бошқа сабзавот экинларидан фарқли ўлароқ, ўғитлар таркибидаги озиқ элементларини жуда кам ўзлаштиради; учинчидан, илдиз тизими анча кучсиз шаклланган.

Бу сабзавот экинини чириндига бой, унумдорлиги юқори бўлган тупроқларда маҳаллий ўғитларни қўлланган ҳолда етиштириш маъқул. Ўсимлик тупроқ муҳитига сезигр бўлиб, pH 6,5—7,0 бўлганда яхши ўсиб-ривожланади.

Бодринг 100 ц ҳосил билан тупроқдан 28 кг азот, 19 кг фосфор ва 44 кг калий чиқиб кетади. Ривожланишнинг дастлабки ўнинчи-ён бешинчи кунларида азот ва фосфор, ўттиз кун мобайнида калий секин ўзлаштирилади. Озиқ моддаларнинг энг кўп ўзлаштирилиши меванинг шаклланиш даврига тўғри келади.

Бодринг учун гўнг энг муҳим ўғит ҳисобланади. Янги гўнг баҳорда қўлланилганда тупроқнинг иссиқлик ре-

жимини яхшилайди, тупроқ унумдорлигини оширади, ниҳолларни кўп миқдорда карбонат ангидрид ва озиқ моддалар билан таъминлайди. Киритиладиган маҳаллий ўғитлар миқдорига мос равишда бодринг ҳосили ҳам ошиб боради.

Минерал ўғитлар гектарига 45—60 кг берилса кифоя. Бодринг тупроқ эритмасининг концентрациясига ўта сезигр бўлганлиги сабабли унга минерал ўғитларнинг йиллик меъёри бўлиб-бўлиб берилиши керак. Минерал ўғитлар қўшимча озиқлантириш сифатида (гектарига 15 кг азот, 20 кг фосфор ва 20 кг калий) фақатгина мўътадил муҳитли тупроқларга киритилади. Биринчи қўшимча озиқлантириш бир-икки чин барг чиқарганда, иккинчиси тутунчалар ҳосил бўлганда ёки биринчи теримдан кейин берилади. Бодринг минерал ўғитларнинг турига ҳам талабчан бўлиб, юқори концентрацияни ўғитларни хуш кўради. Суюқ маҳаллий ўғитлар (гўнг суюқлиги, гўнг шалтоги)ни қўллаш ҳам яхши натижада беради.

Мевалар майда, учлари буралган ҳолда учрай бошласа, илдиздан ташқари озиқлантириш йўли билан бўрли ўғитлар (200—250 г/га бўр) берилади. Шунингдек, уруғларни экиш олдидан 0,1%ли бўр эритмаси билан ишлаш ҳам яхши самара беради.

### Помидорни ўғитлаш

Помидорнинг вегетация даври 110—120 кун бўлганлиги сабабли одатда кўчат қилиб ўтқазиш йўли билан етиштирилади. Илдиз тизими попук илдиз бўлиб, тупроққа 100—130 см кириб боради.

Озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши бутун ўсув даврида бир текис бўлмай, асосий қисми мева тугиш даврига тўғри келади.

Ўсиш ва ривожланишнинг дастлабки босқичларида азот меъёрининг ошиб кетиши помидорнинг ўсиш қисмларини тез ривожланишига, ҳосил органларининг эса ривожланишдан орқада қолишига олиб келади. Азотли ўғитлар меъёрининг ярми кўчтаптар ўтқазилаётган пайтда, қолган ярми эса, кўчат ўтқазилгандан кейин бир ой ўтгач берилади. Азотга бой тупроқларга азотли ўғитлар ва гўнг киритиш яхши самара бермайди (81-жадвал).

Помидор ҳосилдорлигини ошириш, мева сифатини яхшилаш ва ҳосилнинг пишишини тезлатишда фосфорли ўғитлар муҳим аҳамиятта эга. Тупроқда калий

етишмаса, ассимилятларнинг ҳаракати секинлашади, поя жуда секин ривожланади, баргларнинг чеккалари сарғиш-жигарранг тусга ўтади, буралиб, қуриб қолади.

81-жадвал.

#### Ўғит мөъёrlарининг помидор ҳосилдорлигига таъсири

Кўрсаткичлар	Ўғитсиз				
Ҳосил, ц/га	306,0	362,0	392,0	438,0	445,0
Куруқ модда, %	5,4	5,8	5,7	5,6	5,6
Нордонлик, %	0,37	0,32	0,38	0,39	0,47
С витаминнинг миқдори, мг %	27,0	29,1	29,0	29,3	26,1

Республикамизнинг аксарият тупроқлари алмашинувчан калий билан яхши таъминланганлиги сабабли, уларда калийли ўғитларнинг самарадорлиги юқори эмас. Сугориладиган бўз тупроқ таркибида 160—200 мг/га алмашинувчан калий бўлганда (кам таъминланган), майдонга қўлланилган 100 кг/га калий ( $K_2O$ ) ҳосилдорликни 49 ц га оширади. Куруқ модда, қанд ва витаминларнинг миқдори ҳам сезиларли даражада кўпаяди.

Кўчатларни ўтқазиш билан бир вақтда гектарига киритиладиган 10 кг азот, 20 кг фосфор ва 10 кг калий низолларни дуркун ривожланишига, илдиздан ташқари пуркаладиган 2,5%ли фосфорли ўғит эритмаси мевани тезроқ пишиб етилишига олиб келади.

Помидорнинг ўсіб-ривожланиши ва ҳосилдорлигини бўр, марганец ва рух каби микрозлементлар ижобий таъсир кўрсатади. Бўр мевалардаги қанд мoddаси ва С витамины миқдорини оширади. Бўр 3 кг/га миқдорда киритилади ёки 350 г миқдорда ўсимликларга пуркалади. Микроэлементларни тўла минерал ўғит ( $NPK$ ) мөъёrlари билан биргаликда қўллаш помидор ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади.

#### Пиёзни ўғитлаш

Пиёз ҳам тупроқ муҳитига сезигир экинлардан ҳисобланади ( $pH$  6,0—7,0 бўлганда яхши ривожланади). Амал даври 90—105 кун. Илдиз тизими кучсиз тараққий этганлиги сабабли озиқ мoddаларни кам ўзлаштиради. 100 ц пиёзбош шаклланиши учун 30—50 кг азот 11—15 кг фосфор ва 30—40 кг калий сарфланади.

Озиқ мoddалар ривожланишнинг дастлабки икки ойида жуда секинлик билан ўзлаштирилади. Энг кўп ўзлаштирилиш пиёзбошлар шакланаётган даврга тўғри келади. Пиёзга бериладиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри режалаштирилган ҳосил ва тупроқнинг озиқ мoddалар билан таъминланганлик даражасини эътиборга олган ҳолда, гектарига 100—150 кг азот, 100—150 кг фосфор, 75—90 кг калий қилиб белгилаш керак. Айни меъёрининг 2/3 қисми шудгор остига ва 1/3 қисми қўшимча озиқлантириш пайтида берилади. Азотнинг миқдори юқорида келтирилгандан ошиб кетса, пиёзнинг ўсиш даври чўзилади, вегетатив массасининг миқдори кўпаяди, пиёзбошлар юмшоқ бўлиб, сақланиш хусусиятлари ёмонлашади. Бундай салбий ҳоллар айнича, фақат азот билан бир томонлама озиқлантирилганда рўй беради.

Фосфорли ўғитлар экиш олдидан гектарига 10—20 кг мөъёрида киритилади. Вазият тақазо қилган ҳолларда қўшимча озиқлантириш ёзнинг биринчи ярмида амала оширилади, чунки кечки қўшимча озиқлантиришлар пиёзбошларнинг етилишини секинлаштириб юборади.

Пиёз экиладиган майдонларга чириган ёки чала чириган гўйт киритилса, ҳосилдорлик сезиларли даражада ортади. Янги гўнг ишлатилганда ҳам ҳосилдорлик ошади, лекин бунда қишига фамланадиган пиёзбошларнинг сақланиш хусусияти ёмонлашади.

#### Сабзини ўғитлаш

Сабзи илдиз мевасининг сифати бевосита қўлланиладиган ўғит мөъёrlарига боғлиқ.

Азотли ўғитлар илдиз мева таркибидаги каротин миқдорини оширади, оқсил алмашинувини яхшилайди, баъзи ҳолларда қанд ва қуруқ модда миқдорини камайтиради. Сабзи азот билан керагидан ортиқча озиқлантирилганда, илдизмева серсов бўлиб, ўзак қисми ксилема ҳужайраларининг одатдагидан тез ривожланиши натижасида ғовак бўлиб қолади. Илдизмева таркибидаги нооқсил шаклдаги азот кўп миқдорда тўпланади. Натижада замбуурug ва бактерияларнинг тез кўпайиши учун қулай озиқланиш муҳити юзага келади, сақлаш учун ажратилган сабзилар чирийди, кўкариб нобуд бўлади.

Сугориладиган бўз тупроқларда олиб борилган тажрибаларда (Х. З. Умаров, 1981) бир га майдонга 150 кг

азот, 100 кг фосфор ва 50 кг калий киритилганда, сабзининг *Сарик Мирзои* 304 нави уч йил давомида ўртача 277 ц ҳосил берган. Таркибидаги қуруқ модда 12,5%ни, қанд моддалари 7,4%ни, каротин 7,4 мг%ни ва С витамини 6,4 мг%ни ташкил қилган.

Азот миқдорининг янада оширилиши (200 кг/га) маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатган. Ҳосил олти ой сақлангандан кейин унинг таркибидаги қуруқ модда ва қанд миқдори мос равишда 0,7 ва 0,4%га камайган, табиий нобудгарчилик 1,5—2,0 марта ошган.

Фосфорли ўғитлар ҳосилининг ўзгаришига унча кучли таъсир кўрсатмайди. Фосфорли ўғитларнинг таъсири кўп жиҳатдан тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Меърида қўлланилган фосфорли ўғитлар сабзининг илдиз меваси таркибидаги қуруқ модда, қанд, каротин моддалар миқдорини сезиларли даражада оширади.

Сабзи ҳосил сифатининг ошишида калийли ўғитлар ўзига хос аҳамият касб этади. Тупроқда калийнинг танқислигига, ўсимликлар танасида углевод алманинуви бузилади, баргларда кўп миқдорда моносахаридлар тўпланади, реутилизация, фотосинтез жараёнлари ва шунингдек, одий қанд моддаларининг мураккаб қанд моддаларига айланиши бузилади. Сабзидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун ҳар га майдонга 50—75 кг калий ( $K_2O$ ) қўллаш тавсия этилади.

### Қандлавлагини ўғитлаш

Қандлавлаги халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган дехқончилик маҳсулотидир. Унинг илдиз тизими йўғонлашган асосий илдиз ва 40—50 сантиметр ёнига ҳамда 2—2,5 м чуқурликка кетадиган илдизлардан иборат.

Қандлавлаги тупроқдан озиқ моддаларини олиб чиқиб кетиш бўйича дала экинлари ўртасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. 400 ц ҳосил таркибига тупроқдан 180 кг азот, 55 кг фосфор ва 250 кг калий ўтади. Бу миқдор тупроқ-иқлим шароитлари ва ҳосил миқдорига қараб кескин ўзгаради.

Қандлавлаги озиқ моддаларини ўсув даврининг охиригача талаб қиласди. Ўсув даврининг бошларида азот, фосфор калий кам ўзлаштирилади. Лекин бу даврда илдиз тизими ҳали яхши ривожланмаганлиги сабабли осон ўзлаштириладиган фосфорли бирикмаларга ўзида

кучли эҳтиёж сезади. Кейинчалик қандлавлагининг озиқ моддаларига бўлган талаби кескин ортади ва июл-август ойларига келиб энг юқори даражага етади. Август ойининг бошларига қадар барча озиқ моддаларининг 70%га яқини, кейинги бир ярим ой давомида эса қолган 30%и ўзлаштирилади (82-жадвал).

82-жадвал.

Гектаридан 300 ц ҳосил етиштиришда қандлавлагининг озиқ моддаларга талаби, энг кўп ўзлаштириладиган миқдорга нисбатан %

Озиқ элементи	Аниқлаш муддати				
	15.06	15.07	15.08	15.09	05.10
Азот	20	63	91	99	91
Фосфор	13	42	66	86	100
Калий	16	50	72	83	100

Бу даврга келиб барг қуруқ моддасининг 60%дан кўпроғи ва илдиз қуруқ массасининг қарийб 1/3 қисми шакланади.

Қандлавлагидаги озиқ моддаларга нисбатан танглик давр барглар зўр бериб шакланадиган икки ҳафта бўлиб (одатда бу июннинг иккинчи ярми — июлнинг бошларига тўғри келади), барча озиқ моддаларнинг 25—30%и ўзлаштирилади. Илдизмева шакланадиган ва шакар тўпланадиган даврда фосфор ва калийга талаб кучаяди.

Қандлавлагига гўнгни тўғридан-тўғри ёки ўтмишдош экин орқали қўллаш мумкин. Киритиладиган гўнгнинг ўртача меъёри гектарига 20—30 т. Одатда чала чириган гўнгдан кўпроқ фойдаланилади, янги тўшамали гўнг тупроқни тезроқ намисизланишига ва бегона ўтларнинг кўпайишига олиб келади. Киритиладиган 20 т гўнг турли тупроқ-иқлим шароитларида гектаридан 2—12 т гача қўшимча ҳосил етиштириш имконини беради. Тупроққа гўнг киритилганда, азотли ўғитларнинг самарадорлиги ортади, фосфорли ва калийли ўғитларни эса, аксинча камаяди.

Яхши маданийлашган тупроқларда меъёрида ўтланган ўтмишдош экин (маккажӯҳори, картошка, кузги буғдой)дан кейин фақат минерал ўғитлардан фойдаланиши тавсия этилади.

Енгил қумоқли ва эрозияга мойил тупроқли ерларда гўнг ва минерал ўғитларни биргаликда қўллаш кўп

миқдорда күшімча ҳосил олиш имконини беради. Гүнг ва фосфорлы-калийлы ўғитларнинг асосий қисми (70% ва ундан күп) ерни кузда, чимқирқарлы плуг билан чукур ҳайдаш вақтида киритилади.

Агрокимевий тадқиқотларнинг маълумотларига кўра гектарига 120 кг азот, 90—120 кг фосфор ва 90—100 кг калий қўллаб, гектаридан 7—10 т күшімча ҳосил олиш мумкин.

Барча тупроқ типларида уруғларни экиш билан бир вақтда гектарига 10—15 кг азот, 15—20 кг фосфор ва 10—15 кг калий киритиш яхши самара беради. Ўғитлашнинг бу усули ўсимликни вегетация даврининг бошида озиқлантириши шароитини яхшилаш билан бирга қандлавлаги ҳосилини анча оширади. Таркибida аммоний шаклдаги азот тутадиган ўғитларни қандлавлаги қатор ораларига қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки унинг уруғи таркибida углеводлар заҳираси анча кам бўлганлиги сабабли ниҳоллар аммиакдан заҳарланиши мумкин.

Қандлавлагини ўсув даври давомида озиқ моддалари билан таъминлаш ва мўл ҳосил етиштириш (гектаридан 400—500 ү) учун албатта күшімча озиқлантириш амалга оширилади. Лекин күшімча озиқлантиришлар асло асосий ўғитлаш ўрнини боса олмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Күшімча озиқлантиришда маҳаллий ўғитлардан — паранда аҳлати (3—5 ү/га) ёки гүнг шалтоғи (2—3 т/га)дан ҳам фойдаланиш мумкин. Ниҳолларни тўла ўғит (NPK) билан эрта муддатларда озиқлантириш қандлавлаги ҳосилини оширади. Қандлавлаги одатда икки-уч марта күшімча озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш биринчи күшімча озиқлантиришдан кейин 15—20 кун ўтгач амалга оширилади. Қандлавлаги етиштирищда азотли ўғитлар ичидаги натрийли селитра энг яхши ўғитdir. Мўътадил ва ишқори мухитли тупроқларда оддий ва кўш суперфосфат қандлавлагининг ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади.

Калийли ўғитлар ичидаги сильвинит маълум устунликка эга. Асосий калийли ўғитларни қандлавлаги учун қимматининг пасайиб бориши тартибida қўйидагича жойлаштириш мумкин:

40% калийли туз — кайнит ва шёнит — калий хлорид ва калий сульфат.

Калийли ўғитлар таркибидаги хлорнинг қандлавлага салбий таъсири кузатилмайди.

Қандлавлаги кўпроқ дон-қандлавлаги алмашлаб

экишда етиштирилади (83-жадвал). Бу алмашлаб экишда минерал ўғитлар билан биринчи навбатда қандлавлаги таъминланади, шунда кузги буғдой ва маккажӯхоридан ҳам мўл ҳосил етиштирилади.

83-жадвал.

#### Дон-қандлавлаги алмашлаб экишда ўғитлаш тизими

(П. В. Гулякин 1984)

Экинлар	Экишгача				Экиш билан, фосфор	Экишдан кейин, азот
	гүнг	азот	фосфор	калий		
Кўк нўхат	—	30-40	40-60	40-80	10	—
Кузги экинлар	20-30	—	60-80	40-60	10	40-80
Қандлавлаги	—	120-200	120-200	100-150	15	15
Баҳорги дон	—	40-60	60-90	60-90	10	—
экинлар	—	—	—	—	—	—
Кузги дон	—	—	40-60	60-80	10	40-60
экинлар	15-25	100-150	90-150	90-150	15	15
Қандлавлаги	—	80-100	80-100	80-100	5	—
Маккажӯхори	—	—	—	—	—	—
Баҳорги дон	—	60-80	60-80	60-80	10	—
экинлар	—	—	—	—	—	—

#### Картошкани ўғитлаш

Картошка барча тупроқ типларида ўсиб-ривожланадиган, кенг тарқалган қишлоқ хўжалик экини. Ундан енгил ва ўрта қумоқли тупроқларда (айниқса, қора ва қайир тупроқларда) мўл ҳосил олиш мумкин. Нордон ва эритма концентрацияси юқори бўлган тупроқларда ҳам яхши ўсади. Лекин юқори ҳосил етиштириш учун тупроқда озиқ моддалар мўл бўлиши шарт, бу бевосита унинг илдиз тизимини кам тараққий этганлиги билан боғлиқ. Илдизнинг 60% дан кўпроғи тупроқнинг 0—20 см қатламида, 20—25% и 20—40 см қатламида, 7—10% и 40—60 см қатламида ва атиги 2—3% и чукур қатламларда тарқалган.

Картошка ривожланишининг турли даврларида турли миқдорда озиқ моддаларни ўзлаштиради ва тўплайди. Масалан, гуллашнинг охирида яъни поя тўла шаклланиб бўлганда, бу ўсимлик ялпи озиқ моддаларнинг 2/3—қисмини ўзлаштиради (84-жадвал).

**Картошканинг моддаларни ўзлаштирилиш динамикаси (%)**

(Х. З. Умаров, 1989)

Ривожланиш даврлари	Азот	Фосфор	Калий
Шоналашгача	13	10	11
Гуллашгача	40	30	33
Поя түлиқ шаклланганда	80	70	70
Йигим-теримгача	100	100	100

Униб чиққандан то шоналашнинг бошланишигача ўрта кечпишар навлар 20—27% озиқ модда тўпласа, шоналашдан гуллашнинг охиригача 40—60 ва гуллашдан кейин 20—33% озиқ модда тўплайди. 10 *m* картошка тугунаклари навга боғлиқ ҳолда турли тупроқ-иқлим шароитларида тупроқдан 40—70 *kg* азот, 15—20 *kg* фосфор ва 60—90 *kg* калийни олиб чиқиб кетади. Бу албата кўп миқдорда минерал ўғитларни кўллашни тақазо қиласди. Лекин тупроққа киртиладиган ўғит меъёрлари, кўллаш муддатлари ва озиқ моддалар (NPK) нисбати картошка ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатида таъсир кўрсатади.

Ўғитлаш тизимида азот миқдорининг устун бўлиши ферментатив таъсир йўналишини крахмал тўпланишига тескари томонга қараб силжитади. 85-жадвалда сугориладиган бўз тупроқлар шароитида турли меъёрдаги азотнинг картошка ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири кўрсатилган.

Ялпи ҳосил миқдори азот меъёрига боғлиқ равишда ортиб борсада, ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари азот миқдори гектарига 200 *kg* дан ошганда кескин камайди.

**Картошканинг «Приекульский ранний» нави ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига азот меъёрининг таъсири**

(Х. З. Умаров, 1989)

Ўғит меъёри <i>kg/га</i>	Ҳосил <i>ц/га</i>	Ҳосил таркибидаги:		Крахмал чиқиши, <i>ц/га</i>
		крахмал, %	С витами- ни, <i>мг%</i>	
P <sub>100</sub> K <sub>40</sub> (фон)	95,6	12,52	9,1	12,07
Фон N <sub>100</sub>	163,2	13,57	17,5	22,05
Фон N <sub>150</sub>	180,7	13,87	17,8	25,07
Фон N <sub>200</sub>	186,8	13,08	12,6	24,43
Фон N <sub>300</sub>	189,7	11,57	9,1	21,84
Фон N <sub>400</sub>	191,8	10,68	8,4	20,48

Тупроққа азот оширилган меъёрда киритилганда, картошка тугунаклари йириклишади, лекин нуқсонли бўлиб, ичиди ёриқ ва бўшлиқлар ҳосил бўлади. Вирус касаллигига чалинадиган ўсимликлар сони ортади.

Фосфор азотга тескари ўлароқ, картошка тугунаги сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилади. Фосфор меъёри гектарига 50 *kg* дан 200 *kg* га оширилганда (150 *kg* азот ва 60 *kg* калий фонида) тугунаклар таркибидаги крахмал миқдори 13,31% дан 13,86% га етган. Шу билан бир вақтда витаминлар миқдори ва маҳсулотнинг сақланиш муддати ҳам ошган. Фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни қўллаш муддатларига ҳам боғлиқларни аниқланган.

Картошка ҳосилдорлигини ошириш ва тугунаклар сифатини яхшилашда калий элементининг роли беқиёсdir. Тадқиқотлар калийли ўғитларни азот ва фосфор билан биргаликда қўллаш (айниқча улар юқори меъёларда берилганда) картошка ҳосилини ошириши ва ҳосил сифатини яхшилашини кўрсатди.

Картошка калийли ўғитларнинг турига сезгир экин. XX асрнинг бошларида картошкага калийли ўғит сифатида ёғоч кули қўлланилган. Кул таркибидаги калий калий карбонат кўринишида бўлиб, картошка ҳосилдорлиги ва тугунаклар сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Кейинчалик кул миқдорининг камайиши ва экин майдонларининг кенгайиб бориши кўп миқдорда таркибида хлор тутган калийли ўғитларни ишлатишни тақазо қиласди. Калийли ўғитлар таркибидаги хлор ионлари ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, унинг асосий қисми кузда, тупроқни асосий ўғитлаш даврида киритилади.

Картошка маҳалий ўғитларга ўта талабчан экин. Эртаги навлар амал даври қисқа бўлганлиги сабабли гўнгдан унумли фойдалана олмайди, кечпишар навларнинг гўнг таркибидаги озиқ элементларидан фойдаланиш коэффициенти бирмунча юқори.

Гўнг айниқса, енгил гранулометрик таркибли, етарли даражада намланадиган тупроқларда яхши самара беради. Кўп сонли тажриба натижаларининг кўрсатишича, турли тупроқ-иқлим минтақаларида бир *га* майдонга киритиладиган 20—40 *m* гўнг ўртacha 2,5—6,0 *m* кўшимча ҳосил беради. Гектарига 30 *m* гўнг киритилганда, ундан бир кеча-кундуз давомида 100—200 *kg* CO<sub>2</sub> ажralib чиқади. Ўсимликлар ўртacha 30—40 *m* ҳосилни шакллантириши учун 200—300 *kg* карбонат ангидридни

үзлаштиради. Демак, фақат гүнгдан ажраладиган  $\text{CO}_2$ , ҳисобига картошкадан олинадиган құшимча ҳосилни 30—40%га ошириш мүмкін. Гүнг таркибидаги калий хлорсиз бұлғанлығы сабабли үсимликтер томонидан осон үзлаштирилади.

Күмбез ва құмлюқ тупроқтарда фосфорлы ва калийлы ўғитлар билан бир қаторда күкәт ўғитлардан ҳам фойдаланилса, картошка тутунакларининг ҳосили кескин ошади.

Маҳаллій ва минерал ўғитларни биргаликда құллаш ҳосилдорликни янада ошишига хизмат қылади. Турли тупроқ-икәп шароитларыда ҳар 10 м<sup>2</sup> гүнгта 10—15 кг миқдордада азот күшиш тавсия этилади.

Экиш билан бир вактта амалга ошириладиган ўғитлашнинг ахамияти катта, чунки бунда ўғитлар илдиз тизимига яқын тушади ва тупроқ томонидан нисбатан камроқ ва секинроқ боғланып қолади. Бу тадбір ниҳолларни ҳаётининг бириңчи кунидан бошлаб ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларидан фойдаланишига имконият яратади. Тадқиқотларнинг күрсатишича, азот, фосфор ва калийнинг ҳар бири 20—30 кг/га миқдорда нитрофоска ёки нитроаммофоска шаклида берилса, ниҳоллар баравж ривожланади.

Юқори ҳосил олиш режалаштирилганда, құшимча озиқлантириш қанча эрта муддаттарда амалга оширилса, картошка тутунакларининг ҳосилита шунча күп ижобий таъсир қылади. Құшимча озиқлантиришларнинг энг қулай муддатлари төлиқ ниҳоллар пайдо бўлиш давридан шоналашгача бўлған даврdir. Құшимча озиқлантиришда тупроққа асосан азотли ўғитлар киритилади.

Фосфорлы ўғитлар билан (20 кг Р<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) ниҳоллар шоналаш даврида ёки йигим-теримдан бир ой аввал илдиздан ташқари озиқлантирилса, ҳосилдорлик гектара 10—15 ц/га, тутунаклардаги крахмал миқдори эса 1,9—3,1%га кўпаяди.

Умуман олганда, юқори меъёрда киритилган азотли ўғитлар тутунаклар таркибидаги крахмал миқдорини 0,2—0,7% га камайтиради, фосфорлы ўғитлар эса, 1—2%га оширади. Таркибиде хлор тутган калийлы ўғитлар, крахмал миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Құллаш меъёрига боғлиқ равишда гүнг ҳам крахмал миқдорини 0,5—1,0% га камайтириши мүмкін.

Тошкент Давлат аграр университети мевачилик ва сабзавотчилик факультети олимлари (В. И. Зуев, А. Ф.

Абдуллаев ва бошқалар, 1994) бўз тупроқлар миңтакасида эрта пишар картошка навлари учун гектарига 120—150 кг азот, 80—100 кг фосфор ва 60 кг калий, кечпишар навлар учун эса 200—250 кг азот, 150—160 кг фосфор ва 100 кг калий құллашни тавсия қыладилар. Картошкани тақрорий экин сифатида экиш режалаштирилганда, гүнг тұлалыгына, фосфорлы-калийлы ўғитлар йиллик меъерининг 70—80%и кузги шудгорлашда, қолган қисми эса ерни экишта тайёрлашда киритилади. Картошкага йиллик азот меъерининг 20%и тупроқни экишта тайёрлашда, 30%и бириңчи озиқлантиришда ва 50%и ғунчалаш даврида құлланылади.

Гектарига 5 м чириган гүнг ва 100 кг амиакли селитра тутунаклар остига ташлаб экилса, ниҳолларнинг униб чиқыш суръати жадаллашади. Картошка етиширишда аммоний сульфат, донадор суперфосфат ва калий сульфат тенгти йўқ ўғитлардан ҳисобланади.

### Бедани ўғитлаш

Алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигини ошириб бориши, бегона ўт, касаллик ва зааркунандаларга қарши самарали курашиш, экинлардан мұл ҳосил олишни кафолатлайди. Фұза ва бошқа экинларни етиширишда беда тупроқ унумдорлигини тикловчи асосий экиндеридir.

Илмий текшириш институтлари ва илфор тажрибкорларнинг маълумотлари асосида сугориладиган майдонларда илфор агротехникавий тадбирлар тизимини құллаб, бедадан юқори ва сифатли ҳосил олинган. Беда уч йил давомида битта майдонда етиширилса, гектаридан 400—600 ц сероқсил пичан олиш мүмкін, бунда ҳосилнинг асосий қисми иккинчи ва учинчи йилларга тўғри келади.

Беда пичани ва уругининг ҳосилдорлигига минерал ўғитлар ўзига хос таъсир кўрсатади.

Азотли ўғитлар беда ҳаётининг бириңчи йилида, ҳали тутунак бактериялар фаолияти жадаллашмаган пайтда, ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчи ва учинчи йилларда бериладиган азот аксинча, беда ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мүмкін.

ЎЗПИТИнинг Марказий тажриба базасида типик бўз тупроқлар шароитида озиқ элементларининг беда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган (86-жадвал).

**Минерал ўтит меъёрларининг беда пичани ҳосилига таъсири, ц/га**  
(СоюзНИХИ, 1988)

Тажриба вариантни	биринчи йил	иккинчи йил	учинчи йил	3 йил давомида
Ўғитсиз	55.6	138.3	121.1	315.1
Азот	54.5	135.7	127.8	318.0
Азот-калий	55.4	139.0	131.0	325.4
Азот-фосфор	65.3	148.9	141.7	355.8
Азот-фосфор калий	63.7	165.0	147.7	376.4
Фосфор-калий	65.0	160.2	145.6	370.8

Бу маълумотлардан тупроққа фосфор ва калий биргаликда киритилганда, уч йил давомида ўғитсиз (қиёсий) варианту нисбатан гектаридан 55,7 ц қўшимча ҳосил олинганилиги кўриниб туриди.

Мазкур тажриба натижаларидан тупроққа киритиладиган ўғитлар беда илдиз тизимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши, бу эса ўз навбатида тупроқдаги органик моддалар миқдорини ортишига ҳамда физикавий хусусиятларининг яхшиланишига олиб келиши аниқланган. Бу маълумотлар 87-жадвалда ўз ифодасини топган.

Маълумотлар калийли ўғитларининг беда ҳосилдорлигига ижобий таъсирини кўрсатади. Калий миқдори 200 кг/га га етказилганда, умумий илдиз сонининг ортиши йирик илдизлар сонининг кўпайиши ҳисобига содир бўлади. Калийли ўғитлар беда пичани таркибида ги хом протеин миқдорини ҳам оширади.

**Тупроқнинг 0-40 см қатламидаги илдизлар миқдорига ўғитлар  
меъерининг таъсири, ц/га**  
(Пахтачиллик институти маълумоти)

Йиллик ўғит меъёри, кг/га	Икки йиллик беда.			Уч йиллик беда.			
	Илдизлар:			Илдизлар:			
фосфор	калий	йирик	майда	жами	йирик	майда	жами
100	—	69,9	15,3	86,2	89,1	26,0	115,1
100	50	73,4	15,6	88,0	91,8	29,4	121,2
100	100	88,1	25,2	113,3	93,7	41,0	134,7
100	200	92,6	25,2	117,8	123,5	29,9	153,4
100	300	73,5	20,9	94,4	92,9	29,0	121,9

Бедага қўлланиладиган фосфорли ўғитларнинг са-марадорлиги тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдорига боғлиқ. Туркманистаннинг эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқларида ўтказилган дала тажрибаларининг натижалари тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 5—10 мг/кг бўлганда, гектарига 300 кг, 50—60 мг бўлганда эса 60—120 кг фосфор ( $P_2O_5$ ) киритиб, 500 ц гача беда пичани олиш мумкинлигини кўрсатган. Шунга ўхшашиб натижалар Республикамизда ва Тожикистаннинг қадимдан сугориладиган бўз тупроқларида ҳам олинган.

Беда арпа, сули, маккажӯҳори билан аралаштириб экилганда, азотнинг йиллик меъёри 150—200 кг/га гача етказилиб, 50% и экиш олдидан, 50% и маккажӯҳори поясининг бўйи 1 м га етгунга қадар берилади.

Беда ҳосилини оширишда микроўғитларнинг аҳамияти катта. Ўтлоқи тупроқларга шудгор остига микроэлементлар кўшилган донадор суперфосфат киритилганда, беда пичани ҳосилдорлиги 18,4—36,4% га, ургу ҳосили эса, 31,9—53,2%га ошган.

Ўзбекистон Республикаси аграр саноат ишлаб чиқариш қўмитасининг 1987 йилдаги тавсияси бўйича беда экишга мўлжалланган майдоннинг ҳар гектарига экишгача 50—60 кг азот (N), 100 кг фосфор ( $P_2O_5$ ) ва 50—60 кг калий ( $K_2O$ ) киритиш тавсия қилинган. Озиқ моддалари билан паст даражада таъминланган тупроқларда бу миқдор 25—30%га оширилади. Иккинчи ва учинчи йилларнинг эрта баҳорида 100 кг фосфор ва 50 кг калий кўлаш яхши самара беради.

Тўпланган маълумотларни умумлаштириб, бедани ўғитлаш юзасидан қуйидагича тавсия бериш мумкин:

— янгидан экиладиган бедага фосфорли ва калийли ўғитлар уч йилда бир марта асосий ишлов бериш пайтида, тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда, турли миқдорларда ишлатилади. Ҳаракатчан фосфор билан паст даражада таъминланган майдонларнинг ҳар гектарига 250—300 кг, ўртacha таъминланган тупроқларга эса 100—150 кг фосфор киритилади. Шудгор остига киритиладиган калийнинг миқдори гектарига 50—60 кг қилиб белгиланади. Агар экиладиган беда уругига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган бўлса, ниҳоллар униб чиққандан кейин гектарига 30—40 кг атрофида аммиакли селитра қўллаш яхши самара беради;

— экиш олдидан ўғитланмаган майдонларга кейинги йилларнинг эрта баҳори ёки қузидаги 50—60 кг фосфор ва 25—30 кг калий киритилади ва изидан тирмаланаши.

Юқоридаги тадбирлар амалга оширилганда, уч йил ичидаги ҳар гектар майдондан 350—500 ц дан ошириб беда пичанини тайёрлаш мумкин.

### Тамакини ўғитлаш

Ўрта Осиё давлатларида тамаки экиладиган майдонлар унчалик катта эмас. Ўзбекистонда 10 минг гектардан кўпроқ, Тожикистонда эса, 4 минг гектарга яқин майдонга тамаки экилади.

Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитлари юқори сифатли, хушбўй тамаки етиштириш имконини беради. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани тамаки етиштиришга ихтисослашган бўлиб, ҳозирги кунда ҳар гектар майдондан 20 ц ва ундан ҳам юқори ҳосил олинмоқда, ҳолбуки бу кўрсаткич асримизнинг 60-йилларида 7—10 ц ни ташкил қиласа эди.

Ҳосилдорликнинг бу даражада кўтарилиши биринчи навбатда ўғитлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқдир.

Тамакини ўғитлаш бўйича тажрибаларнинг кўпчилиги Тожикистон Республикасида амалга оширилган. Зарафшон водийсининг бўз тупроқларида ҳар га майдондан 20 ц тамаки ҳосили олиш учун 90—120 кг азот, 120—150 кг фосфор ва 120—150 кг калий қўллаш тавсия этилади (88-жадвал).

88-жадвал.

**Ўтит мөъларининг тамаки ҳосилдорлиги (ц/га)та таъсири**  
(Тожикистон деҳқончилик институти, 1970)

Кўрсаткичлар	Тажриба варианти				
	ўғитсиз (қиёсий)	N-120 P-120	N-120 P-120	N-120 P-120 K-120	N-120 K-120
Ҳосил Қўшимча ҳосил	8,7	13,4	17,4	20,2	21,7
	—	4,7	8,7	11,5	13,0

Тажриба маълумотларининг кўрсатишича, озиқ элементлари алоҳида-алоҳида ва биргаликда қўлланилганда тамаки баргининг ҳосилдорлиги сезиларли даражада фарқ қиласа.

Тамаки етиштиришда ўғит қўллаш муддатларини тўғри белгилаш жуда муҳим. Тадқиқотларнинг натижалари тамакига азотли ўғитларни фақаттинга қўшимча озиқлантириш сифатида қўллаш лозимлигини кўрсатади. Азотли ўғит меъёри қисман ёки тўлалигича экишгача берилса, тамаки баргининг сифат кўрсаткичлари кескин пасаиди.

Тамаки етиштиришда қўшимча озиқлантириш ва сугориш муддатлари бир-бирига мослаштирилади. Биринчи қўшимча озиқлантиришда (экилгандан кейин 8—10 кун ўтгач) йиллик азот меъёрининг 25%и, иккинчи қўшимча озиқлантиришда эса (биринчи қўшимча озиқлантиришдан 15—20 кун ўтгач), 35%и ва учинчи қўшимча озиқлантиришда (иккинчи қўшимча озиқлантиришдан 15—20 кун ўтгач) 40%и берилади.

### Мевали дарахтлар, ток ва тутни ўғитлаш

Ҳаётининг давомийлиги, ер усти ва илдиз тизимишнинг жадал ривожланиши билан мевали дарахтлар бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан фарқ қиласа. Данагидан ва уруғидан кўпаядиган мевали дарахтлар илдиз тизимининг ривожланиши бўйича бир-биридан ажralиб туради. Масалан, олча, гилос, олхўри каби данакли мевали дарахтларнинг илдизи уруғли мевали дарахтларнига нисбатан кучсиз ривожланади. Нокниң илдизи бошқа мевали дарахтларнинг илдизига нисбатан тупроқнинг чуқур қатламларига кириб боради.

Мевали дарахтларнинг илдиз-тизимининг тарқалиш диаметри улар танаси диаметридан 3—4 марта катта. Кўп ҳолларда илдизнинг тарқалиш диаметрини аниқлашда дарахт ёшини 2 га бўлиш усулидан фойдаланилади. Одатда дарахтларнинг тик илдизлари тупроқ профили бўйлаб 10 м ва ундан ҳам чуқур кетади.

Мевали дарахтларнинг ривожланишига тупроқдаги осон эрийдиган тузлар, биринчи навбатда *Ланинг* концентрацияси кучли таъсир кўрсатади. Гилос, олча, ўрик, олхўри ва бошқалар мўътадил, олма, нок, смородина кабилар кучсиз нордон мұхитни талаб қиласа, малина ўртача нордон мұхитда ҳам яхши ҳосил беради.

Мевали дараҳтлар ҳаётининг турли даврларида турли миқдорда озиқ моддаларни ўзлаштиради. Янги ҳосилга кирган пайтда дараҳт турига қараб тупроқдан 6—44 кг азот, 2—7 кг фосфор ва 6—35 кг калий ўзлаштирилса, улғайиб боргани сари бу миқдор ортиб боради (89-жадвал).

89-жадвал.

**Ҳосилга кирган мевали дараҳтлар томонидан йил давомида ўзлаштириладиган озиқ моддалар миқдори, кг/га**

(Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва виночилик институти)

Мевали дараҳт түри	Ҳосил, т/га	N	P O	K O	CaO
Олма	61,5	67	18	72	73
Нок	22,0	34	8	38	44
Олхўри	9,9	34	10	44	47
Шафтотли	23,4	85	20	82	130
Беҳи	21,0	52	17	65	74
Қизил смородина	20,1	133	51	82	174
Қора смородина	7,3	63	25	34	94
Кулупнай	10,8	156	35	184	—

Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти маълумоти бўйича олма 120 т/га ҳосил билан тупроқдан 80—85 кг азот, 25—30 кг фосфор ва 85—90 кг калийни олиб кетади.

Маълумки, мевали дараҳтлар тўла ҳосилга киргунга қадар бир неча босқични босиб ўтади. Ҳар бир босқич учун ўзига хос ўғит меъёрлари белгиланади.

Боғ яратиш дараҳт кўчатларини етиштиришдан бошлиланади. Кўчат етиштириш эса бир неча (2—3) йил давом этади. Бу даврдаги тадбирлар тизимида тупроқларни маданийлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Тупроқ кузда 30—45 см чуқурликда ҳайдалади. Шудгор олдидан тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда гектарига 30—100 т чала чириган гўнг, 60—100 кг фосфор, 70—80 кг калий сочиб чиқилади (бедапоя ўрнида барпо этиладиган кўчатзорларга маҳаллий ўғитлар киритилмаса ҳам бўлади), сўнгра сидерат сифатида биронта дуккакли-дон экин етиштирилади.

Мевали дараҳт уруғи экиладиган майдонга кузда 20—50 т чала ёки тўла чириган гўнг, 100—150 кг фосфор ва 60—90 кг калий киритилади. Экиш билан бир пайтда гектарига 20 кг P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> берилса, уруғлар тез ва қийғос унади. Бу даврда азотли ўғит киритилмайди.

Ниҳоллар ўзини яхши тутиб олгандан кейин (3—4 чин барг даври) гектарига 40—50 кг азот киритиб, биринчи қўшимча озиқлантириш, орадан 20—25 кун ўтгач шу меъёрдаги азот билан иккинчи қўшимча озиқлантириш амалга оширилади.

Озиқлантириш учун гўнг шалтоги ва парранда ахлатидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда гўнг шалтоги 5—10 марта суюлтирилади ва гектарига 10—15 т ҳисобида 4—5 см чуқурликка киритилади. Парранда ахлати сув билан 1:2 нисбатда аралаштирилади ва бир неча кун қолдирилади. Кейин 8—10 марта суюлтирилиб, гектарига 0,8—1,0 т ҳисобида киритилади.

Ўзини тутиб олган ниҳоллар иккинчи йилнинг баҳорида 100—150 кг, июнь ойида 75—100 кг меъёрида азот (N) билан озиқлантирилади. Данакли мева ниҳоллари учун бу меъёр 1/3—1/4 марта камайтирилади.

**Мевали дараҳт кўчатларини озиқлантириши.** Етилган ниҳолларни кўчат қилиб ўтқазиша кўпроқ хандақ (эни 40—50 см чуқурлиги 50—60 см) усулидан фойдаланилади. Маҳаллий ўғит йиллик меъёрининг ярми хандақ ковлаш учун режалаштирилган чизик бўйлаб ва қолган ярми хандақ остига ташланади. Азотли ўғитлар киритилмайди. Фосфор ва калий ҳам хандақ остига ташлангач, бульдозер билан кўмилади ва кўчатлар механизмлар ёрдамида ўтқазилади. Ҳар бир кўчат ўрасига 20—30 л сув қуилади ва кўчат танасининг атрофи торф, компост ёки гўнг билан мульчаланади.

Кўчат учун ковланадиган ўранинг катталиги қуидагича: олма ва нок учун 100—60—0,5; олча, гилос ва олхўри учун 80—40—0,3; смородина, малина ва бошқа бутасимонлар учун 50—30—0,15. Биринчи рақам ўранинг эни см, иккинчи рақам чуқурлиги см ва учинчи рақам ҳажми, м<sup>3</sup>.

90-жадвалда битта кўчат ўраси учун белгиланган ўғит меъёрлари келтирилган. Ўранинг ҳажми оширилса, шунга мос равища ўғит меъёри ҳам ўзгартирилади.

Кўчат ўраларига янги ёки чала чириган гўнг ташлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки уларнинг чиришидан тупроқ қатламларида ҳосил бўладиган чала оксидланган бирикмалар кўчатларни тутиб кетишини қийинлаштириади. Калийли ўғит сифатида калий сульфат топилмаса, калий хлориддан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Ёш ва ҳосилга кирган мевали дараҳтларни озиқлантириши.** Кўчат ўтқазилгандан кейин ёш мевали дараҳтларни озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда дараҳт-

**Битта кўчат ўраси учун белгиланган ўғит меъёри, кг.**  
**(Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва виночилик институти)**

Ўғит тuri	Уруғли мевалар	Данакли мевалар	Бутасимон мевалар
Гўнг (тўла чириган)	20–30	10–15	8–10
Аммиакли селитра	0,06	0,04	0,02
Калий сульфат	0,15	0,06	0,04
Суперфосфат	1,0	0,0	0,2
Жами: озиқ моддалар (соф модда, г)	N–20 P–200 K–60	N–14 P–80 K–30	N–7 P–40 K–18

ларнинг жуссаси кичик бўлгани учун қатор ораларида картошка, сабзаот экинлар, хашаки илдизмевалилар ва беда етиштириш мумкин. Лекин мазкур экинларга турроқ унумдорлигини янада оширишни таъминлайдиган дараражада маҳаллий ва минерал ўғитлар киритилади. Енгил механикавий таркибли турроқларда люпин ва хантал ёки вика ва сули аралашмаси кўкат ўғит сифатида етиштирилади.

Турроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, битта дараҳт танаси атрофида  $1\text{ m}^2$  юзани ўғитлаш учун 3–4 кг гўнг, 5–10 кг азот, 4–10 кг фосфор ва 3–5 кг калий тавсия этилади. Келтирилган рақамлар гектарига 30–40 т гўнг ва 30–100 кг соф озиқ моддага эквивалентdir.

Мевали дараҳтларга бериладиган ўғит меъёри уларнинг ёшига боғлиқ равишда ўзгарили. Масалан, дараҳтнинг ёши 6 га teng: у ҳолда илдизининг тарқалиш диаметри 3 м га (6:2), юзаси эса 7  $\text{m}^2$  га teng бўлади. Агар 1  $\text{m}^2$  юза учун 4 кг гўнг, 5 кг азот, 5 кг фосфор ва 5 кг калий лозим бўлса, 6 ёшли дараҳт учун бу рақамлар 28 кг гўнг ва 35 кг дан азот, фосфор, калийга тўғри келади. Шу йўл билан турли ўшдаги мевали дараҳтлар учун ўғит меъёрини ҳисоблаш мумкин (91-жадвал).

Етук мевали боғларнинг қатор ораларида қўшимча экинлар етиштирилмайди, фақат кўкат ўғит сифатида айрим дуккакли-дон экинлари етиштириш тавсия этилади. Уларга фосфорли ва калийли ўғитлар ва гўнгнинг 2–4 йиллик заҳиради бир йўла киритилади.

**Токни ўғитлаш.** Ток ўзининг серҳосиллиги ва ўғитларга талабчанлиги билан ажralиб туради. Шу боис токзор учун ажратиладиган майдон турроқлари унумдорлигини ошириш учун ҳайдашдан олдин 50 т тача

**Турли ўшдаги мевали дараҳтлар учун белгиланган ўғит меъёри**  
**(Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва виночилик институти)**

Дараҳтнинг ёши	Гўнг, кг	Минерал ўғитлар, г		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2	4	5–10	4–10	3–5
4	20	22–45	20–45	15–20
6	30	35–70	30–70	20–30
8	40	50–100	40–100	30–50
10–12	50–55	60–120	50–120	50–60

гўнг, 700–750 кг фосфорли ўғит ва 100–150 кг калийли ўғит киритилади. Мумкин қадар таркибида хлорни тутмайдиган калийли ўғитлардан фойдаланиш керак. Кўчатларнинг авжи паст бўлса, май-июнъ ойларида 50 кг азот, ва 40–50 кг фосфор билан қўшимча озиқлантирилади.

Ҳосилга кирган токлар ҳар йили гектарига 100 кг азот, 90 кг фосфор ва 30–40 кг калий билан озиқлантириб борилади. Биринчи озиқлантириш май ойида (60 кг азот, 45 кг фосфор, 15 кг калий), иккинчиси эса июнъда (40 кг азот, 45 кг фосфор, 15 кг калий) ўтказилиди. Ҳар икки йилда бир марта 20–30 т/га миқдорида гўнг киритилади. Компостлар ва эски девор қолдиқларини қўллаш узум ҳосили ва сифатини оширади.

**Тутни ўғитлаш.** Тут меваси ҳосилдорлигини ошириш ва барг сифатини яхшилашда минерал ҳамда маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти катта. Тут етиштириш режалаштирилган майдон турроқлари олдиндан маданийлаштирилади (30–40 т/га гўнг, 60–80 кг фосфор ва 45–50 кг калий билан) ва кўчат етиштирилади. Етилган кўчатлар қўчириб ўтқазиша гектарига 60–180 кг азот ва 30–100 кг фосфор билан озиқлантирилади.

Минерал ўғитлар икки муддатда: кўчатлар экиб бўлингач азот йиллик меъёрининг 50% и, орадан бир ой ўтгач азотнинг қолган қисми ва фосфорнинг йиллик меъёри тўлалигича киритилади, изидан сугорилади.

Ҳаётининг иккинчи йилдан бошлаб гектарига 100–250 кг азот, 50–100 кг фосфор ва 30–50 кг калий тавсия этилади ва ўғитларнинг йиллик меъёри тўлалигича эрта баҳорда сугориш олдидан турроқка киритилади. Тутта ўғит меъёларини белгилашда майдон турроқ-

ларининг агрокимёвий хаританомаси маълумотларидан унумли фойдаланиши ва режалаштирилган ҳосилни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

### Ўғитлардан олинадиган иқтисодий самара ва уни ҳисоблаш

Ўғит қўллашда албатта улардан олинадиган иқтисодий самара ҳисобга олиничи лозим. Одатда иқтисодий самара гектаридан олинадиган қўшимча ҳосил (*ц/га*), тупроққа киритилган ўғит бирлигининг дон, тола ёки озуқа билан қопланishi ва шунингдек соф даромаднинг миқдори (*сўм*) билан ифодаланади.

Мамлакатимиз ва хорижда амалга оширилган кўп сонли дала тажрибалари асосида, минерал ўғитлар тупроққа ўртача меъёрда киритилганда, бир *кг* таъсир кўрсатувчи соф модда қўшимча равишда 2,7—5,7 *кг* дон, 4,7—7,1 *кг* маккажӯхори дони, 6—11 *кг* шоли, 20—32 *кг* картошка, 26—52 *кг* қандлавлаги, 2,3—5,6 *кг* пахта толаси, 2,0—3,5 *кг* кунгабоқар уруги олиш имконини берishi аниқланган.

Турли тупроқ ва иқлим шароитларида ўғит қўллаш билан боғлиқ бўлган бир сўмлик сарф-харажат 1,5—8,0 сўмлик соф даромад келтиради. Маҳаллий ўғитларни қўллаш учун сарфланган бир *сўм* 1,5—5,0 сўм билан қопланади.

Ишлаб чиқариш шароитидаги иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун ўғитланган ва ўғитланмаган майдонлардаги ҳосил миқдори ўзаро таққосланади.

Шартли соф даромадни ҳисоблашда қўшимча маҳсулотнинг қийматидан ҳосилни етишиши учун сарфланган барча харажатларнинг қиймати чегириб ташланади.

ЎҒИТ ҚЎЛЛАШ ҳисобига олинадиган соф даромаднинг миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$C_d = (K_d + K_k) - X; \quad (1)$$

бу ерда:

$C_d$  — соф даромад миқдори, *сўм*;

$K_d$  — ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосил қиймати, *сўм*;

$K_k$  — шу асосда олинган оралиқ маҳсулот қиймати, *сўм*;

$X$  — барча харажатлар йигиндиси, *сўм*.

Ўғит киритишнинг рентабеллигини ҳисоблаб топиш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$P_k = \frac{(K_d + K_k) - X}{X} \cdot 100; \quad (2)$$

(1) формулада  $(K_d + K_k) - X = C_d$  бўлганлиги сабабли:

$$P_k = \frac{C_d}{X} \cdot 100, \text{ бу ерда:} \quad (3)$$

$P$  — ўғитнинг рентабеллиги, %

Рентабеллик — соф даромадни қўшимча сарф-харажатларнинг умумий миқдорига нисбатини кўрсатувчи катталикдир.

Собиқ Бутуниттифоқ ўғит ва агротупроқшунослик илмий тадқиқот институти ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти олимлари илгари сурган усулда ўғитлардан олинадиган иқтисодий самаранинг асосида қиймат баҳоси ётади.

Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилиши мумкин:

$$M_{y_c} = \frac{X}{M} \quad \text{ва} \quad M_y = \frac{X + X_k}{M + M_k}, \quad (4)$$

$M_{y_c}$  ва  $M_y$  — ўғитсиз ва ўғитланган майдонлардаги меҳнат унумдорлиги, *кун/куни*; *куни*.

$X$  ва  $X_k$  — ўғитсиз олинган ҳосил ва ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, *ц/га*;

$M$  ва  $M_k$  — ўғитсиз этиширилган маҳсулотга кетган меҳнат сарфи ва ўғит киритилиш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатлар, *кун/га*.

$X$  — ўғитсиз вариант ҳосили, *ц/га*;

$X_k$  — ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, *ц/га*.

Юқоридаги формуладан (4) меҳнат унумдорлигининг ортиши қуйидагича топилади:

$$y = \frac{M_{y_c}}{M_y} \cdot 100; \quad (5)$$

$y$  — меҳнат унумдорлигининг ўсиши, %

## ХІ Б О Б. АГРОКІМЕНІНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғланган табиий ва антропоген объект ва ҳодисалар мажмудан иборат бўлиб, унинг асосий категориялари жумласига антропогенез, техногенез, техноген экотизим, геосфера, биогеосфера, биогеоценоз кабиларни киритиш мумкин. Қишлоқ ҳўжалик корхоналари, дала, ем-ҳашак ва сабзавот экинларини алмашлаб экиш, ток, тут ва дарахтзорлар антропоген асосли агрономик экотизим ҳисобланади, инсон уларга мелиорация, ўғитлаш, агротехникавий тадбирлар, нав ва бошқалар билан таъсир кўрсатади.

Маълумки, минерал ўғитлар кимёвий моддалар жумласига кириб, маълум даражада гигроскопиклик хусусиятига эга. Шу боис улар маҳсус нам ўтказмайдиган крафт ёки полиэтилен халталарда сақланиши ва ташилиши лозим. Лекин кўп ҳолларда минерал ўғитлар очиқ (тўкма) усулда мослаштирилмаган автоулов ва трактор тиркамаларида ташилмоқда, кўп миқдорда минерал ўғитлар исроф бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, табиий фосфатларни қазиб олиш жараённида 25—30% хом-ашё ер остида қолиб кетади. Фосфорит рудасини бирламчи ва иккиламчи бойитиши (ювищ, майдалаш, флотация қилиш) жараённида қазиб олинган хом-ашёнинг 30% га яқини исроф бўлади. Табиий фосфатлардан суперфосфат, фосфат кислота ва концентрангандан ўғитлар олиш жараённида яна 5—6% фосфор йўқолади. Тайёр ўғитларни ташиш, сақлаш ва тупроққа киритишдаги исрофгарчилик тахминан 10—15% ни ташкил қиласди.

Темир йўл станцияларида ўғитлар нобудгарчилиги ўртacha 0,13—3,6% га тенг бўлиб, бу катталик ўғитлар қоплаб ташилганда 1,0—2,6%ни, тўкма усулда эса 1,98—3,6% ни ташкил этади.

Ўғитларнинг исроф бўлиши уларни сақлаш усули билан узвий боғлиқдир. Маҳсус ўғит омборларида бу

катталик 2,55%ни ташкил этса, очиқ-сочиқ ҳолатда сақданганда 11,1% гача этади.

Ўғитлар вагондан тўғридан-тўғри омборга туширилса, нобудгарчилик «вагон-автоулов-омбор» занжиридагига нисбатан 2—2,5 марта камаяди.

Юлаш, ташиш ва тушириш жараёнларида ўғитларни сегрегацияси ошади, пайкалга бир текис тақсимланмайди ва самарадорлиги пасаяди.

Ўғит сочиш мосламаларини тўғри созлаш ўғитлар исрофгарчилигини камайтиришда муҳим ўрин тутади. Ўғит сочишдаги нотекислик 20—25% дан ошганда кўчат қалинлигидаги бир текислик бузилади, буғдо ҳосилининг пишиб етилиши 3—6 кунга кечикади, шохланиши суст кечади, доннинг бўлиқлиги пасаяди.

Алмашлаб экишни ташкил этиш ва тўғри жорий қилиш ўғитлар исрофгарчилигини олдини олишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда пайкалларни экин билан банд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Нишонлаган ионлар ( $^{15}N$ ) билан ўтказилган тадқиқотлар асосида тупроқдан газ ҳолатда мосуво бўладиган азотнинг 10% га яқини экин экилмаган ва ўғит юза киритилган пайкалларга тўғри келиши, экинлар билан банд бўлган майдонларда бу кўрсаткич 0,5% ни ташкил қилиши аниқланган.

Турли қишлоқ ҳўжалик экинлари тупроқдан озиқ моддаларни ювилишига турлича таъсир кўрсатади. Бу масалада асосий экин турларини қўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: сабзавотлар > илдиз мевалар > дон экинлари > ўт ўсимликлари (92-жадвал).

92-жадвал.

Экин турларининг тупроқдан ювиладиган азот миқдорига таъсири  
(Шконде, 1979)

Экин тури	Тупроққа киритилган $N$ меъёри, кг/га	Исроф бўлган $N$ миқдори, кг/га
Ўтлоқ	175	20
Фалла экинлари	64	43
Чопикталаб экинлар	126	68
Сабзавот экинлари	270	82

Америкалик тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, шудгорлаб ташлаб кўйилган майдонлардан экин билан банд пайкалларга нисбатан кўпроқ озиқ моддалар ювилади.

Келтирилган мулоҳазалардан азотнинг ювилиши жадал кетадиган регионларда дехқончиликнинг ўзига хос тизимларини қўллаш ва биринчи навбатда донли ҳамда озуқабоп экинларни алмашлаб экишга жиддий эътибор берилиши лозим деган хулоса келиб чиқади.

### Суғориладиган шароитларда ўғит қўллаш муаммолари

Суғориладиган дехқончилик шароитида тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддалар исроф бўлади. Суғориш тармоқларининг номукаммаллиги оқибатида оқава сувларнинг аксарияти дарё ва бошқа сув ҳавзаларига ташланади. Улар билан бирга ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларнинг бир қисми тупроқдан мосуво бўлади.

Турли ўғитлар таркибидан ювиладиган озиқ моддалар миқдори бир хил эмас. Кузатишлар асосида суперфосфат таркибидаги фосфорнинг амалда ювилмаслиги аниқланган бўлса, энг кўп озиқ моддалар аммиакли селитрадан ( $20 \text{ мг/л} \text{ NO}_3^-$  ва  $0,2 \text{ мг/л} \text{ NH}_4^+$ ) ювилиши исботланган. Бу кўрсаткич аммоний сульфат ва мочевинада мос равишида  $\text{NO}_3^-$  — 3,5 ва  $10 \text{ мг/л}$ ;  $\text{NH}_4^+$  — 1,6 ва  $2,7 \text{ мг/л}$  ни ташкил қўлган.

1 га майдондан ўртача 0,8—1,0 кг/га (енгил механикавий таркибли тупроқларда бир мунча кўпроқ) фосфор ювилиши эътироф этилган.

Азотли ўғитлар таркибидаги нитрат шаклдаги азот суформа сувлар таъсирида осон ювилади ва атроф муҳитни ифлослантиради. Нитратларнинг ювилиши эрта баҳор ва кеч кузда сезиларли даражада кучаяди. Қуруқ иқлими шароитларда суғоришдан кейин нитратлар тупроқ капиллярлари бўйлаб юқори кўтарилади. Шу боис дехқончиликда азотли ўғитларни киритиш муддатлари ҳамда аммиак шаклдаги азотнинг нитрификацияланиш жадаллигини билиш катта амалий аҳамиятга эга. Азот нитратли — азотли ўғитлар таркибидан бошқа турдаги азотли ўғитларга нисбатан кўпроқ ювилади.

Суюқ ҳолатдаги азотли ўғитлар тупроқнинг юза қатламларига киритилганда, кўп миқдорда азот йўқолади. Қумоқ тупроқларда сувли аммиак ( $\text{NH}_4\text{OH}$ ) 10—12 см, суюлтирилган аммиак ( $\text{NH}_3$ ) 16 см, чуқурликка киритилганда, азотнинг исроф бўлиши кузатилмайди. Оғир-

механикавий таркибли тупроқларда бу кўрсаткич 7—8 ва 12—14 см ни ташкил этиш лозим.

Фосфорли ўғитлар қийин эрийдиган шаклда бўлгани, калий тупроқ сингдириш комплекси томонидан алмашиниб сингдирилганлиги сабабли ўсимликларнинг илдиз тизими тарқалган қатламдан жуда кам ювилади.

Фосфор ва калийнинг тупроқда фиксацияланиши жуда тез (1—2 кеча-кундуз ичida) содир бўлади. Бунда фосфорнинг кўп қисми (60—70%) қийин ўзлаштириладиган шаклга ўтади. Бу жараён биринчи навбатда ўғитнинг физикавий ҳолатига боғлиқ бўлиб, одатда кукусимон ҳолатдаги фосфорли ўғитлар донадор ўғитларга нисбатан тупроқ билан кўпроқ мулоқотда бўлади ва табиийки, тезроқ қийин ўзлаштириладиган шаклга ўтади.

Фосфорли ва калийли ўғитлар экишгача тупроқнинг юза қатламларига киритилса ёки қўшимча озиқлантириш сифатида қўлланилса уларнинг асосий қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмайди. Шу боис фосфорли ва калийли ўғитлар ийлилк меъенининг 50—60 % и кузи шудгор остига киритилади.

Тупроқларнинг механикавий таркиби, сув режими ва ўғит меъёрига боғлиқ равишда 1 га майдондан ўртача 1—30 кг азот 0,4—60 кг калий, 4—60 кг олтингугурт, 3—90 кг магний ва кам миқдорда фосфор ювилади.

Ўғитларни ноўрин қўллаш ва суғоришни нотўғри амалга ошириш оқибатида кўп миқдордаги нитратлар сизот сувларига қўшилади ёки ювилаб сув ҳавзаларига келиб тушади, қайсики экологияни бузади. Лекин ўғитларни илмий, илғор агротехникавий тадбирлар асосида қўллаш атроф-муҳитга зарар етказмасдан экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини беради.

### Тупроқ эрозияси ва ўғитларнинг исроф бўлиши

Озиқ моддаларнинг тупроқдан мосуво бўлишида сув ва шамол эрозияларининг таъсири катта. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда агротехникавий тадбирларга тўла амал қилмаслик тупроқ эрозиясини юзага келтиради, қайсики фақат тупроқ таркибидаги эмас, балки ўғит билан киритилгандан озиқ моддаларнинг ҳам асосий қисмини йўқолишига олиб келади.

Сув эрозияси натижасида ҳосил бўладиган жарларнинг ўзи ийлига 200—300 га унумли экинзорларни қишлоқ хўжалик ўрамидан чиқаради. Жарларга нисбатан туп-

роқларнинг юза ювилиши кенг тарқалган бўлиб, унинг таъсирида тупроқ унумдорлиги кескин пасаяди, экинзорлар зарарланади, ҳосилнинг 10–70% нобуд бўлади.

Юза ва чизиқсимон эрозия натижасида ҳар *га* майдондан 10–30 *m* гумусли қатlam ювилади (жалалар чоғида бу кўрсатгич 75–120 *t/га* ни ташкил қиласди). Ювилган тупроқ таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдори жуда катта рақамларни ташкил қиласди.

Шамол эрозияси етказадиган зарар сув эрозиясидан қолишмайди. Дефляция натижасида буғдой ва сорго ҳосили гектарига мос равишида 2,7 ва 3,1 *ц/га* камаяди.

Тупроққа ўғит киритиш озиқ моддаларни янада кўпроқ ювилишига сабаб бўлади. Айрим маълумотларга кўра, ўғит киритилмаган пайкалдаги *райграс* остидан 3 *кг/га* азот ювилган бўлса, гектарига 200–300 *кг* азотли ўғит ишлатилганда, бу кўрсаткич 2,5–3,0 марта кўпайди.

Тупроқдаги калийнинг ювилишига пайкалнинг ўсимлик билан банд ёки банд эмаслиги кучли таъсири кўрсатади. Чунончи, шудгор қилиб ташлаб қўйилган майдоннинг бир гектаридан 160 *кг* калий ювилса, кўп йиллик ўтлар билан банд пайкалдан атиги 3,0 *кг* калий ювилади.

Тупроқ эрозияси таъсирида озиқ моддалар йўқолишининг олдини олиш учун қўйидаги чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

- тупроқ эрозиясига қарши ишлаш тизими (адаргичсиз плутлардан фойдаланиш ишлов сонини камайтириш, чизеллашни сифатли ўтказиш ва ҳ. к.)ни йўлга қўйиш;
- нишаблиги юқори бўлган майдонларни «супача» ва «йўлакча» усулида ҳайдаш, эрозияга қарши алмашлаб экишни жорий қилиш;
- пайкалларни экинлар билан банд қилиш;
- эрозияга мойил пайкалларга кўп йиллик ўтлар уругини экиш;
- ўғит турларини тупроқ-иқлим шароитларини хисобга олган ҳолда мақбул меъёр, муддат ва чуқурликда қўллаш;
- структура ҳосил қилувчи полимерлардан унумли фойдаланиш.

## Ўғитларнинг хосса ва сифатларини яхшилаш — экологик муаммоларни ечишда муҳим тадбир

Минерал ўғитларнинг агрокимёвий, физикавий ва механикавий хоссаларидағи номуккамаллик салбий оқибатларга олиб келади.. Масалан, ўғитлар (айниқса, мочевина) тупроққа юза киритилса, исрофгарчилик ошади. Ҳиндистон ва Францияда амалга оширилган тажрибаларда *pH* ва тупроқ ҳароратининг кўтарилиши ўғитлар нобудгарчилигининг ошишига сабаб бўлиши аниқланган.

Маълумки, азотли ўғитлар таркибидаги нитратлар жуда ҳаракатчан бўлиб, ювилишга мойилдир. Лекин азотнинг барча шакллари охир-оқибат нитрат шаклга ўтади. Мазкур жараён айрим омиллар таъсирида тезлашиши ёки секинлашиши мумкин. Жараённи секинлашишнинг асосий йўлларидан бири ўғитларни *нитрификация ингибиторлари* (*N-Serve, Extend, Am, ATG, нитропирин* ва бошқалар) билан кўллашдир. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра ингибиторлар таъсирида ўғитлар таркибидаги азотнинг фойдаланиш коэффициенти 10–15% га ошади, исроф бўлиши эса 1,5–2,0 марта камаяди.

*N-Serve* ингибиторидан фойдаланишда паҳтадан 3,2, картошкадан 34,0, кузги буғдойдан 1,7 *ц/га* қўшимча ҳосил олинган.

Тупроққа азотли ўғитлар меъёридан ортиқ киритилса, ингибиторларнинг таъсири камаяди ёки умуман йўқолади.

Замонавий агрокимё олдида турган асосий муаммолардан бири секин таъсири этувчи азотли ўғитлардан фойдаланишдир. Лекин бу масалада мутахассислар яқдил фикрга келмаганлар. Масалан, *инглизлар* бундай ўғитлар ишлатилганда, тупроқнинг азот режими бошқариш мушкуллашади, шу боис ингибиторли ўғитлар истиқболсиз деб ҳисобласалар, *Германияда* бу борада жиддий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Секин таъсири этишни таъминлаш учун ўғитлар капсула қилинади, капрон, полиэтилен, парафин ёки элементар олтингугурт билан қопланади, қайсики улар озиқ моддаларни ўсимликлар томонидан узоқ муддат ўзлаштирилишига сабаб бўлади. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар асосида капсулаланган ўғитлардан калийнинг йўқолиши капсула қилинмаган ўғитларга нисбатан 86% кам бўлган. Чехословакияда маккажӯҳори капсула қилин-

ган ўғитлар билан озиқдантирилганды, ўсимликнинг азот, фосфор ва калийдан фойдаланиш қоэффициенти 47, 19 ва 50%ни ташкил қылган.

Минерал ўғитлар кимёвий таркибини яхшилаш ҳам экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, аксарият ўғитлар таркибида фтор, хлор, натрий ва бошқа балласт моддалар мавжуд бўлиб, мунтазам ишлатилганды, уларнинг тупроқдаги миқдори ошиб боради ва атроф-муҳитга сезиларли таъсири қиласди. Фосфорли ўғитлар олишда ҳом ашё ҳисобланадиган апатит ва фосфоритларни таққослаб кўрсак, таркибидаги фтор миқдори бўйича сезиларли фарқ қиласди (93-жадвал).

93-жадвал.

#### Турли конлардан олинадиган ҳом ашёлар таркибидаги фосфор ва фтор миқдори

(В. Г. Минеев, 1988)

Ҳом ашё	Фосфор миқдори, %	Фтор миқдори, 1 т фосфорга нисбатан кг
Актюбинск фосфорити: ювилган флотацияон Хибин апатити Қаратовнинг бойитилган фосфорити Кингисеп концентрати	8,3 11,0 15,7 12,5 15,6	300 277 190 216 150

Ўғит билан тупроқда тушадиган фтор чорва моллари маҳсулдорлигини пасайтиради, ривожланишини секинлаштиради, нимжон қилиб қўяди. Инсонлар саломатлигига ҳам салбий таъсири қўрсатади.

Дунёнинг турли мамлакатларида ишлаб чиқариладиган фосфорли ўғитлар таркибидаги зарарли элементлар миқдори билан фарқланади. Масалан, Австралия суперфосфати 170 мг/кг гача кадмий элементни тутса, бу элементнинг миқдори Хибин апатитларидан олинадиган ўғит таркибида 1,5–30 мг/кг ташкил этади. Шу боис таркиби яхшиланган минерал ўғитларни яратиш, ишлаб чиқиш ва дехқончиликда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

#### Ўғитларнинг атмосферага таъсири

Атмосфера асосан саноат ва транспорт чиқиндилари билан ифлосланади. Минерал ўғитларнинг атмосфера таркибида таъсири унча кучли бўлмасада, барибир наёён бўлади.

Тупроққа ўғит киритилгандан кейин маълум фурсат ўтгач, атмосферада азот, фосфор ва олtingугурт биримлари учрайди.

Атмосферага азотли биримларнинг чиқиши кўпроқ денитрификация ва азотли ўғитларнинг тупроқдаги карбонатлар билан таъсиралашиши натижасида содир бўлади. Денитрификацияда асосан N<sub>2</sub> ва N<sub>2</sub>O, камроқ NO ва NO<sub>2</sub> биримлари ҳосил бўлади.

Собиқ Иттифоқда амалга оширилган тадқиқотлар асосида ўғитлар таркибидаги азотнинг денитрификация натижасида исроф бўлиши ўртача 24%ни ташкил этиш аниқланган (94-жадвал).

Денитрификация жадаллиги кўпроқ азотли ўғит турига боғлиқ бўлиб, селитралар таркибидаги азот бу жараёнга нисбатан осонроқ чалинади. Шунингдек, тупроқни сифатсиз ишлаш, ўғитларни нотўғри қўллаш ва бошқа омиллар денитрификация жараёнини тезлаштиради.

94-жадвал.

#### Денитрификация таъсирида ўғитлар таркибидаги азотнинг исроф бўлиши

(Коренъков ва Борисова, 1980)

Ўғит тури	Исроф бўладиган азот миқдори	
	Ўртча	қуйи ва юқори чегараси
NH <sub>4</sub> SO <sub>4</sub>	22	9–47
NH <sub>4</sub> OH	14	10–22
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	27	11–48
KNO <sub>3</sub>	22	11–29
NaNO <sub>3</sub>	36	26–49
Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	20	10–39
CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub>	27	14–50
Ўртча	24	9–40

Азот ўғитларни бошқа турдаги ўғитлар билан биргаликда қўллаш денитрификация жадаллигини камайтиради.

Атмосферага маҳаллий ўғитларни нотўғри қўллаш ва сақлаш кучли таъсир кўрсатади. Тўшамасиз гўнгни очиқ-сочиқ сақлаш атмосферага кўп миқдорда  $\text{NH}_3$  ва  $\text{N}_2$  ни чиқишига сабаб бўлади. Атроф-муҳит ёқимсиз ҳид билан тўйинади.

Йирик шоҳли қорамол ва чўчқаларнинг тўшамасиз гўнгти нотўғри сақланганда кучли бактериал зарарлашишлар юзага келади. Масалан, чўчқахоналардан 100 м олисда, 1 м<sup>3</sup> ҳаво таркибида 8263 та микроб мавжуд бўлиб, аммиак миқдори 3–4 мг (концентрациянинг меъёрий чегараси 0,2 мг/м<sup>3</sup>), водород сульфид миқдори 0,112 мг (КМЧ—0,008 мг/м<sup>3</sup>)ни ташкил этади. 400 м олисда бу рақамлар 2 марта камаяди. Чўчқачилик хўжалиги тупроқларининг юза 15–25 см қатлами зарарли бактерияларга жуда бой. Маълумотларга кўра, 108 минг бош чўчқа мавжуд бўлган чорвачилик мажмуудан соатига 1,5 млрд. микроб, 159 кг аммиак, 14,5 кг водород сульфид ва 25,9 кг чанг атмосферага кўтарилади. Шунинг учун ҳам 400–500 минг бош паррандаси бор фермалар атрофида 2,5 км, 10 минг бош қорамоли мавжуд молхоналар атрофида 3,0 км, чўчқахоналар атрофида эса 5 км лик санитар-ҳимоя зоналари ажратилиди.

### Ўғитларнинг тупроқ хоссаларига салбий таъсири

Тупроқ биосфера занжирининг муҳим ҳалқаси бўлиб, у киритиладиган ўғитларнинг мураккаб таъсирига учрайди ва қуйидаги ўзгаришлар содир бўлиши мумкин:

- 1) тупроқ муҳитнинг нордонлашуви ёки ишқориyllашиши;
- 2) агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг ўзгариши;
- 3) ионларнинг алмашиниб ютилиши ёки тупроқ эритмасига сиқиб чиқарилиши;
- 4) биоген ва заҳарли элементларнинг ютилиши;
- 5) гумуснинг парчаланиши ёки тўпланиши;
- 6) тупроқ ва ўғит таркибидаги озиқ моддаларнинг ютилишига кўмаклашиш ёки қаршилик қилиш;
- 7) элементлар мобилизацияси ёки иммобилизациясининг ўзгариши;
- 8) ионлар антагонизми ёки синергизмининг намоён бўлиши ва шу асосда ўсимликлар озиқданишига таъсир кўрсатиши.

Тупроқка оҳак киритилиши нордон тупроқлар му-

хитини мўътадиллаштиради, мунтазам равишда физиологик нордон ёки ишқорий ўғитларни қўллаш тупроқ муҳитининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади.

Минерал ўғитлар тупроқдаги айрим элементларнинг ҳолатига кучли таъсир қиласди. Масалан, тупроқда фиксацияланган фосфор ундаги рухнинг ҳаракатчанлигини чеклайди. Лекин шу билан бир қаторда фосфорли ўғитлар марганец, мишъяқ, кўроғошин, ванадий ва стронций каби элементларнинг ҳаракатчанлигини оширади. Мазкур элементларнинг, жумладан кўроғошиннинг емхашак таркибидаги миқдори 10–15 мг/кг дан ошиб кетса, чорва молларига салбий таъсир кўрсатади. 95-жадвалда айрим тупроқлар таркибидаги кўроғошиннинг миқдори кўрсатилган. Кўроғошин тупроққа атмосферадан, сугорма сувлар ва ўғитлар орқали тушади.

95-жадвал.

### Айрим тупроқлар таркибидаги кўроғошин миқдори

Мамлакат	Ўртacha миқдори, мг/кг	Олинган намуналар сони	Манба
Швеция	15,9	361	Anderson, 1977
Дания	16,3	44	Tyell et all, 1978
Канада (Онтарио)	15,8	296	Frank et all, 1976
Канада (Манитоби)	17	16	Mill's et all, 1975
Буюк Британия	39	500	Wilkins, 1978

Фосфорли ўғитлар ўз таркибida турли миқдорда рух тутади. Австралияда тайёрланадиган фосфорли ўғитлардаги рух миқдори 182–300 мг/кг га етади. (Тупроқдаги рух миқдори 100–300 мг/кг дан ошса, ўсимликларга зарар қиласди).

Автомобиль йўллари, аэропортлар ва йирик металлургия корхоналарига яқин майдонларда оғир металларнинг миқдори кескин ошади.

Маълумки, ҳар бир озиқ элементи ўсимлик танасида, маълум функцияни бажаради ва табиийки уларнинг танқислиги ёки меъридан кўплиги ўсимликнинг ташкии белгиларида намоён бўлади. Лекин шу билан бир қаторда озиқ моддалар ўсимликларга билвосита йўл билан ҳам таъсир кўрсатади. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра ўғит таркибидаги азот ўсимликлардаги замбуруғ касалликларнинг кучайишига ёрдам беради. Ма-

салан, *P. funiculosum* замбуругининг фаоллиги азотли ўгитлар таъсирида кучаяди. Аммиакли селитра вилт ка-саллигининг жадаллигига бошқа азотли ўгитларга нисбатан кўпроқ ёрдам беради. Шунингдек, аммоний сульфат *Fusarium*, *Ophiobolus*, *Verticillium* каби бир қатор касаллик түгдирувчиларнинг фаоллигини сусайтириши ҳам тадқиқотлар асосида исботланган.

Ўсимликларнинг озиқ элементлари билан таъминланганлиги ва уларга зарар етказадиган ҳашаротлар сони ўртасида ҳам муайян боғлиқлик мавжуд. Ўсимликлар калий билан яхши таъминланмаган шароитларда уларга ҳашаротлар катта зарар етказади.

Тупроқ ҳосил бўлиши ва унумдорлигига микроорганизмларнинг роли катта. 1 г соғлом ва унумдор тупроқ таркибида 3 млрд. га яқин микроорганизм бўлиб, улар плазмасининг массаси ярим метрли тупроқ қатламида 8—12 м/га ни ташкил этади. Улар экинларнинг вегетация даврида 18—27 марта урчиди. 1 га майдонда 5—6 млн. дона ёмғирчувалчангги учрайди. Тупроқдаги тирик организмлар турли-туман вазифаларни бажаради: она жинс ва органик моддаларни ўз таналаридан ўтказади, тупроқни юмшатади ва донадорлаштиради, атмосфера-даги молекуляр азотни фиксациялади, физиологик фаол моддаларни синтезлайди. Лекин тупроқларни нотўғри ишлаш, айниқса, кимёвий моддалар (минерал ўгитлар ва пестицидлар) га ҳаддан ташқари ружу қўиши оқибатида тупроқдаги микроорганизмлар сони кейинги 50 йил ичидаги 3 марта камайиб. 1 г тупроқда ўртача 0,7—1,0 млрд. донани ташкил этмоқда.

### Ўгитларнинг маҳсулот сифатига таъсири

Маълумки, ўгитлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини оширади ва маҳсулот сифатини яхшилайди. Лекин айрим ҳолларда тупроқка киритиладиган ўгитлар маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мазкур салбий жараён минерал ва маҳаллий ўгитлар ҳаддан зиёд ишлатилганда, сапропель, майший чиқиндиларнинг кимёвий таркибини ўрганмасдан фойдаланилганда ва таркибида оғир металлар мавжуд бўлган ўгитлар мунтазам равишда тупроқка киритилганда намоён бўлади.

## XIII Б О Б. АГРОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Агрокимёвий изланишларда қўлланиладиган усуллар асосан иккى гурӯҳга — биологик ва лаборатория усулларига бўлинади.

Биологик усуллар ўз ичига вегетация, лизиметр ва дала тажрибаларини олади. Лаборатория усуллари де-ганде эса, ўсимлик, тупроқ ва ўгитларни агрокимёвий таҳлил қилишда фойдаланиладиган кимёвий, биокимёвий, микробиологик ва шунга ўхшашиб таҳлил турлари тушунилади.

### Биологик усуллар

Вегетация тажрибалари сунъий ва ярим сунъий шароитларда ўтказилади ва уларда ўсимликларнинг озиқланиши, тупроқларнинг сув режими ва уларда содир бўладиган айрим кимёвий, физикавий ва физиологик жараёнлар ўрганилади.

Академик Д. Н. Прянишников, ўзининг машхур «Агрорхимия» (1940) дарслигига «Дала тажрибасининг асосий вазифаси дала шароитида ўгитларнинг таъсир доисрасини ўрганиш бўлса, вегетация усулининг вазифаси айрим фактор ва жараёнларни ўсимлик, тупроқ ва ўгита кўрсатадиган таъсирини нисбатан қулий шароитларда кўрсатиб беришдир» деб таъкидлаган эди.

Вегетация тажрибалари дала тажрибаларининг ўрнини боса олмайди, чунки бу тажрибалар амалга оширилиш жараёнидаги шарт-шароитлари билан бир-бираидан фарқ қиласи.

Вегетация идишларида тупроқнинг ҳарорати, структураси, ҳаво ва сув ўтказувчанлиги ҳам ўзига хос бўлиб, ўсимликлар илдиз тизимининг ривожланиши ҳам анча қулий шароитларда шаклланади.

Вегетация тадқиқотларининг асосан учта тури фарқланади: сувли, қумли ва тупроқли мухит ўсимликлари устидаги тажрибалар.

Сувли ва қумли мұхит ўсимликлари устида иш олиб борища озиқ аралашмаларидан фойдаланилади. Биринчи озиқ аралашма Кноп ва Сакс лар томонидан яратилған. **Озиқ аралашмалари тузлар аралашмасыннинг эритмаси бўлиб, таркибида ўсимликлар ҳаёти учун зарур барча макро ва микроэлементларни тутади.** Одатда *Кноп, Гельригель, Прянишников, Хогланд-Снайдерс* озиқ аралашмаларидан, гўза устида ўтказиладиган тадқиқотларда эса *Белоусов* озиқ аралашмасидан кенг фойдаланилади (96-жадвал)

96-жадвал.

**М. А. Белоусов озиқ аралашмаси, (1975)**

Макроэлементлар,	1 л сувда г	Микроэлементлар,	1 л сувда мг
$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ – сувсиз	1,11	$\text{H}_3\text{BO}_3$	2,0
$\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ сувсиз	0,20	$\text{MnSO}_4$	2,0
$\text{K}_2\text{HPO}_4$	0,12	$\text{CuSO}_4$	0,3
$\text{KCl}$	0,075	$\text{ZnSO}_4$	0,5
$\text{MgSO}_4$ сувсиз	0,12	$(\text{NH}_4)_2\text{MoO}_4$	0,1
$\text{FeCl}_3$ сувсиз	0,027	$\text{Co}(\text{NO}_3)_2$	0,1

**Сувли ва қумли мұхитда ўсимликларни ўстириш техникаси.** Айни мақсадда кўп миқдорда озиқ аралашма керак бўлишини ҳисобга олиб, аралашма бир йўла кўп миқдорда тайёрланади ва оғзи маҳкам ёпиладиган, тўқ тусли идишларда сақланади.

Сувли мұхит ўсимликлари устида ўтказиладиган тадқиқотлар мақсади ва вазифаларига кўра уч ёки беш л сифимли шиша идишларда ўтказилади. Идишларнинг оғзи сотовдаги елим қопқоқ ёки пенопластдан қўлда тайёрланадиган маҳсус қопқоқ билан ёпилади.

Тадқиқотларнинг бу усулида ўсимлик уруғлари олдиндан *термостатда* үндирив олинади ва идиш қопқоғидаги тешикчалар орқали озиқ аралашмасига туширилади ҳамда пахта ёрдамида маҳкамланади.

Идишлардаги озиқ аралашмаси ҳар 2—3 кунда учдан икки қисмiga қадар янгилаб турилади, кунига 2—3 маҳал микрокомпрессор ёрдамида ҳаво юборилади. Идиш деворлари қора қоғоз ёки газлама билан қопланиши керак.

Қумли мұхитда ўтказиладиган тадқиқотларнинг афзаллиги унда субстратнинг бўлишидир. Одатда субстрат

сифатида аввалдан ювига куйдириб олинган, зарачаларининг диаметри 0,5—0,7 мм бўлган кварц қумдан фойдаланилади.

### Тупроқли мұхитда амалга ошириладиган вегетация тажрибалари

Тупроқли мұхитда амалга ошириладиган вегетация тажрибалари кетма-кет бажариладиган бир нечта тадбирни ўз ичига олади.

**Тупроқ олиш ва уни тайёрлаш.** Вегетация тажрибаси учун олинадиган тупроқ юзасидан куйидаги маълумотлар аниқ бўлиши керак: тупроқнинг номи, тупроқ олинган жой, тупроқнинг маданийлашганлик даражаси ва тарихи.

Тупроқ белкурак ёрдамида олинади ва аввалдан тайёрланган қоп ёки халталарга солинади. Кўп миқдорда тупроқ олишга тўғри келса, арава ёки тиркамалардан фойдаланилади. Тажриба учун олинадиган тупроқ миқдори идишларнинг сони ва сигимига қараб ҳисобланади.

Тупроқни олиш муддати ҳам тажриба натижаларига таъсири қиласи. Масалан, ёзда олинган тупроқтар азотнинг нитрификацияланиши ва калий ҳамда фосфорнинг иммобилизацияланишининг жадаллиги билан бахорда олинадиган тупроқлардан фарқ қиласи.

Тупроқни тайёрлаш ўз ичига тупроқни белкурак ёрдамида аралаштириш, элакдан ўтказиш ва таркибидаги илдиз ва бошқа механикавий аралашмалардан тозалашни олади.

**Идишларга тупроқ тўлдириши.** Фўза билан вегетация тажрибаларини ўтказишда кўпроқ *Вагнер* ёки *Митчелл* идишларидан фойдаланилади. Бу идишлар алюминий ёки руҳланган тунукалардан ясалади ва катталиги 30x30 ёки 40x30 см (1-рақам идишнинг баландлиги, 2-рақам эса диаметри) бўлади.

Тупроқ солишдан аввал идишлар яхшилаб ювилади, қуритилади, ичи бўёқ билан қопланади.

Идиш ичига 2,0—2,5 см диаметрли металл ёки шиша қувурча ўрнатилади. Идишнинг яна бир таркибий қисми дренаж мақсадида ишлатиладиган *тароқдир*. Идиш тубига, тароқнинг иккига ёнига ювилган 2—3 кг майдада тошчалар солинади.

Шағал ва тупроқни бир-биридан ажратиш учун идиш диаметридан 5—8 см каттароқ қоғоз қирқимлари ишлатилади.

Тупроқ тұлдирішдан олдин идишлар бир хил оғирлика келтирілади. Одатда 30x30 см<sup>2</sup> кattaлиқдаги идишга 20 кг құритилған тупроқ сияди. Идишларга жойлаш учун тайёрланған тупроқдан намлиқ ва агрокимёвий хоссаларни аниқлаш учун 4 тақрорликта намуналар олинади.

**Үғитлаш.** Вегетация тажрибаларида үгит турини танлаш ва құллаш эңг масъулиятли тадбир.

Үғитлар йиллик мө ёрининг бир қисми тажриба бошланишида тупроқ билан арапаштириләди ва қолган қисми сувда әрітилған ҳолда ниҳолларни құшимча озиқлантириш сифатида киритилади.

Уруғларни экши ви ниҳолларни парварышлаш. Уруғлар бир хил чуқурлукка бир вақтнинг ўзида экилиши лозим. Одатда ҳар бир идишга 10 донадан уруғ экилади.

Тупроқ ҳарорати ҳаддан зиёд қызмет кетмаслыги учун идишлар ичига пахта солиб тикилған маҳсус ёстиқчалар ёки 3—4 қават газета билан ўралади.

Ниҳоллар униб чиқиб, ўзларини бирмұнча тутиб олғач, яғаналанади: ҳар бир идишда 3 тадан ўсимлик қолдирілади (донли экинлар бундан мустасно). Ривожланышнинг 3—4 чин барғ даврида яна биттадан ўсимлик олиб ташланади. Шоналаш даврида эса ҳар бир идишда фақат битта ўсимлик қолдирілади. Олинган ўсимликтардан кимёвий таҳтилларда фойдаланылади.

**Сугориши.** Вегетация тажрибасини тұғри бажаришнинг асосий шартларидан бири сугоришни тұғри ташкил қилишдір.

Маңымзакар, яхши ривожланған ўсимликтар вегетация идишларидаги сувни тез сарфлаб қўяди. Лекин тажрибадаги ўсимликтарни қисқа муддатли чанқаб қолишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ўсимликтарга озиқ моддаларни ўзлаштирилиши ва барча биокимёвий жараёнларни мө ёрида кетишига салбий таъсир қиласи. Сувни ҳаддан ташқари кўп берилиши ҳам тупроқ тұла нам сифимини ортиши, ҳавонинг камайишига ва ўсимликтарни нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Сугориши тупроқдаги намлиқ унинг тұла нам сифимининг 60—70% ига, капилляр нам сифимининг 70—80% ига тенг бўлганда амалга оширилади.

Идишлардаги ўсимликтар ҳар куни, иссиқ кунларда эса кунига иккى марта сугорилади. Сугориши бир қисм сувни құвур орқали пастдан ва қолган қисмини тупроқ бетидан бериш йўли билан амалга оширилади. Бериладиган сув миқдори ҳар бир вариантдан битта

идиш оғирлигини тортиш йўли билан аниқланади. Барча идишлардаги намлиқни бир хил қилишга 10—14 кунда бир марта тажрибадаги ҳамма идишлар массасини тортиб, бир хил оғирлика келтириш йўли билан эришилади.

### Лизиметр усули

Лизиметр усули табиий шароитда маҳсус қурилмалар — лизиметрлар ёрдамида тупроқ қатламларida сувнинг ҳаракати ва сизиб ўтишини ўрганишга ёрдам беради. Агрокимёвий тадқиқотларда лизиметр усули үғитлар билан амалга ошириладиган тажрибаларда сув режимини, тузлар ва киритиладиган үғитларнинг тупроқдан ювилиш қўламини ўрганишида, шунингдек, тупроқдаги озиқ моддалар балансини таққослашда қўлланилади.

Лизиметрлар бетон, гильт, рухланған тунука ёки пластмассадан қурилади. Улар ичидаги тупроқ қатламишиниң қалинлиги 20—25 см дан бир неча м гача бўлиши мумкин.

Одатда лизиметрлар тупроқнинг табиий тузилиши сақлаган ҳолда жойнинг ўзида қурилади. Баъзи ҳолларда лизиметрлар келтирилған тупроқлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин. Тўлдирилаётган тупроқнинг зичлиги табиий тупроқ зичлигига мос келиши лозим.

Лизиметр тажрибаларида ҳам типиклик, битта белги билан фарқланиш принципи, аниқлик ва ҳаққонийлик ва ҳужжатларни юритиш қоидаларига қатъий амал қилиниши лозим.

### Дала тажрибалари усули

#### Дала тажрибалари олдига қўйиладиган талаблар

Ҳар қандай дала тажрибаси олдига бир қатор услубий талаблар қўйилади ва улардан асосийлари қўйидағилардан иборат: тажрибанинг типиклиги; фақат битта белги билан фарқланиш принципи; тажрибани маҳсус ажратилған майдонларда ўтказиши; ҳосилни ҳисобга олиш ва тажрибанинг ҳаққонийлиги.

**Тажрибанинг типиклиги.** Тажрибадан олинадиган нағижаларни айнан у ўтказилған жойнинг ўзида қўлланилишига тажрибанинг типиклиги дейилади.

Тадқиқотларда, табиий, ташкилий-хўжалик ва агротехникавий шароитларга нисбатан типиклик фарқланади.

Дала тажрибаларини ўтказишида тупроқ-икәлим шароитларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар қайси тупроқ типида бажарилса, олинган натижалар ҳам фақат шу тупроқ типи тарқалған ҳудудда құлланылади.

Барча агротехникавий тадбирлар юқори савиядада ташкил қилиниши, сифат ва бажарилиш муддатлари жиҳатдан бир хил бўлиши керак. Тупроқни ишлаш, экиш ва ниҳолларни парваришлашдаги барча мосламалар замонавий бўлиши керак. Навларнинг шу шароит учун яроқлилигига ва районлаштирилганингига жиҳдий эътибор берилиши керак.

**Фақат битта белги билан фарқланиш принципи.** Услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилингандан тажрибанинг муҳим шартларидан бири мантиқан битта белги билан фарқланиш принципидир, бошқача қилиб айтганда, **такқосланадиган варианлар бир-биридан фақат битта ўрганиладиган белгиси билан фарқ қилиши керак**.

Масалан, азотли ўғит дозалари устида ўтказиладиган тадқиқотларда варианлар ўртасидаги бир-биридан фарқланадиган белги ўғит дозасидир. Бошқа барча шароитлар (тупроқ шароитлари, ўтмишдош экин, тупроқни ишлаш усуллари, нав, экиш ва ўғитлаш муддатлари, усуллари, шунингдек, парваришлаш) барча варианларда бир хилда бўлиши керак.

**Тажрибаларни маҳсус майдончаларда ўтказиши** фақат битта белги билан фарқланиш принципининг мантиқий давомидир. Маҳсус ажратилмаган (тасодифий) майдонларда амалга оширилган тажрибаларнинг натижаларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили ва маҳсулот сифати тажрибада ўрганилаётган варианларнинг энг холис кўрсаткичидир. Ҳосилни ҳисобга олиш ўйли билан тажриба варианларида ўрганилаётган фактор ва омилларнинг таъсири миқдоран аниқланади. **Тажриба ҳаққоний бўлгандагина ҳосилни ҳисобга олиш ва унинг сифатини баҳолаш маълум бир қийматга эга бўлади.** Тажрибаларнинг ҳаққонийлиги ва аниқлиги бир-бири билан боғлиқ лекин мустақил тушунчалардир. Аниқлик тажрибадан олинган натижаларни ўзига хос математикавий усуллар билан ҳисоблаб топилади.

Дала тажрибаларининг аниқлигига агрометеорологик шароитларнинг турли-туманлиги, тажриба майдон-

ни тупроқларининг бир жинсли бўлмаслиги, агротехникавий тадбирларни ўтказишида йўл қўйиладиган айрим нуқсонлар турлича таъсир кўрсатади.

Дала тажрибасида учрайдиган хатоликларни учта тоифага бўлиш мумкин.

**Тасодифий хатолар** — жуда кўп факторларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Тасодифий хатолар тажриба аниқлигига сезилар-сезилмас таъсир кўрсатади. Ҳар бир дала тажрибасида тасодифий хатоларни юзага келтирадиган элементлар мавжуд. Тасодифий хатоларнинг ўзига хос томони ундаги ижобий ва салбий элементларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида тажриба аниқлигига етказадиган заарнинг камайиши ва силлиқланишидир.

**Систематик хатолар** — маълум бир сабабни фақат битта йўналишдаги доимий таъсири натижасида юзага келади. Масалан, унумдорлиги жиҳатдан бир жинсли бўлмаган майдонни варианларга бўлиб тажриба ўтказиш. Систематик хатоларнинг ўзига хос ҳусусияти — битта йўналишда таъсир этишида, яъни олинадиган натижаларни ошириши ёки камайтиришидадир.

Дала тажрибалари олдига қўйиладиган талабларнинг бузилиши натижасида қўйол хатолар юзага келади. Масалан, тадқиқотчи янгилишиб ўғитсиз вариантга ўғит берди: бундай шароитда йўл қўйилган хатони тузатиб бўлмайди, олинган барча натижаларни бекор қилишга тўғри келади.

Дала тажрибаларидан олинган натижалар систематик ва қўйол хатолардан холи бўлганда математикавий йўл билан ишланади ва шу асосда маълум хулосалар чиқарилади.

**Дала тажрибаларининг турлари** Мақсади, ўтказиладиган жойи, тажрибанинг давомийлиги, бўлмаларнинг катта-кичилги ва бошқа кўрсаткичларига кўра дала тажрибалари бир нечта турга бўлинади.

**Ўтказилиши шароитига кўра:**

а) маҳсус ажратилган майдонларда ўтказиладиган дала тажрибалари; б) ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган дала тажрибалари.

**Кўйилган мақсадига кўра:**

а) агротехникавий дала тажрибалари; б) нав синаш дала тажрибалари.

**Фактор ёки омилларнинг сонига қараб:**

а) бир факторли; б) кўп факторли.

**Амалга ошириши кўламига қараб:**

а) якка тартибли дала тажрибалари; б) ялпи ёки географик тармоқ дала тажрибалари.

#### Давомийлигига кўра:

а) қисқа муддатли; б) кўп йиллик; в) сурункали.

Тажриба учун майдон танлаш ва уни тайёрлаш. Дала тажрибаси ўтказиладиган майдон бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Тажриба майдони типик (репрезентатив) бўлиши лозим.

Тажриба майдончасининг тарихи. Хўжалик фаолияти нуқтаи-назаридан тарихи номаълум бўлган майдонларда дала тажрибаларини ўтказиб бўлмайди. Тажриба учун танлаб олинадиган майдонга кейинги йилларда бир хил экин экилган бўлиши, шу жойнинг сўнгти 3–4 йиллик тарихини синчиклаб ўрганмоғи шарт.

Тажриба майдончаси турар жой бинолари, чорвачилик фермалари ва дараҳтзорлардан камида 50–100 м, ёлғиз турган дараҳт ва бинолардан камида 25–30 м олисроқдан танланади. Шунингдек, тажриба майдонлари қадимги йўллар, ўғит ва гўнг уюмлари, куриб қолган ариқлар ўрнида жойлашмаслиги керак.

Тупроқлари. Биринчи навбатда тупроқ унумдорлиги жиҳатдан бир жинсли бўлиши лозим. Тупроқларнинг хили, хоссалари ва сизот сувларини ётиш чуқурлигини аниқлаш учун тупроқ кесмалари солинади, тупроқнинг ҳайдалма қатламидан намуналар олинади ва 1:1000–1:5000 кўламдаги тупроқ ҳаританомалари тузилади ва шу асосда майдонда тарқалган тупроқларга тавсиф берилади. Лекин кўп сонли кузатишлардан шу нарса маълумки, ҳар қанча жiddий кимёвий анализлар натижасида ҳам тупроқ унумдорлигидаги олачалпоқликни узил-кесил аниқлаб бўлмайди. Буни аниқлашда тажриба майдончасига маълум бир қишлоқ хўжалик экинларини экиш усулидан фойдаланилади. Одатда экинларни бундай экиш рекогносцировка учун экиш деб юритилади.

Тажриба майдончасининг рельефи. Дала тажрибаларида жойнинг рельефига қўйиладиган талаблар тадқиқотларнинг мақсади ва етиштириладиган экин турларидан келиб чиқади.

#### Дала тажрибасининг таркибий қисмлари

Тажриба вариантлари ва уларнинг сони, бўлмалар, уларнинг майдони ва йўналиши, тракторлар ва уларни жойлаштириш тизими, ҳосилни йигиштириб олиш

усули ва бошқа шу кабилар дала тажрибасининг элементларидан ҳисобланади.

Дала тажрибасининг вариантлари ва уларни жойлаштириш. Дала тажрибасидаги бир-биридан фақат ўрганилаётган битта белгиси билан фарқланадиган, лекин бир хил катталиқдаги юзаларга эга бўлган бўлакчаларга тажриба вариантлари дейилади.

Вариантлар сони тажриба типиклигига тўғридан тўғри таъсир этмасада, ундаги хатоликларга таъсир кўрсатади. Вариантлар сонининг 10–12 тадан ошиб кетиши, табиийки, тажриба майдони юзасининг ошишига, бу ўз навбатида хатоликлар саломгининг ошишига сабаб бўлади.

Вариантлар уч хил усулда жойлаштирилиши мумкин: а) стандарт; б) систематик; в) реномизация.

Стандарт усулда ҳар 1–2 тажриба вариантидан кейин албаттаги қиёсий вариант жойлаштирилади. Агар тажриба вариантлари ҳар гал маълум бир тартибда жойлаштирилса, бу вариантларни систематик жойлаштириш деб юритилади. Айни усулда жойлаштиришнинг кўринишлари кўп бўлиб, бизда асосан бир ва кўп ярусли усулда жойлаштиришдан кенг фойдаланилади. Вариантларни систематик усулда жойлаштириш соддалиги ва қўллашга осонлиги билан ажралиб турган ҳолда тажриба натижаларини статистик ишлашда бир қатор нуқсонларни келтириб чиқаради. Шу боис ҳозир вариантларни жойлаштиришнинг реномизация (тасодифий) усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Дала тажрибасидаги тракторлар ва уларни жойлаштириш Дала тажрибаларининг аниқлиги уларни замонда (яъни маълум вақт ичиди) ва маконда (майдонда) тракторланишига боғлиқдир.

Дала тажрибалари камида 3–4 йил давом этиши, бошқача айтганда, замонда тракторланиши шарт.

Дала тажрибалари майдон (макон)да бир нечта тракторликда бажарилади, бу билан тупроқ унумдорлигидаги олачалпоқлик ҳисобига юзага келадиган хатоликлар камайтирилади.

Тажриба ишлари услубиётида тракторларни жойлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланилади: йигма ва сочма усул.

Йигма усулда барча тракторлар яхлит битта майдонда жойлаштирилади. Улар бир-биридан фақатгина бир ва икки ярус кўринишида жойлашганлиги билан фарқ қиласди.

*Сочма усулда жойлаштирилганда эса, тақрорликлар битта майдоннинг турли жойларида ва ҳаттоқи бошқабошқа майдонларда ҳам жойлаштирилиши мумкин. Агрокимёвий тадқиқотларда жойлаштиришнинг бундай усулидан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади.*

*Ҳимоя йўлакчалари. Вариантлар ўртасида маълум кенгликдаги бўш ер (ҳимоя йўлакчалари) қолдирилмаса, маълум муддатдан кейин вариантларга қўлланилаётган ўғитларни бир вариантдан иккинчи вариантга «ўтиб қолиши» кузатилади. Шу сабабдан ҳам тажриба вариантлари ўртасида камидан бир метрли ҳимоя йўлакчалари қолдирилади.*

Шунингдек, тажриба майдончасининг бошлангич ва қуий қисмларида ҳам ҳимоя йўлакчалари қолдирилади. Буларнинг эни одатда 4—5 м атрофида бўлиб, биринчидан, техниканинг бурилиб олиш жойи ҳисобланса, иккинчидан, тажрибадаги экинларни тасодифий босқинлардан (чиғирткалар, кушлар ва чорва моллари томонидан пайҳон қилинишидан) сақлайди.

*Ҳисобга олинадиган қаторлар ва ўсимликлар. Табиийки, йирик бўлмали дала тажрибаларида мавжуд бўлган барча ўсимликлар устида кузатишларни олиб бориб бўлмайди ва бунга ҳожат ҳам йўқ.*

Фараз қилинг, тажриба вариантида 12 қатор бор. Одатда шу 12 қатордан ўртадаги 8 қатор ҳисобга олинадиган ва четдаги 4 таси ҳисобга олинмайдиган қатор ҳисобланади.

Дала тажрибаларида ҳисобга олинадиган қаторлар ичida ҳисобга олинадиган ўсимликлар танлаб олинади, ва уларга ёрлиқ (этикетка)лар осиб чиқлади. Маълум юзага эга бўлган майдончадаги ўсимликлар донли ва донли-дуккакли экинлар билан, шунингдек ўтсимон ўсимликлар билан иш олиб борганда қўлланилади.

*Тажриба майдончасидаги дала ишлари. Дала тажрибасидаги барча тадбирлар ўз вақтида, қисқа муддатларда амалга оширилмоғи керак. Иложи борича режалаштирилган тадбир бир кун ичida тугаллансан, мақсадга мувоғиқ ҳисобланади. Дала ишларини юқори савияда амалга ошириш дала тажрибаларидан олинадиган натижаларни ҳаққоний бўлишининг гаровидир. Бажариладиган дала ишларининг ичida ўғитлашга алоҳида эътибор берилмоғи керак, чунки ўғитлаш пайтида йўл қўйиладиган хатони ҳеч бир йўл билан тўғрилаб бўлмайди.*

*Вариантларга бериладиган ўғитлар лаборатория хоналарида техник тарозилар ёрдамида тортиб олинади ҳамда халтacha ва кутиларга жойланади. Ҳар битта идишга вариант рақами ёзилиб, тегишли вариантларга тарқатиб чиқлади. Берилиши керак бўлган гўнг биринчи навбатда яхшилаб майдаланади, белкурак ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва далага бир текисда сочиб чиқлади.*

Дала тажрибаси ўтказиладиган майдоннинг тупроқларини ҳайдашга алоҳида эътибор берилади. Ҳайдаш чоғида баланд-паст, ўйдим-чукур бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Тажрибадаги вариантларга берилган ўғитлар аралашиб, бир-бирига ўтиб кетмаслиги учун ҳайдаш вариантларнинг узунлигига (бўйига) кўндаланг ҳолда амалга оширилади. Тупроқни ишлашнинг экинларга таъсири ўрганилмайдиган тажрибаларда ҳайдаш барча вариантларда бир хилда, бир пайтда ва юқори савияда амалга оширилади.

*Экиши. Экишни талаб даражасида ўтказиш экиш техникасига ва уруғнинг сифатига боғлиқ. Барча тажрибаларда экиш меъёрини уруғнинг массасига қараб эмас, балки унувчан уруғлар сонига қараб белгилаш керак.*

Дала тажрибаларида экиш бир куннинг ўзида, бир хил чуқурликда ўтказилиши шарт.

*Ниҳолларни парваришилаш. Дала тажрибасидаги ниҳолларни парвариши ҳам худди ишлаб чиқариш шароитидаги каби йўлга қўйилади. Барча режалаштирилган тадбирлар ўз муддатида, сидқидилдан ва бир хилда бажарилади. Чопиқ, қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш тажрибанинг барча бўлимларида бир хилда ўтказилиши талаб қилинади.*

Ниҳолларни парваришилашда айниқса уларни бегона ўтлар билан ифлосланишига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, бегона ўт босган ва босмаган вариантлардаги ниҳоллар ўсиш, ривожланиш ва кейинчалик ҳосилдорлик жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласи.

*Дала тажрибаларда кузатиш ва ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш. Дала тажрибасида амалга ошириладиган кузатиш ва ҳисоб-китоб ишлари аввалдан тузилган режа асосида бажарилади.*

Дала тажрибаларидаги кузатиш ишларини уч турга бўлиш мумкин: фенологик; энтомологик; фитопатологик.

Фенологик кузатишлар экинларни маълум бир муддатда (ҳар 10, 15, 30 кун) ёки ривожланиш даврлари даги ўзгаришларини характерлаш мақсадида амалга оширилади. Фенологик кузатишлар учун қанча кўп ўсимликлар олинса, шунча яхши. Лекин кўп ҳолларда, масалан ишчи кучи етишмаганда, тажриба майдони жуда катта бўлганда, маълум сондаги ўсимликларни ажратиб олиш билан чегараланади.

Ҳисобга олинадиган ўсимликлар пала-партиш, тўғри келган жойдан эмас, балки бўлма ва вариантиларнинг муайян бир жойларидан олинади. Масалан, дала тажрибасида экиш схемаси 60x30x2 кўринишида бўлиб, бўлмадаги ҳисобга олинадиган қаторлар сони 8 та бўлсин. Кузатишларни олиб бориш учун 100 дона ўсимлик талаб қилинсин. Бунинг учун ҳисобга олинадиган қаторларнинг ҳар биридан 12 тадан (4 та қатордан 13 тадан) ўсимлик танланади ва уларга этикеткалар осиб чиқилади. Танлаб олинадиган ўсимликлар бўлмадаги ўртача катталиктаги ўсимликлардан бўлиши шарт.

Етикеткаларга албатта ўсимликтарни тартиб рақами, навнинг номи, вариант ва тақорилларнинг рақами ёзиб қўйилади.

Дала тажрибаларида уруғнинг униб чиқиши, бош (асосий) поянинг бўйи, гўзанинг шоналаш ва гуллаш даврлари, кўчат қалинлиги кабилар ҳисобга олинади.

### Лаборатория усуллари

*Сифат ва миқдорий таҳлил.* Агрокимёда кимёвий сифат таҳлилидан текширилаётган моддалар таркибига кирган элемент ёки ионларни аниқлашда фойдаланилади. Сифат таҳлилида аксарият реакциялар «хўл куйдириш» усулида амалга оширилади. Бўнда текшириладиган модда сувда ёки кислота эритмасида эритилади ва элемент ёки ионларни «очиш» учун тегишли эритмалар ишлатилади.

«Куруқ куйдириш» усулида модда эритилмасдан, куруқ ҳолатда таҳлил қилинади. Баъзи тузлар ва бирикмалар қиздирилганда таркибидаги металл ионларининг алангани турли рангга бўяши ёки парчаланиши бунга мисол бўлади.

Ишлатиладиган модда миқдорига қараб макро-, микро- ва ярим микромахлиллар фарқланади.

Текшириладиган эритмадан маълум миқдорда олиб, ундаги ионларни муайян изчилликда аниқлаш бўлиб-

булиб таҳлил қилиш деб юритилади. Айрим реактивлар таркибида бир нечта ион бўлган эритмалардаги муайян ионни аниқлашга имкон беради.

Эритмада реакция жараёнида ўхшашиб натижада берувчи ионларнинг кўп бўлиши текшириладиган модда таркибини очишни қийинлаштиради. Биронта ионни очишга халақит берадиган бошқа ионларни четлаб ўтиш учун «ниқобловчи» воситалар, яъни бегона ионларни кам диссоциланадиган бирикмаларга айлантирувчи ёки уларнинг зарядини ўзгартирувчи воситалардан фойдаланилади.

Агрокимёда сифат таҳлил маҳаллий ва минерал ўйтлар тури ва таркибини ўрганиш, шўрланиш типини билиш учун тупроқ эритмаси таркибини аниқлаш, шунингдек миқдорий таҳлилдаги айрим тадбирлар (чўкмани ювиш, аммиакни ҳайдаш ва ҳ. к.) қанчалик тўла бажарилганлигини текширишда қўлланилади. Рангли модда ҳосил қилиш реакцияларига асосланган В. В. Церлинг ва К. П. Магницкий усуллари ҳам кимёвий сифат таҳлилга асослангандир.

Кимёвий миқдорий таҳлил айрим элементлар ёки улар бирикмаларининг текширилаётган модда таркибидаги миқдорини аниқлаш мақсадида ўтказилади. У ўз навбатида оғирлик, ҳажмий ва газ таҳлилларига бўлинади.

Агар элемент ёки бирикманинг миқдори кимёвий реакция маҳсулотларининг массаси бўйича аниқлансанга тортма таҳдил, бирор реагент ютган газнинг ҳажмини аниқлашга асосланган бўлса, газ таҳлили деб юритилади.

Тортма таҳлилда аниқланадиган модда ёки бирикмаларнинг миқдори тарозида аниқ тортиш йўли билан топилади. Аниқланадиган қисм массаси қуйидагича топилиши мумкин;

— эритма таркибидан аниқланадиган бирикмадан бошқа моддалар чиқариб юборилгандан кейин уни тарозида тортиш;

— таҳлил қилинаётган модда таркибидаги аниқланадиган қисм чиқариб юборилгандан кейин қолган қолдиқни тортиш;

— ўзаро кимёвий таъсир натижасида эритмада ҳосил бўладиган чўкма массасини тортиш асосида.

Агрокимёвий таҳлилда тортма таҳлилнинг барча кўринишларидан фойдаланилади.

Ҳажмий таҳлил маълум концентрацияли эритманинг аниқланадиган модда билан кимёвий реакцияси вақтида сарф бўлган ҳажмини ўлчашга асосланган. Ҳаж-

мий таҳлилда реактив билан текшириладиган модда орасидаги ўзаро кимёвий таъсирнинг тамом бўлиш пайти — эквивалент нуқтани аниқлаш муҳимdir.

Шу боис ҳажмий миқдорий таҳлил якунини пайкаш учун қайтмас реакциялардан ёки индикаторлардан фойдаланилади. Ҳажмий таҳлилда титрлаш усулидан фойдаланилади. Бундан титрланган эритма индикатор кўшилган, текширилаётган эритмага бюretқадан аввал оз-оз сўнгра эквивалент нуқта қарор топгунча томчилаб кўшиб борилади.

Реакция учун сарфланган реактив миқдори ( $mg$ )

$$m = V \cdot T$$

формула асосида ҳисобланади;

бу ерда:  $V$  — титрлашга кетган реактив,  $ml$ ;

$T$  — титр сони;

Миқдорий таҳлил турли-туман асбоблар ёрдамида амалга оширилади.

**Колориметрик усул.** Колориметрик таҳлил текширилаётган эритма рангини аниқ концентрация намуна эритма рангига солиширишга асосланган. Рангли эритмадан ўтаётган ёруғлик оқимининг камайиб бориши модданинг оптик хоссалари, концентрацияси, шунингдек рангли қатлам қалинлигига боғлиқ бўлади.

Агар бир модданинг концентрацияси маълум ( $C_1$ ) эритмаси билан концентрацияси номаълум ( $C_2$ ) эритмасининг рангли қатлам қалинлиги бир хил бўлса, у ҳолда ютиш коэффициентининг қатлам қалинлигига кўпайтмаси ўзгармас катталик ҳисобланади. Бундан, агар  $E_1 = E_2$  бўлса, намунавий эритма билан текширилаётган эритманинг оптик зичликлари ҳам мувофиқ келади. Модомики, рангли эритманинг оптик зичлиги унинг концентрациясига тўғри пропорционал экан, бу боғланиш концентрацияси маълум намунавий эритмалар учун график усуlda ифодаланиши, фойдаланиладиган эритманинг концентрацияси эса график бўйича унинг зичлигидан фойдаланиб аниқланиши мумкин.

**Алангали-фотометрик усул.** Алангани текширишга асосланган фотометрия эмиссион спектрал таҳлил усуllibаридан бири бўлиб, у алангда атомларнинг қўзғалишидан келиб чиқадиган нурланиши равшанлигини фотоэлемент ёрдамида ўлчашга асосланган. Таҳлил қилинадиган эритма сиқилган ҳаво ёрдамида аэрозол кўринишида горелка алангасига пуркалади. Аниқланаётган элементнинг ўзига хос нурланиши спектри чизиги алан-

ганинг умумий спектридан интерференцион ёруғлик фильтрлари ёрдамида ажратилиб, фотоэлементга узатилади. Ҳосил бўладиган фототок кучи аниқланадиган модда концентрациясига тўғри пропорционал бўлиб, гальванометр билан ўлчанади.

Текширилаётган эритмадаги элемент концентрацияси маълум концентрацияли андоза эритмаларнинг алантага киритилишдан ҳосил бўладиган фототок кучи асосида аниқланади. Калибр чизиги ҳосил қилиш учун модданинг концентрацияси ортиб борадиган бир нечта намуна эритмаси тайёрланади; аниқланадиган элементнинг миқдори андоза эритмаларнинг ўлчанадиган концентрациялари оралиғида бўлиши шарт. Намуна эритма ҳам, текшириладиган эритма ҳам асбобнинг бир хил режимида ўлчанади.

**Спектрал таҳлил** текширилаётган намуна таркибига кирган элементлар атомлари томонидан спектрлар чиқарилиши (эмиссия) ва ютилишига (абсорбция) асосланган.

Эмиссион усуlda элементларни миқдоран аниқлаш асосида ўрганилаётган элемент таратаётган спектр линиялари жадаллигини аниқлаш ётса, атом абсорбция усулида текширилаётган элемент атомлари томонидан ташки ёруғлик спектр линияларининг ютиладиган миқдори ётади.

Спектрал таҳлилда ёруғлик манбаи сифатида ўзгарувчан ёки ўзгармас токнинг электр ёйи хизмат қилади. Бошқа усуllар каби спектрал таҳлил усули ҳам биринчи навбатда сезигилик, аниқлик, уйгунилик ва маҳсулдорлик каби талабларга жавоб бериши лозим.

Миқдорий спектрал таҳлил нисбий усул бўлиб, унда биронта модданинг номаълум концентрацияси этalon намуналар концентрацияси билан таққослаш асосида аниқланади. Лекин тупроқ ва ўсимлик намуналари билан ишлаганда этalon танлаш бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса, тупроқ таҳлилида этalon сифатида таркиби тупроқнинг «ўртacha» таркибига яқин келадиган сунъий аралашмалардан фойдаланилади. Бу тадбир ҳамма вақт ҳам талабга жавоб беравермайди.

**Спектрографик таҳлил** одатда спектрограф деб номланадиган аппаратда амалга оширилади, қайсики спектрларни суратга туширади.

**Атом-абсорбция** усулида ишлатиладиган аналитик жиҳозлар қўйидаги асосий қисмлардан иборат бўлади: ёруғлик манбаи, ютиш ячейкаси, оптик мослама, қабул-

рўйхат мосламаси. Ҳозирги кунда турли-туман абсорбция спектрофотометрлари ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг айримлари эмиссион алангали фотометрияда ҳам кўлланилиши мумкин.

Агрокимё ва тупроқшуносликда спектрал таҳлил кўлланилади, лекин ҳозирча унинг имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти.

#### Билимингизни синаб кўринг

1. Вегетация, лизиметр ва дала тажрибаларининг ўхаш ва фарқланувчи томонлари нимада намоён бўлади?
2. Вегетация тажрибаларининг қандай турларини биласиз? Лизиметр тажрибаларининг-чи?
3. Дала тажрибалари олдига қандай талаблар кўйилади?
4. Дала тажрибасининг таркибий қисмларини айтиб беринг.
5. Ўғитлар устида амалга ошириладиган дала тажрибалари бошқа турдаги дала тажрибаларидан нимаси билан фарқланади?
6. Сифат ва микдорий таҳлил деганда нимани тушунасиз ва улардан агрокимёда қандай мақсадларда фойдаланилади?
7. Микдорий таҳлилнинг тортма усули моҳиятини тушунтириңг.
8. Микдорий таҳлилнинг асбоблар ишлатиш билан боғлик қандай усулларини биласиз?
9. Спектрал таҳдилнинг моҳиятини Сиз қандай тушунасиз?
10. Спектрографик усул ва ундан фойдаланиш имкониятларини изоҳланг.
11. Алангали-фотометрик усулининг моҳияти ва қўлланиладиган асбоб анжомлари ҳақида маълумот беринг.
12. Атом-абсорбция усулининг афзаликлари нимада намоён бўлади?

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Агрохимия/Б. А. Ягодин, П. М. Смирнов, А. В. Петербургский, Х. К. Асаров, В. А. Демин, Н. В. Решетникова. М.: ВО Агропромиздат, 1989. 639 с.
2. Городний Н. М. Агрохимия. Киев, Выша школа, 1990. 288 с.
3. Ефимов В. Н., Донских И. Н., Синицин Г. И. Система применения удобрений. М.: Колос, 1984. 272 с.
4. Красногоров В. Юстус Либих. М.: Знание, 1980. 144 с.
5. Минеев В. Г. Экологические проблемы агрохимии. М.: МГУ, 1988. 285 с.
6. Мусаев Б. С. Тажриба ишлари услубиёти. Т.: Университет, 1995. 51 б.
7. Мусаев Б. С. Ўғит кўллаш тизими. Т.: Республика ўқув услубиёт маркази, 1998. 80 б.
8. Прянишников Д. Н. Популярная агрохимия. М.: Наука, 1965.
9. Рекомендации по дифференцированному применению минеральных и органических удобрений под урожай сельскохозяйственных культур на орошаемых землях Узбекистана. Т.: 1987, 40 с.
10. Сатторов Д., Мусаев Б. Тупроқшунослик агрокимё ва мелиорацияга оид халқаро атамаларнинг русча-ўзбекча лугати. Т.: Мехнат, 1992. 162 б.
11. Смирнов П. М., Муравин Э. А. Агрохимия. М.: ВО Агропромиздат, 1991. 288 с.
12. Справочник агрохимика/Д. А. Кореньков, К. А. Гаврилов, И. А. Шильников, В. А. Васильев. М.: Россельхозиздат, 1980. 286 с.
13. Fertiliser statistics. By T. K. Chanda, A. C. Dubey, Kaldeep Sati, C. Robertson New Delhi, 1998. p. 430.
14. Handbook on Fertiliser Usage. By S. Seetharaman, B.C. Biswas, R.K. Tewatia. New Delhi, 1994. p. 218.
15. Methods of Analysis of Soils, Plants, Waters and Fertilisers. Edited by. LIS Tandon. New Delhi, 1998. p. 144.

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш. Ўғитлар ҳосилдорликни ошириш омили . . . . .</i>	3
<b>I боб. Агрокимёниг мақсади, вазифалари, услубиёти ва тарихи</b>	
Ўсимликларнинг озиқланишига оид назарияларнинг шаклланиши ва агрокимё фанининг юзага келиши . . . . .	10
Ўзбекистонда агрокимё фанининг юксалиш босқичлари	18
<b>II боб. Ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва озиқланиши</b>	
Ўсимликларнинг минерал кимёвий таркиби . . . . .	24
Ўсимликларнинг органик кимёвий таркиби . . . . .	29
Ўсимликларнинг озиқланиши . . . . .	38
Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиши . . . . .	39
Ўсимликларнинг илдиздан озиқланиши . . . . .	41
Ўсимликларнинг илдиз тизими: типлари, тузилиши ва функциялари . . . . .	43
Озиқ элементларнинг ютилишига доир назариялар . . . . .	48
Ташқи мұхит омылларининг ўсимликлар озиқланишига таъсири . . . . .	56
Тупроқ әрітмаси концентрацияси . . . . .	56
Озиқ мұхитидеги элементлар нисбати . . . . .	58
Тупроқ намлығы . . . . .	60
Тупроқ аэрацияси . . . . .	61
Ҳарорат . . . . .	61
Әрүелік . . . . .	62
Тупроқ мұхитининг реакцияси . . . . .	62
Тузларнинг физиологик реакцияси . . . . .	63
Тупроқ микроорганизмлари . . . . .	64
Ўсимликларнинг ривожланиши даврлари ва озиқланиш шароитлари ўртасидеги мұносабат . . . . .	66
<b>III боб. Тупроқларнинг ўсимликларни озиқланиши ва ўйт күллаш билан бағылқы хоссалари</b>	
Тупроқнинг таркиби . . . . .	70
Тупроқнинг минерал қисми . . . . .	73
Тупроқнинг органик қисми . . . . .	75
Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори ва ўсимликлар учун лаёқатлиліги . . . . .	79
Тупроқнинг сингдириш қобилияты . . . . .	81
Тупроқнинг сингдириш сиғими ва сингдирилгандай катионлар таркиби . . . . .	88
Тупроқларнинг нордонлуги ва ишқорийлігі . . . . .	92

Тупроқларнинг буферлігі . . . . .	94
Ўзбекистон тупроқларининг агрокимёвий тавсифи . . . . .	96
Чўл миңтақаси тупроқлари . . . . .	97
<b>IV. Ўғитлар. Азотли ўғитлар</b>	
Азотнинг ўсимликлар озиқланишидаги аҳамияти . . . . .	108
Тупроқдаги азот миқдори ва азотли бирикмалар динамикаси . . . . .	113
Деҳқончиликда азотнинг айланиши . . . . .	115
Азотли ўғитлар: турлари, олиниши, хоссалари . . . . .	118
Аммиакли-нитратли азотли ўғитлар . . . . .	119
Аммиакли азотли ўғитлар . . . . .	122
Нитратли азотли ўғитлар . . . . .	126
Амидли азотли ўғитлар . . . . .	127
<b>V боб. Фосфорли ўғитлар</b>	
Фосфорнинг ўсимликлар озиқланишидаги аҳамияти . . . . .	130
Тупроқдаги фосфор . . . . .	133
Фосфорли ўғитлар: олиниши, хоссалари ва қўлланиши . . . . .	136
Сувда яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар . . . . .	137
Кучиз кислоталарда эрийдиган фосфорли ўғитлар . . . . .	139
Сувда ва кучиз кислоталарда эримайдиган фосфорли ўғитлар . . . . .	141
Фосфорли ўғитларни қўллаш . . . . .	141
<b>VI боб. Калийли ўғитлар</b>	
Калийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияті ва ҳосил таркибидеги миқдори . . . . .	145
Тупроқдаги калий . . . . .	150
Калийли ўғитлар, уларнинг олиниши ва хоссалари . . . . .	152
Саноат асосида олинадиган калийли ўғитлар . . . . .	153
Табиий калийли тузлар . . . . .	155
Калийли ўғит сифатида ишлатиладиган саноат чиққиндилари . . . . .	156
Калийли ўғитларнинг тупроқ билан ўзаро таъсири . . . . .	158
Калийли ўғитларни қўллаш . . . . .	163
<b>VII боб. Олтингугуртли, магнийли ва темирли ўғитлар.</b>	
Кальцийнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти	
<b>VIII боб. Микроўғитлар</b>	
Бўр . . . . .	167
Мис . . . . .	169
Марганец . . . . .	170
Молибден . . . . .	172
Рух . . . . .	174
Кобальт . . . . .	175

## **IX боб. Комплекс ўғитлар**

Мураккаб ўғитлар . . . . .	179
Мураккаб-аралаш (комбинацияланган) ўғитлар . . . . .	180
Суюқ ва суспензияланган ўғитлар . . . . .	182
Аралаштирилган ўғитлар . . . . .	183

## **X боб. Маҳаллий ўғитлар**

Гүнглар. Тұшамали гүнг . . . . .	189
Тұшамасиз гүнг . . . . .	199
Гүнг шалтоғи . . . . .	203
Парранда ахлати . . . . .	204
Сапропел . . . . .	205
Ғұзапоя ва қовоқоқ . . . . .	206
Нажас (хожатхона ахлати) . . . . .	207
Ипак күрти чиқындиси . . . . .	208
Шаҳар чиқындилари . . . . .	208
Компостлар . . . . .	209
Күкат ўғитлар . . . . .	210
Бактериал препаратлар . . . . .	212

## **XI боб. Ўғит құллаш тизими**

Ўғитлаш тизимининг мақсади ва вазифалари . . . . .	217
Экинларнинг ўғитта бўлган талабини аниқлашнинг физиологик асослари . . . . .	218
Озиқ моддаларнинг ҳосил билан олиб чиқиб кетилиши . . . . .	219
Ўсимликлар томонидан тупроқ озиқ моддаларининг ўзлаштирилиши . . . . .	221
Ўсимликларнинг ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўзлаштириши . . . . .	222
Илдиз ва анғиз қолдиқларининг тупроқ озиқ режимига таъсири . . . . .	223
Турли омилларнинг маҳаллий ва минерал ўғитлар самарадорлигига таъсири . . . . .	224
Тупроқ иқлим шароитлари . . . . .	224
Агротехникавий шароитлар . . . . .	225
Минерал ва маҳаллий ўғитларни биргаликда құллаш . . . . .	227
Ўғит құллашнинг турлари, усуллари, мұддатлари ва техникаси . . . . .	228
Қишлоқ ҳұжалик экинларига ўғит мөъёларини белгилаш . . . . .	233
Асосий қишлоқ ҳұжалик экинларини ўғитлаш. Фұзани ўғитлаш . . . . .	243
Күзги будой ва жақдарни ўғитлаш . . . . .	249
Баҳори будой, арпа ва сулинин ўғитлаш . . . . .	251
Маккаждыорини ўғитлаш . . . . .	253
Дуккакли-дон экинларни ўғитлаш . . . . .	254
Шолини ўғитлаш . . . . .	257

## **Сабзавот экинларини ўғитлашнинг ўзига хос томонлари**

Карамни ўғитлаш . . . . .	261
Бодрингни ўғитлаш . . . . .	263
Помидорни ўғитлаш . . . . .	264
Пиёзни ўғитлаш . . . . .	265
Сабзини ўғитлаш . . . . .	266
Қандлавлагани ўғитлаш . . . . .	267
Картошканы ўғитлаш . . . . .	268
Бедани ўғитлаш . . . . .	271
Тамакини ўғитлаш . . . . .	275
Мевали дараҳтлар, ток ва тутни ўғитлаш . . . . .	278
Ўғитлардан олинадиган иқтисодий самара ва уни ҳисоблаш . . . . .	279
Ўғитлардан олинадиган иқтисодий самара ва уни ҳисоблаш . . . . .	284

## **XII боб. Агрокимёнинг экологик муаммолари**

Суғориладиган шароитларда ўғит құллаш муаммолари . . . . .	288
Тупроқ эрозияси ва ўғитларнинг исроф бўлиши . . . . .	289
Ўғитларнинг хосса ва сифатларини яхшилаш — экологик муаммоларни ечишда мухим тадбир . . . . .	291
Ўғитларнинг атмосферага таъсири . . . . .	293
Ўғитларнинг тупроқ хоссаларига салбий таъсири . . . . .	294
Ўғитларнинг маҳсулот сифатига таъсири . . . . .	296

## **XIII боб. Агрокимёвий текшириш усуллари**

Биологик усуллар . . . . .	297
Тупроқли мұхитда амалга оширадиган вегетация тажрибалари . . . . .	299
Лизиметрик усул . . . . .	301
Дала тажрибалари усули . . . . .	301
Лаборатория усуллари . . . . .	308
Адабиётлар рўйхати . . . . .	313

**Б. С. МУСАЕВ**

**АГРОКИМЕ**

*(Дарслик)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Мұхаррір *A. Бобониёзов*  
Рассом *K. Акчулаков*  
Бадий мұхаррір *Ф. Башарова*  
Техник мұхаррір *D. Габдрахманова*  
Мусаҳих *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 20.12.2000. Босишга рухсат этилди 14.03.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоги 16,8. Нашриёт-хисоб табоги 17,7. Адади 3000 нұсха. Буюртма  
1396. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**

М 90

**Мусаев Б. С.**

Агрокимё: Кишлоқ хұжалиги институтлари талабалари учун дарслик. — Т.: «Шарқ», 2001. — 320 б.

ББК 40.4я73